

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

С.У.МЕҲМОНОВ

БЮДЖЕТ ҲИСОБИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 336.143 (076)

КБК: 65.261.3я73

M47

M47 С.У. Мехмонов. Бюджет хисоби. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 352 бет.

ISBN 978-9943-10-633-8

Мазкур ўкув кўлланмада Ўзбекистон Республикасида бюджет хисобини ташкил этишининг долзарб масалалари ҳамда ташкилий ва услубий асослари ёритилган. Ўкув кўлланмада бюджет хисобига доир иборалар, тушунчалар, ўзлаштириш учун саволлар, тестлар, адабиётлар рўйхати кептирилган.

Ўкув кўлланма Олий таълим муассасалари 5341800 «Бюджет хисоби ва назорат» йўналиши ва унинг негизида тайёрланадиган мутахассисликлар талабалари, ўқитувчилар, стажёр таджикотчиларга мўлжалланган бўлиб, ундан бюджет соҳасида фойлият юритаётган хисобчилар, шунингдек, бу фанга кизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

Д. Убайдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети Бош бошкармаси бўлим бошлиги;

У. Бурхонов – и.ф.н., доцент, Тошкент молия институти «Молия» кафедраси мудири.

В данном учебном пособии освещены проблемы организации бюджетного учета в Республике Узбекистан, а также организационно - методологические основы. В учебном пособии приводятся основные термины, понятия, вопросы и тесты для повторения, список литературы.

Данная учебная пособия предназначена для бакалавров обучающихся высших образовательных учреждениях по направлению 5341800 – «Бюджетный учет и контроль» и специальностей этого направления, преподавателей, стажёр – исследователь, а также широкому кругу специалистов бухгалтерии в бюджетной сфере и интересующих этим предметом

Рецензенты:

Д. Убайдуллаев – Начальник отделения Главного управления Государственного бюджета Министерство финансов Республики Узбекистан;

У. Бурхонов – к.э.н., доцент, Заведующей кафедрой «Финансов» Ташкентского финансового института

This book describes the methodical and organizational basis of budget accounting as well as practical problems in this sphere in Uzbekistan. The special descriptions of budget accounting, understandings, case studies, questions for revision and literature references are presented.

The textbook is recommended for students studying in specialization of 5341800 - «Budget accounting and control», PhD students, lecturer's as well as accountants working in budget sphere.

D. Ubaydullayev – Head of General Budgetary Department at the Ministry of Finance, of the Republic of Uzbekistan;

U. Burkhanov – PhD. Head of Finance Department Tashkent Institute of Finance

ISBN 978-9943-10-633-8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

*Дунёда китобдан яхшироқ дўст йўқ
Навоий*

СЎЗ БОШИ

Давлат бюджети даромадларини шаклланиши, маблағларини мақсадли сарфланиши тизимини йўлга қўйиш ва бошқариш бюджет ҳисобини юритиш асосида таъминланмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов такидлаганларидек «..... Авваломбор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бугунда кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар». ¹

Давлатнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичларини белгилашда, давлат маблағларини мақсадли, самарали сарфланиши, шунингдек, Давлатнинг мол-мулклари ва мажбуриятлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишида бюджет ҳисобининг маълумотларига асосланади. Бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш орқали бюджет ижроси натижалари бўйича бухгалтерия ва молиявий ахборотлар шакллантирилади. Унинг ёрдамида бюджет ижроси жараёни муомалалари хужжатлаштириш орқали рўйхатга олинади, бюджет таснифи асосида бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича ахборотлар шакллантирилади, бухгалтерия счётлари орқали бюджет маблағлари ва уларни манбалари умумлаштирилади ҳамда икки ёқлама ёзув асосида ҳаракати акс эттирилади, бухгалтерия баланси орқали маълум муддатга бюджет маблағлари ва уларни манбалари ҳолати акс эттирилади, ҳисботлар ёрдамида бюджет ижроси натижалари бўйича ахборотлар тақдим этилади.

Бугунги кунда бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бюджет ҳисобини ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Жумладан, Давлат бюджети ғазна ижросига ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.

Газначилиги ва унинг худудий бўлинмаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари ташкил этилди ва услубий асослари шакллантирилди, Давлат мақсадли жамғармаларида бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисботлари, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишининг услубий асослари Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001 ва бошқа тегишли халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизда Бюджет ҳисобини юритишини куйидаги йўналишларга ажратиш мумкин, яъни:

1. Республика, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижросининг ҳисоби – Молия вазирлиги ва тегишли худудий молия органлари ҳамда Молия вазирлигининг Газначилиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан олиб борилади.

2. Давлат мақсадли жамғармалари (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, шунингдек, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар) ижросининг ҳисоби – тегишли жамғармалар томонидан олиб борилади.

3. Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметаси ижросининг ҳисоби – бюджет ташкилотлари томонидан олиб борилади.

Республика, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритилиши асосида бюджет ижроси жараёнида бюджет пул маблағлари, даромадлари ва харажатлари, бюджетлар ўртасида ҳисоблашувлар, бюджет ижроси натижалари бўйича ахборотлар шакллантирилади ва тақдим этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, шунингдек, бошқа жамғармалар) бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби юритилиши асосида жамғарма бюджети ижроси жараёнида жамғарма пул маблағлари, даромадлари ва харажатлари, Давлат бюджети билан ҳисоблашувлар, жамғарма бюджети ижроси натижалари бўйича ахборотлар шакллантирилади ва тақдим этилади.

Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметаси ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритилиши ёрдамида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар харажатлар сметалари ижроси жараёнида молиявий, номолиявий активлар, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари, жорий йилга якуний молиявий натижалар бўйича ахборотлар шакллантирилади ва тақдим этилади.

Ушбу ўқув кўлланма юкорида келтириб ўтилган масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Мазкур ўқув кўлланма саккиз бобдан иборат бўлиб, унда «Бюджет хисоби» фанининг предмети ва услубиёти, молия органлари, Газначилик ва унинг худудий бўлинмалари, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари ёритилган.

Ўқув кўлланмани яратилишида бюджет хисобини ташкил этишга оид меъёрий-хукукий хужжатлар, бошқа тегишли манбаалардан кенг фойдаланилди.

Китобни юзага чиқишида маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети Бош бошқармаси бўлим бошлиги Д.Убайдуллаевга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ўқув кўлланмани мазмун ва шакл жиҳатидан янада яхшилаш мақсадида билдириладиган барча фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Муаллиф

*Фан - жамият тараққиётини
олга силжистувчи куч воситадир.*

И.Каримов

I боб. «БЮДЖЕТ ҲИСОБИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИЁТИ

1.1. Бюджет ҳисоби фанининг предмети, вазифалари ва услубий асослари

Давлат бюджети – Давлат пул маблағларининг (шу жумладан, Давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбаалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади². Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилмаси ўз ичига Республика бюджетини, Қорақалпостон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда бюджет таснифи бўйича бюджет даромадлари шакллантирилади ва харажатлар амалга оширилади. Бюджет ижроси жараёни ҳақида ахборотлар бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш орқали шакллантирилади.

Бюджет ҳисоби бу бюджет ижроси жараёни бухгалтерия ҳисоби бўлиб, Давлат бюджети, Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалари бюджети ижроси жараёнида ҳисобга олинадиган молиявий, номолиявий ҳамда молиявий мажбуриятлар ҳолати бўйича пул ўлчовида ахборотларни йигиши, рўйхатга олишнинг тартиблаштирилган тизимиdir.

Бюджет ҳисобини юритишдан мақсад фойдаланувчиларга бюджет ижроси жараёни бўйича тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ва молиявий ахборотларни шакллантириб беришдан иборат.

Бюджет ҳисобининг предмети бу бюджет ижроси жараёнида бюджет маблағлари ва уларни манбаалари ҳаракатига оид иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

² Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида» конуни 14.12.2000 й., N 158-II

Бюджет ҳисоби Давлат бюджети, Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалари бюджети ижроси бүйича юритилади ва бюджетлар ижроси ҳолати ҳақида маълумотларни шаклланишини таъминлайди.

Бюджет ҳисобининг вазифалари:


- бюджет ижросини амалга ошириш ва натижаларини шакллантириш;
- бюджет ижроси жараёни муомалаларини хужжатлаштириш ёрдамида рўйхатга олиш;
- бюджет ижроси жараёнида бухгалтерия ҳисобварақларда бюджет маблағларини ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш;
- бюджет ташкилотларида даромадлар ва ҳаражатлар сметалари ижросини амалга ошириш ва натижаларини шакллантириш;
- бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати, ҳаракати, мулкий қийматликлар ва мажбуриятларнинг ҳолати ҳамда молиявий натижалари тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- бюджет ижросига оид бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ва ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

– бюджет ҳисобини юритишни алоҳида хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши;
- бюджет ижросини назорат қилиниши;
- ҳаражатлар сметаси ижросини назорат қилиниши;
- давлат бюджети газна ижроси шароитида ҳисобни ташкил этилиши ва юритилиши;
- ҳисобда касса ва ҳақиқий ҳаражатларни юритилиши;
- бюджет ташкилотларида соҳа хусусиятлари бўйича ҳисобни ташкил этилиши ва бошқалар.

Бюджет ҳисобини алоҳида хусусиятлари бухгалтерия ҳисоби вазифаларига қўшимча янада аниқроқ вазифалар киритилишини талааб этади. Яъни тасдиқланган бюджет ижросини тўғри ташкил этиш, молия-бюджет интизомига риоя қилиш ва бошқалар.

Юқоридаги вазифаларни умумлаштириб бюджет ҳисоби функциясини куйидагича акс эттириш мумкин (1.1.1-чизма).



1.1.1-чизма. Бюджет хисобининг функциялари.

Назорат функцияси – орқали бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш мулкларни сакланиши, тайинланиши бўйича сарфланниши тизими йўлга кўйилади.

Бюджет хисобида назоратни учта тури кўлланилади: дастлабки назорат; жорий назорат; кейинги назорат.

Дастлабки назорат – сметаларни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида амалга оширилади. Унда бюджет интизомига риоя қилиниши, шунингдек, қонунчилик талаблари бузилиши олди олинади.

Жорий назорат – бюджет ижроси жараёнида амалга оширилиб, содир бўлган муомалаларини конунийлиги, пул маблағларини оқи-лона сарфланиши, мулкий қийматликлар бўйича ҳисоб маълумотларини хақиқий ҳолатга мослиги, ҳисоблашувлар ҳолати ва бошқалар назорати амалга оширилади.


Кейинги назорат – умумлаштириш босқичи учун зарур бўлиб, ҳисоб ва ҳисбот ахборотларини қонунийлигини аниклаш учун амалга оширилади.

Ахборот функцияси – орқали молиявий ҳисботлар асосида бюджет ижроси жараёнида даромадлар, бюджет харажатлари мақсадли йўналиши, натижалар бўйича маълумотлар шаклланади.

Бюджет хисобининг субъектлари бўлиб, молия органлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, бўлимлари), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат мақсадли жамғармалари, бюджет ташкилотлари бўлиб ҳисобланади.

Бюджет хисобининг обьектлари бўлиб, бюджет ижроси жараёнида бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджет пул маблағлари, бюджет ссудалари, ҳисоблашув бўйича маблағлар, айланма касса маблағлари, бюджет ташкилотларининг даромадла-

ри, харажатлари, молиявий, номолиявий активлари, мажбуриятлари ва молиявий натижалари ҳисобланади (1.1.2-чизма).



1.1.2-чизма. Бюджет ҳисобининг объектлари.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими» тўғрисидаги қонунига мувофиқ шакллантирилади :

давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблаг ажратиш доирасида амалга оширилади.

Давлат бюджети пул маблағлари ҳаракати ва ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан юритилади.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуий бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағдир. Бюджет ссудаси бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган даромадлар бўйича касса узилишларини қоплаш учун юқори бюджетдан қуий бюджетга ажратилади.

Давлат бюджет тасдиқлангандан сўнг давлат ва маҳаллий соликлар ва даромадлар тўғрисида, маъмурий-ҳудудий бўлиннишдаги, корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмаларининг бўйсунишидаги ўзгаришлар, турли хилдаги бўйсунишидаги қурилиш объектлари ўргасида капитал қўйилмалар лимитларини қайтадан тақсимланишдаги ўзгаришлар бўйича қабул қилинган

янги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари қабул қилиниши натижасида алоҳида олинган бюджетларга ўзгаришлар киритилган ҳолларда бюджет ижроси жараёнида бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоблашувлар амалга оширилади.

Бюджет ижроси жараёни натижаси бўйича айланма касса маблағлари қолдиги шакллантирилади. Айланма касса маблағлари бўйича меъёр белгиланади.

Айланма касса маблағи меъёри – молия йилида республика бюджети Қоракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам микдоридир.

Бюджет ташкилотлари фаолияти харажатлари бюджет маблағлари ҳисобига молияланади. Шу билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича шакллантирилади. Бюджет ташкилотлари харажатлари смета доирасида харажатлар иқтисодий таснифи бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий активлари, яъни пул маблағлари Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида очилган шахсий ҳисобварақларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида юритилади. Бюджет ташкилотлари номолиявий активларига асосий воситалар, номоддий активлар, товар моддий захиралар, материал қийматликлар ва бошқалар киради. Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёнида номолиявий активлар ҳисоби белгиланган тартибда юритилади.

Бюджет ташкилотлари сметалар ижроси жараёнида белгилangan вазифани бажариш бўйича жисмоний ва юридик шахслар билан ҳисоблашувларни амалга оширади ва улар бўйича мажбуриятлар юзага келади.

Бюджет ташкилотлари жорий йилга молиявий натижаларни маблағларни шаклланиши манбаалари бўйича шакллантиради ва якуний молиявий натижани аниқлайди.

Бюджет ҳисобини ташкил этиш молия органлари ва бюджет ташкилотларини раҳбарлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

Бюджет ҳисобининг услубий асосларини бюджет ижроси бухгалтерия ҳисобига оид қабул қилинган қонуний ҳужжатлар ташкил этади (1.1.3-чизма).

1. Бюджет ҳисобини бевосита ва билвосита ташкил этишини тартибиға солувчи конунлар ва конуний ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари)
2. Бюджет ҳисобини ташкил этишини базавий тамойилларини умумлаштирувчи мөъёрий ҳужжатлар (йўрикномалар, низомлар)
3. Бюджет ҳисобини алоҳида обьектлари ҳисобини юритиш механизми, хусусиятларини акс эттирувчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигигининг услубий кўрсатмалари, тавсиялари)
4. Бюджет ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини мужассамлаштирган ишчи ҳужжатлар

1.1.3-чизма. Бюджет ҳисобини мөъёрий-хукуқий асослари тизими.

Давлат бюджети ижросининг ҳисоби устидан умумий услубий раҳбарлик қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юқлатилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ҳисоби бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

- давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга услубий раҳбарлик қилади;
- бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби бўйича молия орнганлари, бюджет ташкилотлари ва ваколатли органлар учун йўрикномалар ва услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;
- республика бюджети ижросини амалга оширади ва ҳисбот тузади.


Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ҳисоби фани предмети нимани ўргатади?
2. Бюджет ҳисобининг мақсади, вазифалари нималардан иборат?
3. Бюджет ҳисобининг обьектларини тавсифлаб беринг?
4. Бюджет ҳисобининг услубий асослари нималардан иборат?

1.2. Ўзбекистон Республикасида Бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш

Мамлакатимиз бюджет тизимида ислоҳотларни бориши жараёнида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Охирги йилларда бюджет ҳисобини ташкил этишга оид бир неча мөъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бюджет ҳисобини юритилишини уч йўналишга ажратиш мумкин, яъни (1.2.1-чизма):



1.2.1-чизма. Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисобини юритилиши чизмаси.

1. Республика, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижросининг ҳисоби – Молия вазирлиги ва тегишли худудий молия органлари ҳамда Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан олиб борилади.

2. Давлат мақсадли жамғармалар (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бошқалар), шунингдек, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ижросининг ҳисоби – тегишли бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан олиб борилади.

3. Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметаси ижросининг ҳисоби бўйича -бюджет ташкилотлари томонидан олиб борилади.

Молия органларида, шунингдек, Фазначилик ва унинг худудий бўлинмаларида бюджет ҳисоби юритилиб, Давлат бюджети фазна ижроси шароитида Республика, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланиши харажатларини амалга ошириш, бюджет ижроси натижалари бўйича бухгалтерия

ахборотларини шакллантириб беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, бўлимларида, шунингдек, Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида бюджет ижроси жараёни бўйича бухгалтерия ҳисоби касса усулида «Ғазна дастури» асосида юритилади. Республика бюджети ижроси ҳисоби даромадларини шаклланиши, харажатларини тасдиқланган бюджетга мувофиқ амалга оширилиши, пул маблағлари, ҳисоблашувлар, бюджет ижроси натижаларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги бухгалтерия бўлими томонидан амалга оширилмоқда. Қорақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижроси ҳисоби даромадларини шаклланиши, харажатларини тасдиқланган бюджетга мувофиқ амалга оширилиши, пул маблағлари, ҳисоблашувлар, бюджет ижроси натижаларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари ҳамда Фазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари бухгалтерия бўлими томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида давлат бюджети касса ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 14 январдаги 2-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Давлат бюджети, Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалари бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Йўриқнома» га асосан бухгалтерия ҳисоби юритилмоқда ва тасдиқланган бухгалтерия счётларида бюджет маблағлари ва уларни манбаалари харакати бўйича мълумотлар шакллантирилиб белгиланган тартибда бюджетнинг касса ижроси бўйича ҳисботлар тузилмоқда.

Давлат мақсадли жамғармаларида, жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларида жамғармалар бюджети даромадчари шаклланиши, харажатларини амалга ошириш, ҳисоблашувлар ҳисоби, бюджет ижроси натижалари бўйича бухгалтерия ахборотлари белгиланган тартибда шакллантирилмоқда, ҳисботлар тузилмоқда.

Бюджет ташкилотларида бюджет маблағлари бўйича харажатлар, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёни бухгалтерия ҳисоби «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома (Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган) га асосан юритилмоқда. Бюджет ташкилот-

лари молиявий, номолиявий активлари таркиби, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари, жорий ва якуний молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ахборотлари шакллантирилиб «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан тъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий хисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» га (Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан бухгалтерия хисоботлари тузилмоқда.

Тақрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ҳисоби юритилиши йўналишларини айтиб беринг?
2. Республика, Корақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижросининг ҳисобини юритилишини тушунтириб беринг?
3. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ижросининг ҳисобини юритилишини тушунтириб беринг?
4. Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметаси ижросининг ҳисобини юритилишини тушунтириб беринг?

***Фан олга силжиган сайин бетўхтov
ўз-ўзини янгилаб боради
Гюго***

**II боб. МОЛИЯ ОРГАНЛАРИДА, ФАЗНАЧИЛИК ВА УНИНГ
ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ
ВА ҲИСОБОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**2.1. Молия органларида, Фазначилик ва унинг худудий
бўлимларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш
асослари**

Давлат бюджети ижроси бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига, «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома», Фазначилик ва унинг худудий бўлимларида давлат бюджети касса ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 14 январдаги 2-сонли буйргу билан тасдиқланган «Давлат бюджети, Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалари бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома» га асосан бухгалтерия ҳисоби юритилмоқда ва бошқа тегишли қонуний хужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари Қароқалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, шаҳар ва туман молия бўлимлари бухгалтерия ҳисобини юритади. Ҳозирда бюджет ижроси ҳисоби касса усулига асослангани сабабли, Молия органлари, шунингдек, Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларини ягона «Ғазна дастури»да юритмоқда. Молия органлари, шунингдек, Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари бош бухгалтерлари ўз ишларида (фаолиятларида) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш қоидаларини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларга таянадилар.

Молия органларида, Фазначилик ва унинг худудий бўлинмаларида бухгалтерия ҳисобини юритишдан мақсад давлат бюджети

ижроси жараёни бўйича бухгалтерия ахборотларини шакллантиришдан иборатдир.

Молия органларида Газначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуидагилардан иборат:

1. Давлат бюджети ғазна ижроси жараёни муомалаларини бухгалтерия хужжатларида акс эттириш.

2. Бухгалтерия ҳисобваракларда бюджет маблағларини ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш.

3. Давлат бюджети ижроси натижаларини аниқлаш.

4. Давлат бюджети ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисботларини тузиш, тақдим этиши ва бошқалар.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобини юритиш учун операциялар амалга оширилганлигини белгиловчи хужжатлар ва уларни ўтказишга доир фармойишлар каби бирламчи ҳисоб хужжатлари асос бўлади.

Бирламчи ҳисоб хужжатлар бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операциялар амалга оширилган пайтда ёки улар амалга оширилгандан сўнг тузилади.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича хисбот даврига доир операцияларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатлар олинмаган бўлса, улар бухгалтерия ҳисобида тегишли бирламчи хужжатларни расмийлаштириш орқали акс эттирилади.

Бунда, ўтган йилга доир бюджетнинг ғазна ижроси амалга ошириладиган молия йилига қўшимча даврда бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича амалга оширилган операцияларнинг ҳисоби, белгиланган тартибда акс эттирилган, қўшимча давр мобайнида тузилган бирламчи ҳисоб хужжатлари асосида, ўтган йилнинг бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобида амалга оширилади.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш учун газначилик бўлинмаларининг бирламчи хужжатларга ва ҳисобга олиш регистрларига имзо қўйиш хукуқига эга ходимлари томонидан имзоланган бирламчи хужжатлар расмийлаштирилади.

Бирламчи ҳисоб хужжатларида масъул шахсларнинг имзолари бўлмаса, улар ҳақиқий ҳисобланмайди. Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларни бухгалтерия ёзуви учун қуидаги

белгиланган тартибда расмийлаштирилган асос бўлиб хизмат қиласи:

Газначилик бўлинмаларининг ғазна ҳисобваракларидан, ушбу ҳисобвараклардан пул маблагларининг (ўтказиш ва қабул килиш) ҳаракатини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли белгилари кўйилган тўлов топшириқномалари ва бошқа тўлов хужжатлари (электрон ёки қофоз ҳолатидаги) илова қилинган банк кўчирмалари.

Газначилик бўлинмалари маҳсус ҳисобваракларидан бюджет маблағлари ҳисобига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг маълум мақсадлар учун бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан накд пул маблағлари тўлови бўйича шу ҳисобвараклардан пул маблағларининг (ўтказиш ва қайта тушириш) ҳаракатини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли белгилари кўйилган тўлов топшириқномалари ва бошқа тўлов хужжатлари (электрон ёки қофоз кўринишида) илова қилинган банк кўчирмалари.

11-сонли шаклдаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича билдиришнома;

3-сонли шаклдаги бюджетларни ғазна ҳисобваракларига Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, шунингдек, божхона органлари ғазна депозит счётига келиб тушган даромадлар тўғрисидаги маълумотнома (№3-бс, 3-сф, 3-дст, 3-свб шакллар);

274-сонли шаклдаги мемориал ордер (№274-б, 274-ф, 274-в ва 274-т шакллар).

Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, божхона органлари ғазна депозит счёти, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобини юритиша ишлатиладиган бошқа хужжатлар.

Бирламчи ҳисоб хужжатларини тузган ва имзолаган шахслар, ушбу хужжатларни ўз ичига олган маълумотларнинг ўз вақтида тузилиши, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги, шунингдек, уларни бухгалтерия ҳисботида акс эттирилиши учун белгиланган муддатларда етказилиши учун жавобгардирлар.

Бирламчи ва бошқа ҳисоб хужжатларига, операциялар қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган ўзгартириш киритишга йўл кўйилмайди. Банк ва касса хужжатларини ўзгартириш ва бўяшга йўл кўйилмайди.


Хар бир иш куни тугаши билан республика бюджети ижроси бўйича, маҳаллий бюджет ижроси бўйича, жамғармалар бюджети, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари, шунингдек, божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари операциялари барча бирламчи ва ҳисоб хужжатлари ғазначилик бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби ходимлари томонидан уларнинг келиб тушиши бўйича тахланади ва брошюраланади.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари иккиёклама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган бланкалар (шакллар), журналлар, китобларни ўзида ифодалайди.

Бюджетларнинг ижроси бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби кўйидаги ҳисобга олиш регистрларида юритилади:

- а) «Бош журнал» дафтари (1-к шакл);
 - б) бюджет маблағлари касса харажатлари китоби (Зкбс-шакл), жамғарма маблағлари тақсимловчилари касса харажатлари китоби (Зксф-шакл), бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари тушуми ва сарфланиши ҳисоби-китоби (Зквпф-шакл), божхона органлари ғазна депозит счётига маблағлар тушуми ва сарфланиши ҳисоби китоби (З- қдсто шакл), бюджетдан маблағ олувчиларнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари тушуми ва сарфланиши ҳисоби китоби (З-квбс шакл) ;
 - в) бюджетлар билан ҳисоблашувлар китоби, бюджетлар ва жамғармалар билан ҳисоблашувлар, шунингдек, жамғармалар билан ссудалар бўйича ҳисоблашувлар китоби (4-бсфс шакл) ;
 - г) бошқа бюджетлар билан ҳисоб-китоблар китоби (4-к шакл);
 - д) бюджет маблағлари даромадлари ва тушумлари ҳисоби китоби (5-к(бс) шакл), жамғармалар маблағлари даромадлари ва тушумлари ҳисоби-китоби (5-к(сф) шакл).
- Бунда, бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби регистрлари бўйича операциялар электрон шаклда юритилади. Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, божхона органлари ғазна депозит счёти, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари тўғрисидаги маълумот Давлат бюджетининг ғазна ижроси дастурий мажмууда кунлик асосида ва ҳисобот ойи, чораги ва йилининг ўсиб борувчи якуни билан банк кўчирмаларидан олинган ва тегишли ғазна ҳисобварагларига (операция амалга оширилган куннинг эртанги банк кунидан кечиктирмасдан)

келиб тушган ва кўчирилган маблағлар тўлов ҳужжатлари маълумотлари асосида акс эттирилади.



2.1.1-чиизма. Молия органларида, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида қўлланиладиган бухгалтерия счёtlari tasnifi.

Молия органларида, шунингдек, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, божхона органлари ғазна депозит счёti, шунингдек, бюджетдан маблағ олувлчиларнинг бюджетдан ташқари бошка маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасида касса методи асосида юритилади.

Молия органларида, шунингдек, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида бюджет ижроси жараёнини акс эттириш учун

куйидаги бухгалтерия ҳисобварақалари кўлланилади (2.1.1-жадвал):

Молия органларида, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобварақалари

2.1.1-жадвал

Биринчи тартибдаги ҳисобварақлар шифри	Биринчи тартибдаги ҳисобварақлар номи	Иккинчи тартибдаги ҳисобварақлар шифри	Иккинчи тартибдаги ҳисобварақлар номи
01	Пул маблаглари	010	Республика бюджети маблаглари
		011	Мажаллий бюджет маблаглари
		012	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблаглари
		013	Боҷхона органлари газна депозит счёти маблаглари
		014	Хорижий валютадаги Давлатнинг ташки қарзи бўйича маблаглар
		015	Миллий валютадаги Давлатнинг ташки қарзи бўйича маблаглар
		016	Валюта ҳисобвараги
		017	Бюджетга ўтказиш учун маблаглар
		018	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафакалар тўлови учун маблаглари
		019	Бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблаглари
02	Харажатлар	020	Бюджет харажатлари
		022	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблаглари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
		023	Боҷхона органлари газна депозит счёти маблаглари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
		025	Давлатнинг ташки қарзи маблаглари ҳисобидан харажатлар
		028	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
			Бюджетдан маблаг олувчиларни

		029	бошқа бюджетдан ташқари маблаглари хисобидан амалга оширилган харажатлар
03	Давлат бюджети, ДМЖ, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар, бошқа маблағлар маҳсус счёти	030	Республика бюджети хисобидан накд пул маблаглари олиш учун маҳсус хисобварак
		031	Маҳаллий бюджетлар хисобидан накд пул олиш учун маҳсус хисобварак
		032	Давлат максадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар хисобидан накд пул олиш учун маҳсус хисобварак
		033	Пул маблагларини конвертация килиш хисобвараги
		034	Йўлдаги бошқа маблаглар хисоби бўйича хисобварак
		035	Давлатнинг ташқи қарзи бўйича маблағларни конвертация килиш учун хисобварак
		036	Газначиликнинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблаглари бўйича банкдаги депозит хисобвараги
		037	Газначиликнинг бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича банкдаги депозит хисобвараги
		038	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси хисобидан накд пул олиш учун маҳсус хисобварак
		039	Бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари хисобидан накд пул олиш учун маҳсус хисобварак
04	Даромадлар	040	Бюджет даромадлари
		041	Аникланмаган тушумлар
		042	ДМЖ ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари
		043	Юкори бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажаришдан маҳаллий бюджеттага келиб тушган даромадлар

		044	Республика бюджети хисобваракла-ридан республика газна хисобва-рагига маблаглар тушуми
		045	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғар-малари хисобваракларидан жамғар-ма газна хисобварагига маблаглар тушуми
		046	Гўловчилардан газна депозит счё-тига бож ва бошқа тўловлар тушуми
		047	Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган суммалар тушуми
		048	Бюджетдан ташқари Песния жамғар-масининг ижтимоий нафакалар тўло-ви учун маблаглар тушуми
		049	Бюджетдан маблаг олувчиларнинг шахсий хисобваракларига тушган бошқа бюджетдан ташқари маблаг-лар
05	Берилган ва олинган ссудалар	051	Республика бюджетидан кўйи бюджетларга ажратиладиган бюджет ссудалари
		052	Юкори маҳаллий бюджетлардан кўйи маҳаллий бюджетларга ажра-тиладиган бюджет ссудалари
		053	Республика бюджетидан резидент юридик шахсга ёки хорижий дав-латга ажратиладиган бюджет ссуда-лар
		054	Давлатнинг ички карзи хисоби бў-йича хисобварак
		055	Давлатнинг ташки карзи хисоби бўйича хисобварак
		056	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғар-маларининг Республика бюджетидан олинган ва берилган бюджет ссуда-лари
		057	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғар-маларининг Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган ва берилган бюджет ссудалари

06	Хисоб-китоблар	061	Республика бюджети билан ўзаро хисоб-китоблар
		062	Юкори ва куйи маҳаллий бюджетлар билан ўзаро хисоб-китоблар
07	Берилган ва олинган маблағлар	071	Республика бюджетидан берилган ва олинган маблағлар
		072	Маҳаллий бюджетлардан берилган ва олинган маблағлар
	Курс бўйича фарқ	080	Курс фарки бўйича даромадлар ва харажатлар
09	Натижалар	090	Бюджет ижросининг натижалари
		091	Республика бюджети олдидаги маҳаллий бюджетларнинг бюджет ссудалари бўйича қарздорлиги
		092	Республика бюджетининг(га) маҳаллий бюджетларга (нинг) ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорлиги
		093	Юкори маҳаллий бюджетларга куйи маҳаллий бюджетларнинг бюджет ссудалари бўйича қарздорлиги
		094	Куйи бюджетнинг(га) юкори бюджетга(нинг) ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорлиги
		095	Давлатнинг ташки қарзи бўйича маблағлар тушуми ва ишлатилиши натижаси
		096	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташкири жамғармалар бюджети ижросининг натижалари
		097	Божхона органлари депозит счётига маблағлар тушуми ва сарфланиши ижроси натижалари
		098	Бюджетдан ташкири Пенсия жамғармаси маблағлари тушуми ва сарфланиши ижроси натижалари
		099	Бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташкири ва бошқа маблағлар тушуми ва сарфланиши ижроси натижалари

Муомалалар «Бош журнал»га, аналитик (таҳлилий) ҳисоб дафтарларига мемориал ордерлар ва уларга илова қилинган

хужжатларга хужжатлар асосида ёзилади. Молия органлари, шунингдек, Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари бухгалтерия бўлимида бюджет ижросига оид дастлабки хужжатлар асосида йигма хужжатлар тузилади ва бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиб мемориал ордер ва тегишли бухгалтерия китоблари расмийлаштирилади, шунингдек, мемориал ордерлардаги ёзувлар Бош дафтарга ўтказилади.

Ойнинг охирида бухгалтерия ёзувларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш учун таҳлилий ҳисоб дафтарида кўрсатилган дебет ва кредит бўйича айланмалар йигиндилиари ва қолдиқлар «Бош журнал» дафтарининг синтетик ҳисобваракларидағи айланмалар йигиндилиари ва қолдиқлар билан солиштирилади.

Бухгалтерия балансини тузиш учун асос бўлиб, Бош журнал дафтаридаги чиқарилган қолдиқ суммалари олинади.

Жорий йил бўйича бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби ёзувларида топилган хатолар қуидаги тартибда тўғриланади:

а) мазкур ҳисобот даврида бухгалтерия баланси тақдим қилингунга қадар аниқланган, мемориал ордер маълумотларини ўзгартиришни талаб қилинмайдиган хато нотўғри суммалар ва матнни устидан ўқиб бўладиган даражада ингичка чизик тортиш, керак бўлган пайтда чизилганлар устига тўғри суммаларни ва янги матнни ёзиш орқали тўғриланади. Ҳар бир тузатиш бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади;

б) бухгалтерия балансини тақдим қилингунга қадар, мемориал ордердаги хато натижасида топилган хато ёзув, унинг характеристига мувофиқ қўшимча мемориал ордер тузиш орқали ёки «Қизил сторно» усули билан тузатилади. Баланс тақдим қилингандан сўнг ҳисобот даври бухгалтерия ҳисоби ёзувларидағи топилган хатолар ҳам худди шу тарзда тузатилади. Хатолар «Қизил сторно» усули билан тузатилганда қуидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади: хато ёзув қилиб қизил сиёҳда қайтадан ёзилиб, тўғриси эса - кора (кўк, сиёҳ ранг) сиёҳда ёзилади. Жами суммаларни ҳисоблашда қизил сиёҳда ёзилган суммалар кора (кўк, сиёҳ ранг) сиёҳда ёзилган суммалар йигиндисидан айрилади. Хатоларни тузатиш бўйича қўшимча бухгалтерия ёзувлари, шунингдек, «Қизил сторно» усули билан хато тузатишлар, одатдаги реквизитлар билан бир қаторда мемориал ордерлар билан расмийлаштирилиб, тузатиш киритилган мемориал ордернинг

тузилган санаси ва рақамига асосан тузилганилиги таъкидлаб ўтилади.

Хисобот йили тугаши билан ва якуний баланс тузилишидан олдин бухгалтерия ҳисоби дафтарларида ҳар бир синтетик ва аналитик (тахлилий) ҳисобварақлар бўйича айланмалар йигиндиси ҳисобланиб, ушбу ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар чиқарилади.

Янги хисобот йилида синтетик ва аналитик ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия регистрларида йилнинг бошига мавжуд бўлган қолдиқлар якуний баланс ва ўтган йилнинг хисоб регистрларидағи ёзувларга тўлиқ мос келган ҳолда ёзилади.

Молия органларининг Давлат бюджети ижроси бўйича бухгалтерия баланси қуидаги бўлимлардан иборатdir (2.1.2-жадвал).

Давлат бюджети ижроси бўйича бухгалтерия баланси

2.1.2 - жадвал

АКТИВ		ПАССИВ	
Бўлим		Бўлим	
I	Пул маблағлари	I	Даромадлар
II	Харажатлар	II	Олинган ссудалар
III	Берилган ссудалар	III	Ҳисоблашувлар
IV	Ҳисоблашувлар	IV	Олинган маблағлар
V	Берилган маблағлар	V	Натижалар
БАЛАНС		БАЛАНС	

Бухгалтерия баланси Давлат бюджети ижроси жараёнида бюджет маблағлари ва уларни манбаалари ҳолатини акс эттириб беради.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Молия органларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг меъёрий-хукуқий асосларини айтиб беринг?
2. Молия органларида қўлланиладиган бирламчи хужжатлари нималардан иборат?
3. Молия органларида қўлланиладиган ҳисоб регистрлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Молия органларида қўлланиладиган бухгалтерия счёtlари таснифини тушунтириб беринг?

2.2 Молия органи, Газначилик ва унинг худудий бўлинмалари бош ҳисобчисининг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Бош ҳисобчи бошчилик қиласидаган молия органи, Газначилик ва унинг худудий бўлинмалари бухгалтерияси мустакил таркибий бўлинма ҳисобланади.

Молия органлари, Газначилик ва унинг худудий бўлинмаларининг бош бухгалтерлари ўз ишларида (фаолиятларида) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш қондаларини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянадилар.

Бош ҳисобчи бухгалтерия ходимлари учун хизмат вазифаларини ҳар бир ходим учун алоҳида белгилайди. Бухгалтерияда хизмат вазифалари функционал белгиларга қараб тақсимланади, яъни ходимларнинг ҳар бир гурӯҳига ёки алоҳида бир ходимга ишнинг ҳажмига қараб, маълум бир соҳа биритирилади.

Молия органи, Газначилик ва унинг худудий бўлинмалари бош ҳисобчиси лавозимга тайинланishiда ва ундан озод этилишида белгиланган тартибда молия ёки газначилик органи раҳбарининг буйруғига мувофиқ тузилган комиссия томонидан қабул қилиш - топшириш кунида ҳисоб, ҳисобот ва архив ҳужжатларининг ҳолатини кўрсатган ҳолда бухгалтерия ишларини қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатнома тузилади.

Худудий молия органлари, Газначилик бўлинмаларида ишларни топшириш ва қабул қилиш юкори молия органи, Газначиликнинг бош бухгалтери иштирокида амалга оширилади.

Қўйида мисол тариқасида бухгалтерия ишларини қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномани намунавий кўринишини келтирамиз:

Тошкент шаҳар молия бошқармаси бўйича собиқ (Набиев А.А) ва янги тайинланган (Анваров Б.К) бош ҳисобчилар ўртасида ўзаро тузилган бухгалтерия ишларини қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги

ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳар

2011 йил 1 август

Мен Набиев А.А. Тошкент шаҳар молия бошқармасининг 2011 йил 25 шолдаги 745-сонли буйругига асосан мазкур бошқарманинг янги тайинланган бош ҳисобчиси (2011 йил 25 июлдаги 746-сон буйруқ асосида) Анваров Б.К. га қуидаги бухгалтерия ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларни топширдим:

1. 2010 йил ва 2011 йилнинг 25 июль ҳолати учун бухгалтерия ҳисоб регистрлари:

- Зкбс-шакл, Зквпф-шакл, З-кдсто шакл, З-квбс шакл, 4-бсфс шакл, 5-к(бс) шакл, 5-к(сф) шакл китоблари – тўлиқ ва қониқарли дараҷсада;

- Бош-журнал китоби – тўлиқ ва қониқарли дараҷсада.

2. 2010 йил ва 2011 йилнинг 25 июль ҳолатига молиявий ҳисоботлар:

- ойлик ҳисоботлар – тўлиқ ва қониқарли дараҷсада;

- чораклик ҳисоботлар – тўлиқ ва қониқарли дараҷсада;

- ишллик ҳисоботлар – тўлиқ ва қониқарли дараҷсада.

3. Бухгалтерия бошлангич ҳужжатлари ва бошқа тегишили ҳужжатлар бухгалтерия бўлими ходимларида тўлиқ ва қониқарли дараҷсада эканлиги аниқланди.

Топширдим:

Набиев А. А _____ (имзо)

Қабул қилдим:

Анваров Б.К. _____ (имзо)

Тасдиқлаймиз:

Комиссия раиси-молия бошқармаси раҳбари: Раҳмонов О.К.

Комиссия аъзолари:

Раимов Б.Р.

Шамуродова В.А.

Зоҳидов Т.Т.

М.Ў.

Молия органи, Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари бош бухгалтерининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

– бухгалтерия ҳисобини бюджет ҳисобига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

– бухгалтерия ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини олдиндан назорат қилиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тузиш масалалари юзасидан кўрсатмалар бериш ҳамда улар устидан назоратни амалга ошириш:

– бюджет маблағларини, шунингдек, жамғармалар маблағлари, бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек, пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлиги устидан мунтазам назорат қилиш;

– бюджет ижроси жараёнида вужудга келадиган бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоблашувлар, бюджет ссудалари бўйича ҳисобкитобларни ўз вақтида амалга ошириш;

– бюджет ижроси жараёнига оид молиявий ҳисоботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш;

– бухгалтерия ҳужжатларини, ҳисоб регистрларини, шунингдек, харажатлар сметаларини (илова ҳисоб-китоблари билан бирга) сақланишини таъминлаш;

– қонунчилиқда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажарилишини таъминлаш.

Молия органи бош ҳисобчиси юқоридаги вазифа ва мажбуриятлардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги хукуқларга эга:

– бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришни раҳбардан талаб қилиш;

– барча бўлинмаларидан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштиришни ҳамда бухгалтерияга тақдим қилишни талаб қилиш;

– қонунчилиқда белгиланган бошқа хукуқларни амалга ошириш.

Бош ҳисобчи қўйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

– бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, натижада тартибсиз ҳолатга келгани ва бюджет ижросига оид молиявий ҳисоботлар бузилганда (нотўғри тузилганда);

– бюджет ижроси жараёни юзасидан қонунчилиқда белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилган ва ижрога қабул қилинган ҳолларда;

– бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Молия органида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масъулияти кимга юклатилган?
2. Молия органи бош бухгалтери мажбуриятларини айтиб беринг?
3. Бош бухгалтернинг хуқуқларини айтиб беринг?
4. Бош бухгалтернинг жавобгарлиги нималардан иборат?

2.3. Давлат бюджети ғазна ижроси шароитида бюджет даромадлари ҳисоби

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан бюджет даромадлари кўрсатилган манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат мақсадли жамғармалари, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, божхона органларининг ғазна депозит ҳисобварагига тушадиган маблағлар бўйича даромадлар манбаалари қонунчиликда белгиланган.

Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари, божхона органлари ғазна депозит счёти даромадлари касса ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ходимлар кўчирмалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларни олгандан сўнг ҳужжатларни синчиклаб текшириб, тегишли бюджет, жамғарма бюджети, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари, божхона органлари ғазна депозит счёти даромадлари бўйича тушган суммаларни тўғри қабул қилинганлигини ўрнатиши ва ушбу тушумлар олиб борилиши лозим бўлган даромадлар таснифи кодини аниқлаши керак.

Бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гурухлашдан иборатdir.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари

халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадларининг гурухланишидан иборат. Яъни даромадлар таснифи ёрдамида Давлат бюджетига келиб тушаётган барча кўринишдаги даромадлар ва тушумларни турлари, кимлардан келиб тушаётганлиги ва республикамизнинг қайси ҳудудларидан келиб тушаётганлиги тўғрисида етарлича аниқ маълумотларни олиш мумкин.

Йигирма бир коддан иборат бўлган даромадлар таснифи тузилмаси тўрт қисмли кўринишга эга:

- о маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи;
- о даромадлар тури;
- о ташкилий тасниф;
- о ҳудудий тасниф.

Даромадлар таснифи тузилмаси қўйидаги кўринишга эга:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи	Даромадлар тури	Ташкилий тасниф	Ҳудудий тасниф
X XXX X X	X XXX XXX	XXX	XX XXX

Текширилган ҳужжатлар кунлик равишда даромадлар тури бўйича дастурий мажмуага бюджет таснифининг ҳар бир коди бўйича киритилади.


Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2010 йил 20 августда Молия вазирининг 65-сон буйруги билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини кўллаш бўйича Йўриқнома» билан тартибга солинади.

Ҳар куни бухгалтерия ходимлари томонидан ғазначиликка хизмат кўрсатувчи банк томонидан тақдим этилган қўчирмаларга асосан тегишли бюджет, жамғарма бюджети, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари бўйича алоҳида-алоҳида Даромадлар ҳақида маълумотнома (3-шакл) расмийлаштирилиб тегишли 274 -сон шаклдаги Мемориал ордерга муомала содир бўлган вақтдан сўнг кейинги кундан кечиктирмай ўtkазилади ва ҳужжатлар илова қилиниб тикилади. Даромадлар китобига

маълумотлар автоматик ўтказилади. Шундан кейин шу кундан кечикирилмай Ғазначилик органи бош бухгалтери томонидан Даромадлар ҳақида маълумотнома (3 -шакл) да даромадлар таснифини акс эттирилганлиги, бухгалтерия ёзувлари текширилади ва 274 - сон шаклдаги Мемориал ордер тасдиқланади.

Молия органи бош бухгалтери Ғазначилик бухгалтерияси томонидан тасдиқланган юқорида келтирилган хужжатларни текшириб чиқади. Унда синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларини мувофиқлиги текширилади ва Ғазна дастурий мажмууда «Ижрога» белгисини қўяди ва маълумотлар бош дафтарга ва ҳисобот шаклларига автоматик ўтади.

Ғазначилик органларида даромадлар ҳисобини хужжатлаштиришни схематик кўринишини кўйидагича акс эттириш мумкин.



2.3.1 - чизма. Ғазначилик органларида даромадлар ҳисобини хужжатлаштиришни схематик кўриниши.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетга ортиқча тўланган суммаларни қайтарилиши бўйича ёзган аризалари солиқ инспекцияси келиб тушади. Солиқ инспекцияси тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларидағи маълумотларга асосан кўрсатилган тўлов бўйича тўловчидаги ортиқча тўланган сумманинг мавжудлиги тўғрисида хулоса беради ва уни тўловчининг аризаси билан бирга кўрсатилган суммани бюджетдан қайтариш ёки уни келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун молия органига беради. Молия органлари ортиқча ўтказилган маблағни қайтариш учун банк муассасасига тақдим этади ва банк муассасаси кунлик тушган бюджетга ўтказиладиган (даромад турига мувофиқ) маблағ ҳисобига қайтарилади. Бунда Газначилик органлари томонидан ортиқча тўланган маблағларни қайтариш ҳисоби юритилмайди

Ортиқча тушган даромадларни тўловчиларга қайтариб бериш молия бошқармалари томонидан банкдаги транзит ҳисоб ракамидан амалга оширилади.

Молия органларида, Газначилик ва унинг худудий бўлинмаларида бюджет даромадлари ҳисоби 04 «Даромадлар» номли ҳисобварақда юритилади. Яъни:

040	Бюджет даромадлари
041	Аникланмаган тушумлар
042	ДМЖ ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари
043	Юқори бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажаришдан маҳаллий бюджетга келиб тушган даромадлар
044	Республика бюджети ҳисобварақларидан республика ғазна ҳисобварагига маблағлар тушуми
045	Давлат максадли жамғармалари ва бошка бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобварақларидан жамғарма ғазна ҳисобварагига маблағлар тушуми
046	Тўловчилардан ғазна депозит счётига бож ва бошка тўловлар тушуми
047	Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган суммалар тушуми
048	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақалар тўлови учун маблағлар тушуми

049	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобваракларига тушган бошқа бюджетдан ташқари маблағлар
-----	---

040-сонли ҳисобварак «Бюджет даромадлари» ҳисобот йили якунни бўйича ғазна ҳисобваракларига бюджет ижроси натижалари даромадларига тушумлар, берилган ва олинган даромадлар (дотациялар, субвенциялар) суммалари, кўчирмалар, қайтариш ва ўтказишлар билан боғлик операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси:

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Республика бюджетига соликлар ва йигимлар ва бошқа даромадлардан маблағлар тушуми	010	040	Тўлов хужжатлари илова килинган ҳисобваракдан кўчирма
2.	Аниқланмаган тушумларни даромадларга олиб бориш	041	040	Хулоса
3.	Ҳисобот даврида бюджет ижроси натижалари ҳисобварагига тушган даромадларни ҳисобдан чиқариш	040	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/с
Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Вилоят бюджетининг даромадларига соликлар, йигимлар ва бошқа даромадлар ўтказмаларидан тушумлар	011	040	Тўлов хужжатлари илова килинган ҳисобваракдан кўчирма
2.	Аниқланмаган тушумларни даромадларга олиб бориш	041	040	хулоса
3.	Ҳисобот даврида тушган даромадларни бюджетлар ижроси натижалари ҳисобига ўтказиш	040	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

041-сонли ҳисобварак «Аниқланмаган тушумлар» тегишли бюджет (жамғарма бюджети) даромадларига, божхона органлари ғазна депозит счётига, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларига ўтказиш ёки даромадлар таснифининг тегишли кодларига қабул қилинишига асос бўлмаган ғазна ҳисобваракларига келиб тушган аниқланмаган маблағлар билан боғлик операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Аниқланмаган маблағлар 041-сонли «Аниқланмаган тушумлар» ҳисобваракга ўтказилади ва ҳар ойда охирги иш кунидан кечик-

тирмай 23402 банк транзит счётига ўтказилиб тегишли бюджет таснифида акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси:

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Аникланмаган тушумларни юридик ва жисмоний шахсларга қайтариш	041	010	Тўлов хужжатлари иловава қилинган хисобваракдан кўчирма
2.	ДМЖ ва бошка бюджетдан ташкари жамғармалар бўйича аникланмаган тушумларни юридик ва жисмоний шахсларга қайтариш	041	012	Тўлов хужжатлари иловава қилинган хисобваракдан кўчирма
3.	Божхона органлари томонидан аникланмаган тушумларни юридик ва жисмоний шахсларга қайтариш	041	013	Тўлов хужжатлари иловава қилинган хисобваракдан кўчирма
4.	Аникланмаган тушумларни Республика бюджети касса харажатларини тиклашга олиб бориш	041	020	Тўлов хужжатлари иловава қилинган хисобваракдан кўчирма
5.	Аникланмаган тушумларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташкари бошка маблағлари хисобидан амалга оширилган касса харажатларини тиклашга олиб бориш	041	029	Тўлов хужжатлари иловава қилинган хисобваракдан кўчирма
6.	Аникланмаган тушумларни бюджет даромадлари хисобига олиб бориш	041	040	Хулоса
7.	ДМЖ ва бошка бюджетдан ташкари жамғармалар бўйича аникланмаган тушумларни жамғарма даромадига олиб бориш	041	042	Хулоса
8.	Юридик ёки жисмоний шахслардан аникланмаган тушумлар, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчилардан ортиқча ёки	010	041	Тўлов хужжатлари иловава қилинган

	нотұғри ўтказилған түшумларни ўтказиши			хисобварап-дан күчирма
Қоралған бюджеттердең түшумларының бюджеттегі орталық мөндері				
1.	Аникланмаган түшумларни юридик ва жисмоний шахсларға қайтариши	041	011	Тұлов хуж-жатлари ило-ва қилингандан хисобварап-дан күчирма
2.	Аникланмаган түшумларни вилоят, туман бюджеттерінен касса харажаттарини ти-лашга олиб бориши	041	020	Тұлов хуж-жатлари ило-ва қилингандан хисобварап-дан күчирма
3.	Аникланмаган түшумларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташка-ри бошқа маблағлары ҳисобидан амалға оширилған касса харажаттарини ти-лашга олиб бориши	041	029	Тұлов хуж-жатлари ило-ва қилингандан хисобварап-дан күчирма
4.	Аникланмаган түшумларни даромадлар ҳисобига олиб бориши	041	040	Хулоса
5.	Юридик ёки жисмоний шахслардан аникланмаган түшумлар, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчилардан ортиқча ёки нотұғри ўтказилған	011	041	Тұлов хуж-жатлари ило-ва қилингандан хисобварап-дан күчирма

042 «ДМЖ ва бюджетдан ташқары жамғармалар даромадлары» ҳисобварапқа даромадлар түшуми, қайтариши ва молия йили якуннан жамғарма бюджеттерінде ижроси натижаларига ҳисобдан чиқарып билан бағылғыл операциялар ҳисоби учун мүлжалланған.

№	Муомалалар мазмуні	Дт	Кт	Асос бұлғындағы қаржы
1.	Нотұғри ўтказилған тұловлар ва үйфимларни қайтариши	042	012	Тұлов хуж-жатлари ило-ва қилингандан хисобварап-дан күчирма
2.	Ҳисобот даврида жамғарма ҳисоб-варагына түшгән даромадларни жам-ғарма бюджеттерінде ижроси натижаларига ҳисобдан чиқарып	042	096	Бухгалтерия маълумотномасы, м/о
3.	ДМЖ ва бюджетдан ташқары жамғармалар бюджеттегі ажратма,	012	042	Тұлов хуж-жатлари ило-ва қилингандан хисобварап-дан күчирма

	йигимлар ва бошқа даромадлардан маблағлар тушуми			линган ҳисобва-ракдан кўчирма
4.	Аникланмаган тушумларни жам-ғарма даромадларига олиб бориш	041	042	хулоса

«Юқори бюджет прогноз кўрсаткичларини ошириб бажаришдан маҳаллий бюджетларга келиб тушган даромадлар» номли 043-сонли ҳисобварақда юқори бюджет прогноз кўрсаткичларини ошириб бажаришдан маҳаллий бюджетларга келиб тушган маблағлар ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Республика бюджетининг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан маҳаллий бюджетларга даромадлар суммаларини ўтказиш	043	010	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2.	Ҳисобот йилида Республика бюджетининг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан қуйи бюджетларга ўтказилган даромадларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	090	043	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
Корақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Юқори бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан тушган даромадлар суммаларини қуйи маҳаллий бюджетларга ўтказиш	043	011	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2.	Ҳисобот йилида республика бюджетининг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан тушган даромадларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобварағига ўтказиш	043	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Вилоят бюджетига Республика бюджетининг прогноз кўрсаткич-	011	043	Тўлов ҳужжатлари илова қи-

	ларини ошириб бажарилишидан тушган даромадлар суммалари тушуми			линган ҳисобваракдан күчирма
4.	Ҳисобот йилида қуи бюджеттега ўтказилган юкори бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан тушган даромадларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобварагига ўтказиш	090	043	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

044-сонли ҳисобварак «Республика ғазна ҳисобварагига республика бюджети ҳисобваракларидан маблағлар тушуми» республика бюджети ҳисобваракларидан келиб тушган ва молия йили охирида бюджет ижроси натижаларига олиб бориладиган суммалар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужожат
	Республика ғазна ҳисобварагидан Республика бюджети ҳисобварагига Республика бюджетидан ортиқча ўтказилган маблағларни қайтариш	044	010	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан күчирма
	Ҳисобот йилида Республика бюджетидан РРХга тушган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	044	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
	Республика бюджети ҳисобваракларидан Республика ғазна ҳисобваракларига (РРХ) маблағлар тушуми	010	044	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан күчирма

045-сонли ҳисобварак «ДМЖ ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ғазна ҳисобварагига республика бюджети ҳисобваракларидан маблағлар тушуми» республика бюджети ҳисобваракларидан келиб тушган маблағлар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Республика ғазна ҳисобварағидан Республика бюджети ҳисобварағига Республика бюджетидан ортиқча ўтказилган маблағларни кайтариш	045	012	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2	ДМЖ ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ғазна ҳисобварағига Республика бюджети ҳисобварақларидан маблағлар тушуми	012	045	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
3	Ҳисобот йилида Республика бюджетидан ДМЖ ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ғазна ҳисобварағига тушган маблағларни «жамғарма бюджети ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	045	096	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

046 «Тўловчилардан ғазна депозит счётига бож ва бошқа тўловлар тушуми» ҳисобварақда ғазна депозит счётига тўловчилардан бож тўловлари кўринишида тушган даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Тўловчилардан ғазна депозит счётига бож ва бошқа тўловлар тушуми	013	046	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2.	Божхона органлари ғазна депозит счётидан бюджетга бож тўловларини ўтказиш	023	013	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
3.	Божхона органлари ғазна депозит счётидан хато ўтказилган бож тўловлари ва йигимларини	023	013	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақ

	қайтариш			дан кўчирма
4.	Ҳисобот йили газна депозит счётига бож ва бошқа тўловлар тушумини «божхона органлари депозит счёти тушумлари харжатлари натижалари» ҳисобига ўтказиш	046	097	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
5	Ҳисобот даври касса харажатларини «божхона органлари депозит счёти тушумлари харжатлари натижалари» ҳисобига ўтказиш	097	023	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

047-сонли ҳисобварақ «Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар тушуми» газна ҳисобварақларига келиб тушган ва бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар, шу жумладан, ўтган йилларнинг дебитор қарздорлик бўйича тушумлар, бюджет ташкилотларини асосий воситалари ва бошқа товар-материал бойликларини сотишдан тушган тушимлар, шунингдек, инвентаризация қилиш ва текширишлар натижасида тикланган суммалар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Газна ҳисобварақларига келиб тушган ўтган йилги дебиторлик қарзлари суммалари, бюджет ташкилотларини асосий воситалари ва бошқа товар-материал бойликларини сотишдан тушган суммалар ҳамда инвентаризация қилиш ва текшириш натижасида тикланган суммаларни бюджетга ўтказиш	047	017	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2.	Бюджетга ўтказиш учун газна ҳисоб-варақларига ўтган йилги дебиторлик қарзлари суммалари, бюджет ташкилотларини асосий воситалари ва бошқа товар-материал бойликларини сотишдан	017	047	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма

	тушган суммалар ҳамда инвентаризация килиш ва текшириш натижасида тикланган суммалар тушуми			
3.	Аниқланмаган тушумларни бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳисобварагига олиб бориш	041	047	Хулоса

048-сонли ҳисобварак «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий нафақалар тўловларига маблағлар тушуми» ижтимоий таъминот органларидан ғазна ҳисобваракларига ижтимоий нафақалар тўловлари учун тушадиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари билан боғлиқ операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
2.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий нафақалар тўлови учун тушган маблағларни қайтариш	048	018	Тўлов хужжатлари иловава қилинган ҳисобваракдан кўчирма
3.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий нафақалар тўлови учун тушган маблағларни натижаларга ўтказиш	048	098	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
1.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ижтимоий нафақалар тўлови учун маблағлар тушуми	018	048	Тўлов хужжатлари иловава қилинган ҳисобваракдан кўчирма

049-сонли «Бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми» ҳисобварак бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, бюджет ташкилотлари томонидан ишлатиши кўзда тутилган ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун тўлов бадаллари, шунингдек, болаларнинг

мусиқа мактабларида ўқиши учун бадаллар, ходимлардан иш жойидан олинган овқатланиш (мактабгача таълим муассасалари, интернатлар ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблардан келиб тушган маблағлар ҳисоби юритилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
2.	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағларини кайтариш	049	019	Тўлов хужжатлари илова килинган ҳисобваракдан кўчирма
3.	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобига тушган маблағларни натижаларга ўтказиш	049	099	м/о
1.	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми	019	049	Тўлов хужжатлари илова килинган ҳисобваракдан кўчирма

Юкорида келтириб ўтилган бухгалтерия ёзувлари мемориал ордерларда акс эттирилади ва «Бош журнал» дафтарига ўтказилади. «Бош журнал» дафтаридан даромадлар бўйича қолдиқлар бухгалтерия баланси ҳисобот шаклига ўтказилади.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет даромадлари таснифини тушунтириб беринг?
2. Давлат бюджети, жамгармалар бюджет даромадлари ҳисобини хужжатлаштириш тартибини айтиб беринг?
3. Божхона органлари газна депозит счёти, бюджетдан маблағ олувчиларни бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ҳисобини хужжатлаштириш тартибини айтиб беринг?
4. Бюджет даромадлари ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини тушунтириб беринг?

2.4. Ғазна ижроси шароитида бюджет харажатлари касса ижроси ҳисоби

«Бюджет тизими тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги ва унинг худудий бўлинмалари Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, божхона органлари депозит счёти, шунингдек, бюджетдан молияланадиган ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари касса харажатлари ижросини таъминлайди. Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига ёки унинг худудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларидағи бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиқлари доирасида тўлов топширикномалари бўйича амалга оширилади. Газна ҳисобварагидан тўланадиган бюджетларнинг касса харажатлари ҳисоби ҳар бир бюджетдан маблағ олувчи ёки харажатлар йўналиши бўйича газначилик бўлинмаларида банк кўчирмалари ва унга иловавақилинган тўлов хужжатлар асосида бюджет таснифининг бўлимлари, боблари, параграфлари ва моддалари (харажат турлари, объект ва кичик обьекти) бўйича очилган тегишли шахсий ҳисобваракларда юритилади.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гурухлашдан иборат бўлади. Яъни харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи ёрдамида Давлат бюджетидан амалга оширилаётган харажатлар Давлатнинг айнан қайси вазифасини бажариш учун амалга оширилаётганлигини аниқ белгилаб олишимиз мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилик ўргасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гурухлашдан иборат бўлади. Харажатларни иқтисодий таснифи Ўзбекистон Республикаси барча даражадаги бюджетлари харажатларини хўжалик белгиларига, ишлаб чиқариш элементларига кўра фарқлашни назарда тутади, давлат бошқарувида амалга оширилаётган хара-

жатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб бюджет харажатлари йўналишларини белгилаб беради. Давлат бюджетининг иқтисодий харажатлар таснифининг тузилмаси қўйидаги кўришида бўлади:

Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент
xx	xx	xxx

Иқтисодий харажатлар таснифи тоифалар, моддалар ва кичик моддалар кодларини ўз ичига олган 7 рақамдан иборат.


- тоифа – 2 та рақам;
- модда – 1 та рақам;
- кичик модда – 1 та рақам;
- элемент – 3 та рақам.

Бухгалтерия ходимлари томонидан Газна дастурий мажмууда ғазначиликка хизмат кўрсатувчи банк томонидан тақдим этилган кўчирмаларга асосан тегишли бюджет, жамғарма бюджети, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари бўйича тегишли касса харажатлари китоби, 274-сон шаклдаги Мемориал ордер расмийлаштирилади. Ғазначилик органи бош бухгалтери муомала содир бўлган куни кейинги кундан кечиктиримай дастурий мажмууда касса харажатлари бўйича Мемориал ордердаги киритилган ёзувларни текшириб тасдиқлайди.

Молия органи бош бухгалтери Газна дастурий мажмуусида ғазначилик органи бухгалтерияси томонидан киритилган ва тасдиқланган бюджет касса харажатлари бўйича шакллантирилган мемориал ордердаги ёзувлар, шунингдек, аналитик ва синтетик ҳисобни мувофиқлигини текширади ва дастурий мажмууга «Ижрога» белгисини киритади ва натижада Мемориал ордердаги ёзувлар автоматик равишда Бош журнал китобига ва ҳисобот шаклларида акс эттирилади. Ғазначилик органларида харажатлар ҳисоб-бини ҳужжатлаштиришни схематик кўринишини қўйидагича акс эттириш мумкин (2.4.1 - чизма).

Чизмадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлимларида Давлат бюджети касса харажатлари дафтарлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳар бир бюджетдан маблағ олувчи бўйича алоҳида юритилади. Харажат турлари бўйича режали ажратилган бюджет маблағлари ўзгаришлари, харажатлар турлари бўйича сметаларга киритилаётган ўзгартиришлар рўйхати

реквизитлари кўрсатилган ҳолда, тегишли ёзувлар билан расмийлаштирилади. Кейинчалик, касса харажатлари ҳисобида, операциялар амалга оширилган санага мувофиқ: тегишли харажат турлари бўйича суммалар ёйилмасида касса харажатларини амалга оширилишида асос бўлган тўлов топшириқномалари, чеклар ва бошқа тегишли хужжатларнинг реквизитлари ёзилади.



2.4.1-чиズма. Ғазначилик органларида харажатлар ҳисобиниң хужжатлаштиришини схематик кўриниши.

Банк хужжатлари ва шахсий ҳисобваракдан кунлик амалга оширилган операциялар кўчирмага иловалар киритилгандан сўнг касса харажатлари жами ҳисобланади ва сўровномага кўра ҳисбот сана бошига режали ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари чиқарилади.

Режали ажратилган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритишида уларнинг қолдиқлари, киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда чиқарилади. Бундан ташқари, ой охирида тегишли равишда ойлик ва йил бошидан (касса) айланмалар жами ҳисобланади.

Молия органлари, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилган касса харажатлари бюджет таснифининг ҳар бир бўлинмаси бўйича ҳисобга олинади.

Молия органлари, Газначилик ва унинг худудий бўлинмалари да бюджет даромадлари ҳисоби 02 «Харажатлар» номли ҳисобвақда юритилади. Яъни:

020	Бюджет харажатлари
022	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
023	Божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
025	Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан харажатлар
028	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
029	Бюджетдан маблағ олувлчиларни бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар

«Бюджет харажатлари» номли 020-сонли ҳисобвақда Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг касса харажатлари ҳисобга олинади. Бу счётнинг дебет томонида давлат бюджети харажатлари суммаси кредит томонида харажатларни ҳисобдан чиқарилиши ёки ўтказилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Республика бюджетининг касса харажатлари	020	010	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма
2.	Республика бюджетидан кўйи маҳаллий бюджетларга ажратилган дотацияларни (субвенциялар) ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	020	061	Маълумотнома-билидиришнома
3.	Касса харажатларини тиклаш	010	020	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма

4.	Бюджетдан маблаг олувчиларга берилган суммалар бўйича амалга оширилган касса харажатларини ўзаро ҳисоб-китобига олиб бориш	061	020	Маълумотнома-билидишнома
5.	Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини бюджет ижроси натижалари ҳисобвара-гига ўтказиш	090	020	Бухгалтерия маълумотнома-си, м/о

Қорақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича

1.	Маҳаллий бюджет касса харажатлари	020	011	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобва-рақдан кўчирма
2.	Вилоят бюджетидан кўйи бюджетларга ажратилган дотациялар (субвенциялар)ни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	020	062	Маълумотнома-билидишнома
3.	Касса харажатларини тиклаш	011	020	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобва-рақдан кўчирма
4.	Бюджетдан маблаг олувчиларга берилган суммалар бўйича амалга оширилган касса харажатларини ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	062	020	Маълумотнома-билидишнома
5.	Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини бюджет ижроси натижалари ҳисобига ўт-казиш	090	020	Бухгалтерия маълумотнома-си, м/о

022-сонли «Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар» ҳисобварақда молия йилида жамғармалар томонидан амалга оширилган касса харажатлари ҳисобга олинади. Бу счётнинг дебет томонида Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар суммаси кредит томонида харажатларни ҳисобдан чиқарилиши ёки тикланиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	022	012	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2.	Хорижий валютада Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	022	016	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
3.	ДМЖ ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар махсус счётидан нақд пул маблағлари олиниши	022	032	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма, чеклар
4.	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатларни тикланиши	012	022	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
5.	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатларни натижалар счёти ҳисобига ўтказиш	096	022	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

023-сонли «Божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар» ҳисобварақда молия йилида ғазна депозит счёти маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса харажатлари ҳисобга олиниади. Бу счётнинг дебет томонида божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар суммаси кредит томонида харажатларни ҳисобдан чиқарилиши ёки тикланиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари хисобидан амалга оширилган харажатлар суммасига	023	013	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобврақдан кўчирма
2.	Хорижий валютада божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари хисобидан амалга оширилган харажатлар суммасига	023	016	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобврақдан кўчирма
3.	Божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари хисобидан накд пул олиниши	023	039	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобврақдан кўчирма, чеклар
5.	Божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари хисобидан амалга оширилган харажатларни тикланиши	013	023	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобврақдан кўчирма
6.	Божхона органлари ғазна депозит счёти маблағлари хисобидан амалга оширилган харажатларни натижалар счётига ўтказиш	097	023	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

025-сонли ҳисобварақ «Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари хисобидан харажатлар» Давлатнинг ташқи қарзи маблағларининг ишлатилиши кассса харажатлари хисоби билан боғлиқ операциялар хисоби учун мўлжалланган. Бу счётнинг дебет томонида Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари хисобидан амалга оширилган харажатлар суммаси кредит томонида харажатларни ҳисобдан чиқарилиши ёки тикланиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан хорижий валютадаги касса харажатлари	025	014	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
2	Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан миллий валютадаги касса харажатлари	025	015	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
3	Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан хорижий валютада амалга оширилган касса харажатларини тиклаш	014	025	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
4	Давлатнинг ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан миллий валютада амалга оширилган касса харажатларини тиклаш	015	025	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобварақдан кўчирма
5	Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини Давлатнинг ташқи қарзи бўйича маблағлар тушуми ва ишлатилиши натижаларига ўтказиш	095	025	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

028-сонли ҳисобварақ «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан харажатлар» ғазна ҳисобварақларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий нафақалар тўловларига касса харажатлари билан боғлик операциялар ҳисоби учун мўлжалланган. Бу счётнинг дебет томонида Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий нафақалар тўловларига касса харажатлари суммаси кредит томонида харажатларни ҳисобдан чиқарилиши ёки тикланиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан нақд пул	028	038	Тўлов ҳужжатлари илова қи-

	олиш учун махсус ҳисобваракдан маблағларни сарфлаш			линган ҳисобваракдан күчирма
2.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан нақд пул олиш учун махсус ҳисобваракқа маблағларни тиклаш	038	028	Тұлов хужжатлари илова қи-линган ҳисобваракдан күчирма
3.	Ҳисобот йилида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилген касса харажатларини натижаларга ўтказиш	098	028	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

029-сонли ҳисобваракда «Бюджетдан маблағ олувчилярни бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилген харажатлар» ғазна ҳисобваракларидан бюджетдан ташқари бошқа маблағларнинг касса харажатлари билан боғлик операциялар ҳисоби юритилади. Бу счётнинг дебет томонида Бюджетдан маблағ олувчилярни бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилген харажатлари суммаси кредит томонида харажатларни ҳисобдан чиқарилиши ёки тикланиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан касса харажатларини амалга ошириш	029	019	Тұлов хужжатлари илова қи-линган ҳисобваракдан күчирма
2.	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари касса харажатларини тиклаш	019	029	Тұлов хужжатлари илова қи-линган ҳисобваракдан күчирма
3.	Ҳисобот йилида бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобига амалга оширилген касса харажатларини натижаларга ўтказиш	099	029	Тұлов хужжатлари илова қи-линган ҳисобваракдан күчирма

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар


1. Бюджет харажатлари таснифини тушунтириб беринг?
2. Бюджет харажатлари касса ижроси нимани англатади?
3. Фазначилик органларида харажатлар ҳисобини хужжатлаштириш тартибини тушунтириб беринг?
4. Давлат бюджети, жамғармалар бюджети, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилган харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттиришни тушунтириб беринг?

2.5. Бюджет ссудалари ҳисоби

Бюджет ссудаси – юкори бюджетдан қуий бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағдир.

Үзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 28 июндаги 58-сонли буйруги билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини сўндириш тартиби тўғрисидаги Низом (2001 йил 19 июляда 1052-сон билан рўйхатга олинган) билан белгилangan тартибда амалга оширилади.

Бюджет ссудалари даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтингчалик касса узилишларни қоплаш учун юкори бюджетдан қуий бюджетга берилиши мумкин. Бюджет ссудалари Республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан бюджет ссудалари Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар таркибига кирадиган шаҳарлар ва туманларнинг бюджетларига берилиши мумкин (2.5.1-чизма).



2.5.1 - чизма. Бюджет ссудаларини бериш.

Корақалпогистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини сўндириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ бюджет ссудалари қўйидаги мақсадлар учун берилади:

1. Даромадлар тушуми билан харажатларни амалга оширилиши орасидаги режалаштирилган вактинчалик касса узилишини қоплашга.
2. Даромадлар тушуми билан харажатларни амалга оширилиши орасидаги ҳақиқий вактинчалик касса узилишини қоплашга.
3. Бюджетларнинг режалаштирилган харажатларини мақсадли молиялаштириш (маблаг билан таъминлаш) схемаларини амалга оширилиши учун.

Юқори бюджетдан қўйи бюджетга бюджет ссудалари қўйидаги муддатга берилиши мумкин:

- А) даромадлар тушуми билан харажатларни амалга оширилиши орасидаги режалаштирилган вактинчалик касса узилишини қоплашга - 9 календар ойигача;
- Б) даромадлар тушуми билан харажатларни амалга оширилиши орасидаги ҳақиқий вактинчалик касса узилишини қоплашга - 3 календар ойигача;
- В) бюджетларнинг режалаштирилган харажатларини мақсадли молиялаштириш (маблаг билан таъминлаш) схемалари амалга оширилиши учун - 1 календар ойигача

Суда бериш тўғрисидаги ёзма сўровга илова қилинадиган ҳужжатлар

бюджеттинг амалдаги ижроси тўғрисида йилбошидан охирги ҳисобот санасигача бўлган маънунотлар
касса харажатлари вуҷудда келадиган ҳисобот давридаги даромадлар тушумининг аниқланган истикబоли
каномад суммаси ва юзага келишига сабаби, ҳудуд бўйича камонад дишамикаси
бюджетда тегигили даврга мўлжалланган биринчи навбатдаги харажатлар суммалари, харожат турлари, объектлари, кичик объектлари бўйича
кўриб чиқилаётган ҳисобот даврида күтиладиган даромадлар, шу жумладан, солиқ турлари бўйича даромадлар тушуми ва күтиладиган харажатлар
сўраглаётган ссуда ҳажми ва уни қоплаш муддатлари
касса узилишиларининг келиб чиқкин сабабларини тушунтириши, сўровнинг асосланганлиги, ўзиниёдек, ссудани ўз вақтида қайтарилишини тоъчишлини бўйича тадбирлар режаси

2.5.2 - чизма. Суда бериш тўғрисидаги ёзма сўровга илова қилинадиган ҳужжатлар.

Кўйи молия органлари томонидан ссудага эҳтиёж бўлганда белгиланган тартибда юқори молия органига ёзма сўрвнома тақдим этилади (2.5.2 -чизма).

Бюджет ссудалари белгиланган тартибда бюджет ссудаси олувчи молия органи билан бюджет ссудаси берувчи молия органи ўртасида тузилган «Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги шартнома» асосида берилади ва қайтарилади.

Бюджет ссудасини қайтариш «Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги шартнома»да кўрсатилган муддатларда аммо Низомда белгиланган муддатдан ошмаган холда амалга оширилади. Бюджет ссудасини қайтариш маблағни ўтказиб бериш, юқори бюджетлардан маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган дотациялар ёки субвенциялар ҳисобига қоплаш, юқори бюджет билан қўйи бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин (2.5.3 -чизма).

Берилган бюджет ссудаларини ўз муддатида қайтариш устидан назорат юқори молия органи томонидан амалга оширилади.

Ссудани қоплаш йўллари

Маблагларни ссуда олган маҳаллий бюджеттга келиб тушадиган маблаглари хисобидан тўлов топширикномасига асосан ўтказиш


Юкори бюджетлардан маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган режалаштирилган дотация (субвенция)лар хисобига ўзаро хисоб-китоблар

Юкори бюджетлар билан маҳаллий бюджетлар ўргасидаги хисоб-китоблар бўйича қарздорлик хисобига ўзаро хисоб-китоблар

Маблагларни ссуда олган қуий маҳаллий бюджетнинг асосий счётига ссуда берган молия ташкилоти томонидан қўйиладиган инкассо топширикномаси орқали ундириш

2.5.3-чизма. Ссудаларни қоплаш йўллари.

Молия органида бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги шартнома расмийлаштирилгандан кейин ушбу шартномага асосан тўлов топширикномасига асосан хисобварақдан маблағ ўтказиб берилади.



2.5.4 - чизма. Бериладиган ва олинадиган бюджет ссудалари ҳисобини хужжатлаштиришни схематик кўриниши.

Хизмат кўрсатувчи банк белгиси туширилган тўлов топширикномаси ва ҳисоб счётидан кўчирмасига асосан мемориал ордер ва Бюджет ссудалари бўйича бюджетлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳисоби китоби (4-бсф-шакл) расмийлаштирилади. Мемориал ордердаги ёзувлар Бош-журнал китобига ўтказилади (2.5.4-чизма).

Молия органлари, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида бюджет ссудалари ҳисоби 05 «Берилган ва олинган ссудалар «номли ҳисобварақда юритилади. Яъни:

	051	Республика бюджетидан қуий бюджетларга ажратиладиган бюджет ссудалари
	052	Юқори маҳаллий бюджетлардан қуий маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет ссудалари
	053	Республика бюджетидан резидент юридик шахсга ёки хорижий давлатга ажратиладиган бюджет ссудалар
	054	Давлатнинг ички қарзи ҳисоби бўйича ҳисобварақ

	055	Давлатнинг ташқи қарзи ҳисоби бўйича ҳисобварак
	056	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Республика бюджетидан олинган ва берилган бюджет ссудалари
	057	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган ва берилган бюджет ссудалари

«Республика бюджетидан олинган бюджет ссудалари» номли 051-сонли ҳисобваракда республика бюджетидан олинган бюджет ссудалари ҳисобга олинади. Бюджет ссудалари бўйича қарзлар кредитида қайтариш бўйича маҳаллий бюджет ҳисобварагидан ҳисобдан чиқарилган суммалар 051-сонли ҳисобваракнинг дебетида кўрсатилиди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Республика бюджетидан қуий маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари берилиши	051	010	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма
2.	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича суммаларни бюджет ссудаларига олиб бориш	051	061	Маълумотномабилдиришнома
3.	Қуий Қоракалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан бюджет ссудалари бўйича қарздорликларни қайтариш ҳисобига маблағлар тушуми	010	051	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма
4.	Бюджет ссудалари бўйича суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	061	051	Маълумотномабилдиришнома

Қарақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича					
№	Бюджет ссудалари бўйича қарздорликни қайтариш ҳисобига маблағларни республика бюджетига ўтказиш	051	011	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварагдан кўчирма	
2.	Юқори бюджетлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича суммаларни бюджет ссудаларига олиб бориш	051	061	Маълумотнома-билдиришнома	
3.	Республика бюджетидан бюджет ссудалари тушуми	011	051	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварагдан кўчирма	

«Юқори маҳаллий бюджетлардан куйи маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет ссудалари» номли 052-сонли ҳисобварагда белгиланган тартибда юқори бюджетдан берилган ва қуйи маҳаллий бюджетлар томонидан олинган бюджет ссудалари ҳисоба олинади.

Куйи бюджетларга берилган бюджет ссудалари 052-сонли ҳисобваракнинг дебетида, юқори бюджетлардан олинган ссудалар эса ушбу ҳисобваракнинг кредитида кўрсатилади. Бюджет ссудалари бўйича қарзларни қайтариш учун куйи бюджетлардан келиб тушган суммалар 052-сонли ҳисобваракнинг кредитида, ссудалар бўйича қарзларни тўлаш учун (қайтариш учун) ўтказилган суммалар – ушбу ҳисобваракнинг дебетида кўрсатилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси:

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Юқори маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Куйи бюджетларга бюджет ссудалари бериш	052	011	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварагдан кўчирма
2.	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича суммаларни бюджет ссудаларига олиб бориш	052	062	Маълумотнома-билдиришнома
3.	Куйи бюджетлардан бюджет ссудалари бўйича қарздорлик-	011	052	Тўлов хужжатлари илова қилин-

	ни қайтариш ҳисобига маблағлар тушуми			ган ҳисобваракдан күчирма
4.	Бюджет ссудалари бўйича суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	062	052	Маълумотнома-билдиришнома
Куий маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Бюджет ссудалари бўйича қарздорликларни қайтариш ҳисобига юқори бюджетга маблағларни ўтказиш	052	011	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан күчирма
2.	Бюджет ссудалари бўйича қарздорлик суммаларини ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	052	062	Маълумотнома-билдиришнома
3.	Юқори бюджетдан бюджет ссудалари тушуми	011	052	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан күчирма
4.	Бюджет ссудалари бўйича суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	062	052	Маълумотнома-билдиришнома

053-сонли ҳисобварақ «Республика бюджетидан резидентга – юридик шахсга ёки хорижий давлатга ажратиладиган бюджет ссудалар» Республика бюджетидан резидентга – юридик шахсга ёки хорижий давлатга ажратиладиган бюджет ссудалари, шунингдек, уларни қайтариш бўйича операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бунда, тақдим қилинган бюджет ссудаларидан тушадиган фоизларни ўтказиш даромадлар ҳисоби бўйича тегишли ҳисобваракларга ўтказилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Республика бюджетидан резидент – юридик шахсга ёки хорижий давлатга бюджет ссудалари бериш	053	010	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан күчирма
2	Резидент-юридик шахс ёки хорижий давлатдан бюджет	010	053	Тўлов хужжатлари илова қилин-

	ссудалари бўйича қарздорлик-ларни қайтариш ҳисобига маблағлар тушуми			ган ҳисобварак-дан кўчирма
--	--	--	--	----------------------------

054-сонли ҳисобварак «Давлатнинг ички қарзи ҳисоби бўйича ҳисобварак» Давлатнинг ички қарзини шакллантириш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар суммалари ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1.	Давлатнинг ички қарзи бўйича қарздорликни қайтарилиши ҳисобига маблағларни ўтказиш	054	010	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма
2.	Давлатнинг ички қарзи ҳисобига маблағлар тушуми	010	054	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма
3.	Давлатнинг ички қарзи бўйича қайтарилган қарздорлик суммаларини «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	090	054	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

055-сонли ҳисобварак «Давлатнинг ташқи қарзи ҳисоби бўйича ҳисобварак» Давлатнинг ташқи қарзини шакллантириш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар суммалари ҳисоби, шунингдек, Давлатнинг ташқи қарзи бўйича ҳисоб-китобларни хорижий валютада амалга оширишда ижобий ёки салбий курс фарқларини аниқлаш ва ҳисобот молия йили мобайнида тегишли ҳисобваракларга курс фарқи суммаларини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1.	Давлатнинг ташқи қарзи ҳисобига хорижий валютадаги маблағларни қайтариш	055	014	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма

2.	Давлатнинг ташқи қарзаларини қайтарилиши (қайтарилаётганда ижобий курс фарқини хисобга олган ҳолда)	055	095	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Давлатнинг ташқи қарзи хисобига валюта маблағлари тушуми (салбий курс фарқини хисобга олган ҳолда)	014	055	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
4.	Қайтарилаётганда салбий курс фарқини хисобга олган ҳолда	095	055	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

056-сонли ҳисобварак «Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Республика бюджетидан олинган ва берилган бюджет ссудалари» Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Республика бюджетидан олинган ва берилган бюджет ссудалари билан боғлиқ операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларидан Республика бюджетига берилган бюджет ссудалари	056	012	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
2.	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Республика бюджетидан олган бюджет ссудалари	012	056	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
3.	Молия йили охиригача қайтарилимаган Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларидан Республика бюджетига берилган бюджет ссудаларини натижалар ҳисобига ўтказиш	096	056	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

4.	Молия йили охиригача Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Республика бюджетидан олган бюджет ссудаларини натижалар ҳисобига ўтказиш	056	096	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
----	---	-----	-----	---------------------------------

057-сонли ҳисобварак «Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган ва берилган бюджет ссудалари» Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган ва берилган бюджет ссудалари билан боғлиқ операциялар ҳисоби учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бошқа Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларига берилган бюджет ссудалари	057	012	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобвракдан кўчирма
2	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бошқа Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларидан олган бюджет ссудалари	012	057	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобвракдан кўчирма
3	Молия йили охиригача қайталмаган Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бошқа Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғар-	096	057	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

	маларига берилган бюджет ссудаларини натижалар ҳисобига ўтказиш			
4	Молия йили охиригача қайтарилмаган Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бошқа Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларидан олган бюджет ссудаларини натижалар ҳисобига ўтказиш.	057	096	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ссудалари нима мақсадда берилади?
2. Бюджет ссудалари ҳисобини ҳужжатлаштириш тартибини айтиб беринг?
3. Бюджет ссудаларини қоплаш йўлларини тушунтириб беринг?
4. Бюджет ссудалари бўйича операцияларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини кўрсатиб беринг?

2.6. Бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоблашувлар ҳисоби

Бюджет тасдиқлангандан сўнг давлат ва маҳаллий солиқлар ва даромадлар тўғрисида, маъмурий-худудий бўлинишдаги, корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмаларининг бўйсунишидаги ўзгаришлар бўйича қабул қилинган янги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг қарорлари қабул қилиниши натижасида алоҳида олинган бюджетларга ўзгартиришлар киритилган ҳолларда бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича муомалалар амалга оширилади.

Бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар фақатгина юқори ва қуий бюджетлар ўртасида амалга оширилади.

Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга суммаларни ўтказиш учун асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларидан ҳамда бюджетга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилган ҳокимиятлар ва бошқа органларнинг қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиришларга тегишли худудий молия органлари томонидан 11-сонли шаклда тузилган маълумотнома-билдиришномалар хизмат қиласи.

Бюджетлар ўртасидаги ҳисоб-китобларга ўтказиш керак бўлган суммаларни аниқлаш ва уларни қайтариш муддатларини белгилаш ҳисоб-китобда катнашаётган юқори молия органи томонидан амалга оширилади.

Юқори бюджет олдида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзларни юзага келиш ҳолатида, юқори бюджетлар навбатдаги ойнинг биринчи санасига, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича мавжуд карз суммаларини қуий бюджетнинг ҳисобваракларидан сўзсиз тартибда қайтариб олишлари мумкин.

Ўзаро мажбуриятлар бўйича барча ҳисоб-китоблар жорий молия йилида тугатилиши керак.

Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг мавжуд суммаларига юқори молия органи 11-сонли шаклдаги маълумотнома-билдиришномани расмийлаштиради ва тегишли қуий молия органига юборади.

Ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни жорий молия йилида тугатиш мумкин бўлмаган ҳолларда операцияларни ўтган йилнинг ҳисбототида мажбурий тартибда акс эттирган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларни янги йилда олиб боришига рухсат берилади.

Маъмурий-худудий бўлинни ўзгарган ҳолатларда бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга, тақсимлаш далолатномасига асосан бир бюджетдан иккинчи бюджеттага ўтказиш керак бўлган суммалар ўтказилади.

Бюджетлар тасдиқлангандан кейин қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар оқибатида қуий бюджетлардан юзага келган қўшимча даромадларни ундириш билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳисоб-китобларга ўтказиладиган суммаларнинг миқдори, янги қонунчиликка биноан ҳисоблаб чиқилган тегишли даромад манбай бўйича мазкур қуий бюджеттага келиб тушган сумма билан ҳисбот йилида шу бюджеттага ушбу даромад манбай бўйича келиб тушиши

кўзда тутилган тушумлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Бюджет ташкилотлари, корхоналари ва хўжалик бирлашмаларини молиялаштиришни бир бюджетдан бошқа бюджетга ўтказишида ушбу бюджет ташкилотлари, корхоналари ва хўжалик бирлашмалари бўйича йил бошидан бошлаб амалга оширилган харажатлари бюджетда кўзда тутилган йиллик ажратмаларнинг суммалари тўлиқлигича молиялаштириш амалга ошириладиган бюджетда акс эттирилиши керак.

Ўзаро ҳисоб-китобларга қуидагилар ҳам ўтказилиши керак:


а) республикага бўйсунишдан маҳаллий бўйсунишга ўтказилганда - ўтказиш кунида республика бюджети бўйича ташкилотлар, корхоналар ва хўжалик бирлашмаларига очилган ажратмалар суммалари (жумладан, очилган ажратмаларнинг ишлатилмаган қолдиқлари);

б) маҳаллий бўйсунишдан республика бўйсунишига ёки вилоят, шаҳар ва туман чегарасида бир маҳаллий бўйсунишдан бошқа маҳаллий бўйсунишга ўтказишида - молиялаштириш ҳисобига ўтказиш кунида маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағидан бюджет ташкилотлари, корхоналари ва хўжалик бирлашмаларининг бюджет маблағлари бўйича ўтказилган маблағлар суммаси.

Бюджет ташкилотлари, корхоналари ёки хўжалик бирлашмаларини республика бўйсунишдан маҳаллий бўйсунишга ўтказишида республика Молия вазирлиги тегишли қуий молия органига 11-сонли шаклдаги маълумотнома-биддиришномани юборади.

Корхонани, ташкилотни республика, вилоят, шаҳар миқёсида бир маҳаллий бўйсунишдан иккинчи маҳаллий бўйсунишга ўтказишида, юқори молия органи ўзаро ҳисоб-китобларга олдинги бўйсуниш бўйича молиялаштириш тартибида корхонани, ташкилотни ўтказиш кунидаги суммаларни ўтказади.

Бюджетлар билан ўзаро ҳисоблашувлар ҳисоби 11-сонли шаклдаги маълумотнома-биддиришномага асосан бухгалтерия ёзувлари берилиб мемориал ордерга (274 - б шакл) ёзувлар ўтказилади ва бошқа бюджетлар билан ҳисоб-китоблар китоби (4-к шакл)га туширилади. Мемориал ордер (274 - б шакл) дан бюджетлар билан ўзаро ҳисоблашувларга оид операциялар Бош журнал (1-к шакл) дафтарига ўтказилади (2.6.1 - чизма).



2.6.1 - чизма. Ўзаро ҳисоблашувлар ҳисобини хужжатлаштиришнинг схематик күрниши.

Молия органларида ўзаро ҳисоблашувлар ҳисоби 06 «Ҳисоб-китоблар», 07 «Берилган ва олинган маблағлар» номли ҳисобварақларда юритилади. Яъни:

	061	Республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар
	062	Маҳаллий бюджетлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар
	071	Республика бюджетидан берилган ва олинган маблағлар
	072	Маҳаллий бюджетлардан берилган ва олинган маблағлар

«Республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар» номли 061-сонли ҳисобварақ республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни маҳаллий молия органларида ҳисобга олиб бориш учун мўлжалланган.

061-ҳисобварақнинг дебетида қуидагилар акс эттирилади:

а) республика бюджетидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олиниши лозим бўлган суммалар;

б) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзларни тўлаш учун республика бюджетига ўтказилган суммалар;

в) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзларни тўлашда ҳисобга олинган, юқори бюджетдан олиниши лозим бўлган дотациялар, субвенцияларнинг суммалари.

061-сонли ҳисобварагунинг кредитида қуидагилар акс эттирилади:

а) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетига берилиши лозим бўлган суммалар;

б) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзларни тўлаш учун республика бюджетидан келиб тушган суммалар;

в) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича харажатларни тўлашда ҳисобга олинган ва юқори бюджеттага ўтказиш лозим бўлган ортиқча даромадлар суммалари;

г) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетлар ҳисобига тўғри келадиган суммаларда ҳисобга олинган, республика бюджетидан олинган бюджет ссудаларининг суммалари;

д) республика бўйсунишидан маҳаллий бўйсунишга ўтказилгунга қадар корхона ва ташкилотларнинг республика бюджети бўйича очилган бюджет маблағ ажратмалари суммалари.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни ўтказиш	061	010	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварагдан кўчирма
2.	Бюджетдан маблағ олувчи-ларга берилган суммалар бўйича амалга оширилган касса харажатларини ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	061	020	Мальумотнома-биддиришнома
3.	Маҳаллий бюджетдан ўтказиш лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	061	071	Мальумотнома-биддиришнома-
4.	Қуий бюджетлардан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорликларни қайтарилиши ҳисобига маблағлар тушуми	010	061	Тўлов хужжатлари илова қилинган ҳисобварагдан кўчирма

5.	Республика бюджетидан бе- рилиши лозим бўлган сумма- ларни, ўзаро ҳисоб-китоб- ларга олиб бориш	071	061	Маълумотнома- билдиришнома
Коракалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Республика бюджети олди- даги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорликни қайта- ришига маблағлар ўтказиш	061	011	Тўлов ҳужжат- лари илова қи- линган ҳисобва- рақдан кўчирма
2.	Бюджетдан маблағ олувчи- ларга берилган суммалар бў- йича амалга оширилган касса харажатларини ўзаро ҳисоб- китобларга олиб бориш	061	020	Маълумотнома- билдиришнома
3.	Республика бюджетдан оли- ниши лозим бўлган сумма- ларни ўзаро ҳисоб-китоб- ларга олиб бориш	061	071	Маълумотнома- билдиришнома
4.	Республика бюджетидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорликларни қайтириш ҳисобига маблағлар тушуми	011	061	Тўлов ҳужжат- лари илова қи- линган ҳисобва- рақдан кўчирма
5.	Республика бюджетига ўтка- зилиши лозим бўлган сумма- ларни ўзаро ҳисоб-китоб- ларга олиб бориш	071	061	Маълумотнома- билдиришнома

062 - «Маҳаллий бюджетлар билан ҳисоб-китоблар» номли ҳисобваракда юқори ва қуий маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича операциялар ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ўтказмалари матриаси:

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Юқори маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Вилоят бюджетларидан қуий бюджетлар олдидағи ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорликни қайтиришига маблағлар ўтказиш	062	011	Тўлов ҳужжатла- ри илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма
2.	Бюджетдан маблағ олувчиларга берилган суммалар бўйича	062	020	Маълумотнома- билдиришнома

	амалга оширилган касса харажатларини ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш			
3.	Кўйи бюджетдан олинниши лозим бўлган суммаларни ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш	062	072	Маълумотнома-биддиришнома
4.	Кўйи бюджетлардан вилоят бюджетлари олдиаги ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорликларни қайтариш хисобига маблағлар тушуми	011	062	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
5.	Кўйи бюджетдан берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш	072	062	Маълумотнома-биддиришнома

Кўйи маҳаллий бюджетлар бўйича

1.	Юкори бюджет олдиаги ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорликларни қайтаришга маблағларни ўтказиши	062	011	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
2.	Бюджетдан маблағ олувчига берилган суммалар бўйича амалга оширилган касса харажатларини ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш	062	020	Маълумотнома-биддиришнома
3.	Юкори бюджетдан ўтказилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш	062	072	Маълумотнома-биддиришнома
4.	Юкори бюджетлардан туман (шахар) бюджетлари олдиаги ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорликларни қайтариш хисобига маблағлар тушуми	011	062	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
5.	Юкори бюджетдан берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш	072	062	Маълумотнома-биддиришнома

«Республика бюджетидан берилган ва олинган маблағлар» номли 071-сонли хисобваракда маҳаллий бюджетлардан Республика бюджетига ўтказиладиган ҳамда Республика бюджетидан олинадиган маблағлар хисобга олинади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Республика бюджетидан берилиши лозим бўлган суммаларни, ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	071	061	Маълумотномабилдиришнома
2.	Республика бюджетига олинган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварак бўйича кредит айланмаси)	071	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Республика бюджетига берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	061	071	Маълумотномабилдиришнома
4.	Республика бюджетига берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварак бўйича дебет айланмаси)	090	071	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Республика бюджетига берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	071	061	Маълумотномабилдиришнома
2.	Республика бюджетидан берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварак бўйича кредит айланмаси)	071	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Республика бюджетидан берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	061	071	Маълумотномабилдиришнома
4.	Республика бюджетига берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварак бўйича дебет айланмаси)	090	071	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

«Маҳаллий бюджетлардан берилган ва олинган маблағлар» номли 072-сонли ҳисобваракда маҳаллий бюджетларга бериладиган

ва маҳаллий бюджетлардан олинадиган маблағлар ҳисобга олиниади.

072-сонли ҳисобваракнинг дебетида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетларга бериладиган суммалар акс эттирилади;

072-сонли ҳисобваракнинг кредитида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетлардан олиниши лозим бўлган суммалар акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Юқори маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Куйи бюджетга берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	072	062	Маълумотнома- билдиришнома
2.	Куйи бюджетидан берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (072-сонли ҳисобварақ бўйича кредит айланмаси)	072	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Куйи бюджетдан олиниши лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	062	072	Маълумотнома- билдиришнома
4.	Куйи бюджетга берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (072-сонли ҳисобварақ бўйича дебет айланмаси)	090	072	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
Куйи маҳаллий бюджетлар бўйича				
1.	Юқори бюджетга берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш	072	062	Маълумотнома- билдиришнома
2.	Юқори бюджетдан куйи бюджетга берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (072-сонли ҳисобварақ бўйича кредит айланмаси)	072	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

3.	Юқори бюджетдан берилиши лозим бўлган суммаларни ўзаро хисоб-китобларга олиб бориш	062	072	Маълумотнома- билдиришнома
4.	Юқори бюджетга қуий бюджет- дан олинган маблағларни «Бюд- жет ижроси натижалари» хисо- бига ўтказиш	090	072	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджетлар ўртасида ўзаро хисоблашувлар ҳисоби ҳақида нималарни биласиз?
2. Бюджетлар ўртасида ўзаро хисоблашувлар ҳисобини хужжатлаштириш тартибини айтиб беринг?
3. Бюджетлар ўртасида ўзаро хисоблашувлар ҳисобини акс эттирувчи бухгалтерия счёtlари хусусиятларини шарҳлаб беринг?
4. Бюджетлар ўртасида ўзаро хисоблашувлар ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини тушунтириб беринг?


2.7. Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисботлари

Бюджет йилнинг охирида, йиллик ҳисбот тузилишидан олдин молия органининг бухгалтерияси ҳар бир баланс ҳисобва- ракларидағи маълумотларнинг ҳақонийлигини, бюджет ссудалари бўйича ҳисоб-китоблар ва бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб- китобларнинг ҳолатини текширади. Бошқа бюджетлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар ва олинган ва берилиган ссудалар бўйича ҳисоб- китоблар йил охиригача, кўшимча даврдаги операцияларни қўшиб ҳисоблаганда тутатилиши лозим, янги йил бошига ҳисоб-китоблар ҳисбоварақларида қолдиклар бўлмаслиги керак. Йил якуни бўйича бюджетлар ижроси билан боғлик бухгалтерия операциялари ёпиш бўйича якунлаш операциялари амалга оширилади

Молия йили якуни бўйича бюджет ижроси натижаларини аниқлаш жараённида бухгалтерия маълумотномалари расмий- лаштирилиб мемориал ордерларга бухгалтерия ёзувлари берилиб ўтказилади. Мемориал ордердаги ёзувлар Бош-журнал китобига ўтказилади (2.7.1-чизма).

Молия органларида Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида бюджет ижроси натижалари ҳисоби 09 «Натижалар» номли ҳисобварақда юритилади. Яъни:

090	Бюджет ижросининг натижалари
091	Республика бюджети олдидағи маҳаллий бюджетларнинг бюджет ссудалари бўйича карздорлиги
092	Республика бюджетининг(га) маҳаллий бюджетларга (нинг) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича карздорлиги
093	Юкори маҳаллий бюджетларга куйи маҳаллий бюджетларнинг бюджет ссудалари бўйича карздорлиги
094	Куйи бюджетнинг(га) юкори бюджетста(нинг) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича карздорлиги
095	Давлатнинг ташки қарзи бўйича маблаглар тушуми ва ишлатилиши натижаси
096	Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташкари жамғармалар бюджети ижросининг натижалари
097	Боҷхона органлари депозит счётига маблаглар тушуми ва сарфланниши ижроси натижалари
098	Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси маблаглари тушуми ва сарфланниши ижроси натижалари
099	Бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджетдан ташкари ва бошқа маблаглар тушуми ва сарфланниши ижроси натижалари



2.7.1 - чизма. Бюджет ижроси натижаларини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттиришнинг схематик кўриниши.

«Бюджет ижросининг натижалари» номли 090-сонли ҳисобварак бюджетларнинг ижро этиш натижаларини аниқлаш учун мўлжалланган. Натижалар йилнинг охирида 090-сонли ҳисобваракнинг кредитига «Бюджет даромадлари» номли 040-сонли ҳисобваракдаги қолдиқларни ва «Республика бюджетидан олинган ва берилган маблағлар» номли 071-сонли, «Махаллий бюджетлардан олинган ва берилган маблағлар» номли 072-сонли ҳисобваракнинг кредит айланмаларини, 090-сонли ҳисобваракнинг дебетида эса - «Бюджет харажатлари» номли 020-сонли ҳисобваракнинг қолдигини ва 071-сонли ва 072-сонли ҳисобвараклар бўйича дебет айланмаларни ҳисобдан чиқариш йўли билан аниқланади.

090-сонли ҳисобварак бўйича олинган кредит қолдиғи бюджетнинг ижро этилиши натижаси бўлади.

Кейинги молия йилида бюджет параметрлари тасдиқлангандан сўнг 090-сонли ҳисобварагидан «Бюджетлар ижроси натижалари» бюджетда ҳисобот йили харажатларини қоплаш учун кўзда тутилган йил бошига қолган қолдиқ суммаси ҳисобдан чиқарилади, бунда 040-сонли ҳисобварак «Бюджетлар даромадлари» кредитланади.

Тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган айланма касса маблағи ва бюджет маблагининг эркин қолдиқлари (улар мавжуд бўлганда) 090-сонли «Бюджетлар ижроси натижалари» ҳисобварагида колади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Республика бюджети бўйича				
1.	Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига олиб бориши	090	020	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Ҳисобот йилида Республика бюджетининг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан кўйи бюджетларга ўтказилган даромадларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	090	043	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Республика бюджетидан берилган маблағларни «Бюджет ижроси на-	090	071	Бухгалтерия маълумотно-

	тижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварақ бўйича дебет айланмаси)			маси, м/о
4.	Ҳисобот йилида тушган даромадларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	040	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
5.	Республика бюджетига олинган маблағлар» Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварақ бўйича кредит айланмаси)	071	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

Қорақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича

1.	Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини бюджетлар ижроси натижалари ҳисобига ўтказиш	090	020	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Республика бюджетига берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварақнинг дебет айланмаси)	090	071	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Юқори бюджетга берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (072-сонли ҳисобварақнинг дебет айланмаси)	090	072	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
4.	Ҳисобот йилида тушган даромадларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	040	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
5.	Ҳисобот йилида юқори бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан тушган даромадларни «Бюджетлар ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш	043	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
6.	Республика бюджетидан берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (071-сонли ҳисобварақ бўйича кредит айланмаси)	071	090	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
7.	Юқори бюджетдан куйи бюджетга	072	090	Бухгалтерия

	берилган маблағларни «Бюджет ижроси натижалари» ҳисобига ўтказиш (072-сонли ҳисобварақ бўйича кредит айланмаси)			маълумотномаси, м/о
--	---	--	--	---------------------

091-сонли ҳисобварақ «Республика бюджети олдидаги маҳаллий бюджетларнинг бюджет ссудалари бўйича қарздорлиги» ҳисобот йили якуни бўйича республика бюджетидан Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бюджетлари олган ва молия йили охиригача қайтармаган бюджет ссудалари миқдорларини аниқлаш, шунингдек, кейинги молия йилида бюджет ссудаларини қайтариш бўйича операциялар учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Кўйи бюджетлар Республика бюджетидан ўтказилган ва муддатида қайтарилмаган бюджет ссудалари суммаларини ўтган молия йилида ушбу проводка билан акс эттиради	091	051	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Республика бюджети томонидан кўйи бюджетлардан ўтган молия йилидаги қарздорликларни қайтариш ҳисобига олинган бюджет ссудалари суммалари янги молия йилида акс эттирилади	010	091	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

092-сонли ҳисобварақ «Республика бюджетининг(га), маҳаллий бюджетларга(нинг) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорлиги» ҳисобот йили якуни бўйича республика бюджети ва Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бюджетлари ўртасидаги ва молия йили охиригача қайтарилмаган ҳисоб-китоблар миқдорларини аниқлаш, шунингдек, кейинги молия йилида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича операциялар учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Республика бюджетининг ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорлик суммаларини қўйи бюджет-	092	010	Тўлов хужжатлари илова килинган ҳисоб-

	ларга ўтказилиши янги молия йилида ушбу проводка билан билан акс эттирилади			варакдан кўчирма
2.	Куий бюджетнинг Республика бюджети олдида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича мавжуд қарздорлиги ўтган йилда ушбу проводка билан акс эттирилади	092	061	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Республика бюджетининг қуий бюджет олдида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича мавжуд қарздорлиги ўтган йилда ушбу проводка билан акс эттирилади	061	092	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
4.	Республика бюджети томонидан қуий бюджетлардан ўтган йилидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган қарздорлик суммалари янги молия йилида ушбу проводка билан акс эттирилади	010	092	Тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳисобваракдан кўчирма

093-сонли ҳисобварақ «Юқори маҳаллий бюджетларга қуий маҳаллий бюджетларининг бюджет ссудалари бўйича қарздорлиги» ҳисобот йили яқуни бўйича қуий бюджетларнинг юқори маҳаллий бюджетлардан олган ва молия йили охиригача қайтармаган бюджет ссудалари микдорларини аниқлаш, шунингдек, кейинги молия йилида бюджет ссудаларини қайтариш бўйича операциялар учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
	Юқори бюджетдан туман (шахар) бюджетига олинган бюджет ссудалари суммалари ушбу проводка билан акс эттирилади	052	093	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
	Янги молия йилида бюджет ссудалари бўйича ўтган йилги қарздорлик суммаларини туман (шахар) бюджетларига ўтказиш	093	011	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

094-сонли ҳисобварақ «Қуий бюджетнинг(га), юқори бюджетларга(нинг) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарздорлиги»

хисобот йили якуни бўйича қуи туманлар (шаҳарлар) бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетлари ўртасидаги молия йили охиригача қайтарилимаган хисоб-китоблар микдорларини аниқлаш, шунингдек, кейинги молия йилида ўзаро хисоб-китоблар бўйича операциялар учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Юқори бюджетлардан қуи бюджетларга ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорлик суммаларини ўтказиш янги молия йилида ушбу проводка билан акс эттирилади	094	011	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма
2.	Қуи бюджетларнинг юқори бюджет олдида ўзаро хисоб-китоблар бўйича мавжуд қарздорлик суммалари ўтган йилда ушбу проводка билан акс эттирилади	094	062	Бухгалтерия маълумотномаси , м/о
3.	Республика бюджетининг қуи бюджетлар олдида ўзаро хисоб-китоблар бўйича мавжуд қарздорлик суммалари ўтган йилда ушбу проводка билан акс эттирилади	062	094	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
4.	Қуи бюджетлардан олинган ўтган йилги ўзаро хисоб-китоблар бўйича қарздорлик суммалари янги молия йилида ушбу проводка билан акс эттирилади	011	094	Тўлов хужжатлари илова қилинган хисобваракдан кўчирма

095-сонли хисобварак «Давлатнинг ташқи қарзи бўйича маблағлар тушуми ва ишлатилиши натижаси» Давлатнинг ташқи қарзи бўйича маблағларнинг тушуми ва ишлатилиши натижаларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини Давлатнинг ташқи қарзи бўйича маблағлар тушуми ва ишлатилиши натижаларига ўтказиш	095	025	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Қайтарилаётгандан салбий курс фарқини ҳисобга олган ҳолда	095	055	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
3.	Давлатнинг ташқи қарзини қайта-риш (қайтарилаётгандан ижобий курс фарқини ҳисобга олган ҳолда)	055	095	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

096-сонли ҳисобварақ «Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар бюджети ижросининг натижалари» Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар бюджети ижросининг натижалари аниқлаш учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Молия йили охиригача қайтарилимаган Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларидан Республика бюджетига берилган бюджет ссудаларини натижалар ҳисобига ўтказиш	096	056	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Молия йили охиригача қайтарилимаган Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бошқа Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларига берилган бюджет ссудаларини нати-	096	057	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

	жалар ҳисобига ўтказиш			
3.	Ҳисобот йилида ДМЖ ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини натижаларга ўтказиш	096	022	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
4.	Ҳисобот йилида ДМЖ ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармаларга тушган даромадлар суммасини натижаларга ўтказиш	042	096	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

097-сонли ҳисобварақ «Божхона органлари депозит счётига маблағлар тушуми ва сарфланиши ижроси натижалари» Божхона органлари депозит счётига маблағлар тушуми ва сарфланиши ижроси натижаларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Ҳисобот йилида божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса харажатлари суммасини натижаларга ўтказиш	097	023	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Божхона органлари депозит счётига келиб тушган маблағлар суммасини натижаларга ўтказиш.	046	097	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

098-сонли ҳисобварақ «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг тушуми ва ишлатилиши натижаси» бюджетдан маблағ олувишларининг ходимларига ижтимоий нафақаларнинг тўлаш учун мўлжалланган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг тушуми ва ишлатилиши натижаларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Ҳисобот йилида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга	098	028	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

	оширилган касса харажатларини натижаларга ўтказиш			
2.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий нафакалар тўлови учун тушган маблағларни натижаларга ўтказиш	048	098	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

099-сонли ҳисобварак «Бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми ва ишлатилиши натижалари» бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми ва ишлатилишини аниқлаш ҳисоби учун мўлжалланган. Бу ҳисобваракда бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси, таълим муассасаларининг ўқитишининг тўлов контракт шакли маблағлари ва бошқа маҳсус маблағлари тушуми ва сарфланиши ҳисоби юритилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Ҳисобот йилида бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини натижаларга ўтказиш	099	029	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о
2.	Бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобига тушган маблағларни натижаларга ўтказиш	049	099	Бухгалтерия маълумотномаси, м/о

Молия органлари белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тузилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган шаклларда ва муддатларда Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тузади ва тақдим этади.

Белгиланган тартибда молия органлари бюджет ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича ойлик ҳисобот шаклида бюджетнинг даромадлари

ва харажатлари ижроси тўғрисидаги асосий кўрсаткичлар берилади. Ойлик ҳисоботда даромадлар бюджет таснифи бўйича акс эттирилиб, аниқланган режа, бажарилиши, бажарилиши фоизда ва фарқи акс эттирилади. Ҳисоботда бюджет харажатлари ҳам бюджет таснифи бўйича акс эттирилиб, унда аниқланган режа, касса харажатлари, қабул қилинган юридик мажбуриятлар, молиявий мажбуриятлар ҳамда бажарилиши фоизда кўрсатилади ва фарқи акс эттирилади. Ушбу ҳисоботда бюджет Давлат мақсадли жамғармалари, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларнинг худудий ғазна счётларидаги, ғазна транзит счётларидаги қолдиклари акс эттирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги йигма ойлик ҳисоботлар тегишли молия органлари томонидан ўзлари ижро этаётган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига куйи бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ҳам кўшиш йўли билан тузилади.

Молия органлари чораклик ҳисоботни тегишли шаклларда ўсиб борувчи якун бўйича тузади.

Молия органларида бюджет ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботи таркибига қуидагилар киради:

1. Бюджет ижроси тўғрисидаги баланс.
 2. Даромадлар.
 3. Харажатлар.
 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларнинг бюджет таснифи бўйича касса ва ҳақиқий харажатларнинг тақсимланиши.
 5. Бюджет ташкилотларининг тармоқлари бўйича штатлар ва контингентлари режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот.
 6. Мақсадли маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумот.
- Молия органлари чораклик ҳисоботлар таркибида юқоридагилардан ташқари тасарруфидаги бюджет ташкилотлари бўйича куйидаги йигма ҳисоботларни ҳам тақдим этади:
1. Баланс.
 2. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот.
 3. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақида маълумот.
 4. Бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси пул маблағлари ҳаракати түғрисида ҳисобот.

6. Таълим муассасаларини ўқитиши тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлари ҳаракати түғрисида ҳисобот.

7. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати түғрисида ҳисобот.

Бюджет ижроси түғрисидаги баланс молия органлари томонидан Бош-журнал дафтари ва айланма қайдномалар асосида тузилади. Бюджет ижроси түғрисидаги баланснинг актив қисми 5 - бўлимдан иборат бўлиб, пул маблағлари, харажатлар, берилган ссудалар, ҳисоб-китоблар ва ўтказилган маблағлар бўлимлари ташкил этади. Бюджет ижроси түғрисидаги баланснинг пассив қисми 5 - бўлимдан иборат бўлиб, даромадлар, олинган ссудалар, ҳисоб-китоблар, олинган маблағлар ва натижалар бўлимлари ташкил этади.

Бош-журнал дафтаридаги синтетик счёtlар қолдиги балансдаги кўрсаткичлар билан бир хил бўлади.

Бюджет ижроси түғрисидаги чораклик ҳисоботнинг Даромадлар қисмида бюджет таснифи бўйича режалаштирилган даромадлар суммалари ҳамда уларни бажарилиши акс эттирилади.

Даромадлар ҳақида ҳисобот

Даромад номи	Бўлим	Параграф	Даромад тури	Режа	Бажарилиши
Жами					

Бюджет ижроси түғрисидаги чораклик ҳисоботнинг харажатлар қисмида бюджет таснифи харажатлар бўйича аниқланган режа, молиялаштирилган ҳамда бажарилган касса харажати, ҳақиқий харажат суммалари акс эттирилади. Шунингдек, бу ҳисоботда қабул қилинган юридик мажбуриятлар, молиявий мажбуриятлар суммалари акс эттирилади.

Бюджет ижроси түғрисидаги чораклик ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларнинг бюджет таснифи бўйича касса ва ҳақиқий харажатларнинг тақсимланиши қисмида харажатларнинг турлари бўйича, аниқланган, молиялаштирилган ҳамда бажарилган харажатлар касса харажати, ҳақиқий харажатлар, қабул қилинган юридик мажбуриятлар, молиявий мажбуриятлар суммалари акс эттирилади.

Харажатлар ҳақида ҳисобот

Хара- жат номи	Бў- лим	Ки- чик бў- лим	Боб	Аниқ- ланган режа	Молия- лаш- тириш	Бажарили- ши		қабул қилин- ган юридик мажбу- рият	қабул қилин- ган молия- вий мажбу- рият
						касса	ҳақи- кий		
Жами									

Бюджет ташкилотларининг тармоқлари бўйича штатлар ва контингентлар режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботда бюджет таснифининг ҳар бир бўлимини боблари, параграфлари ва туркумлари бўйича ҳисобот даври бошига ва охирига штатларнинг миқдори келтирилади. Шунингдек, ўртача миқдорда йиллик режа ва бажарилиши акс эттирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботнинг Мақсадли маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумотда бюджет таснифи бўйича резерв фонди маблағлари сарфланиши ва маблағлар қолдиги акс эттирилади.

Молия органлари томонидан тузиладиган Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисида йиллик бухгалтерия ҳисоботлари таркибиغا куйидагилар киради:

1. Бюджет ижроси тўғрисидаги баланс.
 2. Даромадлар.
 3. Харажатлар.
 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларнинг бюджет таснифи бўйича касса ва ҳақиқий харажатларнинг тақсимланиши.
 5. Бюджет ташкилотларининг тармоқлари бўйича штатлар ва контингентлари режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот.
 6. Мақсадли маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумот.
- Молия органлари йиллик ҳисоботлар таркибида юқорида гилардан ташқари тасарруфидаги бюджет ташкилотлари бўйича куйидаги йигма ҳисоботларни ҳам тақдим этади:
1. Баланс.
 2. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот.

3. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақида маълумот.
4. Бюджетдан ташқари ривожлантириш жамгармаси пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот.
5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот.
6. Таълим муассасаларини ўқитишни тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот.
7. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот.
8. Жорий йилнинг молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.
9. Номолиявий активларни ҳаракати тўғрисида маълумот.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ижроси натижаларини шакллантириш кетма-кетлигини тушунтириб беринг?
2. Бюджет ижроси натижаларини бухгалтерия ёзувларида акс эттиришни тушунтириб беринг?
3. Молия органларида шакллантириладиган бухгалтерия ҳисоботлари таркибини айтиб беринг?
4. Бюджет ижроси тўғрисидаги баланс шаклини тушунтириб беринг?

*Хар қандай чуқур билим фақат
мустақил ўқиши йўли билангина орттирилади
Н. Рубакин*

III боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ


3.1 Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари ва хусусиятлари

Бюджет ташкилоти – зиммасига юклатилган вазифаларни ба-
жариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун
Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ
молиялаштиришнинг асосий манбай ҳисобланадиган вазирлик,
давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти³.

Бюджет ташкилотлари даромадлар ва харажатлар сметалари
ижроси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бухгал-
терия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия
ҳисоби тўғрисида» ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг услугубий кўрсатмаларига ҳамда бошқа
меъёрий-хукуқий хужжатларига мувофиқ ташкил қиласидар.
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда,
ўзларининг тизимидағи бюджет ташкилотларда Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бухгалтерия
ҳисобининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида
кўрсатмалари ишлаб чиқаришлари мумкин.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил
этишдан мақсад фойдаланувчилар (ички, ташқи) ни даромадлар ва
харажатлар сметалари ижроси жараёни бўйича ўз вақтида, тўлиқ
ҳамда аниқ бухгалтерия ва молиявий ахборотлари билан таъминлаб
беришдан иборат.

³ «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2000 йил 14 декабрь.



3.1.1 - чизма. Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ахбороти фойдаланувчилари.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисобини амалдаги тегишли меъёрий-хукукий хужжатлар асосида ташкил этиш;
- бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш;
- даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёни муомалаларини хужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ҳисбварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий қийматликлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси натижаларини шакллантириш;
- бюджет ижросига оид бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ва ҳисботларни тузиш;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини алоҳида хусусиятлари қуидагилардан иборат (3.1.2-чизма):



3.1.2 - чизма. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини алоҳида хусусиятлари.

1. Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси назорат қилиниши – Бюджет ташкилотларда ҳар йили белгиланган тартибда бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ва штатлар жадвали тузилади ва тасдиқланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби харажатлар сметаси ижросини таъминлаб беради. Бунда харажатларни иқтисодий таснифи асосида смета доирасида харажатлар молияланади ва амалга оширилади. Булардан ташқари бюджетдан ташқари маблағлар манбаалари (таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов контракт шакли маблағлари, бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармаси маблағлари, тиббиёт муассасалари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари бошқа маҳсус маблағлар) бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади ва ижроси амалга оширилади. Шунинг учун бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритишида сметалар ижроси назорат қилинади.

2. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши – Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар ижроси жараёнида касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотлари томонидан газначиликдаги шахсий ҳисоб ва рақалардан харажатларни тўлаб берилиши касса харажатлари кўриниши ҳисобида акс эттирилади. Масалан, иш ҳақи бўйича

молиявий мажбуриятлар тўлаб берилганда, яъни тегишли соликлар ва ажратмалар ўтказилганда ходимлар пластик карточкаларига иш ҳақи ўтказиб берилганда ёки кассадан берилганда касса харажати кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметалари доирасида амалга оширилган, лекин тўлаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўриниши ҳисобида акс эттирилади. Масалан, смета доирасида иш ҳақи ҳисобланган, лекин тўлаб берилмаган ёки иш, хизматлар кўрсатилган, товарлар олинган, лекин тўлаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида 294 - шаклдаги дафтар юритилади, шунингдек, ҳисобот шаклларида ҳам акс эттирилади.

3. Бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши – Бюджет ташкилотлари томонидан тузилган даромадлар ва харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома» асосида 1-гурух, 3-гурух, 3-гурух, 4-гурух улари харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилади ҳамда ижроси ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида ҳам бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича ахборотлар шакллантирилади.

4. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилинган ҳолда юритилиши – Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Молия вазирлигининг бир қанча меъёрий-хукукий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Шу билан бирга қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари даромадлар аниқ манбаалари бўйича шакллантирилади ва сарфланиши йўналишлари белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари ривожлантириши жамғармаси маблағларини шакллантириши манбаалари белгиланган. Шунингдек, ривожлантириш жамғармаси маблағлари биринчи навбатда кредиторлик мажбуриятларни тутатишга

йўналтирилиши, агарда кредиторлик қарздорлик мавжуд бўлмаса, камида 75 фоизи моддий техника базасини мустаҳкамлашга, кўпич билан 25 фоизгача ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Бухгалтерия ҳисобини юритишида юқорида келтириб ўтилган қонунчилик билан белгиланган меъёрларга қатъий амал қилинади. Умуман бюджет ташкилотларида ҳисобни ташкилий, техник, услугбий жиҳатлари меъёрий-хукукий хужжатларга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби қуидаги тамойилларга асосан ташкил этилади:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;
- узлуксизлик;
- хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;
- аниқлик;
- ҳисоблаш;
- олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- молиявий ҳисботнинг бетарафлиги;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби мемориал ордер шаклида олиб борилади.

Текширилган ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳужжатлар санаси бўйича тартиблаштирилиб, қуидаги доимий рақамли мемориал ордер – жамланма қайдномалар билан расмийлаштирилади:

1-мемориал ордер – касса операциялари бўйича жамланма қайднома, 381-сон шакл;

2-мемориал ордер – бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома, 381-сон шакл;

3-мемориал ордер – бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома, 381-сон шакл;

5-мемориал ордер – иш ҳақи ва стипендиялар бўйича ҳисобкитоб варақалари йиғиндиси, 405-сон шакл;

6-мемориал ордер – турли ташкилотлар ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома, 408-сон шакл;

8-мемориал ордер – ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома, 386-сон шакл;

9-мемориал ордер – асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва жойдан-жойга кўчирилиши бўйича жамланма қайднома, 438-сон шакл;

11-мемориал ордер – озиқ-овқат маҳсулотларининг киримига доир жамланма қайднома, 398-сон шакл;

12-мемориал ордер – озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфига доир жамланма қайднома, 411-сон шакл;

13-мемориал ордер – материаллар сарфига доир жамланма қайднома, 396-сон шакл;

15-мемориал ордер – таълим муассасаларида болаларни сакланганик учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича қайднома, 406-сон шакл.

Қолган операциялар (acosий воситаларга эскириш ҳисоблаш, асосий фондларни ҳар йилги қайта баҳолаш, бюджетдан ташқари даромадлар ҳисоби, йилни якунлаш операциялари ва х.к) ва «Сторно» операциялари бўйича алоҳида мемориал ордерлар тузилади (274-сон шакл) ва улар ҳар ой учун алоҳида 16 ракамдан бошлаб рақамланади.

Операциялар ҳажмига қараб жамланма қайдномаларни тузиш талаб қилинмайдиган ташкилотларда субсчётлар корреспонденцияси алоҳида мемориал ордерларда (274-сон шакл) юқорида келтирилган доимий рақамлар берилиб кўрсатилади.

Алоҳида мемориал ордерлар операцияларнинг содир бўлишига қараб, аммо бошланғич ҳисоб хужжатлари олингандан кейинги кундан кечикитирмасдан айрим хужжатларга ёки бир хилдаги хужжатларнинг бир гурухи асосида тузилади. Субсчётлар корреспонденцияси мемориал ордерларда икки ёқлама ёзув қоидасига мувофиқ ёзисб борилади.

Мемориал ордерлар бош ҳисобчи (ёки унинг ўринбосари) ва ижрочи (ҳисобчи) томонидан имзоланади.

Барча мемориал ордерлар 308-сон шаклдаги «Бош-журнал китоби»да рўйхатга олинади. «Бош-журнал китоби» ҳар бир субсчёт бўйича юритилади.

«Бош-журнал китоби» ўтган йилдаги якунловчи балансга мувофиқ йил бошига қолган қолдик суммаларни кўчириб ёзиш билан очилади. Бу дафтарга ёзувлар мемориал ордерлар ва мемориал ордер – жамланма қайдномалар тузилгандан кейин ойига бир марта ёзилади.

Мемориал ордердаги сумма дастлаб «Ордер бўйича сумма» қаторига, кейин эса, тегишли субсчёtlарнинг дебети ва кредитига ёзилади. Барча субсчёtlар бўйича ойлик айланмалар суммаси дебетда ҳам кредитда ҳам «Ордер бўйича сумма» қаторининг жамига тенг бўлиши керак. Ойлик айланмалардан кейинги иккинчи қаторда ҳар бир субсчёtl бўйича келгуси ойнинг бошига қолдик чиқарилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ҳамда уларнинг тизимидағи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ишлаб чиқилган кўрсатма мавжуд бўлгандагина бухгалтерия ҳисоби юритишнинг журнал-ордер шаклида олиб боришли мумкин. Бюджет ташкилотининг раҳбари ташкилотда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилинишига, молия-хўжалик фаолиятидаги амалга оширилган муомалаларни амалдаги қонун хўжжатларига мувофиқлигига ҳамда бухгалтерия хўжжатларини сақланишига жавобгар бўлади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия баланси бу ташкилот маблағларини уларни турлари ва ташкил топиш манбаалари бўйича муайян бир даврга пулда ифодаланиб умумлаштириб акс эттириш ва иқтисодий гуруҳлашдир. Бюджет ташкилотлари баланси таркиби актив ва пассив кисмлардан иборат бўлиб, актив томони номолявий активлар, молиявий активлар, дебиторлар бўлимларидан иборат. Балансни пассив томони кредиторлар, молиявий натижалар бўлимларидан иборат.

Бюджет ташкилотининг даромадлар ва харажатлар сметаларини ижроси бўйича бухгалтерия балансининг схематик кўриниши.

АКТИВ		ПАССИВ	
Бўлим		Бўлим	
I	Номолявий активлар	IV	Кредиторлар
II	Молиявий активлар	V	Молиявий натижалар
III	Дебиторлар		
	БАЛАНС		БАЛАНС
Бюджетдан ташқари ҳисоблар			

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини вазифаларини айтиб беринг?
3. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия балансини таркибини айтиб беринг?

3.2. Бюджет ташкилоти бош ҳисобчисининг мажбуриятлари, хуқуқлари ва жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига меҳнат қонунлиги ҳамда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқномага (Адлия вазирлигига 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси, ҳисобчилар мазкур ташкилот раҳбари томонидан қонунчиликка мувофиқ лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Бош ҳисобчи бошчилик қиласидан ташкилотнинг бухгалтерияси мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади.

Ташкилот бош ҳисобчиси бевосита мазкур ташкилот раҳбарига бўйсунади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса, ташкилотнинг раҳбаридан ташқари юқори ташкилот бош ҳисобчисига ҳам бўйсунади ҳамда ташкилотда бухгалтерия ҳисобини юритилишига, молиявий ҳисботларни ўз вақтида ва тўлиқ топширилишига ҳамда юқоридаги Йўриқнома, шунингдек, бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни бажарилишига жавобгар бўлади.

Бош ҳисобчи бухгалтерия ходимлари учун хизмат вазифаларини ҳар бир ходим учун алоҳида белгилайди. Бухгалтерияда хизмат вазифалари функционал белгиларга қараб тақсимланади, яъни ходимларнинг ҳар бир гурӯҳига ёки алоҳида бир ходимга ишнинг ҳажмига қараб, мальум бир соҳа биринкирилади.

Ташкилот бош ҳисобчиси лавозимга тайинланишида ва ундан озод этилишида белгиланган тартибда ташкилот раҳбарининг

буйруғига мувофиқ тузилган комиссия томонидан қабул қилиш – топшириш кунда ҳисоб, ҳисобот ва архив ҳужжатларининг ҳолатини кўрсатган ҳолда бухгалтерия ишларини қабул қилиш – топшириш тўғрисидаги далолатнома тузилади. Зарур ҳолларда, ушбу комиссия таркибиға юқори ташкилот ҳамда тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда уларнинг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Кўйида бухгалтерия ишларини қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномани намунавий кўринишини келтирамиз:

*(ташкилот номи) бўйича собиқ
(Рахимов С.Т.) ва янги тайинланган (Муҳаммадиев Б.М) бош
ҳисобчилар ўртасида ўзаро тузилган бухгалтерия ишларини
қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги*

ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳри	2011 йил 1 август
Мен Раҳимов С.Т.	нинг (ташкилот номи) 2011
йил 1 августа қадар бош ҳисобчиси (2011 йил 30 шулдаги 112-сон бўйруқ асосида) мазкур ташкилотнинг 2011 йил 1 августдан бошлаб бош ҳисобчиси (2011 йил 30 шулдаги 113-сон бўйруқ асосида) Муҳаммадиев Б.М.га қўйидаги бухгалтерия ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларни топишордим:	

1. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати учун бухгалтерия регистрлари:

– 292, 294, М-44, 296, 285, 326 шакл китоблари – тўлиқ ва қониқарли даражада;

– Бош-журнал китоби – тўлиқ ва қониқарли даражада.

2. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати учун статистика ҳисоботлари – тўлиқ ва қониқарли даражада.

3. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати учун солиқ ҳисоботлари – тўлиқ ва қониқарли даражада.

4. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати учун молиявий ҳисоботлар:

– ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл) – тўлиқ ва қониқарли даражада;

– чораклик ҳисоботлар – тўлиқ ва қониқарли даражада;

– йиллик ҳисоботлар – тўлиқ ва қониқарли даражада.

5. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати бўйича барча ҳисобот дәверлари учун кассир ҳисоботлари – тўлиқ ва қониқарли даражада;

6. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати бўйича барча ойлар учун иш ҳақини ҳисоблаб ёзишига асос бўлувчи бирламчи ҳужжатлар – тўлиқ ва қониқарли даражада.

7. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати учун Касса китоби – тўлиқ ва қониқарли даражада.

8. 2009 йил ва 2011 йилнинг 1 август ҳолати учун барча банк ҳужжатлари – тўлиқ ва қониқарли даражада;

ва ҳ.к.лар.

Юқорида келтирилган бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари, ҳисоботлар бухгалтерия бўлими ходимлари жавобгарлигига сақлананаётганлиги ва юритилаётганлиги аниқланди.

Тотишрдим: Кабул қилидим:
Раҳимов С.Т. _____ (имзо) Муҳаммадиев Б.М. _____ (имзо)

Тасдиқлаймиз:

Комиссия раиси-ташкилот раҳбари: Зайнутдинов З.З.
Комиссия аъзолари: Холмухamedov B.A
Шоҗалилов Ю.Э.
Комилов А.Р.

M.Ў.

Бюджет ташкилоти бош ҳисобчисининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисобини юқоридаги Йўриқномага ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- бухгалтерия ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини олдиндан назорат қилиш;

- бюджет маблағларини, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек, пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлиги устидан мунтазам назорат қилиш;

- тизимига кирувчи ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритилишини назорат қилиш;

- ташкилотда ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларини, шунингдек, таълим муассасаларида

талабаларнинг стипендияларини белгиланган тартибда ҳамда ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш;

- смета ижроси жараёнида вужудга келадиган юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

- пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек, бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

- моддий жавобгар шахсларга уларнинг жавобгарлигида турган моддий қимматликларнинг бутлигини саклаш ва ҳисобини олиб бориш юзасидан тушунтириш ишларини ўтказиш;

- моддий қимматликларни олиш учун берилган ишончномаларни ҳисобини юритиш ва улардан тўғри фойдаланишишини назорат қилиш;

- молиявий ҳисботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш;

- ташкилот раҳбари тасдиқлаши учун харажат сметаларини ва уларга илова қилинадиган ҳисоб-китобларни тузиш (агар режалаштириш бўлимлари ёки ушбу вазифани амалга оширувчи лавозим штатлар жадвалида назарда тутилмаган бўлса);


- асосий воситалар ҳамда бошқа моддий қимматликларни уларнинг сақланиш ва фойдаланиш жойларида бутлигини мунтазам назорат қилиш;

- бухгалтерия хужжатларини, ҳисоб регистрларини, шунингдек, харажатлар сметаларини (илова ҳисоб-китоблари билан бирга) сақланишини таъминлаш (агар режалаштириш бўлимлари ёки ушбу вазифани амалга оширувчи лавозим штатлар жадвалида назарда тутилмаган бўлса);

- қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажарилишини таъминлаш.

Бош ҳисобчи ташкилотнинг тегишли бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари билан биргаликда қўйидагиларни мунтазам равишда назорат қилиши лозим (3.2.1-чизма):

Мунтазам равшида назорат қилиши



3.2.1-чизма. Бош ҳисобчи мунтазам назорат қилиши лозим бўлган масалалар.

Бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси юқоридаги вазифа ва мажбуриятлардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги хукуқларга зга:

- бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришни ташкилот раҳбаридан талаб қилиш;
- таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга амал қилинишини текшириб туриш;
- мукофотлар ҳажмларини пасайтириш (агарда қонунчиликда белгиланган нормалардан ошибб кетган бўлса) тўғрисида ташкилот раҳбарига таклифлар киритиш;
- ташкилотнинг барча бўлинмаларидан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириши ҳамда бухгалтерияга тақдим қилишни талаб қилиш;
- конунчиликда белгиланган бошқа хукуқларни амалга ошириш.

Бош ҳисобчи қўйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, натижада тартибсиз ҳолатга келгани ва молиявий ҳисобот бузилганда (нотўғри тузилганда);

- пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни кирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан қонунчилиқда белгиланган тартибга зид операциялар бүйича хужжатлар расмий-лаштирилган ва ижрога қабул қилинган ҳолларда;
- пул маблағлари бүйича операциялар, шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотұғри амалға оширилганда;
- камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йүқотишлиарни бухгалтерия ҳисобидан чиқарылыш тартиби бузилғанда;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа меъерий-хукуқый хужжатлар талаблари бузилғанда.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ташкилоти бош ҳисобчиси тайинланғанда ёки озод этилғанда далолатнома қандай расмийлаштирилади.
2. Амалдаги қонунчиликка мувоғиқ бюджет ташкилоти бош ҳисобчисининг қандай хукуқлари бор?
3. Бюджет ташкилотлари бош ҳисобчиси ва ҳисобчиларининг қандай вазифаларини биласиз?
4. Бош ҳисобчи ва ҳисобчиларнинг жавобгарлиги нималардан иборат?

3.3. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режасини тайинланиши ва түзилиши

Счёtlар режаси – бу бюджет ташкилотининг маблағлари ва уларни ташкил бўлиши манбалари харакатига оид муомалаларни ҳисоби учун белгиланган счёtlарини тизимга солинган рўйхатидир. Ҳозирги кунда бюджет ташкилотлари счёtlар режаси алоҳида белгиланган бўлиб юритиб келинмоқда ва улар ёрдамида муомалаларни жорий ҳисобда акс эттириш, иқтисодий гурухлаш, тезкор назорат қилиш жараёнлари амалға оширилмоқда.

Бюджет ташкилотлари счёtlари таснифи бүйича турларга ажратиш мумкин. Яъни балансга нисбатан баланс счёtlари ва балансдан ташқари счёtlар. Баланс счёtlари бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараённида маблағлар ва уларни ташкил бўлиш манбааларини акс эттиради. Баланс счёtlари ҳисобга оладиган объектларни номланиши бўйича

номолиявий активларни хисобга олуви чётлар, молиявий активларни хисобга олуви чётлар, дебитор ва кредиторларни хисобга олуви чётлар, молиявий натижаларни хисобга олуви чётларга бўлинади. Баланс счёtlари хисобга оладиган объектларни иктисолдий мазмуни бўйича актив счёtlар, пассив счёtlар, актив пассив счёtlарга бўлинади. Объектларни хисобда акс эттириш усули бўйича синтетик счёtlар ва аналитик счёtlарга бўлинади.



3.3.1 - чизма. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия счёtlари таснифи.

Балансдан ташқари счёtlарда ташкилотда вактинчалик турган ва унга қарашли бўлмаган моддий қимматликлар (ижара олинган асосий воситалар, жавобгарликда сақлаш учун ёки қайта ишлаш учун олинган моддий қимматликлар), шунингдек, қатъий хисобот бланкалари, дам олиш уйлари ҳамда санаторийлар учун йўлланмалар ва бошқалар хисобга олинади. Балансдан ташқари счёtlарда хисоб оддий хисоб системасида юритилади. Балансдан ташқари

счёtlарда ҳисобга олинган барча товар-моддий қимматликлар, шунингдек, ижарага олинган асосий воситалар балансда ҳисобга олинадиган моддий қимматликлар учун белгиланган тартибда ва муддатда инвентаризация қилинади. Ташкилотларга, зарур ҳолларда, бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишини тъминлаш мақсадида, белгиланган тартибда кўшимча балансдан ташқари счёtlарни кўллашларига рухсат этилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқномага (Адлия вазирлигига 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган) мувофик счёtlар режаси жорий этилади.

Барча счёtlар бешта қисм бўйича тизимга келтирилган бўлиб улар қуидагилардан иборат:

- I. Номолиявий активлар.
- II. Молиявий активлар.
- III. Дебиторлар ва кредиторлар.
- IV. Молиявий натижаларни ҳисобга оловчи счёtlар.
- V. Балансдан ташқари счёtlар.

Счёtlар режасининг биринчи ва иккинчи бўлимлари актив счёtlар ҳисобланади, учинчи бўлим счёtlари актив-пассив счёtlар, тўртинчи бўлим счёtlари пассив счёtlар ҳисобланади.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИНГ

СЧЁТЛАР РЕЖАСИ

Счёtlарнинг номи	Счёт рақами	Субсчёtlарнинг номи	Субсчёт рақами
I боб. Н О М О Л И Я В И Й А К Т И В Л А Р			
1-§. Асосий воситалар ва бошқа узок муддатли номолиявий активлар			
Асосий воситалар	01	Туар-жой иморатлар	010
		Нотуар жой иморатлар	011
		Иншоотлар	012
		Машина ва жиҳозлар	013
		Транспорт воситалари	015
		Кутубхона фонди	018
		Бошқа асосий воситалар	019
Асосий воситалар-нинг эскириши	02	Туар-жой иморатларнинг эскириши	020
		Нотуар жой иморатларнинг эскириши	021
		Иншоотларнинг эскириши	022

Счётларнинг номи	Счёт рақами	Субсчётларнинг номи	Субсчёт рақами
		Машина ва жихозларнинг эскириши	023
		Транспорт воситаларининг эскириши	025
		Бошка асосий воситаларнинг эскириши	029
Бошка узок муддатли номолиявий активлар	03	Номоддий активлар	030
2-§. Ноишлаб чиқариш активлари			
Ноишлаб чиқариш активлари	04	Ерни ободонлаштириш	040
3-§. Товар-моддий захиралар			
Тайёр маҳсулот	05	Тайёр маҳсулот	050
Бошка товар-моддий захиралар	06	Курилиш материаллари	060
		Озиқ-овқат маҳсулотлари	061
		Дори-дармонлар ва ярани боялаш воситалари	062
		Инвентар ва хўжалик жихозлари	063
		Ёнилғи, ёқилғи - мойлаш материаллари	064
		Машина ва асбоб - ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари	065
		Бошка товар-моддий захиралар	069
4-§. Номолиявий активларга қўйилмалар			
Асосий воситаларга қўйилмалар	07	Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар	070
		Тугалланмаган курилиш	071
		Асосий воситаларга бошқа харажатлар	072
Номоддий активларга қўйилмалар	08	Номоддий активларга харажатлар	080
Бошка номолиявий активларга қўйилмалар	09	Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар	090
		Товар-моддий захираларга бошқа харажатлар	091
II боб. М О Л И Я В И Й А К Т И В Л А Р (A)			
Хисобвараклардаги бюджет маблаглари	10	Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблаглари	100

Счёtlарнинг номи	Счёtl раками	Субсчёtlарнинг номи	Субсчёtl раками
		Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблаглари	101
Хисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар	11	Тўловларнинг маҳсус турларига доир хисоб-китоблардан тушган маблағлар	110
		Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар	111
		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари	112
		Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар	113
		Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар	114
		Валюта хисобвараги	115
		Бошқа хисобвараклардаги пул маблағлари	119
		Миллий валютадаги нақд пул маблағлари	120
Касса	12	Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари	121
Бошқа пул маблағлари	13	Аккредитивлар	130
		Йўлдаги пул маблағлари	131
		Пул эквивалентлари	132
Молиявий кўйилмалар	14	Депозитга қўйилган пул маблағлари	140
III БОБ. ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОЛАР			
Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар	15	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар	150
		Харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар	152
		Сугурта бўйича тўловлар	154
		Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича хисоб-китоблар	155
		Тўловларнинг маҳсус турларига доир хисоб-китоблар	156

Счёtlарнинг номи	Счёtlаrами	Субсчёtlарнинг номи	Субсчёtlаrами
		Бошқа дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар	159
Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан хисоб-китоблар	16	Бюджетта тўловлар бўйича бюджет билан хисоб-китоблар	160
		Ягона ижтимоий тўлов бўйича хисоб-китоблар	161
		Шахсий жамғарив бориладиган Пенсия хисобвараги бадаллари бўйича хисоб-китоблар	162
		Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан хисоб-китоблар	163
		Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан хисоб-китоблар	169
		Камомадларга доир хисоб-китоблар	170
Ходимлар ва стипендия олувчиilar билан хисоб-китоблар	17	Ходимлар билан ижтимоий нафакалар бўйича хисоб-китоблар	171
		Хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар	172
		Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича хисоб-китоблар	173
		Стипендия олувчиilar билан хисоб-китоблар	174
		Талабалар билан бошқа хисоб-китоблар	175
		Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича хисоб-китоблар	176
		Депонентланган тўловлар бўйича хисоб-китоблар	177
		Ходимлар билан бошқа хисоб-китоблар	179
Бошқа хисоб-китоблар	18	Юқори ва қўйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа хисоб-китоблар	180

**IV боб. М О Л И Я В И Й Н А Т И Ж А Л А Р Н И
ХИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**
1-§. Реализация ва харажатлар

Махсулот (иш, хизмат)лар реализацияси	20	Махсулот (иш, хизмат)лар реализацияси	200
		Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси	201
Бошқа харажатлар	21	Таксимланадиган харажатлар	210
		Давр харажатлари	211
2-§. Жорий йилга молиявий натижалар			
Бюджет маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	23	Бюджет маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	230
		Бюджет маблаглари бўйича ҳакикий харажатлар	231
		Бюджетдан молиялаштириш	232
Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	24	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	240
		Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблаглар ҳисобига амалга оширилган ҳакикий харажатлар	241
		Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблаглари	242
Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	25	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	250
		Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳакикий харажатлар	251
		Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблаглари бўйича даромадлар	252
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблаглари бўйича жо-	26	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	260

рий йилга молиявий натижалар		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари хисобидан амалга оширилган ҳакиций харажатлар	261
		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича даромадлар	262
Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	27	Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	270
		Бошқа даромадлар бўйича ҳакикий харажатлар	271
		Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар	272
		Инвентаризация натижасида ортиқча чиккан мол-мулклар	273

3-§. ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Якуний молиявий натижалар	28	Бюджет маблаглари бўйича якуний молиявий натижа	280
		Тўловларнинг маҳсус турларига доир хисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа	281
		Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблаглари бўйича якуний молиявий натижа	282
		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблаглари бўйича якуний молиявий натижа	283
		Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа	284
		Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга хисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар	285

V боб. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР

Ижарага олинган асосий воситалар	01
Масъул саклашга олинган товар-моддий қимматликлар	02
Қатъий ҳисобот бланклари	04
Ишончсиз дебиторларнинг қарзларини харажатга чиқарилиши	05
Марказлаштирилган таъминот бўйича тўланган моддий қимматликлар	06
Ўкувчилар ва талабаларнинг қайтарилмаган моддий қиммат-	07

ликлар бўйича қарзлари	
Кўчма спорт совринлари ва кубоклари	08
Тўланмаган йўлланмалар	09
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари	10
Харбий техникаларнинг ўқув предметлари	11
Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари	12

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

- 1.Бюджет ташкилотларида баланс счёtlарини тузилиши ва тайинланишини тушунтириб беринг?
- 2.Бюджет ташкилотлари бухгалтерия счёtlари. таснифларини айтиб беринг?
- 3.Хисобга оладиган объектларни номланиши бўйича счёtlарни таснифини тушунтириб беринг?
- 4.Балансдан ташқари счёtlарни моҳиятини айтиб беринг?

3.4. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби

Харажатлар сметаси – ташкилотлар томонидан жорий молия или учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган бюджетдан акратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар даромадлари ва харажатлари бўйича сметалари тузилади ва тасдиқланиб ижроси таъминланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикасининг республика бюджетларида ҳамда маҳаллий бюджетларда турувчи ташкилотларни молиялаштириш, улар учун тасдиқланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ харажатларнинг куйидаги гурухлари Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган түловлар (болали оиласарга нафақалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар).

II. Иш ҳақига қўшимчалар.

III. Капитал кўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофик).

IV. Бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган харажат гурухлари асосида бюджет ташкилотлари бюджет маблаглари бўйича харажатлар сметаларини шакллантиради.

Бюджет ташкилотлари томонидан молия йили бошида харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтгунга қадар вақтингачалик харажатлар сметасини тузади.

Вақтингачалик харажатлар сметаси – ташкилотларнинг харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи хужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган микдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади;

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлардир. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлари ташкил бўлиш манбаалари қўйидагилардан иборат:

- бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;
- тибиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблағлари;
- тўловларнинг маҳсус турлари бўйича маблағлар;
- бошқа бюджетдан ташқари маҳсус маблағлар.

Юқорида келтирилган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида-алоҳида даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган хужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбаалари ва ушбу

маблагларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади.

Ташкилотлар, агарда қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мустақил равища харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблаглар бўйича сметани, шунингдек, штатлар жадвалини тасдиқланган ташкилий тузилма, штат бирликлари, намунавий штатлар ва бюджетдан молиялаштириш меъёrlарига мувофиқ ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятлар уларга берилган тегишли ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидаги қарорлари ва фармойишларида кўзда тутилган харажатлар киритилади.

Харажатлар сметаси ва бюджетдан ташқари маблаглар бўйича смета бир йиллик муддатга – 1 январдан 31 декабрни ҳам кўшган ҳолда, мавсумий ёки жорий йилда ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича эса, уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиш муддатига тузилади ва амал қиласди.

Харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг иктисадий таснифига мувофиқ харажатлар гурухлари бўйича, 4 грух харажатларининг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда тузилади.

Илова харажатлар сметасининг ажралмас қисми бўлиб, сметасининг прогноз ҳисоб - китобларини асослайди ва ҳисбот тузиш мақсадида фойдаланилади.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблагларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иктисадий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иктисад қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Харажатларни ҳисоблаб чиқишида қуйидагиларга амал қилиш керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон

Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилиган ҳуқук ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

- бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар мөъёларига;
- товар ва хизматларни давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

Жумладан:

• харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга кўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва мөъёларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

• педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун кўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқилиши лозим;

• тиббиёт ходимлари иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, иш ҳақи ставкалари ва қонунчиликка мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тиббиёт ходимлари тарификацияларидан келиб чиқилиши лозим;

• олий ўқув юртидан кейинги таълимда таълим олувчиларни стипендия харажатлари белгиланган стипендиялар миқдори ва стипендия таъминоти тартибидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади;

• меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўлашадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиқсан ҳолда киритилади;

• иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчиликда белгиланган тартибда иш

берувчининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиқсан ҳолда киритилади;

- хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

- телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда, лимитдан ошик фойдаланилган шахарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият ҳусусиятларидан ва ушбу хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

- даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртacha йиллик сонидан ва натурал меъёrlаридан келиб чиқиб ҳисобланади;

- дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонунчиликда белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб: стационарларда – ҳар бир жой-кунга, шифохоналарда – шифокорга ҳар бир киришга белгиланади;

- ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гурухи учун кийим-кечак, пойабзal, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг меъёrlари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

- сув, ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотларни саклаш харажатлари уларнинг бажараётган иш меъёри ва ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

- инспекция ва кўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни етказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

- ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

- хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларидан, шунингдек, қонунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиқкан ҳолда аниқланади;
- эпизоотия касалликларга қарши тадбирлар ва қишлоқ ҳўжалиги зааркунандаларига (чиғирткалар, тут парвонаси ва бошқалар) карши курашиш билан боғлиқ харажатлар прогноз иш ҳажмлари ва кимёвий препаратларга бўлган эҳтиёжлар, шунингдек, бажариладиган иш турларидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Юкорида кўрсатилган харажатлар, шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар кўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли молия органлари томонидан текширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирлеклари, идоралари, тегишли ҳокимиётларнинг бошқармалари, бўлимлари ва харажатлар сметаларини тасдиқлаш хукукига эга бўлган бошқа ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ уларга етказилган ажратилган маблағлар ҳажмлари, белгиланган тартибда режалашибтирилган йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрлари доирасида ўз қарамоғидаги ташкилотларнинг келиб тушган харажатлар сметаларини синчиклаб кўриб чиқишини таъминлайдилар.

Ташкилотлар томонидан тақдим этилган харажатлар сметалари зарур ҳолларда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади. Бунда, харажатлар сметаларини кўриб чиқувчи ташкилотлар куйидагиларга мажбур:

➤ қонунчилик талабларига, шунингдек, келгуси йил сметаларини тузиш бўйича кўрсатмаларга қатъий амал қилишни таъминлаш;

➤ иқтисод қилиш тартибига амал қилган ҳолда харажатлар сметаларида талаб этилмайдиган тадбирлар учун маблағлар ажратишга йўл қўймаслик;

➤ алоҳида тадбирларни ўтказиш муддатлари ва уларни молиялаштириш имконини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни чорак (ой)ларга тақсимлашни таъминлаш;

➤ ҳисоб-китоблар ва асослантиришлар билан тасдиқланмаган суммаларни харажатлар сметаларида қабул қилишга йўл кўймаслик.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқлагандан сўнг унга ўзгартеришлар киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари ўз тасарруфларида бўлган ташкилотлар харажатлар сметаларига керакли тузатишилар киритадилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари улар томонидан илгари белгиланган ташкилотлар сметалари бўйича йиллик маблағлар микдорларини бюджет бўйича барча сметалар харажатлари умумий суммаларига мос келадиган қилиб аниқлик киритадилар.

Штатлар жадвали режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ҳолатига ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида ҳолда, уларнинг тузилмавий бўлинмалари кесимида мазкур ташкилот учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ равишда тузилади.

Штатлар жадвалига киритиладиган лавозимлар номлари ва маъмурий-бошқарув, ўкув-ёрдамчи ва ёрдамчи (хизмат кўрсатувчи ва техник) ходимларининг сони, ходимлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича уларнинг разрядлари (базавий ставкалари) куйидагиларга мувофиқ бўлиши шарт:

➤ белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалида ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядларда (базавий ставкаларда) назарда тутилган лавозимларга;

➤ ходимларнинг умумий бирликлари доирасига ва бошқарув хизматчиларининг ходимлар бирликларига;

➤ ташкилотлар турлари бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалларига;

➤ давлат бошқарув органларида ходимлар тоифаларининг меъерий нисбатларини Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимларининг номенклатураси билан мувофиқлигига.

Тарификация рўйхатига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўланиши ҳисоб-китоб килинадиган лавозимлар штатлар жадвалига ставкалар сони, лавозимларнинг ҳар бир гурухи бўйича (ўқитувчилар,

тарбиячилар, шифокорлар, ўрта тиббий ходимлар ва бошқалар), тўловларнинг турлари бўйича (педагогларга дафтар текширишга, синф раҳбарлигига, маҳсус унвон учун ва бошқалар) ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини кўрсатган ҳолда ва тарификация рўйхатини штатлар жадвалига илова қилган ҳолда киритилади.

Штатлар жадвалида, шунингдек, якун бўйича алоҳида қаторда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва йил бўйича ҳисоб-китоблар натижасида устамалар тўлашга, кўшимчалар ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлар кўрсатилади, масалан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан 15 фоиз миқдорда шаклланадиган Бюджет ташкилотлари ва муассасаларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси;
- узок йиллик меҳнати учун бир марталик рағбатлантиришни тўлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;
- меҳнат таътилидаги шахсларнинг ўрнини босувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;
- умумтаълим муассасалари, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг директор жамғармаси ва бошқалар.

Ташкилотлар белгиланган шаклда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани ҳар йили тузадилар ва тасдиқлайдилар. Бунда, ташкилотлар бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини ва харажатларини режалаштиришни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

1. Ташкилотлар қуйидаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар:

- бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси;
- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;
- таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушумлар;

– қонунчиликда белгиланган бошқа барча бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бундан мустасно, сметалар тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ташкилотларнинг харажатлар сметаси учун юқорида айтиб ўтилган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада бюджетдан ташқари маблағлар тушумларининг ҳажми ва ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишлари қонунчилик талабларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг даромад қисмига бюджетдан ташқари маблағларнинг қонунчиликка мувофика барча шаклланиш манбаалари бўйича кутилаётган маблағлар тушуми ва молия йилининг бошига маблағлар қолдиги киритилади.

Қонунчиликка мувофик бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ҳисобидан ходимлар бирликлари сақланган ҳолларда, сметага штатлар жадвали илова қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиладиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета билан бирга штатлар жадвали ҳам рўйхатдан ўтказиш учун такдим қилинади.

Ташкилотларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвали, шунингдек, амалдаги харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Ташкилотларнинг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур ташкилотни молиялаштириш амалга ошириладиган тегишли бюджетнинг параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб қирқ кундан кечиктирмай (аммо молия йилининг 10 февралидан кечикмаган ҳолда) тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Молия органларининг раҳбарлари, қарамоғида қуий ташкилотлари бор бўлган юқори ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда, ҳар бир ташкилотни рўйхатдан ўтказиш муддатларини белгиланган муддатда рўйхатга олишни бутунлай тугатишни хисобга олган ҳолда белгилайдилар.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета ва вақтингчалик харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш қуидагича амалга оширилади:

– Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети тасарруфидаги ташкилотлар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидা;

– Қорақалпогистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети тасарруфидаги ташкилотлар – Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида;

– шаҳарлар ва туманлар бюджети тасарруфидаги ташкилотлар – шаҳарлар ва туманлар молия бўлимларида.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Харажатлар сметаси нима учун тузилади ва уни аҳамиятини тушунтириб беринг.

2. Штатлар жадвалини тузиш тартибини айтиб беринг.

3. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар ва даромадлар сметаси тузилиши ҳакида айтиб беринг?

4. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси, шунингдек, штатлар жадвали қайси орган томонидан текширилади ва тартиби қандай?

Үүкүв қандай бүлсэ уулуулж бүлар,
Билим қандай бүлсэ буюклиг бүлар.
Юсуф хос Ҳожисб

4-боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА НОМОЛИЯЙИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

4.1. Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисоби алохыда ташкил этилади. Ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек, ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган, қийматидан қатъи назар 1 йилдан ортиқ хизмат қилиш муддатига эга бўлган моддий активларни бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар таркибида ҳисобга олади ва акс эттиради.

Асосий воситалар – қонунчиликка мувофиқ зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкилот томонидан узок вақт давомида (бир йилдан ортиқ) фойдаланадиган, шунингдек, ижарага бериши мумкин бўлган моддий активлардир.

Асосий воситалар таркибида қўйидагилар ҳисобга олинади: иморатлар, иншоотлар, машина ва ускуналар, компьютер техникиси ва унга қўшимча курилмалар, транспорт воситалари, кутубхона фонди, узаткич мосламалари, ишли ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар ва бошқа асосий воситалар (музей бойликлари, ҳайвонот олами экспонатлари, саҳнә-томуша воситалари, ўкув кинофильмлари, магнит дисклари ва ленталари, кассеталар ва ҳоказо).

Қиймати ва хизмат муддатидан қатъи назар, қўйидагилар асосий воситалар таркибига киради: қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари, катта ёшдаги ишли ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар (шу жумладан, майдаси ҳам), кутубхона фондлари, музей бойликлари (музей экспонатларидан ташқари), ҳайвонот олами экспонатлари ва намунавий лойиҳалаштиришга оид хужжатлар.

Кўп йиллик кўчатларга доир капитал харажатлар ҳар йили, бутун ишлар мажмуй тугашидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тааллуқли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Хизмат муддати ва қийматидан қатыи назар, қўйидагилар асосий воситалар таркибиغا киритилмайди:

– маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);

– маҳсус ва санитария кийим-кечаклари, маҳсус пойабзаллар;

– кўрпа-тўшак анжомлари;

– ёзув-чиズув анжомлари (калькуляторлар, стол устига кўйиладиган асбоблар ва бошқалар);

– ошхона анжомлари, шунингдек, ошхона учун дастурхон-сочиқлар;

– тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул) иншоотлар мосламалар ва қурилмалар;

– бир йилдан кам фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;

– ов қуроллари (траллар, тўрлар, қармоқлар, матраплар ва бошқалар) ва шу каби моддий қимматликлар.

Ушбу юқорида келтирилган моддий қимматликлар бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захиralар таркибида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қўйидаги вазифалар кўйилади:

1. Моддий активларни қонунчиликда белгилangan тартибда асосий воситалар таркибида акс эттириш.

2. Асосий воситаларнинг келиб тушиши, уларнинг ташкилот ичida жойдан-жойга ўтиши (кўчиши), ташкилот ҳисобидан чиқарилиши (жумладан, яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли), шунингдек, ҳар бир обьектнинг (предметнинг, комплектнинг) сақланиши ва тўғри фойдаланиши устидан назорат қилиниши.

3. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилиш ҳамда ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттиришини таъминлаш.

4. Белгилangan тартибда асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва қайта баҳолаш ҳамда уларни бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрларида кайд этиб бориш.

5. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисобини юритиш.

6. Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобварапларда ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш.

7. Асосий воситалар бўйича ўз вактида тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ахборотларини шакллантириб бериш.

Асосий воситалар қонунчилик («1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» Низом) да белгиланган тартибда ҳар йили қайта баҳоланади. Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади. 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса - харид қилиш қийматидан амалга оширилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Низомга кўра асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати ташкилотнинг хоҳишига қараб қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга хужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини бевосита ҳисоблаш йўли билан ёки асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврларига боғлиқликда табақаланганди асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш йўли билан аниқланади.

Бунда асосий фондларнинг бир турдаги объектлари (маркалари, хиллари ва ҳоказо) бўйича ягона усул қўлланилади.

Бевосита қайта баҳолаш усули қўлланилганда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини хужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилотнинг хоҳишига кўра қўйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

а) тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида

белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фонdlарнинг қиймати тўғрисидаги (тасдикловчи хужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

в) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) қайта баҳолашни ўtkазиш даврида оммавий ахборот воситалари ва маҳсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

д) асосий фонdlар қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисботи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан асосий фонdlарни қайта баҳолаш чоғида индекс усулини қўллаш учун 31 декабрга қадар навбатдаги қайта баҳолаш бўйича тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Асосий воситаларни ишли ҳолатида саклаб туриш уларни таъмиrlаш (жорий, ўртача ва капитал тарзда) воситасида амалга оширилади.

Жорий таъмиrlаш – асосий воситалар обьектини ишли ҳолатида саклаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмиrlашdir.

Ўртача таъмиrlашда таъмиrlанаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмиrlаш – агрегатни тўлиқ ажратиб йигиш амалга ошириладиган таъмиrlашdir, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмиrlаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йигиш, созлаш ва синааб кўришdir.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмиrlаш – базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмиrlаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмиrlашdir.

Асосий воситаларда амалга оширилган жорий ва ўрта таъмиrlаш харажатлари ва уларнинг дастлабки қийматини ўзгартиришга сабаб бўлмайдиган капитал таъмиrlаш харажатлари асосий воситалар таркибиغا киритилмайди ҳамда ҳисботларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг тегишли кодлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс

эттирилади ва ҳисобот йилининг охирида молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) манбааси бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Кутубхоналарнинг инвентарь фондига киритилган китоблар, дарсликлар ва бошқа нашрлар уларнинг дастлабки муқовалаш қийматларини ҳам қўшиб, дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олинади. Китобларни таъмирлаш ва тиклаш, шу жумладан, иккинчи марта муқовалаш харажатлари китобларнинг қийматини оширишга киритилмайди ва ҳисоботларда иқтисодий таснифнинг тегишли кодлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади ва ҳисобот йилининг охирида молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) манбааси бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни йўлга қўйиш ва уларни ҳисобини ташкил этиш учун ҳар бир объект (предмет)га, кутубхона фондларидан ташқари, саккиз белгидан (асосий воситалар кўп бўлган ҳолларда, ушбу белгилар сони ҳам кўпайтирилиши мумкин) иборат инвентарь рақами берилади.

Бунда, дастлабки уч белги субсчётни билдиради, тўртинчи ва бешинчи белги – гурухни, қолган уч белги эса, предметнинг гуруҳдаги тартиб рақамини билдиради. Гурухлар ажратилмаган субсчёtlар бўйича эса, тўртинчи ва бешинчи белги «Ноль» билан белгиланади.

Масалан, 01000001 – инвентарь рақамида 010 «Турар-жой иморатлар» субсчётини, 001 – объектнинг тартиб рақамини билдиради;

01310001 – инвентарь рақамида 013 «Машина ва жиҳозлар» субсчётини, 10-гуруҳ – хўжалик инвентари, 001 – предметнинг тартиб рақамини билдиради.

Инвентарь обьекти мураккаб бўлган ҳолларда, яъни у ёки бу ажратилган элементларни ўз ичига олганда, битта яхлитликни ташкил этса, ана шу элементлар ҳар бирига ҳам уларни бирлаштирувчи асосий обьектга қўйилган инвентарь рақами қўйилади.

Инвентарь рақами обьектга бириттирилган тамғага белгиланади ёки бўёқ билан обьектнинг ўзига ва бошқа усуllар билан белгиланади.

Асосий воситалар обьектига берилган инвентарь рақами асосий воситанинг ушбу ташкилотда бўлган барча даври учун сақланиб қолади.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби 01 «Асосий воситалар» счётида юритилади.

01 «Асосий воситалар» счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:

- 010 «Туаржой иморатлар»;
- 011 «Нотурар жой иморатлар»;
- 012 «Иншоотлар»;
- 013 «Машина ва жиҳозлар»;
- 015 «Транспорт воситалари»;
- 018 «Кутубхона фонди»;
- 019 «Бошқа асосий воситалар».

010 «Туаржой иморатлар» субсчётида тўлиқ ёки асосан туаржой учун белгиланган бинолар (туаржой биноларининг умумий фойдали майдони, барча майдонни 50 фоизидан кам бўлмаган) ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу субсчётда ташкилотларнинг балансида бўлган ва ўз ходимларининг, жумладан, ҳарбий хизматчиликнинг яшави учун фойдаланиладиган бинолари ҳам ҳисобга олинади.

011 «Нотурар жой иморатлар» субсчётида туаржой бўлмаган барча иморатлар, жумладан, ишлаб-чиқариш хўжалик бинолари, бошқарув органлари, ижтимоий-маданий (ўкув юртлари, касалхоналар, поликлиникалар ва амбулаториялар, интернатлар, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача таълим муассасалари, кутубхоналар, клублар, музейлар, лабораториялар ва бошқалар) ва ташкилотлар томонидан банд қилинган бошқа бинолар ҳисобга олинади.

012 «Иншоотлар» субсчётида қуйидагилар ҳисобга олинади: водокачкалар, стадионлар, бассейнлар, йўллар, кўприклар, ёдгорлик-ҳайкаллари, парклар, хиёбонлар ва жамоат боғларининг, шунингдек, ташкилотларнинг тўсиқлари ва бошқалар.

Бундан ташқари, ушбу субсчётда электр узаткич тармоқлар, трансмиссиялар ва қувур ўтказгичлар (уларга тегишли барча оралиқ мосламалари билан), трансформация (ўзгартириш) ва қувур ўтказгичларда суюқ ва газсимон моддаларни истеъмолчиларга етказиш учун энергия узатгичлар ва бошқалар ҳам ҳисобга олинади. Бунда, электр станцияларнинг, газкомпрессор, насос ва бошқа станцияларнинг бинолари 011 субсчётда, уларнинг жиҳозлари эса 013 субсчётда ҳисобга олинади.

013 «Машина ва жиҳозлар» субсчётида қуйидагилар: кучланиш машиналари ва жиҳозлар, иш машиналари ва жиҳозлар, ўлчов асбоблари, тартибга солувчи асбоблар ва мосламалар, лаборатория

жихозлари, ҳисоблаш техникаси, медицина жихозлари ҳамда бошқа машина ва жихозлар алохиди гурухларга ажратилиб ҳисобга олинади:

1) кучланиш машиналари ва жихозлар, иссиқлик ва электр энергиясини ҳосил қылувчи машина-генераторлар ва турли хил энергияни (сув, шамол, иссиқлик, электр энергияси ва х.к.) механик, яъни ҳаракат энергиясига айлантириб берувчи машина двигателлар;

2) иш машиналари ва жихозлар, маҳсулот яратиш ёки ишлаб чиқариш туридаги хизматлар жараёнида меҳнат предметига механик, иссиқлик ва кимёвий таъсир кўрсатишига ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат предметини механик двигателлар, инсон ва ҳайвонлар кучи ёрдамида жойдан-жойга кўчириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар ва жихозлар;

3) ўлчов асбоблари – дозаторлар, амперметрлар, барометрлар, ваттметрлар, вакуумметрлар, вапориметрлар, вольтметрлар, баландлик ўлчагичлар, гальвонометрлар, геодезия асбоблари, гидроскоплар, индикаторлар, компаслар, монометрлар, хранометрлар, маҳсус тарозилар, ўлчагичлар, касса аппаратлари, электр энергияси, газ, сув ўлчаш асбоблари ва бошқалар;

4) тартибиға солувчи асбоблар ва мосламалар, кислород нафас олдиргич асбоблар, электр, пневматик ва гидравлик мунтазамлаштириб турувчи мосламалар, автоматик бошқариш пультлари, марказлаштириш, блакировка қилиш аппаратуралари, диспетчерлик назорати линияси мосламалари ва бошқалар;

5) лаборатория жихозлари – пиromетрлар, регуляторлар, калориметрлар, нам ўлчагич асбоблар, тутиш кублари, лаборатория копралари, газ ўтказмасликни синаш учун мўлжалланган асбоблар, микроскоплар, термостатлар, стабилизаторлар, суриб оловучи шкафлар ва шу кабилар;

6) ҳисоблаш техникаси – электрон-ҳисоблаш, бошқарувчи ва аналогли машиналар, компьютерлар ва унга қўшимча қурилмалар, принтерлар, уяли ва мобил алоқа аппаратлари, рақамли ҳисоблаш машиналари ва мосламалари (клавишили ҳисоблаш ва жамловчи машиналар, перфорацион ҳисоблаш машиналари) ва бошқалар;

7) медицина жихозлари – медицина жихозлари (тиш даволаш креслолари, операция столлари, маҳсус жихозли кроватлар ва бошқалар), дезинфекцияловчи ва дезинсекционловчи маҳсус

жиҳозлар, сут ошхоналари ва сут станцияларининг, қон қуиши
станцияларининг жиҳозлари ва бошқалар;

8) асбоб-ускуналар – механизациялаштирилган ва механизация-
лаштирилмаган умумий фойдаланишга мўлжалланган меҳнат
қуроллари, шунингдек, материалларга ишлов берувчи машиналарга
бириктириб қўйилган предметлар. Уларга қуидагилар киради:
кесувчи, зарб берувчи, прессловчи ва зичловчи қўл меҳнати
қуроллари, буларга электр энергияси, сикилган ҳаво ва шунга
ўхашшлар ёрдамида ишловчи механизациялаштирилган қўл
меҳнати қуроллари ҳам киради (электродреллар, краскопультлар,
электр вибраторлар, гайка бурагичлар ва бошқалар), шунингдек,
материалларга ишлов беришга, монтаж ишларини бажаришга ва
шунга ўхашшларга мўлжалланган турли хил мосламалар (тискилар,
патронлар, бўлгич головкалар, автомобиль двигателларини ўрна-
тиш учун ва карданли вални айлантириш учун мўлжалланган
мосламалар) ва бошқалар;

9) ишлаб чиқариш инвентарлари ва буюмлари – иш вақтида
ишлаб чиқариш операцияларини енгиллатишга хизмат қиласиган
предметлари, иш столлари, верстаклар, кафедралар, парталар ва
бошқалар, меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган жиҳозлар: суюқ
ва сочилиувчан жисмларни сақлашга мўлжалланган мосламалар
(баклар, танлар, омборлар ва бошқалар), савдо шкафлари ва
стелажлари, инвентарлар, иш машиналари каторига кўшиб
бўлмайдиган техника предметлари;

10) хўжалик инвентарлари – идора жиҳозлари, кўчма
барьерлар, кийим илгич, гардероблар, турли хил шкафлар,
диванлар, столлар, креслолар, ёнмайдиган (ёнғинга чидамли) шкаф-
лар ва кутилар, ёзув машинкалари, гектографлар, капирографлар ва
бошқа аппаратлар, кўчма ўтовлар, палаткалар (кислородлилардан
ташқари), кроватлар (максус жиҳозли кроватлардан ташқари),
гиламлар, пардалар ва бошқа хўжалик инвентарлари ва шунингдек,
ёнғинга қарши предметлар – гидропультлар, стендлар, кўл
нарвонлари ва ҳ.к;

11) бошқа машина ва жиҳозлар – юкоридаги гуруҳларда номи
келтирилмаган машиналар, аппаратлар, спорт майдонлари,
стадионлар ва спорт биноларининг жиҳозлари (шу жумладан, спорт
анжомлари), ўқув юртларидағи хоналар ва устахоналарининг
жиҳозлари, музика асблолари, телевизорлар, радиоаппаратуралар,
илмий тадқиқот муассасалари ва илмий иш билан шуғулланувчи

бошқа муассасаларнинг маҳсус жиҳозлари, АТС жиҳозлари, ўт ўчиришда ишлатиладиган механик нарвонлар, кир ювадиган ва тикув машиналари, совиткичлар (музлаткичлар), чанг ютичлар ва бошқалар.

015 «Транспорт воситалари» субсчётида қуйидагилар алоҳида гурухларга ажратилиб одамларни ва юкларни ташишга мўлжалланган барча турдаги воситалар ҳисобга олинади:

1) темир йўл, сув ва автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби (электровозлар, тепловозлар, паравозлар, мотовозлар, мотодрезиналар, вагонлар, платшакллар, цистерналар, теплоходлар, пароходлар, дизель-электроходлар, буссиirlар, баржалар ва баркалар, қутқарувчи қайиқлар, сузуви пристанлар, парусли кемалар, юқ автомобиллари ва енгил автомобиллар, прицеплар, автосамосваллар, автоцистерналар, автобуслар, тортувчи тракторлар ва бошқалар);

2) ҳаво транспортининг ҳаракатдаги таркиби (самолётлар, верталётлар ва бошқалар);

3) от-аравалар (аравалар ва бошқалар);

4) ишлаб чиқариш транспорти (электрокаралар, мотоцикллар, моторолерлар, велосипедлар, аравачалар ва бошқалар);

5) спорт транспортининг ҳамма турлари.

Бунда, юқ тортадиган ва спорт отлари ҳамда бошқа иш ҳайвонлари

019 «Бошқа асосий воситалар» субсчётида ҳисобга олинади.

018 «Кутубхона фонди» субсчётида кутубхона фондлари, китобларнинг айрим нусхаларининг қийматидан қатъи назар ҳисобга олинади. Кутубхона фондига илмий, бадиий ва ўкув адабиётлари, адабиётнинг маҳсус турлари ва бошқа нашрлар киради.

019 «Бошқа асосий воситалар» субсчётида алоҳида гурухларга ажратилиб қуйидагилар ҳисобга олинади:

1) кўп йиллик дараҳтлар ва экинлар. Кўп йиллик дараҳтлар ва экинларга сунъий кўп йиллик қўчатлар (уларнинг ёшидан қатъи назар), мевали қўчатларнинг ҳамма турлари (дараҳт ва буталар), кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар, муассасалар ҳудудида тураржой уйларининг ҳовлиларидағи кўкаламзорлаштирувчи ва манзарали дараҳт ва буталар, яшил тўсиклар, қордан тўсувчи ва далаларни химоя килувчи, кумларни ва дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш учун экиладиган дараҳтлар, жар ва сой ёқаларига

экиладиган дараҳтлар ва шунга ўхшашлар, ботаника боғлари ва бошқа илмий тадқиқот муассасаларининг ҳамда ўкув юртларининг илмий максадларга мўлжалланган сунъий дараҳтлари ва бошқа кўп йиллик сунъий дараҳтлар (ҳамма турдаги ёш дараҳтлар тўлиқ етилган, яъни мева берадиган дараҳтлардан алоҳида ҳисобга олинади).

2) музей қимматликлари (уларнинг қийматидан қатъи назар) давлат музейларида ҳисобга олинадиган музей экспонатларидан (санъат ва табиатшунослик предметлари, қадимий ва турмуш маданияти предметлари ҳамда илмий, тарихий ва техникавий аҳамиятта эга бўлган экспонатлардан) ташқари;

3) ҳайвонот боғлари ва шунга ўхшаш муассасалардаги ҳайвонат олами экспонатлари (уларнинг қийматидан қатъи назар);

4) саҳна-томоша воситалари, декорациялар, мебель ва реквизитлар, бутафория, театр костюмлари ва миллий костюмлар, бош кийимлар, ич кийимлар, пойабзаллар, париклар ва бошқалар;

5) ўкув кинофильмлар, магнит дискалар, касеталар ва бошқалар;

6) иш ҳайвонлари – отлар, хўқизлар, туялар, эшаклар ва бошқа иш ҳайвонлари (юк ташувчи ва спорт отлари ҳамда бошқа юк ташувчи ҳайвонларни ҳам кўшиб);

7) маҳсулдор ва зотдор моллар – сигирлар, буқалар кўтослар ва буйволлар (иш ҳайвонларидан ташқари), айғирлар ва зотдор биялар (иш ҳайвонлари сифатида фойдаланилмайдиганлари), йилқида боқишига ўтказилган биялар, туялар (иш ҳайвонлари сифатида фойдаланилмайдиганлари), бугулар, чўчқалар, қўйлар, эчкилар, кўчқорлар ва бошқалар;

8) бошқа инвентарлар (болалар ўйинчоклари, маҳсус чангилар ва бошқалар);

9) бошқа маҳсус, шу жумладан, ҳарбий асосий воситалар.

01»Асосий воситалар» счётининг дебет томонида асосий воситаларнинг кирими (дастлабки қийматини ошиши), кредит томонида эса, асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши (дастлабки қийматини камайиши) акс эттирилади.

Бюджет ташкилоти ишчи счёtlар режасини тасдиқлаётганда 01 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчёtlарини ташкилотга кирим қилинган асосий воситалар манбаалари бўйича алоҳида шакллантириб олиши мумкин. Масалан 013/1 «Машина ва жиҳозлар(бюджет маблаги ҳисобидан)», 013/2 «Машина ва

жихозлар (ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан)» ва ҳоказо. Худди шунингдек, бошқа асосий воситаларни акс эттирувчи субсчётлар бўйича ҳам очиш мумкин. Бу ўз навбатида асосий воситаларга эскириш ҳисобланаётганда балансга олиниш манбаасидан келиб чиқиб ҳақиқий харажатларда, ҳисобдан чиқарилишида аниқ акс эттириш имконини беради.

Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби АВ-6-сон шаклдаги ва АВ-8-сон шаклдаги инвентарь карточкаларда юритилади. Карточкалар ҳар бир инвентарь объект (предмет) бўйича юритилади. Бир турдаги предметлар АВ-9-сон шаклдаги карточкаларда ҳисобга олинади.

АВ-6, АВ-8 ва АВ-9-сон шаклдаги инвентарь карточкалари АВ-10-сон шаклдаги асосий воситалар ҳисоби бўйича инвентар карточкалар рўйхатида хатлашдан ўтказилади. Ушбу рўйхат бир нусхада юритилади. Ундаги ёзувлар асосий воситаларни гурухларга бўлиб, карточкалар очилган йилни кўрсатиб амалга оширилади. Ҳар бир гурух учун тегишли микдорда саҳифа ажратилади. Рақамлаш ҳар бир гурух бўйича 1 дан бошланади. Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилганда ва жойдан-жойга кўчирилганда хатлаш рўйхатининг «Изоҳ» графасида мемориал ордернинг санаси (кун, ой, йил) ҳамда раками кўрсатилади.

Инвентарь карточкалар картотекаларда сақланади. Улар тегишли субсчётлар ва гурухлар бўйича ҳамда ўз ичидаги моддий жавобгар шахсларга бўлинган ҳолда жойлаштирилади.

АВ-6-сон шаклдаги инвентар карточка тураржой иморатлар (010 субсчёт), нотурар жой иморатлар (011 субсчёт), иншоотлар (012 субсчёт), машина ва жихозлар (013 субсчёт), транспорт воситалари (015 субсчёт)ни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Инвентарь карточкаларни юритишдан мақсад асосий воситаларни барча тавсифини ва улардаги ўзгаришларни акс эттиришдан иборат.

Инвентар карточка бухгалтерияда ҳар бир алоҳида объект учун очилади ва асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш дало-латномаси, мазкур объект учун тайёрловчи заводнинг паспортлари, техник ва бошқа ҳужжатлари асосида тўлдирилади.

Асосий воситалар обьектига илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқ инвентарь карточкида обьектнинг белгилари, яъни обьектнинг инвентарь рақами, чизмаси, лойиҳаси, модели, хили, маркаси, завод (ёки бошқа) раками, чиқарилган (тайёрланган) санаси, қабул

қилиш далолатномасининг санаси ва рақами, дастлабки (тиклаш) киймати, харид ва қайта баҳолаш хужжатлари бўйича эскириши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Асбоб-ускуналар, приборлар, ҳисоблаш техникаси, музей қимматликлари ва бошқалар таркибида қимматбаҳо металлар бор бўлса, таркибида қимматбаҳо металл бор бўлган деталлар рўйхати, паспортда кўрсатилган деталларнинг номи ва металл оғирлиги кўрсатилади.

Инвентарь карточканинг орқа томонида асосий воситаларнинг келиб тушиши (объектни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида), жойини ўзгартирилиши (асосий воситалар объектининг ички жойлашиши жойини ўзгартириш юхати асосида), объексларнинг ҳисобдан чиқарилиши (асосий воситалар объектини (автотранспорт воситаларидан ташқари) ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома ёки автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома асосида асосий воситалар объектининг чиқиб кетишида ёки ҳисобдан чиқарилишида) тўғрисидаги маълумотлар, объекtnинг ўзига хос қисқача тавсифи, уни ташкил қилувчи предметлар рўйхати ва унинг асосий сифат ҳамда микдор кўрсаткичлари, шунингдек, далолатномалар ва илова қилинадиган техник хужжатлар маълумотлари асосида энг керакли тақаб қурилган бинолари, мосламалари ва жиҳозлари келтирилади.

АВ-8-сон шакл инвентарь карточка бошқа асосий воситаларни (019 субсчёт) ҳисобга олиш учун хизмат қиласди.

Карточка қабул қилиш далолатномалари асосида (харид қилиш хужжатлари бўйича) очилади ва унда бошқа асосий воситаларнинг, жумладан ҳайвонларнинг ёши, ранги (туси), тамғаси, оти ва х.к. кўрсатилган ҳолда ўзига хос тавсифи келтирилади.

Кўп йиллик ўсимликлар тури, ўтқазилган бирликлар сони ва майдони кўрсатилган ҳолда инвентар объектлари бўйича ҳисобга олинади.

АВ-9-сон шаклдаги инвентарь карточка айнан бир хил ишлаб чиқариш аҳамиятига, техник тавсифга эга бўлган асосий воситалар объексларининг бир хил гурухлари: кутубхона фондлари ва саҳнага кўйиш воситаларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Карточкадаги ёзувлар микдор ва сумма ифодасида ёзиб борилади.

Инвентарь карточка асосий воситалар объекслари гурухларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси, асосий воситалар объексларини ички жойлашиш жойини ўзгартириш юхати асосида

очилади ва ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича юритилади. Объектларни ҳисобдан чиқариш ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

Кутубхона фондлари учун битта инвентарь карточка очилади. Унда ҳисоб умумий қиймати бўйича фақат пул ифодасида юритилади.

Саҳнага қўйиш воситалари ҳисоби сони ва объектларнинг қиймати бўйича инвентарь kortochkalardan юритилади.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Моддий активларни асосий воситалар таркибида акс эттириш мезонини айтиб беринг?

2. Асосий воситалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қўйиладиган вазифаларни айтиб беринг?

3. Асосий воситаларни қайта баҳолаш тартибини тушунтириб беринг?

4. Асосий воситаларни ҳисобини акс эттирувчи бухгалтерия счётларини айтиб беринг?

4.2. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш

Асосий воситалар кўйидагилар натижасида ташкилот балансига кирим қилинади:

- о олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- о капитал кўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- о беғараз келиб тушиш;
- о товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- о асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш;
- о қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобига кирим қилиниши асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўйича амалга оширилади.

Сотиб олинган асосий воситалар, тугалланган қурилишлар ва иншоотлар, шунингдек, ташкилотнинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи ва уларга қилинган барча харажатларнинг тўлиқ суммасида, жум-

ладан, мазкур асосий воситаларни фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Сотиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати қуидаги харажатлардан ташкил топади:

- етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пурратчиларга тўланадиган суммалар;

- асосий воситаларни сотиб олиш (куриш) муносабати билан қонунчиликда белгиланган тартибда тўланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари, шу жумладан, божхона божлари ва йигимлари (агар улар қопланмаса);

- асосий воситаларни сотиб олиш (куриш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

- асосий воситаларни етказиб бериш (куриш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

- асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўла-надиган ҳақлар;

- асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

- активдан фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Ташкилотнинг ўзида тайёрланган (курилган) асосий воситаларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни тиклаш (куриш, қуриб битказиш) бўйича амалга оширилган барча ҳақиқий харажатлар суммаси (таннархи) бўйича акс эттирилади.

Бегараз олинган асосий воситанинг дастлабки қиймати бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган санадаги уларнинг белгиланган тартибда аниқланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади.

Ҳисобга қабул қилинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматини ўзгартиришга асосий восита объектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жихозлаш, реконструкция ёки модернизация қилиш, кисман тугатиш ва қайта баҳолаш амалга оширилган ҳолларда рухсат этилади.

Қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жихозлаш ишларига асосий воситалар объектининг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатни

янада яхшилашга доир бошқа ҳоллар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади.


Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар объектларини қайта куриш киритилади.

Асосий воситалар олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олинганда, беғараз олинганда юк хати (счёт фактура ёки накладной)га асосан бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан олинади. Корхонада раҳбар томонидан тузилган асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича доимий фаолият қиласидаги комиссия томонидан асосий воситани балансга қабул қилиш бўйича АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотларида асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома тузилади. Бу далолатнома икки нусхада тузилиб, раҳбар томонидан тасдиқланади ва тегишли бўлган техник ҳужжатлар (паспорт ва бошқалар) илова қилинади.

Кўшимча курилган, кўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция ёки модернизация қилинган асосий воситалар бўйича тугалланган ишларни қабул қилиш АВ-3-сон шаклдаги кўшимча қурилган, кўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция ёки модернизация қилинган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатнома мазкур ишларни амалга оширган ва қабул қилиб олган шахслар томонидан имзоланади.

Товар-моддий захиралар таркибидан ўтказилганда ёки инвентаризация натижасида асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектлари комиссия томонидан асосий воситани балансга қабул қилиш бўйича АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотларида асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома тузилади.

Юкоридаги ҳужжатларга асосан АВ-6, АВ-8, АВ-9 – сон инвентарь карточкалар очилади ва бухгалтерия ёзувлари берилиб 274-сон шаклдаги 6-мемориал ордерда акс эттирилади. Мемориал ордердан 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисбот шаклларига туширилади (4.2.1-чизма).



4.2.1-чизма. Асосий воситалар киримини бухгалтерия хужжатларида акс эттиришнинг схематик кўриниши.

Агарда асосий воситалар ташкилот ичда бир моддий жавобгар шахсдан башқасига ўтказилса (ёки ташкилотнинг бир бўлимидан иккинчисига берилса), у холда АВ-2-сон шаклдаги асосий воситаларни ички жойдан-жойга кўчириш бўйича юк хати тўлдирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш				
1.	Асосий воситалар сотиб олинганда: а) сотиб олинган асосий воситаларнинг қийматига (сотиб олиш нархи, шунингдек, етказиб бериш ва бошқа кўшимча харажатлар)	072	15, 16 ва 17-счёrtlарнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, ба жарилган ишларни қабул килиш топшириш далолатномалари ва бошқалар.

	б) Асосий воситани дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши	01-счёт-нинг тегишли суб-счётла-ри	072	АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотла-рида асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома
Капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектини қабул қилиш-топшириш				
2.	Ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек, пудрат шартномасига асосан биноиншоотларни қурилиш ишлари амалга оширилганда (ҳақиқий харажатлар суммасига)	071	02, 15, 16, 17 - ва бош-ка счёт-ларнинг тегишли субсчёт-лари	Юк хати, ба-жарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатно-малари ва бошқалар.
3.	Ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек, пудрат шартномасига асосан қурилган асосий восита объектиларини кирим қилиниши	01-счёт-нинг тегишли суб-счётла-ри	071	АВ-3-сон шаклдаги кўшимча курорилган, кўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция ёки монернизация қилинган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш бўйича далолатнома
Бегараз келиб тушиш				
4.	Асосий воситалар бегараз	072	262	Юк хати ёки

	олинганда: а) белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати бүйича			бошқа хужжатлар
	б) етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар суммасига (агар амалга оширилса)	072	15, 16 ва 17-счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатнома лари ва бошқалар.
	в) асосий воситани дастлабки қиймати бүйича кирим қилиниши	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	072	АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотларида асосий воситаларни қабул қилиш топшириш тўғрисида далолатнома

Товар-моддий захиралар таркибидан ўтказини

5	Моддий қийматликлар товар-моддий захиралар таркибидан асосий воситаларга ўтказилганда: а) товар - моддий захиралар ҳақиқий қиймати бүйича	072	06-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Бухгалтерия маълумотномалари
	б) товар - моддий захиралардан ўтказилган асосий воситани дастлабки қиймати бүйича кирим қилиниши	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	072	АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотларида асосий воситаларни қабул қилиш топшириш тўғрисида далолатнома

Асосий воситаларнинг ортиқча (хисобга олинмаган) объектларини аниқлаш, қайта баҳолаш				
6.	Инвентаризация жараёнида аниқланган хисобга олинмаган асосий воситаларни бозор қиймати бўйича киримга олиниши	01-счёт-нинг тегишли субсчёлари	273	Инвентаризация далолатномаси, АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотлирида асосий воситаларни қабул қилиштопшириш тўғрисида далолатнома
7.	Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар дастлабки қийматининг ошиши	01-счёт-нинг тегишли субсчёлари	28-счёт-нинг тегишли субсчёлари	Бухгалтерия маълумотномаси

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Асосий воситалар қандай ҳолатларда балансга кирим қилинади?
2. Асосий воситаларни олди-сотди шартномаси бўйича балансга кирим қилиниши жараёнини хужжатлаштириш ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Асосий воситаларни ташкилотни ўзи томонидан қуриш натижасида балансга кирим қилиниши жараёнини хужжатлаштириш ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
4. Асосий воситаларни бегараз келиб тушиши, товар-моддий захиралар таркибидан ўtkазиш бўйича балансга кирим қилиниши жараёнини хужжатлаштириш ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?

4.3. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва уларни хисоби

Бюджет ташкилотларда асосий воситаларининг эскириши «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини

аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби түгрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 30 октябрда 2028-сон билан рўйхатга олинган)га мувофиқ асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан келиб чиқкан ҳолда, ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Эскириш иморатлар, иншоотлар, узаткич мосламалар, машина ва жиҳозлар, иш ҳайвонлари ва транспорт воситалари, ишлаб чиқариш (ашёларни ҳам қўшиб) ва хўжалик инвентарлари ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етган кўп йиллик дараҳтлар, буталар ва бошқа асосий воситалар бўйича аниқланади ва ҳисобга олинади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, ўзларининг тизимидағи ташкилотларда асосий воситаларнинг эскириши меъёрларини асосий воситаларнинг техник шартлари ёки тайёрловчи-ташкилотлар тавсияларига мувофиқ асосий воситалар объектларининг самарали фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда, тегишли қонунчилик билан белгиланган меъёрлардан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда белгилашлари мумкин. Асосий восита объектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация натижасида дастлабки қабул қилинган мебёрий кўрсаткичлари яхшиланиши (oshiрилиши) ҳолларда ташкилотлар шу объектнинг амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация ишлари тугатилган ойдан кейинги ҳисобот ойининг биринчи санасидан бошлаб шу объектнинг самарали фойдаланиш муддатини қайта кўриб чиқадилар.

Бегараз олинган асосий воситалар объектларининг самарали фойдаланиш муддати қуйидагича аниқланади:

– ташкилотлардан олинганлар учун – амалда фойдаланилган муддатларини ва аввал ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобга олган ҳолда;

– бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинганлар учун – ташкилотларда доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланган объектнинг бозор баҳоси ва фойдаланиш муддатидан келиб чиқкан ҳолда.

Эскириш қуйидаги асосий воситалар бўйича аниқланмайди: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган иморатлар ва иншоотлар, кабинет ва лабораторияларда жойлашган ўкув ишлари

ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозлар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал құлмаётган моделлар, макетлар ва бошқа күргазмали құлланмалар, маҳсулдор қора моллар, ҳайвонот олами экспонатлари (ҳайвонот бөғи ва шунга ўхаш ташкилотларда), фойдаланиш мүмкін бўлган ёшга етмаган кўп йиллик кўчатлар, кутубхона фондлари, фильмлар фонди, саҳнага қўйиш ускуналари, бадиий ва музей буюмлари.

Асосий воситалар обьекти бўйича эскириш ҳисоблаш мазкур обьект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур обьектнинг дастлабки (тикланиш) қиймати доирасида ёхуд бу обьектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

Ҳисбот йили мобайнода асосий восита обьектлари бўйича эскириш ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг 1/12 микдорида ҳисобланади. Асосий восита обьектлари бўйича эскириш ҳисоблаш асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати тўлиқ қопланган ёхуд бу обьект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади. Асосий воситалар обьектнинг самарали фойдаланиш муддати мобайнода эскириш ҳисобланиши тўхтатилмайди, обьектларда амалга оширилган қўшимча куриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация, техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилиши туфайли тўлиқ тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно.


Асосий восита обьектлари бўйича эскириш ҳисоблаш ҳисбот даврида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисбот даврида акс эттирилади. Эскириш ҳисоблаш асосий воситалар обьектлари қийматининг 100 фоизидан ошиб кетиши мүмкін эмас. Ҳисбот йили мобайнода бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши (эскирганлиги туфайли тугатилиши муносабати билан уларни ҳисобдан чиқарилиши натижасида ҳам) ҳисбида эскиришнинг умумий суммаси ўзгариши мумкин.

Ҳар ойда ҳисбланган эскириш суммаси тегишли инвентарь карточкалар (китоблар)да асосий воситалар обьектлари бўйича ҳисоби ёзиб борилмайди. Агар асосий воситалар тугатилаётганда ёки бошқа ташкилотга бериладиганда, шунингдек, обьектларни эскиришининг йиллик меъёри белгиланган тартибда ўзгарти-

рилаётган бўлса, асосий восита объектларининг бутун фойдаланиш муддати мобайнида ҳисобланган тўлиқ эскириш суммаси алоҳида инвентаръ объектлари бўйича аниқланади.

Аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар бир таш-килотдан бошқасига берилаётганда, шунингдек, тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқарилаётганда объектларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ўрнатилган тартибда ҳисобланган эскириш суммаси кўрсатилган ҳолда тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Асосий воситаларга белгиланган меъёрлар бўйича эскириш ҳисобланганда бухгалтерия томонидан бухгалтерия расчётлари, маълумотномалари тузилиб, ушбу хужжатларга асосан бухгалтерия ёзувлари берилиб, 274-сон шаклдаги мемориал ордерда акс эттирилади. Мемориал ордердан 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисбот шакллари туширилади (4.3.1-чиизма).



4.3.1-чиизма. Асосий воситалар эскириши ҳисобини хужжатлаштиришнинг схематик кўриниши.

Асосий воситаларнинг эскириши бўйича синтетик ҳисоби 02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётида қўйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

- 020 «Туаржой иморатларнинг эскириши»;
- 021 «Нотуар жой иморатларнинг эскириши»;
- 022 «Иншоотларнинг эскириши»;
- 023 «Машина ва жиҳозларнинг эскириши»;
- 025 «Транспорт воситаларининг эскириши»;
- 029 «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши».

Мазкур субсчёtlарнинг кредит томонида асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши, дебет томонида эса ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бюджет ташкилоти ишчи счёtlар режасини тасдиқлаётганда «Асосий воситаларнинг эскириши» счёtnинг тегишли субсчёtlарини ташкилотга кирим қилинган асосий воситалар манбаалари бўйича эскириш ҳисобланишини алоҳида шакллантириб олиши мумкин. Масалан 023/1 «Машина ва жиҳозларнинг эскириши (бюджет маблағи ҳисобидан)», 023/2 «Машина ва жиҳозларнинг эскириши (ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан)» ва ҳоказо.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1.	Асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши (хар ойда)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишили	02- счёtnинг тегишли субсчёtlари	Бухгалтерия расчёtlари, маълумотномалари
2.	Бошқа ташкилотлардан бега- раз олинган ва аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар-инвентар объектлар келиб тушганда: а) дастлабки (тикланиш) кий- матидан эскиришини айирган холда	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	262	AB-1 шаклдаги бюджет таш- килотларида асосий воси- таларни ка- бул килиш- топшириш тўгрисида далолатнома
	б) эскириш суммасига	01- счёtnинг тегишли субсчёtlари	02- счёtnинг тегишли субсчёtlари	Бухгалтерия маълумотно- маси
3.	Қайта баҳолаш натжасида асосий воситани эскириш суммасини ошиши	28- счёtnинг тегишли субсчёtlари	02-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Бухгалтерия маълумотно- маси

4.	Қайта баҳолаш натжасида асосий воситани эскириш суммасини камайиши	02-счётнинг тегишли субсчётлари	28-счётнинг тегишли субсчётлари	Бухгалтерия маълумотномаси
5.	Балансдан чиқарилаётган асосий воситага ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши	02-счётнинг тегишли субсчётлари	201	Далолатнома, бухгалтерия маълумотномаси

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар


1. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг?
2. Асосий воситалар эскириши ҳисобини бухгалтерия хужжатларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Асосий воситаларнинг қайси турларига эскириш ҳисобланмайди?
4. Асосий воситалар эскириши ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?

4.4. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва уларни ҳисобда акс эттириш

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом» (ЎзР Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон Буйруғи билан тасдиқланган) га ва бошқа қонуний хужжатларга тартибга солинади.

Асосий воситалар қуидагилар натижасида ташкилот балансидан чиқарилади:

- тугатиш;
- сотиш;
- бегараз бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аникланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.



4.4.1 - чизма. Асосий воситаларни ташкилот балансидан чиқарилиши.

Асосий воситалар қисман тугатилган ҳолда унинг дастлабки (тиглаш) қиймати ва жамланган эскириш суммаси тегишлигича объектнинг тугатилган қисмининг дастлабки (тиглаш) қиймати ва жамланган эскириш суммасига камайтирилади.

Асосий воситалар қуйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

- белгиланган хизмат муддати тугаганидан (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганидан) кейин;
- жисмоний эскириш, ҳалокатлар, табиий оғатлар, фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитларини бузиш оқибатида яроқсиз ҳолга келгандар;
- маънан эскирганлари;
- тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича чиқиб кетадиганлари;
- корхона ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жихозланиши муносабати билан чиқиб кетадиганлари.

Тикланиши мумкин бўлмаган ёки иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган асосий воситалар тугатилиши керак.

Асосий воситаларни тугатилиши муносабати билан ҳисобдан чиқарилишида белгиланган тартибда мутахассислар томонидан нуқсонлар далолатномаси тузилади. Ушбу далолатномада асосий воситани ҳолати акс эттирилади. Қонунчиликда белгиланган тартибда бюджет ташкилоти юқори ташкилотга асосий воситани тугатилиши муносабати билан ҳисобдан чиқарилиши бўйича ёзма

мурожаат қиласи ва ижобий жавоб олингандан сўнг ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган доимий фаолият қилувчи комиссия томонида тегишли далолатномалар тузилиб ҳисобдан чиқарилади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни сотиш «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда курилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек, уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган)га асосан тартиба солинади.

Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини ҳамда курилиши тугалланмаган объектларини сотиш куйидаги шартлардан бири қониқтирилган тақдирда амалга оширилади:

- белгиланган хизмат қилиш муддатининг тамом бўлиши (тўлик эскириш ҳисобга ўтказилиши);
- уларнинг жисмоний эскириши, авариялар, табиий оғатлар, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши оқибатида яроқсиз ҳолга келиши;
- маънавий эскириши;
- бюджет ташкилотларининг курилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, модернизация қилиниши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшаб қолиши.

Бюджет ташкилотларининг бинолари ва иншоотлари (шу жумладан, курилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотлари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан хусусийлаштириш тартибида сотилади.

Бюджет ташкилотларининг қолган асосий воситалари бюджет ташкилотлари томонидан юқори ташкилот билан келишган ҳолда, юқори ташкилот бўлмаган тақдирда - қонун хужжатларига мувофиқ мустақил равишда сотилади. Бунда:

- бир инвентарь объектнинг қолдик қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари микдоридан ортикни ташкил этадиган автомототранспорт воситалари, шунингдек, бошқа асосий воситалар асосий воситалар қийматини баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши керак;

– бир инвентар объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган асосий воситалар бюджет ташкилотлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилади. Юқори ташкилотнинг (мавжуд бўлгандা) талабига кўра ёки бюджет ташкилотларининг ўз ташаббуси билан ушбу асосий воситалар асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги бюджет ташкилотлари хисобланадиган ваколатхоналарининг асосий воситалари ва курилиши тугалланмаган объектлари қуйидаги тартибда сотилади:

– бинолар ва иншоотлар (курилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотлар ҳам шу жумлага киради) - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида;

– қолган асосий воситалар – Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналари томонидан юқори ташкилот билан (мавжуд бўлгандা) келишган ҳолда ваколатхона жойлашган мамлакатнинг қонун хужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали мустақил равишда сотилади.

Бинолар ва иншоотларни (шу жумладан, курилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларни) сотишдан тушган маблағлар Давлат мулки қўмитасининг маҳсус ғазначилик ҳисоб рақамида жамланади ва улар, сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, Давлат мулки қўмитаси томонидан хусусийлаштиришдан тушган маблағлар сифатида тақсимланади.

Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида жамланади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи – тегишли бюджет даромадига ўтказилади;

50 фоизи – бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида қолади.

Бюджет ташкилотлари томонидан асосий воситалар оммавий савдоларда сотилган тақдирда маблағларни тақсимлаш уларни баҳолаш ва сотиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейин амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган бюджет ташкилотлари томонидан фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга (шу жумладан, автомототранспорт воситаларини сотиб олишга), шунингдек, кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги бюджет ташкилотлари ҳисобланадиган ваколатхоналарининг асосий воситалари ва қурилиши тугалланмаган обьектларини сотишдан тушган маблағлар:

– бинолар ва иншоотлар бўйича (курилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотлар ҳам шу жумлага киради) – уларни сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида белгиланган тартибда;

– қолган асосий воситалар бўйича – харажатлар сметасида назарда тутилган асосий воситаларни сотиб олишга, фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга, шунингдек, кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга тақсимланади.

Асосий воситаларни беғараз бериш юқори ташкилот билан келишилган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инвентаризация натижасида асосий воситалар бўйича камомад ёки йўқотишининг аниқланиши улар ундирилиши «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом» (Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 марта даги 37, 2004-26, 20/1-сонли қарори билан тасдиқланган) га асосан тартибга солинади.

Ушбу низомга асосан иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси билан тартибга солиниши кўрсатилган.

Бир ойлик ўртacha иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармо-

йишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аникланган қундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мүмкін. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юкори ёки зарар аникланган қундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чиққанда, қасддан ўйқотиши ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади.

Инвентаризация жараёнида аникланган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун куйидагилардан фойдаланиш мүмкін:

а) ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ва уларнинг расмий дилерларидан, товар ҳом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) Марказий банкнинг камомад (ортиқча) аникланган санадаги ва тегишли мулкни сотиб олиш санасидаги курсларнинг нисбати шаклида аникланган ҳисоб-китоб коэффициентини кўллаган ҳолда сотиб олиш санасидаги (тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) мол-мулкларнинг эркин конвертацияланадиган валюта (ЭКВ) даги қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

в) тегишли давлат идораларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;


г) инвентаризация ўтказилаётган даврда оммавий ахборот воситалари ва маҳсус адабиётларда эълон қилинган нарх дарожалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) тегишли мол-мулкнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг эксперт хulosаси.

Асосий воситаларни уларнинг тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқариш тўғрисида комиссия томонидан қабул қилинган қарор натижалари бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома билан (АВ-4-сон шакл, бюджет.), шу жумладан, транспорт воситалари бўйича бюджет ташкилотларида транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома (АВ-4а-сон шакл, бюджет.) билан, кутубхонадаги мавжуд адабиётларни ҳисобдан чиқариш бюджет ташкилотлари кутубхонасида мавжуд бўлган адабиётларни ҳисобдан чиқариш

бўйича далолатнома (444-сон шакл) билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномалар комиссия томонидан икки нусхада тузилади ва барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси асосий воситалар объектларининг сақланиши учун жавобгар бўлган шахсада қолиб, ҳисобдан чиқариш натижасида қолган моддий қимматликлар ёки темир-терсакни омборга топшириш ёки сотиш учун асос бўлади. Транспорт воситасини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқлайдиган хужжат ҳам тақдим қилинади. Ушбу далолатномалар ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринbosари) томонидан тасдиқлангунига қадар асосий воситаларни қисмларга бўлиш ва демонтаж қилишга йўл кўйилмайди.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва жойдан-жойга кўчириш операцияларининг ҳисоби 438-сон шаклдаги жамланма қайдномада (9-мемориал ордерда) олиб борилади. Жамланма қайдномага ёзувлар ҳар бир хужжат бўйича ёзилади. Бунда, «Жами» устунида (тиққаторида) ёзиладиган ҳисобдан чиқарилган ва жойдан-жойга кўчирилган моддий ашёлар суммаси субсчётнинг дебет бўйича суммасига teng бўлиши керак. Ойнинг охирида субсчёт бўйича натижалар 308-сон шаклдаги «Бош-журнал китоби»га ёзилади (4.4.2 - чизма).



4.4.2 - чизма. Асосий воситаларни ташкилот балансидан чиқарилишини хужжатлаштиришнинг схематик кўриниши.

Бухгалтерия ўтказмалари матрикаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужожат
Тугатиши хисобига асосий воситаларни хисобдан чиқариш				
1.	Тугатилиши муносабати билан асосий воситаларни хисобдан чиқарилиши: а) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чиқарилиши	02- счёtnинг тегишли субсчётлари	01- счёtnинг тегишли субсчётлари	AB-4-сон шакл, бюджет, AB-4a-сон шакл, бюджет, 444-сон шаклдаги далолатномалар
	б) қолдик кийматини хисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишилари	01- счёtnинг тегишли субсчётлари	AB-4-сон шакл, бюджет, AB-4a-сон шакл, бюджет, 444-сон шаклдаги далолатномалар
	в) асосий воситаларни тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга ярокли бўлган товар-моддий захираларни кирим килиниши: - қолдик киймати доирасида;	06- счёtnинг тегишли субсчётлари	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишилари	AB-4-сон шакл, бюджет, AB-4a-сон шакл, бюджет, 444-сон шаклдаги далолатномалар
	- қолдик кийматидан ошган суммага	06- счёtnинг тегишли субсчётлари	272	AB-4-сон шакл, бюджет, AB-4a-сон шакл, бюджет, 444-сон шаклдаги далолатномалар, бухгалтерия маълумотномаси
Асосий воситани сотилиши хисобига хисобдан чиқарилиши				
	Асосий воситаларни сотилиши: 1) бино ва иншоотлар (чет элда жойлашганларидан ташқари): а) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чиқарилиши	02- счёtnинг тегишли субсчётлари	01- счёtnинг тегишли субсчётлари	AB-4-сон шакл, бюджет, Бухгалтерия маълумотномаси
	б) қолдик кийматини хисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271	01- счёtnинг тегишилари	AB-4-сон шакл, бюджет, Бухгалтерия

		субсчёт- ларнинг тегишили- си	субсчёт- лари	маълумотномаси
	2) қолган асосий воситалар (чет элда жойлашгандан ташкари): а) дастлабки кийматини хисобдан чикарилиши	201	01- счёtnинг тегишили субсчёт- лари	АВ-4-сон шакл, бюдж, Бухгалтерия маълумотномаси
	б) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чикарилиши	02- счёtnинг тегишили субсчёт- лари	201	АВ-4-сон шакл, бюдж, Бухгалтерия маълумотномаси
	в) асосий воситаларнинг сотиш киймати	15- счёtnинг тегишили субсчёт- лари	201	Юк хати
	г) бир вақтнинг ўзида тегишили бюджет даромадига хисобланган сумма	201	160	Бухгалтерия маълумотномаси
	д) пул маблағларини келиб тушиши	113	15- счёtnинг тегишили субсчёт- лари	Шахсий хисобваракдан кўчирма
	е) бюджетга хисобланган суммаларни ўтказиб берилиши	160	113	Шахсий хисобваракдан кўчирма
	ж) асосий воситаларни сотилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (даромад)	201	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	з) асосий воситаларни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт- ларнинг тегиши- лиси	201	Бухгалтерия маълумотномаси
	3) чет элда жойлашган ташкилотларнинг асосий воситалари (бино ва иншоотлардан	201	01- счёtnинг тегишили	АВ-4-сон шакл, бюдж, АВ-4-а- сон шакл бюдж, Бухгалтерия

	ташкари): а) дастлабки кийматини хисобдан чикарилиши		субчёт-лари	маълумотномаси
	б) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чикарилиши	02-счёtnинг тегишли субчёт-лари	201	AB-4-сон шакл, бюджет, AB-4a-сон шакл бюджет, Бухгалтерия маълумотномаси
	в) асосий воситаларнинг сотиш киймати	15-счёtnинг тегишли субчёт-лари	201	Юк хати
	г) пул маблағларини келиб тушиши	113	15-счёtnинг тегишли субчёт-лари	Шахсий хисобваракдан кўчирма
	д) асосий воситаларни сотилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (даромад)	201	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	е) асосий воситаларни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субчёт-ларнинг тегишиллиси	201	Бухгалтерия маълумотномаси

Бегаз берниш хисобига хисобдан чикариш

	Асосий воситалар бераз берилганда а) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чикарилиши	02-счёtnинг тегишли субчёт-лари	01-счёtnинг тегишли субчёт-лари	Юк хати, Далолатномалар, бухгалтерия маълумотномаси
	б) қолдик кийматини хисобдан чикарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субчёт-ларнинг тегишиллиси	01-счёtnинг тегишли субчёт-лари	Юк хати, Далолатномалар, бухгалтерия маълумотномаси

Камомад ёки йўқотишининг аниқланиши хисобига хисобдан чикариш

	Инвентаризация натижасида камомад чиккан асосий воси-	02-счёtnинг	01-счёtnинг	Далолатномалар, бухгалтерия
--	---	-------------	-------------	-----------------------------

	талар суммасига (агарда моддий жавобгар шахсдан ундирилмаса): а) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чиқарилиши	тегишли субсчёtlари	тегишли субсчёtlари	мълумотномаси
	б) қолдик кийматини хисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишилиси	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Далолатномалар, бухгалтерия мълумотномаси
	Инвентаризация натижасида камомад чиқсан бюджет маблағлари хисобидан сотиб олинган ёки сотиб олиниш манбаси ноаник бўлган асосий воситалар суммасига (агарда моддий жавобгар шахсдан ундирилса): а) хисобланган эскириш суммасини хисобдан чиқарилиши	02-счёtnинг тегишли субсчёtlари	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Далолатномалар, бухгалтерия мълумотномаси
	б) қолдик кийматини хисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишилиси	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Далолатномалар, бухгалтерия мълумотномаси
	в) айбор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига хисобланиши	170	160	бухгалтерия мълумотномаси
	г) айбор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши	120	170	Касса кирим ордери
	д) камомад суммасини хисобвараққа кирим қилиниши	113	120	Касса чиқим ордери
	е) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши	160	113	Шахсий хисобварақдан кўчирма
	Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбор деб тан олинган ҳолда (агарда асосий восита бюджетдан ташкари	02-счёtnинг тегишли субсчёtlари	01-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Далолатномалар, бухгалтерия мълумотномаси

	маблаглар ҳисобидан харид қилинган бўлса): а) ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши	лари	лари	
	б) колдик қийматини ҳисобдан чиқарилиши	170	01-счётнинг тегишли субсчётла ри	Далолатномалар, бухгалтерия маълумотномаси
	в) агарда, мазкур асосий воситанинг колдик қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кам бўлса	170	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	г) агарда, мазкур асосий воситанинг колдик қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кўп бўлса	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт- ларнинг тегишли- си	170	Бухгалтерия маълумотномаси
	д) айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	пул маб- лагларини ҳисобга олувчи субсчётлар	170	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма

Такрорлаш ва мунизара учун саволлар

1. Асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқарилиши тартибини тушунтириб беринг?
2. Асосий воситаларни тутатилиши ҳисобига балансдан чиқариш тартибини тушунтириб беринг?
3. Асосий воситаларни сотилиши ҳисобига балансдан чиқарилиши жараёнини тушунтириб беринг?
4. Асосий воситаларни камомад ёки йўқотишнинг аниqlаниши ҳисобига ҳисобдан чиқариш тартибини тушунтириб беринг?

4.5 Номоддий активлар ҳисоби

Номоддий активлар – ташкилот томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни

сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк обьектлариридан. Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

а) моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;

б) активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишида ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узоқ муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш.

в) корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотиши мўлжалламайди;

г) ишончлилик, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлақ ҳукуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;

д) идентификациялаш имконияти.

Номоддий актив идентификацияланадиган бўлиб ҳисобланади, agarда у қуйидаги мезонлардан бирига мувофиқ келса:

а) ажраладиган бўлса, яъни уни корхонадан ажратиб бўлса ҳамда сотиш, бериб юбориш, ижарага бериш, алоҳида ёки улар билан боғлиқ актив, контракт ёки мажбурият билан бирга айрбошлаш (гудвиллдан ташқари) мумкин бўлса.

Агар ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг (шу жумладан ўрнатилмаган) таркибий қисми ҳисобланса, у моддий актив аҳамиятига эга бўлган асосий восита билан бирга қаралади. Агар ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг таркибий қисми ҳисобланмаса ва мутлақ ҳукуқ корхонага тегишли бўлса, у номоддий актив ҳисобланади;

б) ушбу ҳукуқлар бериладиган ёки корхонадан ёхуд бошқа ҳукуқ ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъи назар, шартномавий ва бошқа юридик ҳукуклардан пайдо бўлади.

Келгусида корхонанинг номоддий актив билан боғлиқ иқтисодий фойда олиш эҳтимоли фақатгина қуйидаги ҳолда мавжуд бўлади:

а) активнинг келгусида корхонанинг иқтисодий фойдаси (даромади)нинг кўпайтиришга қодирлиги, шунингдек, корхонанинг активдан ушбу мақсадда фойдаланиш нияти исботланганда;

б) корхона кутилаётган келгусидаги иқтисодий фойданни топа олиши учун етарлича ресурслар мавжуд бўлганда ёки уларнинг ҳаммаболлигини исботлаш мумкин бўлганда.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь обьекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь обьекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, хукуқдан воз кечиш шартномасидан ва шу кабилардан келиб чиқадиган хукуқлар жами ҳисобланади. Бир инвентарь обьекти бошқасидан ажратилиши (идентификацияланиши)нинг асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларнинг бажарилиши ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади. Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган номоддий активлар обьекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулқдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

Номоддий активларга юқоридаги талабларга жавоб берувчи қуйидаги обьектлар киритилиши мумкин:

а) патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ хукуқи;

б) муаллиф ёки бошқа хукуқ эгасининг ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ хукуқи;

в) муаллиф ёки бошқа хукуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ хукуқи;

г) хукуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ хукуқи, шунингдек, товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуқи;

д) хукуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ хукуқи;
е) гудвилл;

ж) табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу кабилардан фойдаланиш хукуқи;

з) ер участкасидан фойдаланиш хукуқи;

и) бошқа номоддий активлар (махсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар күрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳукуқи ва шу кабилар).

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида ташкилот балансига киритилади:

- ишлаб чиқариш тугаганидан сүнг яратилган объектни қабул килиш-топшириш;
- олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- бегараз келиб тушиш;
- оптика (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларга кўра.

Сотиб олинган, шунингдек, ташкилотнинг ўзида яратилган номоддий активларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи (таннархи) ва уларга қилинган барча харажатларининг тўлиқ суммасида, жумладан, мазкур номоддий активларни етказиб бериш ва ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа шу билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади. Жумладан, сотиб олинган номоддий активларнинг бошлангич қиймати куйидаги харажатлардан ташкил топади:

- ҳукуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳукуқ эгаси (сотовучи)га тўланган суммалар;
- ҳукуқ эгасининг мутлақ ҳукуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- божхона божлари ва йиғимлари;
- номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;
- номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;
- номоддий активлар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;
- активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳак тўлаш билан боғлиқ харажатлар, сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлик бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошлангич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида ҳисоботларда акс эттирилади. Ташкилотнинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошлангич қиймати ушбу номоддий активларни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Номоддий активлар чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинишида сотиб олинаётган номоддий активларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан аниқланади.

Номоддий активлар кирими ҳисоби бухгалтерия ҳисобида белгиланган тартибда бухгалтерия бирламчи, йигма ва ҳисоб регистрларида акс эттирилади. Жумладан: номоддий активлар ташкилот томонидан яратилаганда номоддий активни барпо этиш тўғрисида шартнома, объектни барпо этишга кетган харажатларни тасдиқловчи хужжатлар, объектни кирим қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома.

Олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олишда ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисида шартнома, амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи хужжатлар, қабул қилиб олиш далолатномаси.

Бегараз келиб тушиши бўйича ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисида шартнома, қабул қилиш далолатномаси, баҳолаш далолатномаси. Ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш бўйича инвентаризация далолатномаси.

Номоддий активлар кирими билан боғлиқ харажатлар ҳар бир инвентарь объект бўйича жамланма қайднома тузилиб бухгалтерия маълумотномаси асосида АВ-6 шаклдаги инвентарь карточка очилади, бухгалтерия ёзувлари берилиб 6-мемориал ордер ёки 274-сон шаклдаги мемориал ордер, мемориал ордерга асосан 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисобот шаклларига туширилади.

Номоддий активлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келгунинга қадар ҳисобда акс эттирилади. Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган номоддий активлар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида ташкилот балансидан ҳисобдан чиқарилади:

- тугатиш;
- сотиш;
- бегараз бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.


Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш учун қуйидаги хужжатлар расмийлаштирилади: тугатиш бўйича амал қилиш муддати тугаганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилганда – ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома;

сотиш бўйича – шартнома, ҳақ олинганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари, чиқиб кетиш тўғрисида далолатнома;

бегараз берилиш бўйича – чиқиб кетиш тўғрисида далолатнома;

камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши бўйича – инвентаризацияция далолатномаси.

Номоддий активларни чиқиб кетишига оид бухгалтерия хужжатларига асосан бухгалтерия ёзувлари берилиб 274-сон шаклдаги мемориал ордер расмийлаштирилади. Мемориал ордерга асосан 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисбот шаклларига туширилади (4.5.1-чизма).



4.5.1 - чизма. Номоддий активлар ҳисобини хужжатлаштиришнинг схематик қўрининиши.

Номоддий активлар бўйича синтетик ҳисоб 03 «Бошқа узок муддатли номолиявий активлар» счётининг 030 «Номоддий

активлар» субсчётида юритилади. Бу счётнинг дебет томонида номоддий активлар кирими қымати, кредит томонида номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши қымати акс эттирилади. Бюджет ташкилоти ишчи счёtlар режасини тасдиқлаётганда 030 «Номоддий активлар» субсчётини ташкилотга кирим қилинган номоддий активлар манбаалари бўйича алоҳида шакллантириб олиши мумкин. Масалан 030/1 «Номоддий активлар(бюджет маблағи ҳисобидан)», 030/1 «Номоддий активлар (ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан)» ва ҳоказо.

Бухгалтерия ўтказмалари матриаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Ишлаб чиқариш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш				
	а) Номоддий активни яратилиши билан боғлик харажатлар суммасига	080	15-16 счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, баҷарилагн ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва бошқалар
	б) Номоддий активларни дастлабки қымати бўйича кирим қилиниши	030	080	Киримга олиш далолатномаси
Олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш				
1.	Номоддий активларни сотиб олиниши: а) сотиб олиш қымати ва бошқа сотиб олиш билан боғлик қўшимча харажатлар суммасига	080	15-16 счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, аванс ҳисоботи ва бошқалар
	б) Номоддий активларни дастлабки қымати бўйича кирим қилиниши	030	080	Қайднома, бухгалтерия маълумотномаси

Бегараз келиб тушиши

Номоддий активлар бегараз олинганда: а) белгиланган тартибда аникланган бозор қимати бүйича	080	262	Юк хати, баҳолаш далолатномаси
б) етказиб бериш ва бошқа құшимча харажаттар суммасига, агар амалға оширилса	080	15, 16 ва 17-счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	Бажарылған ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва бошқалар
в) номоддий активларнинг дастлабки қимати бүйича кирим қилиниши	030	080	Қабул қилиш далолатномаси

Ортиқча (хисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниклаш

Инвентаризация натижасыда ортиқча чиққан номоддий активларни кирим қилиниши	030	273	Инвентаризация далолатномаси
---	-----	-----	------------------------------

Тугатиш

Муддати тугаши ёки яроқсиз холга келганилиги муносабати билан номоддий активларни хисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишилси	030	Хисобдан чиқариш түгристеңеси даалолатнома
---	---	-----	--

Сотиши

1 Номоддий активни сотиши: а) дастлабки қиматини хисобдан чиқарилиши	201	030	Хисобдан чиқариш түгристеңеси даалолатнома
б) номоддий активнинг сотиши қимати	15-счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	201	Юк хати

	г) пул маблагларини келиб тушиши	113	15-счёт-нинг тегишли субсчёт-лари	Шахсий ҳисобварақ-дан күчирма
	д) номоддий активни со-тилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (даромад)	201	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	е) номоддий активни со-тилишидан кўрилган сал-бий молиявий натижа (зарар)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт-ларнинг тегишли-си	201	Бухгалтерия маълумотномаси
Бегараз бериш				
	Бегараз берилиши муно-сабати билан номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт-ларнинг тегишли-си	030	Ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома
Камомад ёки йўқотишинг аннекланиши				
1	Инвентаризация натижасида камомад чиқкан номоддий активлар суммасига	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт-ларнинг тегишли-си	030	Инвентари-зация далолатнома-си
2	Инвентаризация натижа-сида камомад чиқкан бюджет маблаглари ҳи-собидан сотиб олинган ёки сотиб олиниш ман-баси ноаниқ бўлган номоддий активлар	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт-ларнинг тегиши-лиси	030	Ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома

	суммасига (агарда моддий жавобгар шахсдан ундирилса): а) кам чиқсан номоддий активнинг қийматини хисобдан чиқарилиши			
	б) айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) айбдор шахс томонидан камомад суммасини тўланиши	пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар	170	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
	г) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши	160	пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
3	Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда номоддий актив бюджетдан ташкари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса): а) кам чиқсан номоддий активнинг қийматини хисобдан чиқарилиши	170	030	Бухгалтерия маълумотномаси
	б) агарда, мазкур номоддий активнинг қолдиқ қиймати моддий	170	272	Бухгалтерия маълумотномаси

	жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кам бўлса			
	в) агарда, мазкур номоддий активнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кўп бўлса	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишилиси	170	Бухгалтерия маълумотномаси
	г) айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	пул маблағлари ни ҳисобга олувчи субсчётлар	170	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

- Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қандай шартлар бажарилиши керак?
- Номоддий активларга қайси бухгалтерия объектлари киритилади?
- Номоддий активларни балансга кирим қилиш тартибини айтиб беринг?
- Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартибини айтиб беринг?

4.6. Товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш

Товар-моддий захиралар - кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Товар-моддий захираларга хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар, жумладан, қурилиш - таъмиrlаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озуқа ва ем-хашак, тара (идиш)лар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўкув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамда лаборатория синовида бўлган, узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий тадқиқот ишлари учун маҳсус асбоб-ускуналар ва бошқалар киради.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар қуидаги инвентарь ва хўжалик анжомлари товар - моддий захиралар таркибиغا киритилади:

- а) маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);
- б) маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзal;
- в) кўрпа-тўшаклар;
- г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига кўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);
- д) ошхона инвентари, шунингдек, сочик-дастурхонлар;
- е) уларни барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;
- ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- з) овлаш қуроллари (траплар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо).

Товар-моддий захиралар ташкилотларда қуидагилар кўри нишида бўлиши мумкин:

- а) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ҳом ашё ва материаллар, ҳарид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар захиралари;

б) бокувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оиласлари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилингган (бокувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилингган қорамоллар;

в) деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жарабёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш хужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

г) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклиниң пировард натижаси - сотиш учун мўлжалланган ва қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа хужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

д) бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилингган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкий (мутлак) хукуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилингган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Товар - моддий захиралар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Моддий активларни қонунчиликда белгиланган тартибда товар-моддий захиралар таркибида акс эттириш.

2. Товар-моддий захираларни келиб тушиши, уларни ташкилот ҳисобидан чиқарилиши, шунингдек, сақланиши ва мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш.

3. Захиралар ва харажатларнинг белгиланган меъёрларини кузатиб бориш.

4. Белгиланган тартибда реализация қилиниши лозим бўлган, фойдаланилмайдиган материалларни ўз вақтида аниқлаш.

5. Товар-моддий захиралар ҳаракатини хужжатлarda тўғри расмийлаштириш ҳамда ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш.

6. Товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобварагларда ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш.

7. Товар-моддий захиралар бўйича ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ахборотларини шакллантириб бериш.

Бюджет ташкилотларида материаллар бўйича молия йили охирига бўлган қолдиқлар аниқланган меъёрлар асосида таҳлил қилинади. Агар бюджет ташкилотини молия йили охирида бўлган материаллар бўйича қолдиқ қиймати белгиланган меъёр(лимит)дан ортиқча бўлса, кейинги молия йилида бюджет маблағлари бўйича харажат сметасида материаллар сотиб олиш учун киритилган сумма меъёрдан ортиқ суммага камайтирилади. Товар моддий захиралар ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун белгиланган кўрсаткичлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 14 марта 1111-сон билан рўйхатга олинган)да келтирилган (4.6.1-жадвал).

Товар моддий захиралар ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун белгиланган кўрсаткичлар

4.6.1-жадвал

№	Товар-моддий захиралари номи	Белгиланган кун меъёрлари
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари (мавсумий тайёрлашдан ташқари)	15 кун
2	Мавсумда тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари	150 кун
3	Дори-дармонлар, реактивлар, боғлаш материаллари ва дорихона анжомлари	60 кун
4	Барча бюджет ташкилотлари учун ёқилғи (болалар ва даволаш ташкилотларидан ташқари)	75 кун
5	Болалар ва даволаш ташкилотлари учун ёқилғи	90 кун
6	Хўжалик ва концелярия материаллари	45 кун
	Ўқув илмий ва бошка маҳсус мақсадлар учун материаллар	120 кун
	Озука ва ем-хашак	120 кун
	Курилиш таъмирлаш материаллари	45 кун

Материаллар бўйича йил охиридаги қолдиқни меъёрларини аниқлаш учун «Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида» ҳисботнинг 060-069 субсчётлар бўйича йил давомида ташкилот эҳтиёжлари учун сарфланган материаллар қиймати олиниб, ёқилғи

ва мойлаш материаллари бўйича иситиш мавсумидаги кунлар сони (асосан 5 ойлик иситиш мавсуми – 150 кун олинади), тиббиёт муассасалари бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар бир гурухи бўйича кўрсатилган сумма 360 га, бошқа бюджет ташкилотлари бўйича ташкилот эҳтиёjlари учун сарфланган материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир гурухи бўйича 305 га бўлинади ва чиққан натижга материаллар бўйича белгиланган кун меъёрларига кўпайтирилади. Чиққан натижга меъёр ҳисобланиб баланснинг 060-069 субсчёtlари қолдиги билан солиштирилади. Агар материаллар қолдиги чиққан меъердан ортиқ бўлса, ўша суммага кейинги йил харажатлар сметасида материаллар харажат моддаси суммасини молиялаштириш камайтирилади.

Шартли мисол тарикасида қуийдагини келтирамиз.

Тошкент Банк коллежисида 2010 йил йиллик ҳисоботига асосан материалларни ўрнатилган меъерлар бўйича ҳисоб-китоб қилинганда хўжалик ва канцелярия моллари, ёқилги мойлаш материаллари бўйича меъердан ортиқча қолдиги мавжудлиги аниqlанди. Ҳисоб-китобни амалга ошириш учун 5-сон шаклдаги Номолиявий активлар ҳаракати түгрисида ҳисоботдан фойдаланамиз.

A) Ҳисоботга кўра хўжалик ва канцелярия моллари қолдиги йил охирига 78000 минг сўмни ташкил этган. Йил давомида 190000 минг сўмлик хўжалик ва канцелярия моллари сарфи амалга оширилган. Меъердан ортиқча 49967.2 минг сўм ҳисоботга кўйидаги амаллар бажарилди:

- 1) $190000 \text{ минг сўм} / 305 = 623 \text{ минг сўм}$
- 2) $623 \text{ минг сўм} * 45 = 28032.8 \text{ минг сўм}$
- 3) $28032.8 \text{ минг сўм} - 78000 \text{ минг сўм} = - 49967.2 \text{ минг сўм.}$

Демак, меъердан ортиқча 49967.2 минг сўмлик хўжалик ва канцелярия моллари қолдиги мавжудлиги аниqlанди.

B) Ҳисоботга кўра ёқилги ва мойлаш материаллари қолдиги йил охирига 54000 минг сўмни ташкил этган. Йил давомида 205000 минг сўмлик ёқилги ва мойлаш материаллари сарфи амалга оширилган. Меъердан ортиқча қолдиги мавжудлиги аниqlаш учун қуийдаги амаллар бажарилди:

- 1) $205000 \text{ минг сўм} / 305 = 672.1 \text{ минг сўм}$
- 2) $672.1 \text{ минг сўм} * 75 = 50409.8 \text{ минг сўм}$
- 3) $50409.8 \text{ минг сўм} - 54000 \text{ минг сўм} = - 3590.2 \text{ минг сўм.}$

Демак, меъёрдан ортиқча 3590,2 минг сўмлик ёқилги ва мойлаш материаллари қолдиги мавжудлиги аниqlанди (4.6.2-жадвал.)

*Тошкент банк коллежисида товар - моддий қийматликлар меъёрлари тўғрисида маълумот 2010 йил
(минг сўмда)*

4.6.2-жадвал

Кўрсат-кичлар	субсчёт ракамлари	Меъёр (кунда)	Йил бошига колдик	Йил охирига колдик	Йил мобайнида килинган харажат	1 кунлик харажат (6 устун: 305 кун)	Меъёр (7устун* 3 устун)	Меъёрдан ортиқ захира (5 устун-8 устун)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Хўжалик ва канцепциярия материаллари	063	45	29000	78000	190000	623,0	28032,8	49967,2
Ёкилги-мойлаш материаллари	064	75	36000	54000	205000	672,1	50409,8	3590,2

Товар - моддий захиралар ҳисоби бухгалтерия ҳисобида 05 «Тайёр маҳсулот», 06 «Бошқа товар-моддий захиралар» счётларида юритилади. Бу счётларни дебет томонида товар-моддий қийматликларни кирими ҳақиқий таннаҳри бўйича, кредит томонида ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

05 «Тайёр маҳсулот» счёти 050 «Тайёр маҳсулот» субсчётидан иборат бўлиб, ушбу субсчётда тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннаҳри бўйича ҳисобга олинади.

Шунингдек, ушбу субсчётда ёрдамчи қишлоқ ва ўқув хўжаликларининг маҳсулотлари ҳам ҳисобга олинади. Ёрдамчи қишлоқ хўжалик ва ўқув-тажриба хўжаликларининг маҳсулотлари режадаги баҳоси бўйича йил давомида ҳисобга олиб борилади.

Тайёр маҳсулотларининг аналитик ҳисоби номи, миқдори ва қиймати ҳамда сақланадиган жойи бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларининг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари

(карточкаси)да алоҳида ҳолда юритилади.

06 «Бошқа товар-моддий захиралар» счётида курилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари, ёниғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, хўжалик шартномалари асосида илмий-текшириш ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган, илмий-текшириш ишларида узок вақт фойдаланиладиган материаллар ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади.

06 «Бошқа товар-моддий захиралар» счёти ҳисобда қуидаги субсчёtlарга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

- 060 «Курилиш материаллари»;
- 061 «Озиқ-овқат маҳсулотлари»;
- 062 «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари»;
- 063 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари»;
- 064 «Ёниғи, ёқилғи - мойлаш материаллари»;
- 69 Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари»;
- 069 «Бошқа товар-моддий захиралар».

060 «Курилиш материаллари» субсчётида курилиш ва монтаж ишлари жараёнида фойдаланиладиган курилиш материаллари ҳисобга олинади.

Курилиш материаллари сифатида силикат материаллар (цемент, кум, шагал, оҳак, тош, гишт ва бошк.) ёғоч материаллар (ходалар, арраланганд ёғоч-тахталар, фанерлар ва ш.к.), курилиш метали (темир, тунука, пўлат, листли рух ва ш.к.), металл буюмлар (михлар, гайкалар, болтлар, ҳалқали буюмлар ва шу кабилар), санитария-техника материаллари (жумраклар, муфталар ва ҳ.к.), электротехника материаллари (кабеллар, лампалар, патронлар, роликлар, шнур, сим ва сақлагичлар ва ш.к.), кимёвий-буёқ моддалари (буёқлар, алифлар ва ш.к.) ва бошқа шу каби материаллар ҳисобга олинади.

Курилиш материалларининг аналитик ҳисоби материалларнинг номи, миқдори ва қиймати бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточка)сида юритилади.

061 «Озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётида ташкилотлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобга олинади. Келиб тушган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисоби озиқ-овқат маҳсулотлари киримга олинадиган 300-сон шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кирими бўйича жамланма қайдномада юритилади.

Қайднома ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича алоҳида тузилади. Қайдномага ёзувлар бошлангич ҳисоб ҳужжатлар асосида микдор ва сумма ифодасида ёзилади. Ой тугагандан сўнг қайдномадаги рақамларнинг жами ҳисоблаб чиқилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сарфининг ҳисоби озиқ-овқат маҳсулотлари сарфи бўйича 399-сон шаклдаги жамланма қайдномада юритилади. Бу жамланма қайднома моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади. Унга ёзувлар 299-сон шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бериш учун меню-талабнома ва бошқа ҳужжатлар асосида ёзилади.

Ой тугагандан кейин қайдномадаги рақамларнинг жами ҳисоблаб чиқилади, бу эса сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг қийматини аниқлашга хизмат қиласди. Бир вактнинг ўзида таълим муассасаларида таъминланадиган болалар сони билан, даволаш муассасаларида эса, беморлар ҳақидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар билан таққосланади.

411-сон шаклда жамланма қайдномалардаги маълумотларидан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа чиқим ҳужжатлари (кам чиқсан озиқ-овқат маҳсулотларига, базага қайтаришга ва бошқаларга тузилган далолатномалар) ёзилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг аналитик ҳисоби уларнинг номи, нави, микдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича М-44-сон шаклдаги материал захиралар бўйича айланма қайдномада юритилади. Айланма қайдномаларга ёзувлар 300 ва 399-сон шаклдаги жамланма қайдномалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими ва чиқимига доир бошқа ҳужжатлар асосида ёзилади. Ҳар ойда айланма қайдномалардаги айланмалар ҳисоблаб чиқилади ва ой бошига қолдиқ чиқарилади.

062 «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари» субсчётида касалхоналардаги, даволаш-профилактика, даволаш-ветеринария ва харажатлар сметаларида ушбу мақсадлар учун маблағ ажратиш кўзда тутилган ташкилотлардаги дори-дармонлар, компонентлар, бактерияли препаратлар, зардолар, вакциналар, кон ва ярани боғлаш воситалари ва бошқа дори-дармонлар ҳисобга олинади.

Бу субсчётда ўз дорихоналарига эга бўлган медицина ташкилотларидаги ёрдамчи ва дорихона материаллари ҳам ҳисобга олинади.

063 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» субсчётида ташкилотнинг кундалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хўжалик

материаллари ва канцелярия буюмлари (электр лампалари, совун, чүтка ва ҳ.к.), шунингдек, бошқа инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисобга олинади.

Инветарь ва хўжалик жиҳозларининг ҳисоби моддий жавобгар шахслар томонидан буюмларнинг номи ва миқдори бўйича М-17-сон шаклдаги материалларни омбор ҳисоби дафтарида юритилади. Бу буюмларнинг омбордан бериш 434-сон шаклдаги юк-хати (талабнома) бўйича амалга оширилади.

Буюмлар омбордан берилаётганда ташкилотнинг, бўлимнинг номи, фойдаланишга топширилган йили ва ойи кўрсатилган маркировкали штампи қўйилади. Маркировка бўёқ (ювганда ва кимёвий воситалар таъсирида ўчмайдиган бўлиши лозим) ёрдамида қилинади ёки жетон билан маҳкамланади.

Синган идишларни ҳисобдан ўчириш учун синган идишларни рўйхатга оладиган 325-сон шаклдаги синган идишларни рўйхатга олиш бўйича китоб юритилади. Китобга ёзувлар тегишли мансабдор шахслар томонидан ёзилади. Доимий ишлаб турадиган комиссия китобни тўғри юритилаётганилигини назорат қилиб боради ва ҳар чоракда (ҳар ойда) синган идишларни ҳисобдан ўчириш далолатномасини тузади. Бу далолатнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасалар омборидаги мавжуд ич кийимлар, кўрпа тўшаклар, кийим-кечак ва пойабзаллар қуйидагича алоҳида гуруҳларга ажратилиб ҳисобга олинади:

- ич кийимлар (кўйлаклар, халатлар ва шунга ўхшашлар);
- кўрпа-тўшаклар ва кўрпа-тўшак буюмлари (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпин-ғичлар, қоп-кўрпа) ва ҳ.к;
- кийим-бош ва шаклли уст-бош ҳамда маҳсус кийимлар (костюмлар, кофталар, юбкалар, курткалар, шимлар) ва бошқалар;
- пойабзаллар, маҳсус пойабзаллар (ботинкалар, этиклар, сандаллар, пиймалар ва ҳ.к.) билан бирга;
- спорт кийимлари ва пойабзаллари (костюмлар, ботинкалар) ва ҳ.к.

063 субсчётнинг аналитик ҳисоби предметларнинг номи, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтарида (карточкасида) юритилади.

064 «Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари» субсчётида омборларда, шунингдек, бевосита моддий жавобгар шахслар ихтиёрида турадиган барча турдаги ёнилғи, ёқилғи - мойлаш материаллари (үтин, күмир, торф, бензин, керосин, мазут, автол ва ҳ.к.) ҳисобга олинади.

065 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари» субсчётида машиналарнинг (тибиёт, электрон-ҳисоблаш ва шу каби) ускуналари, тракторлар, комбайнлар, транспорт воситаларининг (моторлар, автомобиль шиналари, камера ва айланы шаклдаги ленталар ва шу кабилар) эскирган қисмларини алмаштириш ва таъмираш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар ҳисобга олинади.

Эҳтиёт қисмларнинг аналитик ҳисоби эҳтиёт қисмларнинг номи, тури, завод берган рақами, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да юритилади. Бунда, эскирганларини алмаштириш учун омбордан берилган автомобиль шиналари ва покришкалари балансдан ташқари 12-счётда ҳисобга олинади ҳамда олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, мансаби, олинган куни ва завод рақами кўрсатилади.

069 «Бошқа товар-моддий захиралар» субсчётида илмий тадқиқот ишлари ва лаборатория синовлари учун узок муддат ишлатиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий тадқиқот ишлари учун маҳсус асбоб-ускуналар, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган реактивлар ва химикатлар, ойна ва кимёвий идишлар, металлар, электр ва радио материаллари, радиолампалар, фотобуюмлари, ўқув дастурлари ҳамда қўлланма ва илмий ишларни нашр қилиш учун қофозлар, тажриба қилинадиган ҳайвонлар ҳамда ўқув мақсадлари ва илмий тадқиқот ишлари учун мўлжалланган бошқа материаллар, шунингдек, протез учун ишлатиладиган қимматбаҳо ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади.

Бошқа товар-моддий захираларнинг аналитик ҳисоби 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да материалларнинг номи, нави, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади.

Ёш чорва молларининг аналитик ҳисоби уларнинг тури ва ёш турухига қараб, бўрдокига боқилаётган молларнинг аналитик

хисоби эса факат турларига қараб чорва молларини хисобга олиш дафтари (395-сон шакл)да олиб борилади.

Бюджет ташкилоти ишчи счёtlар режасини тасдиқлаётганда 06 «Бошқа товар-моддий захиралар» счётининг тегишли субсчёtlарини ташкилотга кирим қилинган материаллар манбаалари бўйича алоҳида шакллантириб олиши мумкин. Масалан, 063/1 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари(бюджет маблаги хисобидан)», 063/2 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари (ривожллантириш жамғармаси маблаги хисобидан)» ва ҳоказо.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Товар-моддий захираларга қандай моддий қийматликлар киритилади?
2. Товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига кўйиладиган вазифаларни айтиб беринг?
3. Товар-моддий захиралар бўйича меъёрларни аниқлаш тартибини тушунтириб беринг?
4. Товар-моддий захиралар синтетик ва аналитик ҳисобини юритилишини айтиб беринг?

4.7. Товар-моддий захиралар киримини хисобга олиш

Товар-моддий захиралар кирими бухгалтерия ҳисобида алоҳида акс эттирилади. Маълумки товар-моддий захиралар қуидагилар натижасида ташкилотга кирим қилинади:

- етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;
- беғараз келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- узок муддатли активлар таркибидан ўтказиш;
- ортиқча (хисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқлаш;
- ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Товар-моддий захиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуидагилар киритилади:

- божхона божлари ва йигимлари;
- товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солик ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- товар-моддий захиралар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳаки;
- товар-моддий захираларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;
- товар-моддий захираларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, товар-моддий захираларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан, товар-моддий захираларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;
- товар-моддий захираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Харид қилинган товар-моддий захираларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, товар-моддий захираларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани конвертациялаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий захираларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бошлангич ҳисоб хужжатлари асосида белгиланади.

Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йигилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли турлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари тегишли бўлган партиялари,

гурӯҳлари) ўртасида тақсимланади.

Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий захираларниг таннархи товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тегишли харажатларни қўшган ҳолда, чет эл валютасидаги суммани божхона юк декларацияси ёки ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Ташкилот томонидан бегараз олинган товар-моддий захираларниг таннархи уларниг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Юридик ва жисмоний шахслардан ҳомийлик кўринишида олинган товар-моддий захиралар таннархига уларни ташкилотга олиб келиш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳам киритилади.

Узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказишда ҳам уларниг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиқсан ҳолда таннархи аниқланади. Бунда асосий воситаларни тугатилиши натижасида яроқли бўлган қисмлари (бино-иншоотлар бўйича фойдаланиш мумкин бўлган қурилиш материаллари, транспорт воситалари бўйича яроқли эҳтиёт қисмлари ва ҳоказо) жорий қийматдан баҳоланиб товар-моддий захиралар таркибиға кириш қилинади.

Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни инвентарлаш натижасида аниқланган активлар таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий захираларниг таннархи деб уларниг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Товар-моддий захираларниг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари кирими бўйича ҳисоб регистрларига бошлангич ҳисоб ҳужжатлари (ҳисобварақлар,

далолатномалар ва бошқалар) асосида ушбу материал захиралар олинган кун (сана) билан ёзилади. Бошланғич ҳисоб хужжатларида қуидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: маҳсулотлар ва озиқовқат маҳсулотлари кимдан олинганлиги, номи, нави, миқдори (оғирлиги) баҳоси, суммаси, омборга келиб тушган вақти ва шу қимматликларни қабул қилинган моддий жавобгар шахснинг қабул қилингани ҳақидаги имзоси ва ҳ.к.лар.

Маҳсулот етказиб берувчининг хужжатларида фарқ бўлган ҳолларда қабул қилиш далолатномаси тузилади. Ушбу далолатнома ташкилотдаги қабул қилиш комиссияси томонидан икки нусхада тузилади, бу далолатномани тузишда омбор мудири (моддий жавобгар шахс) ва маҳсулот етказиб берувчи томон ёки манфаатдор бўлмаган бошқа ташкилотларнинг вакили қатнашиши шарт.

Далолатноманинг бир нусхаси қабул қилинган моддий қимматликларни ҳисобга олиш учун, иккинчи нусхаси эса маҳсулот етказиб берувчиларга даъво хати юборишда фойдаланилади.

Ташкилотга киримга олинаётган товар моддий захиралар бўйича алоҳида қайдномалар очилиб барча амалга оширилган харажатлар бошланғич хужжатларга асосан расмийлаштирилади.

Масалан, канцелярия қозоги олди-сотди шартномаси бўйича ташкилотга олинди. Бунда харажатлар қуийдагилардан иборат бўлди: шартнома бўйича баҳоси жами 500000 сўм (юк хатига асосан), мол етказиб берувчи ташкилотдан олиб келиш учун транспорт ташкилоти хизмати кўрсатилди 50000 сўм (бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномасига асосан), ташкилот ходимига бошқа шаҳардан олиб келиш учун хизмат сафарига берилган маблаг 20000 сўм (аванс ҳисоботига асосан). Жами харажат суммаси 570000 сўмни ташкил этди. Демак, ташкилот балансига сотиб олинган канцелярия қозоги 500000 сўм эмас, балки 570000 сўм қилиб ҳақиқий таннархиха киримга олинади. Қайдномага асосан кирим қилинган товар-моддий захиралар M-44 сон шаклдаги Материал захиралар бўйича айланма қайдномага суммаси туширилади. Бунда қиймати 570000 сўмни ташкил этади.

Юқоридаги харажатлар қайдномада қуийдагича акс этиширади.

Тошкент банк коледжи

(Ташкилот номи)

Товар моддий захиралар кирими бўйича

Қайднома №


Канцелярия когози
сана 07.08.2011 йил.
(ТМЗ номи)

микдори 100 кг.

(сўмда)

№	Кўрсаткичлар номи	Қиймати	Асос бўлган ҳужжат
1	Шартнома баҳоси	500000	Юк хати
2	Транспорт харажатлари	50000	Бажарилган ишларни топшириши, қабул қилиши далолатномаси
3	Хизмат сафари харажатлари	20000	Аванс ҳисоботи
	Жами	570000	

Ташкилотни ўзида тайёрланса товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш бўйича шахсий ҳисобварақа очилиб барча харажатлар турлари бўйича жамланиб боради ва шу асосида ҳақиқий таннархда М-44 сон шаклдаги Материал захиралар бўйича айланма қайдномага туширилади.



4.7.1-чизма. Товар-моддий захиралар киримини ҳужжатлаштиришнинг схематик кўрниши.

Бухгалтерияда бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сотиб олинган (тайёрланган) товар-моддий захираларнинг ҳисоби микдор ва сумма ифодасида материалларнинг номи, сотиб олиниш (тайёрланиш) манбаалари ва

моддий жавобгар шахслар бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да ҳамда М-44-сон шаклдаги материал захиралар бўйича айланма қайдномада юритилади.

Омборлардаги товар-моддий захираларнинг ҳисоби моддий жавобгар шахс томонидан М-17-сон шаклдаги материалларни омбор ҳисоби дафтарида факат номи, нави ва миқдори бўйича юритилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш				
1	Сотиб олинган товар-моддий захиралар қиймати (сотиб олиш нархи, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	15,16,17 счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, ба-жарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномалари ва бошқалар
2	Сотиб олинган товар-моддий захира ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	06 счёtnинг тегишли субсчёtlари	091	Қайднома, бухгалтерия маълумотномаси ва бошқалар
Бегараз келиб тушиш (ҳадия шартномаси бўйича)				
1	Жисмоний ва юридик шахслардан бегараз олинган товар-моддий захиралар қиймати (белгилangan тартибда аниқланган бозор қиймати, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	262 ва 15,16,17 счёtlарнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, ба-жарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномалари ва бошқалар
2	Бегараз олинган товар-моддий захира ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	06 счёtnинг тегишли субсчёtlари	091	Қайднома, бухгалтерия маълумотномаси ва бошқалар

Узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш				
1	Узоқ муддатли активлар таркибидан моддий қийматликларни товар-моддий захиралар таркибига ўтказиш	06 счёtnинг тегишли субсчётлари	01, 07 счёtlарнинг тегишли субсчётлари	Хисобдан чиқариш далолатномалари, бухгалтерия маълумотномалари
2	Асосий воситаларни тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий захираларни кирим қилиниши:	06- счёtnинг тегишли субсчётлари	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишлиси	Асосий воситаларни хисобдан чиқариш далолатномалари
Ортиқча (хисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқлаш				
1	Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши	05, 06 счёtlарнинг тегишли субсчётлари	273	Инвентаризация далолатномаси
Ташкилотнинг ўзида тайёрланиши				
1	Ташкилотни ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари суммасига	09 счёtnинг тегишли субсчётлари	02,06,15, 16,17 счёtlарнинг тегишли субсчётлари	Бухгалтерия расчётлари, далолатномалар, юк хати, талабнома ва бошқалар
2	Ташкилотни ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни ҳақиқий	05, 06 счёtlарни тегишли субсчётлари	09 счёtnинг тегишли субсчётлари	Қайдномалар, бухгалтерия маълумотномалари

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Товар-моддий захираларни кирими ҳисобини хужжатлаштириш тартибини айтиб беринг?
2. Товар-моддий захираларни етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш жараёнини хужжатлаштириш ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтинг?
3. Товар-моддий захираларни ташкилотнинг ўзида тайёрланиши ҳисобини тушунтириб беринг?
4. Товар-моддий захираларни бегараз келиб тушиш (хадя шартномаси бўйича)ни хужжатлаштириш ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтинг?

4.8 Товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш ва уларни ҳисобда акс эттириш

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади. Маълумки товар-моддий захиралар ташкилотнинг балансидан:

- сотиш;
- бегараз бериш;
- сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш);
- камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;
- бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртacha баҳода ҳисобдан ўчирилади. Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринbosари) томонидан тасдиқланган юқоридаги тегишли хужжатларга мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Сотиш натижасида ҳисобдан чиқарилиши асосан тайёр маҳсулотлар бўйича амалга оширилади. Маълумки бюджет ташкилотлари фаолият турига мос ҳолда тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш имкониятига эга. Бюджет ташкилотларида маҳсулотларни сотиш жараёни қонун-

чилик асосида амалга ошрилади.

Товар-моддий бойликларни, яъни материал қийматликларни сотишдан олинган маблағлар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича Фазначилик бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида жамланади ва бюджет ташкилотлари томонидан куйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи - тегишли бюджет даромадига;

50 фоизи - бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича Фазначилик бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида қолади. Товар-моддий бойликларни сотишдан олинган бюджет ташкилотлари ихтиёрида қолдириладиган маблағлар улар томонидан фаолият соҳасига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Товар-моддий захираларни бегараз бериш, саклаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш жараёнида улар киrimга олинган манбаалари (бюджет, бюджетдан ташқари) бўйича харажатга чикарилади.

Инвентаризацияция натижасида материал жавобгар шахснинг айби билан камомад ёки йўқотишга йўл қўйилган ҳолларда зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади ва ундирилади.

Материалларни омбордан бериш ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқлаган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Материалларни бериш учун қуйидаги асосий ҳужжатлар қўлланилади:

434-сон шаклдаги юқ хати (талабнома) материалларни омбордан беришда ва материалларни ташкилот ичida жойдан-жойга кўчиришда қўлланилади. Талабнома икки нусхада ёзилади;

299-шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун меню талабнома омбордан озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун қўлланилади. Меню талабнома озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш меъёри ва таъминланувчиларнинг сони ҳақидаги маълумотлар асосида ҳар куни тузилади. Меню талабнома озиқ-овқат маҳсулотларини бериш ва олиш ҳақидаги мансабдор шахснинг тилхати билан бирга белгиланган муддатда (лекин ойига уч мартадан кам эмас) ташкилот бухгалтерияга топширилади.


397-сон шаклдаги берилган озуқа ва ем-хашак қайдномаси. Озуқа ва ем-хашаклар омбордан белгиланган меъёр доирасида берилади;

410-сон шаклдаги ташилардың өзүншіліктерін берилген материалдар көйдірмасы ой давомида хұжаттардың материаллары, үків және башқа мақсадтар учун материалдар беріледі. Бунда, көйдірмадағы өзевілар хронологиялық тартибда әмбебап, балки ҳар бир материал пулардың өзиштілігін маълум қаторлар қолдирилген қолда түлдіріледі, бу эса, ой охирда ҳар бир материал тури буйынша үзүмий якун чиқарылған имконини беради.

431-сон шаклдаги забор картасы материалдар ва ёнилғиларни күндалик берілуда, шунингдегі, ой давомида маълум муддатларда берілуда құлланилады. Забор картасы бир неча турдағы материалдарни мақсадға мувофиқ сарфлаштыру үшін ҳар бир қабул қылыш олувлы номига әзилади. Бу карта иккі нұсқада әзилади, биттасы қабул қылыш олувлынинг тилемінде билан биргә омборхонада сақланади, иккінчесі қабул қылыш олувлында сақланади.

Материалдар ҳар куни бериладынан білсек, забор картасы 15 күнлик муддатта, вақты-вақты билан бериладынан білсек, бир ойлик муддатта әзилади. Материалдар ва ёнилғи қабул қылыш олувлында үз забор картасини күрсатғач, белгиланған лимит доирасыда берилади. Лимиттің белгиланғаныдан ортиқта материалдар 434-сон шаклдаги юк хаты (талабнома) буйынша берилади. Ёнилғиларни омборхонадан талабнома әки забор картасы буйынша беріш мүмкін бўлмаган ҳолларда сарфланған ёнилғилар қолдиганын ўтказалади.

Товар-моддий захиралар сарғыга оид бошланғич хужжатлар (434-сон шаклдаги юк хаты (талабнома), 299-шаклдаги озик-овқат махсусотларини беріш үшін меню талабнома, 431-сон шаклдаги забор картасы ва бошқалар)



4.8.1-ЧИЗМА Товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқарылған хужжатлаштириштің схематик күриниши.

Ўлчаш далолатномалари билан ёнилғининг белгиланган сарфлаш меъёрлари таққосланганда камомад чиқса, ташкилот раҳбари ортиқча сарфлаш сабабини аниқлаш тадбирларини, тегишли ҳолларда эса айбдор шахслардан ундириш чораларини кўради;

Йўл варақаси сарфланган барча турдаги ёқилгини хисобдан ўчириш учун ишлатилади. Ёқилғи қанча сарф бўлган бўлса, шунча хисобдан ўчирилади, бунда, сарафланган ёқилғи миқдори автомобилларнинг маркалари учун ўрнатилган тартибда тасдиқланган меъёрлардан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Сотиш				
1	Товар-моддий захиралар сотилишини акс эттириш ҳақиқий қиймати	201	06-счёт-нинг тегишли субсчётлари	Юк хати, бухгалтерия маълумотномаси
2	Товар-моддий захиралар сотиш қиймати	15-счёт-нинг тегишли субсчётлари	201	Юк хати
3	Бир вақтнинг ўзида 50 фоизи тегишли бюджет даромадига хисобланган сумма	201	160	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Бир вақтнинг ўзида ташкилотга тегишли 50 фоизи даромадга ўтказилганда	201	272	Бухгалтерия маълумотномаси

5	Пул маблағлари келиб тушганда	113	15-счёт-нинг тегишили субсчёtlари	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
6	50 фоиз бюджетга ҳисобланган суммаларни ўтказиб берилиши	160	113	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
7	Товар-моддий захираларни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишилиси	201	Бухгалтерия маълумотномаси
8	Сотилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи	200	050	Юк хати, бухгалтерия маълумотномаси
9	Тайёр маҳсулотни сотиш қиймати	15-счётни-нг тегишили субсчёtlари	200	Юк хати
10	Тайёр маҳсулотни сотишиндан пул маблағларини келиб тушганда	112	15-счёт-нинг тегишили суб-счёtlари	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
11	Тайёр маҳсулотни сотилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (фойда)	200	262	Бухгалтерия маълумотномаси
12	Тайёр маҳсулотни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	261	200	Бухгалтерия маълумотномаси

Бегараз бериш

	Товар-моддий захираларни бегараз бериш	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт лар-нинг тегишилси	05, 06 счёtlар нинг тегишилли субсчёtlари	Юк хати, ҳисобдан чиқариш далолатномалари
--	--	---	---	---

Сарфланиши, сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ килиш)

1	Сарфланиши, яроқсиз ҳолатга келиши сабабли товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт-ларнинг тегишилли си	05, 06 счёtlар нинг тегишилли субсчёtlари	Юк хати (талаbnома), ҳисобдан чиқариш далолатномалари ва бошқалар
---	--	---	---	---

Камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиши, бўлиниши) аниқланиши

1	Инвентаризация натижасида камомад чиқкан товар-моддий захираларнинг чиқим қилиниши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт лар-нинг тегишилси	05,06 счёtlар нинг тегишилли субсчёtlари	Инвентаризация далолатномаси
2	Инвентаризация натижасида камомад чиқкан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки сотиб олиниш манбаси ноаник бўлган товар-моддий захи-	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт	05,06 счёtlар нинг тегишилли субсчёtlари	Инвентаризация далолатномаси

	ралар суммасига (агарда моддий жавобгар шахсдан ундирилса): а) кам чиққан товар-моддий захираларнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши	лар-нинг тегишлиси	лари	
	б) айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) айбдор шахс томонидан камомад суммасини тұла-ниши	пул маблағ ларини ҳисоб-га олувчи субсчёлар	170	Шахсий ҳисобварақдан күчирма
	г) маблағларни бюджет да-ромадига ўтказиб берилиши	160	пул маблағ ларини ҳисоб-га олувчи суб-счёлар	Шахсий ҳисобварақдан күчирма
	Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбдор деб тан олинган холда (агарда товар-моддий захиралар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ха-рид қилинган бўлса): а) кам чиққан товар-моддий захираларнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши	170	05,06 счёлар-нинг тегишли суб-счёлари	Бухгалтерия маълумотномаси

	б) агарда, мазкур товар-моддий захираларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кам бўлса	170	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) агарда, мазкур товар-моддий захираларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кўп бўлса	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт лар-нинг тегиши-лиси	170	Бухгалтерия маълумотномаси
	г) айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	пул маблағ ларини ҳисобга олувчи суб-счётлар	170	Шахсий ҳисобваракдан кў chirma

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Товар-моддий захиралар қайси ҳолатларда ташкилот балансидан ҳисобдан чиқарилади?
2. Товар-моддий бойликларни, яъни материал қийматликларни сотишдан олинган маблағлар қандай тақсимланади?
3. Товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқарилиши жараёнини хужжатлаштиришни тушунтириб беринг?
4. Товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқарилиши жараёнини бухгалтерия ёзувларида акс эттирилишини тушунтириб беринг?

4.9. Товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари хисоби

Бюджет ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан тъминлаш тартибини тако-миллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш имконияти берилган. Фаолият турига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига тушади ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга олинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлар бажаришга қилинадиган харажатлар ва уларнинг таннархини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий нати-жаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулот(иш,хизмат) лар ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементлар бўйича гурухларга ажратилади:

- а) ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- б) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан, улар бўйича хисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;
- в) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар эскириши суммаси;
- г) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Товар (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш харажатлари таннархни аниклаш усуллари бўйича умумлаштирилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуслари бўлиб: оддий, меъёрий, буюртма, босқичли усувлар ҳисобланади.

Таннархни аниқлашнинг оддий усули қўлланилганда ҳисбот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бирликларининг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Таннархни аниқлашнинг меъёрий усули хом ашё, материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишнинг белгиланган меъёрлари бўйича харажатларни ҳисобга олишга асосланган. Меъёрномалар вакти-вакти билан таҳлил қилиб турилади ва зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади.

Таннархни аниқлашнинг буюртма усули ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар гурухи)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинадиган якка тартиbdагi ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади. Буюртманинг обьекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёrlашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртманинг якунланишига қадар тўлалигича тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳисобланади.

Буюртма бирлигининг таннархи унинг бажарилиши (маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши) тугаллангандан кейин аниқланади. Буюртма бўйича харажатларнинг бутун суммаси унинг таннархини ташкил қиласди. Агар ушбу буюртма бир хилдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) туркумидан иборат бўлса, маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи мазкур буюртма бўйича харажатлар суммасини маҳсулот бирликлари миқдорига бўлиш орқали аниқланади.

Буюртмалар қисман бажарилиб, улар буюртмачиларга топширилганды қисман ишлаб чиқариш таннархи уларнинг конструкциялари, технологиялари, ишлаб чиқариш шарт-шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда илгари бажарилган буюртмаларнинг таннархи бўйича баҳоланади.

Таннархни аниқлашнинг босқичли усули бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараённида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда кўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархни аниқланади.

Босқичли усул ташкилотнинг тармоққа мансублигига боғлиқ ҳолда икки вариантда амалга оширилиши мумкин: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз вариантларда.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади ҳамда у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охирги босқич маҳсулотининг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳамdir.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда фақат охирги босқич маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархигина ҳисоблаб чиқарилади. Бунда харажатлар аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархини ҳисобга олмасдан, ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига барча алоҳида босқичлар бўйича уни ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.


Бир технологик жараёнда битта хом ашё ва материаллардан турли хилдаги, улардан ҳар бири ўзининг сотиши нархига эга бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилганды ушбу турдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб аталади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган тайёр маҳсулотлар ҳисоби бухгалтерия ҳисобида белгиланган тартибда дастлабки ва йигма ҳужжатларда акс эттирилади (4.9.4-чизма).

Жумладан материал харажатлар – юқ хати (талабнома), материал қийматликларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари билан, меҳнат ҳақи – табель, бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари билан, чет ташкилотлар томонидан

кўрсатилган иш ва хизматлар – бажарилган иш ва хизматлар бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномалари билан, асосий воситалар амартизацияси – бухгалтерия маълумотномалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб йиғма ҳужжатлар, ҳисоб регистрларига туширилади.

Бюджет ташкилотларида маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар 090 «Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар» субсчётида акс эттирилади. Бу субсчётнинг дебет томонида маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ҳақиқий таннархи, кредит томонида қабул қилинган маҳсулот(иш ва хизматлар)ни режа таннархи бўйича кирими, таннарх тафовути ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.



4.9.4-чизма. Ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган тайёр маҳсулотлар ҳисобини ҳужжатлаштиришнинг схематик кўрининиши.

090 – «Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар» субсчёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини кўрсатади. Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва

чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтирида (карточкасида) юритилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Маҳсулот (иш ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида материаллар сарфланганда	090	06 счётни нг тегишили субсчётлари	Юк хати (талабнома), ҳисобдан чиқариш далолатномалари ва бошқалар
2	Маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланганда	090	173	Табел ёки далолатномалар
3	Маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ажратмалари ҳисобланганда	090	161	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан маҳсулот(иш ва хизмат) лар ишлаб чиқаришда хизматлар кўрсатилганда	090	15 счётнинг тегишили субсчётлари	Бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномаси
5	Маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	090	02 счётнинг тегишили субсчётлари	Бухгалтерия расчёtlари, маълумотномаси
6	Маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш жараёнида билвосита (умумишилаб чиқариш характеридаги харажат-	090	210	Бухгалтерия маълумотномаси

	лар) тақсимланганда			
7	Ишлаб чиқариш жараёни натижасида маҳсулот хисоб (режа) таннархида қабул килинганда	050	090	Юк хати, кирим ордери
8	Маҳсулот (иш ва хизмат) ишлаб чиқариш режа таннархи билан ҳақиқий таннархи ўтрасида салбий тафовут аникланганда (режа таннархи паст, ҳақиқий таннархи юқори)	050	090	Бухгалтерия маълумотномаси
9	Маҳсулот (иш ва хизмат) ишлаб чиқариш режа таннархи билан ҳақиқий таннархи ўтрасида салбий тафовут аникланганда (режа таннархи юқори, ҳақиқий таннархи паст) – фарқ сумма қизил ёзувда акс этирилади	050	090	Бухгалтерия маълумотномаси

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ташкилотларида маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қандай ташкил этилади?
2. Маҳсулот(иш,хизмат) лар ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қайси элементлар бўйича гурухларга ажратилиади?
3. Маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби хужжатлаштириш тартибини тушунтириб беринг?
4. Маҳсулот(иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс этириш тартибини тушунтириб беринг?

*Рақамда ифодалаш мүмкін бўлмаса,
бу фан эмас, фикрдир халос,
Хайнлайн*

5-боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

5.1. Молиявий активлар ҳисобини ташкил этиш

Бюджет ташкилотлари даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини амалга оширишда молиявий активлар, яъни пул маблағлари ҳисоби алоҳида ташкил этилади. Бюджет ташкилотлари молиявий активларига ҳисобварақлардаги пул маблағлари, кассадаги пул маблағлари, пул хужжатлари, йўлдаги пул жўнатмалари, молиявий қўйилмалар (вактинча депозитга қўйилган пул маблағлари) киради. Бюджет ташкилотлари пул маблағлари харатати молия органлари томонидан очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади. Бюджет ташкилотларида шахсий ҳисобварақларни очиш, юритиш, ёпиш тартиби «Бюджетдан маблаг олувчиликнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига ва унинг худудий бўлинмаларида юритиш Қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан рўйхатга олинган)га асосан амалга оширилади. Фазначилик ва унинг худудий бўлинмаларида бюджет ташкилотлари учун шахсий ҳисобварақлар очилиб юритилар эди. 2011 йилдан бошлаб бюджет ташкилотлари пул маблағлари ҳисобини юритиш учун молия органлари томонидан шахсий ҳисобварақлар очилиши белгиланди. Молия органлари томонидан очилган шахсий ҳисобварак дастурга киритилади ва Фазначилик ва уларнинг худудий бўлинмаларида кўринади.

Бюджет ташкилотлари шахсий ҳисобварагининг уникал рақами йигирма етти разряддан иборат бўлиб:

Разряд рақамлари													
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Разряд рақамлари													Шулар-дан:
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	

1-6 гача разрядлар – тасдиқланган маблағларнинг манбалари ва бюджет даражаси таснифига мувофиқ маблағларнинг манбалар коди ва бюджет даражаси;

7-9 гача разрядлар – тасдиқланган валюталар классификаторига мувофиқ валюта коди;

10-14 гача разрядлар – тасдиқланган худудлар таснифига мувофиқ худудий тегишлилик коди;

15-24 гача разрядлар – бюджетдан маблағ олувчилик бўйича бюджет таснифининг тегишли кўрсаткичлари кодлари, бунда:

15-21 гача разрядлар – харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифининг тегишли коди;

22-24 гача разрядлар – ташкилий таснифнинг тегишли коди;

25-27 гача разрядлар – бюджетдан маблағ олувчилик шахсий ҳисобварақ рақами коди.

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари ҳисоби бюджет (бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган) ва бюджетдан ташқари (таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли, ривожлантириш жамғармаси, бошқа маҳсус маблағлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган, чет эл валютасидаги) бўйича юритилади. Бюджет ташкилотлари Давлат бюджети ғазна ижросига ўтиши муносабати билан хизмат кўрсатувчи банкларда очилган бюджет, бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисоб счёtlари ёпилиб Ғазначилик ва унинг худудий бўлимларидаги очилган шахсий ҳисобварақларга ўтказилди. Натижада Ғазначилик ва унинг худудий бўлимлари томонидан бюджет ташкилотларини юридик ва молиявий мажбуриятлари рўйхатга олинниб ягона ғазна ҳисоб рақамидан тўлаб берилмоқда.

Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига куйидаги вазифалар қўйилади:

1. Бюджет ташкилотлари молиявий активлар ҳисобини амалдаги меъёрий-хукуқий ҳужжатлар талаблари бўйича ташкил этиш.

2. Молиявий активлар ҳисобини бухгалтерия бошланғич ва йигма ҳужжатлари, ҳисоб регистирларида ўз вақтида тўғри расмийлаштириш.

3. Бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағларини даромадлар ва харажатлар сметалари бўйича мақсадли сарфланишини таъминлаш.

4. Бухгалтерия счёларида молиявий активлар мавжудлиги ҳамда ҳаракатини аниқ, тўлик ва ўз вақтида акс эттириш.

5. Ташкилот кассасида, шахсий ҳисобвараклардаги пул маблаглари, пул ҳужжатлари, молиявий қўйилмалар бутлигини назорат қилиш.

6. Чет эл валютасидаги пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаган хорижий валюта курслари бўйича курс тафовутларини аниқлаб ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттириб бориш.

7. Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағлари мавжудлиги ҳолати ва ҳаракатига оид бухгалтерия ахборотларини шакллантириб бериш ва бошқалар.

Ташкилотлар пул маблағлари ҳисобини юритишда аккредитивлар, пул эквивалентлари, чет эл валютасидаги ва бошқа пул маблағларини ҳам ҳисобга оладилар. Чет эл валютасидаги пул маблағлари ва уларга тегишли операциялар миллий валютада - сўмда, чет эл валютасини операция амалга оширилган санадаги (тегишли банк кўчирмаси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган санадаги) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш орқали ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларида нақд пулсиз ҳисоб шаклларини кўллаган ҳолда ҳисоблашув муомалалари амалга оширади. Бунда асосан тўлов топшириқномаси шакли кўлланилади. Тўлов топшириқномасида тўловчи бўлиб, Фазначилик ва унинг худудий бўлимлари номи кўрсатилади. Бюджет ташкилотлари номи, шахсий ҳисобварафи номери, СТИР тўлов топшириқномасида алоҳида қаторда келтирилади.

Бюджет ташкилотларида нақд пул муомалаларини амалга ошириш учун касса хизмати ташкил этилади.

Молиявий активларни ҳисобга олиш учун счёлар режасида куйидаги счёлар белгиланган:

10 «Ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари»;

11 «Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар»;

12 «Касса»;

13 «Бошқа пул маблағлари»;

14 «Молиявий қўйилмалар».

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Молиявий активлар ҳақида нималарни биласиз?
2. Молиявий активлар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қандай вазифалар кўйиллади?
3. Молиявий активлар бухгалтерия ҳисобида қайси счёtlарда юритилади?
4. Молиявий кўйилмалар ҳақида нималарни биласиз?

5.2. Ҳисобвараклардаги бюджет маблағларининг ҳисоби

Давлат бюджети ғазна ижроси шароитида бюджет ташкилотлари пул маблағлари Фазначилик ва унинг худудий бўлимларида очилган шахсий ҳисобваракларда юритилади. Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари пул маблағлари банкларда очилган ҳисобваракларида юритилмоқда. Умумий кўринишда ҳисобвараклардаги бюджет маблағларини куйидагича акс эттириш мумкин(5.2.1-чизма).



5.2.1-чизма. Бюджет пул маблағлари ҳисобини юритилиши.

Бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобваракларининг очилиши молия органлари томонидан қуйидаги хужжатлар асосида амалга оширилади:

а) бюджетдан маблағ олувчининг молия органи раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви кўйилган шахсий ҳисобварак очиш тўғрисидаги аризаси.

Агар бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс макомига эга бўлмаган, қуи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблагларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобвараклар очиш учун бир нусхада ариза, унга илова қилиб хизмат кўрсатиладиган қуи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади;

б) харажатлар сметаси нусхаси, жумладан, вактингчалик ва аниқланган ҳамда унга молия органларининг мансабдор шахслари тасдиқлаган ва молия органларининг муҳри қўйилган зарур ҳужжатларнинг иловалари билан, захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари.

Бунда, ўрнатилган тартибда ўзининг тасарруфидаги бўлган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, куий бюджетдан маблағ олувчиликнинг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишини амалга оширадиган бюджетдан маблағ олувчилар учун уларнинг шахсий харажатларини (шахсий харажатлар сметаси асосида) ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва хизмат кўрсатиладиган куий бюджетдан маблағ олувчилар учун (умумий харажатлар сметалари асосида) алоҳида ҳар бир бюджет таснифининг параграфи бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади;

в) капитал қурилиш обьектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларнинг манзилли рўйхати) нусхаси, қурилишларнинг титул рўйхати нусхаси (капитал қурилиш буюртмачилари учун);

г) бир нусхада юқори ташкилот томонидан ёки нотариал тасдиқланган молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш хукуқига эга бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсларининг имзо намуналари ва шахсий ҳисобварақлар билан муомалаларни амалга оширишдаги ташкилотнинг муҳри изи туширилган карточкаси.

Шахсий ҳисобварақ очилгандан кейин Ғазначилик бўлимларига белгиланган тартибда нақд пул ва бошқа бухгалтерия ҳужжатларини олиш учун моддий жавобгар шахс номига ишончнома расмийлаштирилиб тақдим этилади. Бу ишончнома берилган шахс номига ғазначилик бўлимлари томонидан нақд пул олиш учун чек расмийлаштирилиб берилади ёки ғазначилик бўлимларидан шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатларни олишига руҳсат берилади.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларни Давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гурухи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оиласаларга нафақалар ва кам таъминланган оиласаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар (озиқ-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар ва бошқа харажатлар).

Бюджетдан маблағ олувчилярнинг I ва II гурӯҳ бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда, I гурӯҳ харажатларини II гурӯҳ харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади.

Тегишли бюджет бўйича I ва II гурӯҳ харажатлари тўлови учун газна ҳисобваракларида зарур маблағларни қоплайдиган қолдиклар мавжуд бўлганда, I ва II гурӯҳ харажатларини тўлик амалга оширган ташкилотлар бўйича IV гурӯҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

IV гурӯҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида қўидаги навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Ғазначилик бўлинмалари газна ҳисобваракларидан тўлов топшириқномалар асосида ташкилот ва муассасаларни сақлаш, марказлаштирилган тадбирларни ўтказиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларнинг тасдиқланган харажатлар сметаси ва капитал қўйилмалар лимитлари доирасида амалга оширади.

Бунинг учун юридик ва молиявий мажбуриятлар белгиланган тартибда рўйхатга олинади ва тўлаб берилади. Бюджет маблағлари ҳисобига I ва II гурӯҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар тўлови учун нақд пул маблағларини олишга сўровнома, шунингдек, ушбу гурӯхлар харажатлари бўйича тўлов топшириқномалари асосида рўйхатга олинади.

Бюджет ташкилот иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул

маблағлари олишга ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси билан, икки нусхада иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул маблағлари олишга сўровнома ва унга тўлдирилган чек илова қилинган ҳолда тақдим қиласи.

Бюджетдан маблағ олувчилик шахс (кассир)га берилган ишончномани ғазначилик бўлинмаларига тақдим қиласидар. Олиниши керак бўлган нақд пул ғазначилик бўлименинг банклардаги транзит счётига ягона ғазна ҳисоб ракамидан тўлов топшириқномаси асосида ғазначилик томонидан ўтказилади. Тўлдирилган чек бюджет ташкилоти ходими томонидан банкка тақдим этилади ва банк томонидан чекда кўрсатилган маблағ тўлаб берилади. Нақд пул берилганидан сўнг реестрнинг иккинчи нусхаси (касса чиқим журнали) чек ижро этилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда банк кўчирмаси билан бирга тегишли ғазначилик бўлинмасига қайтарилади. Ғазначилик бўлинмаси банк кўчирмаси, реестр ва чекка асосан тегишли шахсий ҳисобваракда белги қўяди ва бюджет ташкилотига унинг шахсий ҳисобварагидан кўчирма беради, шу билан бирга бюджет ташкилоти бухгалтериясида кейинги ҳисобларни юритиш учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун берилган сўровноманинг иккинчи нусхасига «ТЎЛАНДИ» белгисини қўйиб бюджетдан маблағ олувчига қайтаради.

III гурӯҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши пурратчиларнинг иш бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварак-фактуралар асосида амалга оширилади.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан пул маблағларини ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

– тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари, шартнома, ҳисобварак-фактура, аванс микдори ва бошқа керакли реквизитлар тўғри кўрсатилганда;

– курилишларнинг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида ва тегишли обьектлар бўйича шахсий ғазна ҳисобваракларидаги мавжуд ажратилган бюджет маблағлари суммалари доирасида бўлганда;

– агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага асосан, олдин

үтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, тұланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаганда;

– буюртмачининг пудратчи олдиаги кредиторлик қарзининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳисобварап-фактура ва ҳужжатлар ёки буюртмачининг пудратчига аванс тўловларини үтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

– тўлов топшириқномасида кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитлари шартномада кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганда.

Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови, жумладан, аванс тўловларининг тўланиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг «Тўловчининг номи» устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, «Тўловчининг ҳисоб рақами» устунида - ғазна ҳисобвараги, «Тўлов мақсади» устунида - бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварап рақами, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни үтказишга асос бўладиган ҳужжатлар, шунингдек, тўлов мақсади кўрсатилади.

IV гурӯх харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварап-фактуралари ёки товарлар етказиб берилгандигини (ишлар бажарилгандигини, хизматлар кўрсатилгандигини) тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) үтказиши лозимлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Ғазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида ғазна ҳисобварапларидан IV гурӯх харажатлари бўйича харажатларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга ошириади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан куйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

– бюджетдан маблағ олувчиларнинг IV гурӯх харажатларининг тегишли моддалари бўйича бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида;

- агар тўлов топширикномасида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;
- ҳисобварак-фактура ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганинги тасдиқловчи бошқа хужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджетдан маблағ олувчининг маҳсулот етказиб берувчи олдидағи қарздорлигини, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчими маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганида;

- тўлов топширикномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитлари шартнома ва ҳисобварак-фактурада ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб беришни тасдиқловчи бошқа хужжатларда маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида.

Харажат гурухлари бўйича тўлов топширикномаларига асосан тўловлар амалга оширилгандан кейин ғазначилик бўлимлари тўлов топширикномалари илова қилинган шахсий ҳисобваракдан кўчирмани бюджет ташкилотларига тақдим этади.



5.2.2-чизма. Шахсий ҳисобвараклардаги бюджет маблағлари харакати ҳисобини хужжатлаштиришининг схематик кўрининиши.

Бюджет ташкилотларига ғазначилик бўлимлари томонидан бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобваракда муомала амалга оширилган кун учун кўчирмалар тақдим этилади. Ушбу кўчирмаларга асосан бюджет ташкилотлари бухгалтериясида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб 2- мемориал ордер – бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома 381-шакл расмийлаштирилади. 2-мемориал ордерга асосан ёзувлар 308-сон шаклдаги Бош журнал китобига туширилади. 308-сон шаклдаги бош журнал китобидан тегишли ҳисобот шакллари расмийлаштирилади (5.2.2 - чизма).

Бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобваракларда кун охирига қолдик бўлмайди. Яъни бюджетдан молиялаштириш амалга оширилганда тегишли ёзувлар билан 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бюджет пул маблағлари бўйича муомалалар банкларда очилган ҳисобваракларда амалга оширилади. Бу ҳисобваракларда ҳам ҳисоблашувлар тўлов топшириги орқали амалга оширилади. Бюджет пул маблағлари ҳисобварагида муомалалар амалга оширилган кун охирига хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисоб счётидан кўчирма тақдим этилади. Бу кўчирмага асосан бюджет ташкилоти бухгалтерияси томонидан тегишли ёзувлар бериб 2-мемориал ордер – Бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома 381-шакл расмийлаштирилади. 2-мемориал ордерга асосан ёзувлар 308-сон шаклдаги Бош журнал китобига туширилади. 308-сон шаклдаги бош журнал китобидан тегишли ҳисобот шакллари расмийлаштирилади.

Бухгалтерия ҳисобида газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бюджет пул маблағлари ҳисоби 10 «Ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари» счётида қуйидаги субсчётларда юритилади:

100 «Ташкилотни саклаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари»;

101»Бошка мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари».

100 «Ташкилотни саклаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётида газна ижросига ўтилмаган айрим ташкилотларнинг марказий аппаратини саклаш учун тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ сарфланадиган маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

101 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблаглари» субсчётида бош маблаг тақсимловчилар томонидан қарамоғидаги муассасаларга ўтказиш учун ва марказлаштирилган тадбирларга сарфлаш учун мўлжалланган маблағлар, шунингдек, капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни маблаг билан таъминлаш учун (капитал қўйилмаларнинг ҳисоби харажатлар сметасининг ижроси билан ягона балансда юритилган ҳолларда) ажратилган маблаглар ҳаракати ҳисобга олинади. Қуий маблаг тақсимловчилар томонидан бу субсчётда улар ихтиёрига очилган ва муассасаларни сақлаш учун, шунингдек, қарамоғидаги муассасаларга ўтказиш учун молиялаштирилган маблағлар ҳисобга олинади.

Бу субсчётларнинг дебетига молиялаштирилган маблағлар суммалари ва касса харажатларини қайта тиклаш учун келиб тушган суммалар, кредитига эса тегишли мақсадлар учун сарфланган бюджет маблағлари ва қайтариб олинган маблағлар суммалари ёзилади.

Тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ молиялаштириб берилган маблағлар бюджет маблағларини олувчилар томонидан 100 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» ва 101 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётларнинг дебетига ҳамда 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредитига ёзилади. Хизмат қўрсатувчи банқда очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобваракларга касса харажатларини тиклаш учун тушган маблағлар 100 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» ва 101 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётларнинг дебетига ва касса, ҳисоб-китоб, ҳисобдор шахслар ҳамда бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг кредитига ёзилади. Банқдан олинган ёки ҳисобвараклардан тўлов ҳужжатларига асосан тўланган маблағлар суммаси 100 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» ва 101 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётларнинг кредитига ва касса, ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ёзилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси:

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
Шахсий хисобварақлардаги бюджет маблағлари бўйича				
1	Бюджет маблағлари ҳисобидан ходимларга бериладиган иш ҳақи суммаси кассага кирим қилинганда (иш ҳақи бўйича молиявий мажбурият тўлаб берилганда)	120	232	Шахсий хисобварақдан кўчирма
2	Бюджет маблағлари ҳисобидан иш ҳақига нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси ўтказиб берилганда (иш ҳақига ажратмалар бўйича молиявий мажбурият тўлаб берилганда)	161	232	Шахсий хисобварақдан кўчирма
3	Капитал қурилиш бўйича пудратчиларга бажарилган ишлар учун бюджет маблағи ҳисобидан ўтказилганда (курилиш-тъмирлаш ишлари бўйича молиявий мажбурият тўлаб берилганда)	150	232	Шахсий хисобварақдан кўчирма
4	Тасдиқланган смета доирасида коммунал хизматлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан маблағ ўтказилганда. (коммунал тўловлар бўйича молиявий мажбурият тўлаб берилганда)	159	232	Шахсий хисобварақдан кўчирма
5	Иш ҳақи бўйича депонентга ўтказилган маблағ кассадан қайтарилганда	232	120	Шахсий хисобварақдан кўчирма
Банкдаги хисобварақлардаги бюджет маблағлари бўйича				
1	Тасдиқланган смета доирасида ташкилотни саклаш	100	232	Хисобварақдан кўчирма

	учун бюджетдан молиялаштириш амалга оширилганда			
2	Бошка мақсадлар учун бюджетдан молиялаштириш амалга оширилганда	101	232	Хисобваракдан кўчирма
3	Бюджет маблағлари ҳисобига ҳисобваракдан ходимларга бериладиган иш ҳақи кассага олинганда	120	100	Хисобваракдан кўчирма
4	Бюджет маблағлари ҳисобидан иш ҳақига нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси ўтказиб берилганда	161	100	Хисобваракдан кўчирма
5	Тасдиқланган смета доирасида коммунал хизматлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан маблағ ўтказилганда.	159	100	Хисобваракдан кўчирма
6	Бошка мақсадлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан мол етказиб берувчиларга маблағ ўтказиб берилганда	150	101	Хисобваракдан кўчирма

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ҳисобвараклардаги бюджет маблағлари ҳисобини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг?
2. Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида бюджет маблағлари ҳисобини юритилишини тушунтириб беринг?
3. Банклардаги ҳисобваракларда бюджет маблағлари ҳисобини юритилишини тушунтириб беринг?
4. Ҳисобвараклардаги бюджет маблағлари ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?

5.3. Ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар шакллантириш имконияти берилган.

Ушбу қарорга мувофиқ бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Молия вазирлигининг Газначилиги ва унинг худудий бўлинмаларида очилган ҳисоб ракамларида ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет маблағлари бўйича тежаб қолинган маблағлар, фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар, балансида бўлган давлат мулкини ижарага беришдан қонун хужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган ҳомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган. Шунингдек, ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига биринчи навбатда кредиторлик қарзларни тугатиш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Таълим муассасасининг маҳсус маблағлари бўйича бошқа тушумлар, яъни иккиласмчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан.

Тиббиёт муассасаларида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари қонунчиликка мувофиқ тегишли манбаалар ҳисобига шаклланади ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1999 йил 6 августанда 795 - сон билан рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида» Низомга кўра ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан маблағлар тушуми амалга оширилади ва ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг маҳсус маблағлари бўйича бошқа тушумлар иккиласмчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар,

кераксиз ва эскирган моддий қийматларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар, қонун ұхжатлари билан тақиғланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан шаклланади ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларida белгиланган тартибда ота-оналардан маблағлар тушуми ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклланади ва улар ҳисобига белгиланган тартибда харажатлар амалга оширилади. Булардан ташқари бюджет ташкилотларида транзит маблағлари (Бюджетдан ташқари, Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий түловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар, Ўтган йиллар дебиторлик суммаларини келиб тушиши ва бошқалар) тушуми ва ҳисобдан чиқарилиши амалга оширилади (5.3.1-чизма).



5.3.1-чизма. Бюджетдан ташқари маблағлар манбалари.

Бюджет ташкилотлари юқорида келтирилган манбаалар бўйича ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини

юритади. Яъни ҳар бир манба бўйича алоҳида шахсий ҳисобвараклар белгиланган тартибда молия органлари томонидан очилади ва ғазна дастурига киритилади.

Молия органлари томонидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобвараклари қуидаги хужжатлар асосида очилади:

а) молия органи раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган бюджетдан маблағ олувчининг аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобвараклар очиш учун бир нусхада ариза, унга илова қилиб хизмат кўрсатиладиган қуи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади.

б) бюджетдан ташқари маблағларнинг тушумлари ва харажатлари лимити кўрсатилган (тушумлари ва маблағларнинг харажат қилиниш йўналишлари лимитланмаган бюджетдан ташқари маблағлари бундан мустасно) тегишли смета харажатларининг нусхаси.

Бунда, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуи бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг ўрнатилган тартибда ҳисобини юритувчи ва хизмат кўрсатувчи бюджетдан маблағ олувчилар учун, хизмат кўрсатилаётган қуи бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари харажатлари ҳисобини юритиш учун (бюджет таснифи харажатларининг ҳар бир параграфи бўйича тузилган умумий харажатлар сметаси асосида) ҳисобвараклар очилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобвараклар очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича ҳисобваракларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади. Фазначилик бўлинмалари хужжатларни тақдим этган кундан бошлаб икки иш куни давомида шахсий ҳисобвараклар очади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларнинг касса харажатлари келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширилади ва бюджет маблағлари каби бир хил тартибда расмийлаштирилади.

Газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича банкда алоҳида ҳисобвараклар очади ва юритади.

Бюджет ташкилотларига газначилик бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобваракда муомала амалга оширилган кун учун кўчирмалар тақдим этилади. Кўчирмалар бюджетдан ташқари маблағлар манбалари шахсий ҳисобвараклар бўйича алоҳида алоҳида бюджет ташкилотларига берилади. Ушбу кўчирмаларга асосан бюджет ташкилотлари бухгалтериясида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб З-мемориал ордер – бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома 381-шакл расмийлаштирилади. З-мемориал ордерга асосан ёзувлар 308-сон шаклдаги Бош журнал китобига туширилади. 308-сон шаклдаги Бош журнал китобидан тегишли ҳисобот шакллари расмийлаштирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби 11 «Ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар» счётида қуидаги субсчётларда юритилади:

110 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар»;

111 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар»;

112 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари»;

113 «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар»;

114 «Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар»;

115 «Валюта ҳисобвараги»;

119 «Бошқа ҳисобвараклардаги пул маблағлари».

110 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётида ташкилотларнинг ҳисобваракларига кирим қилинган таълим муассасаларидағи болаларнинг отаоналари томонидан тўланадиган бадаллари, шунингдек, овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағлари ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг дебет томонида таълим муассасаларидағи болаларнинг отаоналари томонидан тўланадиган бадаллари, шунингдек, овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағларни кирими, кредит томонида маблағларни сарфланиши, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Таълим муассасаларида болаларнинг ота-оналари томонидан бадалларни келиб тушиши	110	156	Шахсий хисобваракдан кўчирма
2	Таълим муассасаларида болаларнинг ота-оналаридан бадал шаклида тушган маблағлар ҳисобига сотиб олинган материаллар, иш ва хизматлар учун тўлов ўтказиб берилганда	150, 159	110	Шахсий хисобваракдан кўчирма
3	Таълим муассасаларида болаларнинг ота-оналари томонидан ортича келиб тушган бадалларни қайтарилиши	156	100	Шахсий хисобваракдан кўчирма

111 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётида ташкилотлар томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг дебет томонида Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1999 йил 6 августда 795 -сон билан рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида» Низомга кўра ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан маблағлар тушуми кредит томонида бу маблағларни сарфланиши, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан маблағлар тушумига	111	175	Шахсий хисобваракдан кўчирма
2	Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан маблағлар тушумини даромадга ўтказилиши (биринчи ярим йиллик учун йиллик тўловни 50% 15 сентябрь ҳолатига, иккинчи ярим йиллиги учун 1 март ҳолатига 50%)	175	252	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобига кредиторлик мажбуриятлар тўлаб берилганда	15,16, 17 счёт- ларни нг	111	Шахсий хисобваракдан кўчирма

		тегиши ли суб- счёты лари		
4	Ўқитишининг тўлов контракт шаклидан ортиқча тушган маблағлар кайтарилганда	175	111	Шахсий хисобварагдан кўчирма

112 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчётида қонунчиликда белгиланган тартибда ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар ва тушумлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг ҳисоби юритилади. Бу субсчётнинг дебет томонида бюджет ташкилотлари фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар) сотишдан тушумлар, ижара тушимлари, ҳомийлик маблағлари тушуми, йил якунига кўра бюджет маблағлари бўйича иқтисод қилиб қолинган маблағни ривожлантириш жамғармасига ўtkазилиши акс эттирилади кредит томонида ушбу маблағлар ҳисобига амалга оширилган харажатлар, хисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Бюджет ташкилотларига фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар)ни сотища ҳақиқий таниархи акс эттирилиши	200	050 ёки 090	Юк хати, бухгалтерия маълумотномаси
2	Бюджет ташкилотларига фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар)ни сотища шартнома баҳосида акс эттирилиши	152	200	Юк хати
3	Бюджет ташкилотларига фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар)ни сотищдан маблаг келиб тушганда	112	152	Шахсий хисобварагдан кўчирма
4	Сотилган маҳсулот(иш ва хизмат)дан ижобий молиявий натижа акс эттирилганда	200	262	Бухгалтерия маълумотномаси
5	Сотилган маҳсулот(иш ва хизмат)дан ижобий молиявий натижа акс эттирилганда	261	200	Бухгалтерия маълумотномаси

6	Бюджет ташкилотларida вактинча фойдаланимаётган бинолар, бошқа асосий воситалар ижарасидан тушимлар	112	159 ёки 262	Шахсий хисобварагдан күчирма
7	Хомийлик маблағлари тушуми акс эттирилганда	112	262	Шахсий хисобварагдан күчирма
8	Йил якунинга кўра бюджет маблағлари бўйича иктисад килиб қолинган маблағлар ривожлантириш жамғармасига ўтказилганда	112	232	Шахсий хисобварагдан күчирма
9	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари кредиторлик қарздорликларни тутатишга йўналтирилганда	15,16,17 счётлар- нинг те- гишили суб- счётлари	112	Шахсий хисобварагдан күчирма

113 «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётида ташкилотларнинг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларни сотишдан, шунингдек, турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа конунчиликда тақиқланмаган тушумлар бўйича маблағлари ҳисобга олинади. Бу счётнинг дебет томонида иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қимматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олингандарини) сотишдан тушган тушумлар, бошқа тушумлар суммаси, кредит томонида бу маблағларни сарфланиши, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қимматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олингандарини) сотишдан тушган тушумлар суммасига	113	152	Шахсий хисобваракдан күчирма
2	Иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қимматликларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига кредиторлик қарзлар тўлаб берилганда	15,16,17 счётлар- нинг те- гишили суб- счётлари	113	Шахсий хисобваракдан күчирма

114 «Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши ёки тегишли ҳисобваракларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳисобга олинади. Бу счёт асосан суд, прокуратура, бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларида кўпроқ кўлланилади. Бу счётни дебет томонида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган маблағлар суммалари, кредит томонида бу маблағларни қайтарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган маблағлар суммаларига	114	155	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
2	Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган маблағлар қайтарилганда ёки ўтказиб берилганда	155	114	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма

Ушбу суммаларнинг аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

115 «Валюта ҳисобвараги» субсчётида чет эл валютаси бўйича операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу субсчётнинг дебет томонида чет эл валюталарининг кирими, кредит томонида эса чет эл валюталарининг чиқими акс эттирилади. Бу счётнинг дебет томонида хорижий валютадаги пул маблағлари тушуми ёки ижобий курс тафовути акс эттирилади, кредит томонида хорижий валютадаги пул маблағлари сарфи ёки салбий курс тафовути акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Бюджет маблағлари ҳисобига хорижий валютани сотиб олинishi	115	232	Валюта ҳисобваракдан кўчирма
2	Бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган хорижий валюта бўйича ижобий курс тафовути акс эттирилганда	115	232	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган хорижий валюта бўйича	231	115	Бухгалтерия маълумотномаси

	салбий курс тафовути акс эттирилганда			
4	Хорижий валютада хомийлик маблағлари келиб тушганда	115	262	Валюта хисобваракдан кўчирма
5	Хорижий валютада келиб тушган хомийлик маблағлари бўйича ижобий курс тафовути акс эттирилганда	115	262	Бухгалтерия маълумотномаси
6	Хорижий валютада келиб тушган хомийлик маблағлари бўйича салбий курс тафовути акс эттирилганда	261	115	Бухгалтерия маълумотномаси

Чет валютаси бўйича маблағларнинг синтетик ҳисоби 381-сон жамланма қайдномада (3-мемориал ордерда), аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтаридан (карточкасида) чет эл валютаси турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

119 «Бошқа ҳисобвараклардаги пул маблағлари» субсчётида ташкилотларнинг ҳисобваракларига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларидан кирим қилинган маблағлар ва бошқа пул маблағлари ҳисобга олинади. Бу счётнинг дебет томонида Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини коплаш учун келиб тушган маблағлар ва бошқа маблағлар тушуми кредит томонида бу маблағларни сарфланиши ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини коплаш учун келиб тушган маблағлар	119	163	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
2	Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар ташкилот кассасига тарқатиш учун олинганда	120	119	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг?
2. Ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини хужжатлаштириш тартибини тушунтириб беринг?
3. Ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини тушунтириб беринг?
4. Хорижий валютадаги пул маблағлари ҳисобини юритиш тартибини тушунтириб беринг?

5.4. Касса операциялари ҳисоби

Бюджет ташкилотидаги касса муомалалари ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари» га қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилади. Бюджет ташкилотида намунавий шартлар жадвалига мувофиқ кассир лавозими киритилади ва ушбу лавозимига ходим ишга олинганда материал жавобгарлик тўғрисида шартнома расмийлаштирилади. Ушбу шартномага мувофиқ кассир лавозимига тайинланган шахс кассадаги пул маблағлари, пул ҳужжатлари ва қабул қилиб олган мулкий қийматликларни бут сақланишига жавобгар бўлади. Кассир лавозимига тайинланган ходимга бош ҳисобчи томонидан «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари» таништирилади ва танишганлиги ҳақида тилхат олинади.

Ташкилот кассаси учун ажратилган хона «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари» талаблари бўйича жиҳозланиши керак.

Ташкилотлар кассасига нақд пул маблағларини қабул қилиш бош ҳисобчи ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланган КО-1-сон шаклдаги кирим касса ордери бўйича амалга оширилади.

Ташкилотлар кассасидан нақд пул маблағларини берилиши КО-2-сон шаклдаги чиқим касса ордери ёки тегишлича расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул бериш бўйича аризалар, ҳисобвараклар ва ҳоказолар) бўйича, ушбу ҳужжатларга чиқим касса ордерининг реквизитлари бўлган штамп

кўйилган ҳолда амалга оширилади. Пул маблағларини беришга доир ҳужжатлар ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси ёки улар вакслат берган шахслар томонидан имзоланган бўлиши керак.

Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар (аризалар, ҳисобвараклар ва ҳоказолар)да ташкилот раҳбарининг ижозат берувчи ёзуви бўлган тақдирда, чиқим касса ордерларида раҳбарнинг имзоси бўлиши шарт эмас.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар улар бўйича пул олинганидан ёки берилганидан сўнг дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатларга эса сана (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда «Тўланган» штампи босилади ёки сўз билан ёзиб кўйилади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар кассага топширилгунига қадар бухгалтерия томонидан КО-3-сон шаклдаги кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш журналида қайд этилади. Иш ҳақини бериш тўлов (ҳисобкитоб-тўлов) қайдномаларида расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари иш ҳақи берилгандан кейин рўйхатга олинади.

Ташкилот нақд пулларининг тушумлари ва берилиши КО-4-сон ёки 440-сон шаклдаги касса дафтарида ҳисобга олинади. Бунда чет эл валютаси маблағлари бўйича алоҳида касса дафтари юритилади.

Касса дафтаридағи ёзувлар қорақоғоз воситасида шарикли ручка, сиёҳқалам ёки сиёҳ билан икки нусхада амалга оширилади. Варакларнинг иккинчи нусхалари қирқиладиган бўлиши керак, улар кассирнинг ҳисоботи бўлиб хизмат қиласи. Варакларнинг биринчи нусхалари касса дафтарида қолади. Варакларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақамлар билан белгиланади.

Касса дафтарида ўчиришлар ва таъкидланмаган тузатишлар қилиш ман этилади. Қилинган тузатишлар ташкилот кассири, шунингдек, бош ҳисобчининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридағи ёзувлар кассир томонидан ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат бўйича пул олинган ёхуд берилганидан кейин дарҳол амалга оширилади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир кун учун операциялар якунини ҳисоблайди, кассадаги кейинги кун учун пуллар қолдигини чиқаради ва кейинги куни бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида касса дафтарида имзо чектирган ҳолда кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга иккинчи йиртма варакни (касса дафтаридағи бир кун учун

ёзувлар кўчирма нусхасини) топширади.

Топширилган касса ҳисоботи бухгалтерияда текширилади ва унинг асосида касса операцияларига доир 381-сон шаклдаги жамланма кайдномага (1-сон мемориал ордер) ва аналитик ҳисобнинг бошқа регистрларига ёзилади. 1-сон мемориал ордер бўйича ойлик айланмаларнинг умумий суммасидан бюджетдаги (бюджетдан ташқари) ҳисобварақлар бўйича айланмалар чиқариб ташланади.


Касса дафтарини тўғри юритилиши устидан назорат қилиш ташкилот бош ҳисобчиси зиммасига юкландади.

Кўплаб бўлинмаларга эга бўлган ташкилотларда иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, вактинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари ва бошқа тўловларни тўлашга кассирлардан бошқа шахсларга ташкилот раҳбарининг ёзма буйруғи билан рухсат берилиши мумкин. Бундай ҳолларда мазкур шахслар билан ҳам моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши шарт.

Ишончли шахсларга кассадан нақд пул берилганда уларнинг ҳисоби кассир томонидан 320-сон шаклдаги иш ҳақи, стипендия ва бошқа тўловларни бериш учун тарқатувчиларга берилган пулларни ҳисобга олиш дафтари юритилади.

Кассадан бир неча кишиларга ҳисбот бериладиган пул берилиши зарур бўлган ҳолларда индивидуал тарздаги касса чиқим ордерлари ўрнига 317-сон шаклдаги кассадан ҳисобдор шахсларга пул бериш бўйича кайдномадан фойдаланилади. Штатда кассирлик лавозими кўзда тутилмаган ташкилотларда ходимларга иш ҳақи тўлаш ҳамда майда хўжалик харажатлари ташкилот буйруғи билан расмийлаштирилган ҳисобдор шахслар орқали амалга оширилади. Банқдан нақд пул олиш учун чеклар ана шу шахслар номига ёзилади.

Бухгалтерия ҳисобида касса операциялари ҳисоби 12 «Касса» счётида 120 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ва 121 «Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётларида юритилиб ушбу субсчётларда ташкилот кассасидаги нақд пул маблағларининг (миллий ва хорижий валютада) мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Бу субсчётларнинг дебет томонида кассага пул маблағларни кирими, кредит томонида пул маблағларни чиқими акс эттирилади.



5.4.1-чизма. Касса муомалалари ҳисобини хужжатлаштиришнинг схематик кўриниши.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотларида кассага бюджет маблаги ҳисобига нақд пул маблаги кирим қилганда	120	100	Касса кирим ордери, кассир ҳисоботи
2	Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларида кассага бюджет маблаги ҳисобига нақд пул маблаги кирим қилганда	120	232	Касса кирим ордери, кассир ҳисоботи
3	Фаолият турига мос иш ва хизматлар кўрсатишдан нақд пул маблаги кассага кирим қилинганда	120	200	Касса кирим ордери, кассир ҳисоботи
4	Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари кассасидан бюджет маблаглари бўйича нақд пул маблаги кайтарилганда	100	120	Касса чиким ордери, кассир ҳисоботи
5	Ғазна ижросига ўтган бюджет	232	120	Касса чиким

	ташкилотлари кассасидан бюджет маблаглари бўйича нақд пул маблағи қайтарилганда			ордери, кассир хисоботи
6	Фаолият турига мос иш ва хизматлар кўрсатишдан кассага кирим қилинган нақд пул маблағи шахсий хисобваракка ўтказилганда	112	120	Касса чиким ордери, кассир хисоботи
7	Хорижий валютада пул маблағи валюта хисобварагидан кассага кирим қилинганда	121	115	Касса кирим ордери, кассир хисоботи
8	Хорижий валютада пул маблағи кассадан хизмат сафари учун ходимларга берилганда	172	121	Касса чиким ордери, кассир хисоботи
9	Кассадан ходимларга иш хақи тарқатилганда	173	120	Касса чиким ордери, кассир хисоботи
10	Кассадан талабаларга стипендия тарқатилганда	174	120	Касса чиким ордери, кассир хисоботи

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ташкилотларида касса муомалалари ҳисобини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг?
2. Касса муомалалари ҳисобини ҳужжатлаштириш тартибини айтиб беринг?
3. Касса муомалалари ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
4. Хорижий валютадаги пул маблағларини кассада юритилишини тушунтириб беринг?

5.5 Бошқа пул маблағлари ва молиявий қўйилмалар ҳисоби

Бюджет ташкилотларида бошқа пул маблағлари бўйича аккредитивлар, йўлдаги пул маблағлари ва ташкилотларнинг бошқа пул маблағлари ҳисоби юритилади.

Аkkreditiv шаклида ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк қоидаларида белгилаб қўйилган. Akkreditiv bankning шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, bank бу ҳужжатни мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра akkreditiv очган bank (эмитент bank)

маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёхуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда мижоз аккредитивда кўзда тутилган хужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт қилиб кўйилади. Аккредитив асосан мол етказиб берувчининг талабига мувофиқ очилиши мумкин. Мол етказиб берувчи номига аккредитив очилганда етказиб бериладиган товарлар, иш ва хизматлар учун тўлов кафолатланиши таъминланади.

Аккредитивларнинг қўйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);
- қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблагларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиласидиган бутун муддатга «Аккредитивлар» деган алоҳида баланс ҳисобварағига кўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтиёрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив ҳисобланади.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банкдаги ҳисобварағидан бутун аккредитив суммасини чиқариб олиш хуқуқини бериш йўли билан очилиши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма бўлmasa, аккредитив қайтариб олинадиган деб ҳисобланади.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аккредитив амал қиласидиган муддат ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб кўйилади. Шартномада қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;

- аккредитив очилгани түғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
 - аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
 - товар жўнатилгандан кейин хужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар;
 - бошқа зарур хужжатлар ва шартлар.

Эмитент кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга кўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофиқ очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибида ижро этади.


Аkkредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи қўйидагиларни кўрсатиши шарт:

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиласидиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк номи;
- аккредитив ижро этиладиган жой;
- аккредитив бўйича тўловлар ўтказилишига асос бўладиган хужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова қилиниши мумкин);
- аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;
- аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиши) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиши) муддати;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.

Электрон тўлов хужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган ҳисобварақ рақамини аниқлаб олишлари керак.

Аkkредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкига зарур микдордаги нусхаларда тақдим этилади. Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар

хисобини юритиш учун түловчи банкида «пули тұлғанадиган аккредитивлар» деган балансдан ташқари ҳисобварақ очилади.



5.1.1 - чизма. Аккредитив ҳисоб шаклини схематик кўриниши.

Мол етказиб берувчи аккредитив очилгандыгы түйрисидагы хабарноманы олгандан кейин харидорга маҳсулотни жүнатади ёки иш ва хизматларни күрсатади. Маҳсулот жүнатылғанлыги ёки иш ва хизматлар күрсатылғанлыгини тасдиқловчы хужжатлар мол етказиб берувчи томонидан хизмат күрсатувчи банкига тақдим этади ва банк аккредитив қилингандай суммани мол етказиб берувчи ҳисоб рақамига ўтказиб күяди. Бюджет ташкылтларида аккредитив ҳисоб шакли асосан хорижий ташкылтлар билан хисоблашувларда күлланилади.

Пулни инкассаторларга топшириш, пул ўтказмалари ва бошқа холларда йўлдаги пул жўнатмалари ҳисоби юритилади. Ҳозирги кунда бюджет ташкилотлари асосан шахсий ҳисобварафидан нақд пул олиш учун ғазначилик бўлимларидан олинган чекларни банклар томонидан тўлаб берилиши жараёнида йўлдаги пул маблағлари кўрининишида акс эттироқда.

Пул хүжжатлари бўйича дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базалар учун берилган пули тўланган йўлланмалар, почта орқали жўнатилган пуллар учун хабарномалар, почта маркалари, меҳнат дафтарчалари бланкалари ҳамда уларга илова қилинган ваарақлар ва бошқалар ҳисоби юритилади. Бошқа пул маблағлари

13 «Бошқа пул маблағлари» счётида куйидаги субсчётларда юритилади.

- 130 «Аккредитивлар»;
- 131 «Йўлдаги пул маблағлари»;
- 132 «Пул эквивалентлари».

1. 130 «Аккредитивлар» субсчётида моддий кимматликлар етказиб берганликлари, шунингдек, ишлар, хизматлар бажарилганилиги учун бошқа шаҳарлардаги мол етказиб берувчилар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро тузилган шартномалар асосида қўйилган аккредитивлар суммаси ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг дебет томонида аккредитив қилинган маблағлар суммаси, кредит томонида аккредитив қилинган маблағни ҳисобдан чиқарилиши ёки қайтарилиши акс эттирилади.

Аккредитивлар бюджет маблағлари ҳисобидан ҳам, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳам қўйилиши мумкин.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ҳисобвараклардаги пул маблағларидан аккредитив очилганда(аккредитив очиш тўғрисидаги ариза хужжатига асосан)	130	232, 11счёт- нинг тегишли субсчёт- лари	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
2	Мол етказиб берувчи номига очилган аккредитивни фойдаланилган суммасига	150 ёки 159	130	Бухгалтерия маълумотно- маси

130 «Аккредитивлар» субсчёти бўйича аналитик ҳисоб қўйилган хар бир аккредитив бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкиси)да юритилади.

131 «Йўлдаги пул маблағлари» субсчётида саклаш жойидан чиқиб кетган, аммо мўлжалланган жойига етиб бормаган пул маблағлари (инкассаторга берилган ташкилотларнинг нақд пул маблағлари, пул ўтказмалари ва бошқалар) ҳисобга олинади.

Ушбу субсчёт транзит субсчёт ҳисобланади ва пул маблағларининг ҳаракати устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш учун боғловчи вазифасини бажаради.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Кассадан нақд пул маблағлари	131	120	Касса чиқим

	хисобваракларга ўтказиш учун инкоссаторларга топширилганда (ҳали шахсий хисобваракларга пул маблаги етиб келмаган)			ордери, кассир хисоботи
2	Кассадан шахсий хисобваракларга ўтказиш учун инкоссаторларга топширилган накд пул маблағлари хисобваракаларда кўринганда	11 счёtning тегишили субсчётлари	131	Хисобвараклардан кўчирма

Йўлдаги пул маблағларининг аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

2. 132 «Пул эквивалентлари» субсчётида дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базалар учун берилган пули тўланган йўлланмалар, почта орқали жўнатилган пуллар учун хабарномалар, почта маркалари, меҳнат дафтарчалари бланкалари ҳамда уларга илова қилинган вараклар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Бундай ҳужжатларни кассага қабул қилиш ва кассадан бериш касса ордерлари билан расмийлаштирилади. Бу операцияларнинг ҳисоби пул маблағлари бўйича операциялардан алоҳида ҳолда юритилади. Бу счёtnи дебет томонида пул эквивалентлари тушуми, кредит томонида ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Дам олиш уйлари, санаторийлар учун йўлланмалар сотиб олинганда	132	Пул маблағлари ёки ҳисоб китоблар субсчётлари	Хисобвараклардан кўчирма
2	Сотиб олинган дам олиш уйлари, санаторийлар учун йўлланмалар ходимларга иш ҳаки ҳисобига берилганда	173	132	Бухгалтерия маълумотномаси, ходим аризаси
3	Меҳнат дафтарчаси ва бошқаларнинг сотилиши	Пул маблағлари ёки ҳисоб-китоблар субсчётлари	132	Хисобвараклардан кўчирма

4	Пул эквивалентлари харажатларга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261, 271	132	Далолатнома, тарқатиш қайдномаси, бухгалтерия маълумотно- маси
---	---	-------------------------------	-----	---

Аналитик ҳисоби (мехнат дафтарчалари бланкалари ва унинг иловалардан ташқари) уларнинг турларига қараб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да юритилади. Мехнат дафтарчалари ва унинг иловалари ҳисоби 448-сон шаклдаги қатъий ҳисобот бланклари бўйича дафтарда юритилади.

Бюджет ташкилотларида молиявий кўйилма сифатида вактинча бўш турган бюджетдан ташқари маблагларини банкларга депозитга қўйилиши акс эттирилади. Улар ҳисобига олинадиган даромадлар тегишли тартибда бухгалтерияда ҳисобга олинади. Бухгалтерия ҳисобида молиявий кўйилмалар 14 «Молиявий кўйилмалар» счётининг 140 «Депозитга кўйилган пул маблағлари» субсчётида юритилади. Бу счётнинг дебет томонида депозитга кўйилган пул маблағлари, кредит томонида депозитга кўйилган пул маблағларини қайталиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Вактинча бўш турган маблагларни банкларга депозитга кўйилиши	140	11 счёт- нинг те- гишли суб- счёtlари	Ҳисобварак- лардан кўчирма
2	Депозитга кўйилган маблағлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадларни ҳисобланиши	159	272	Бухгалтерия маълумотно- маси
3	Фоиз кўринишидаги даромадларнинг келиб тушиши	113	159	Ҳисобварак- дан кўчирма
4	Депозитга кўйилган маблағларни бюджет ташкилоти ҳисобваракларига қайталиши	11 счёт- нинг те- гишли суб- счёtlари	140	Ҳисобварак лардан кўчирма

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

- Бюджет ташкилотларида аккредитивлар билан ҳисоблашувларни амалга оширишини тушунтириб беринг?

2. Йўлдаги пул жўнатмалари ҳисобини айтиб беринг?
3. Пул эквивалентлари ҳисобини ташкил этиш тартибини айтиб беринг?
4. Бюджет ташкилотларида молиявий қўйилмалар ҳисоби қандай ташкил этилади?

*Ҳисоб-китоб қылғанда инсонларга керакли нарса
сондан иборат эканлигига амин бўлдим,
Ал Ҳоразмий*

6-боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОРЛАР ҲИСОБИ

6.1 Бюджет ташкилотларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини ташкил этиш

Бюджет ташкилотлари томонидан даромадлар ва харажатлар сметаларини ишросини амалга ошириш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар билан ҳисоблашувларни амалга оширади. Бу ҳисоблашларнинг провард натижаси дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоблашувларни юзага келишига сабаб бўлади.

Дебиторлик мажбурият – бу бошқа корхоналарни, (харидорларга сотилган маҳсулот (иш ва хизматлар), мол етказиб берувчиларга олдиндан тўланган маблағлар ва бошқалар бўйича), бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларни (солиқлар, мажбурий ажратма ва ушланмалар бўйича олдиндан тўланган маблағлар бўйича) ходимларни (ҳисобини бериш шарти билан олинган маблағлар ва бошқалар бўйича) ташкилот олдидағи қарздорлигидир.

Кредиторлик мажбурият – бу ташкилотнинг бошқа корхоналардан (харидорларга сотилган маҳсулот (иш ва хизматлар) учун олинган аванслар, мол етказиб берувчилардан олинган маҳсулот (иш ва хизматлар) ва бошқалар бўйича), бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалардан (солиқлар, мажбурий ажратма ва ушланмалар бўйича), ходимлардан (иш ҳаки ва унга тенглаштириладиган тўловлар ва бошқалар бўйича) қарздорлигидир.

Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар билан улар етказиб берган товар моддий қимматлеклари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, бюджет ҳамда ижтимоий сугурта тўловларига ажратмалар бўйича, касаба уюшма ташкилотлари, ҳисобдор шахслар, ходимлар, стипендия олувчилар, депонент қилинган суммалар, таълим муассасаларида болаларни сақлаганлик учун уларнинг ота-оналари,

шунингдек, бошка дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар ҳисоби кўринишида юритилади.

Қонунчиликка мувофиқ дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини муддати 90 кун этиб белгиланган. Бу муддатда тугатилмаган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ташкилот масъул шахсларига қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади. Бухгалтерия ҳисобида ундириш имкони бўлмаган дебиторлик мажбуриятлар балансдан ташқари счётларда акс эттирилади.

Мамлакатимизда Давлат бюджети ғазна ижросига ўтиши муносабати билан бюджет ташкилотларининг юридик ва молиявий мажбуриятлари Газначилик ва унинг худудий бўлимларида рўйхатга олинмоқда.

Юридик мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон олдидағи тузилган шартномалар, келишувлар ва тегишли ҳокимиёт органларининг қарорлари бўйича юзага келган мажбуриятлари.

Молиявий мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон, товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчилар олдидағи етказиб берилган товар (иш ва хизмат)лар учун ҳақ тўлашни тасдиқловчи хужжатлар, жумладан ҳисоб-тўлов хужжатларида ҳисобланган, ишчиларга иш ҳаки, тўлов хужжатлари, суд қарорлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларни мол етказиб берувчи ёки тўловни қабул қилувчига маблагларнинг ўтказилиш мажбуриятини юкловчи хужжатлар.

Бюджет ташкилотларининг Давлат бюджети ҳисобидан маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек, капитал қурилиш буюртмачиларининг шартномалари ғазначилик бўлинмаларида мажбурий тартибда рўйхатга олинади.

Бунда, бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича тузадиган шартномаларида, 15 фоиз микдорда олдиндан тўлов амалга оширилиши белгиланади.

Бюджет ташкилотларининг иккинчи томон олдидағи юридик мажбуриятлари тузилган шартномалар (контрактлар), қонун хужжатлари (мисол учун йифимлар, бадаллар, солик ва бошка мажбурий тўловлар бўйича юридик мажбуриятлар) асосида юзага келади.

Бюджет ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган юридик мажбуриятлар ҳажми, белгиланган тартибга кўра, улар иқтисодий таснифнинг тегишли моддалари бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилган, ажратилган бюджет маблағлари билан, капитал кўйилмалар харажатлари бўйича эса - ҳар бир объект бўйича ўрнатилган тартибда тасдиқланган капитал кўйилмалар билан чегараланади.

Газначилик бўлимларида I ва II групҳа харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни тўлаш учун нақд пул олишга сўровномалар асосида рўйхатга олинади. III ва IV групҳа харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида рўйхатга олинади.

Бюджет ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан шартномалари фақат харажатларни қоплашга манбанинг мавжудлиги тўғрисидаги тасдиқнома ва ушбу мақсадларга ажратилган бюджет маблағлари (лимитлари) мавжуд бўлган харид ҳажми-гагина тузилиши мумкин.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ташкилот уларни бартараф этиш мақсадида тушунмовчиликлар ҳақидаги материалларни тегишли идораларга тақдим этиши шарт.

Қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари йўқлиги туфайли ижро хужжатлари ташкилотга қайтарилиган тақдирда, ушбу қарзлар ташкилот раҳбари рухсати билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Даъво муддати ўтган дебиторлик қарзлар ташкилот раҳбари-нинг рухсати билан амалдаги харажатларни ошириш бўйича ҳисобдан чиқарилади ва бу ҳақда 10 кун муддатда тегишли молия органига хабар қилинади.

Даъво қилиш муддати тугаган бюджет маблағлари бўйича юзага келган депонент қилинган қарз суммалари ташкилот молиялаштириладиган (харажатлари амалга ошириладиган) тегишли бюджет даромадига даъво қилиш муддати тугаган ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиримай киритилиши керак.

Бунда, даъво қилиш муддати тугаган, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юзага келган депонент қилинган даромад сифатида акс эттирилади.

Даъво қилиш муддати тугаган бошқа кредиторлик қарзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Умумий қилиб бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар ҳисобини юритишнинг хусусиятларини куйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Юридик ва молиявий мажбуриятлар ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида рўйхатга олиниши.

2. Товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан тузиладиган шартномаларида олдиндан тўлов 15 фоиз миқдорда белгиланиши.

3. Товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан тузиладиган шартномалар суммаси 300 АҚШ доллари миқдоригача бўлса танлов ўtkазилмасдан тўғридан - тўғри шартномалар тузиш.

4. Товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан тузиладиган шартномалар суммаси 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларига тенг миқдоригача бўлса, танлов ўтказилиб(биржа савдолари маълумотлари асосида) шартномалар тузиш.

5. Молиявий мажбуриятларни ғазначилик бўлимлари томонидан тўлаб берилиши ва бошқалар.

Бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар ҳисобини юритишида бухгалтерия ҳисоби олдига куйидаги вазифалар кўйилади:

о дебиторлар ва кредиторлар ҳисобини қонунчилик талаблари бўйича ташкил этиш;

о дебиторлар ва кредиторлар ҳисобини ўз вактида бухгалтерия бирламчи, йигма, ҳисоб регистрларида акс эттириб бориши;

о товарлар (иш ва хизматлар) етказиб бериш бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан тузиладиган шартномаларни белгиланган тартибда расмийлаштириб тўлов графиклари тузиб рўйхатдан ўтказиш учун ғазначилик бўлимларига тақдим этиш;

о иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган тўловлар, хизмат сафари харажатларига накд пул олиш учун ғазначилик бўлимларига ўз вактида сўрвномаларни тақдим этиш;

- о дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;
- о иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган тўловлар бўйича ходимлар билан ҳисоблашувларни ўз вақтида амалга ошириш;
- о дебиторлар ва кредиторларни бухгалтерия ҳисобвакъларда ҳолати ва ҳаракатини акс эттириб бориш;
- о дебиторлар ва кредиторлар ҳисоби бўйича тўлик ҳамда аниқ бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ва бошқалар.

Дебиторлар ва кредиторларни ҳисобда акс эттириш учун счёtlар режасида қўйидаги счёtlар белгиланган:

15 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»;

16 «Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар»;

17 «Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар»;

18 «Бошқа ҳисоб-китоблар».

Бу счёtlар актив-пассив счёtlар ҳисобланиб дебет томонидаги қолдик сумма дебиторлик қарзни, кредит томонидаги қолдик сумма кредиторлик қарздорликни билдиради.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар


1. Дебиторлар ва кредиторлар тушунчаларига шарҳ беринг?
2. Бюджет ташкилотларида дебиторлар ва кредиторлар ҳисобини ташкил этишни хусусиятларини айтиб беринг?
3. Дебиторлар ва кредиторлар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобини олдига кўйиладиган вазифаларни айтиб беринг?
4. Фазначилик бўлимларида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартибини тушунтириб беринг?

6.2 Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

Бюджет ташкилотларида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувларда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан маҳсулот (иш ва хизматлар) етказиб бериш бўйича, харидор ва буюртмачилар билан маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотиш бўйича, суғурта ташкилотлари билан мажбурий ёки ихтиёрий суғурта тўловлари бўйича, жисмоний ва юридик шахслар билан ташкилотнинг ихтиёрига вактинчалик тушган ва маълум шартлар

бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўйган суммалар бўйича, тўловларнинг маҳсус турлари бўйича ҳисоблашишлар акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби тегишли бухгалтерия дастлабки ҳужжатлари (юк хати, бажарилган ишларни топшириш қабул қилиш далолатномалари, бухгалтерия маълумотномалари, тўлов топшириқномаси ва бошқалар)га асосан йиғма қайдномалар, 6-мемориал ордер – турли ташкilotлар ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома 408-сон шакл, 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари, 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисобот расмийлаштирилади.



6.2.1 - чизма. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини ҳужжатлаштиришнинг схематик кўринниши.

Бухгалтерия ҳисобида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби 15 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда юритилади:

150 «Мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар»;

152 «Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар»;

154 «Суғурта бўйича тўловлар»;

155 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар»;

156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар»;

159 «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар».

Бюджет ташкилоти ишчи счётлар режасини тасдиқлаётганда 15 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётларини маблағлар манбаалари бўйича алоҳида шакллантириб олиши мумкин. Масалан 150/1 «Мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар (бюджет маблағи ҳисобидан)», 150/2 «Мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар (ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан)» ва ҳоказо.

Ушбу субсчётлар бўйича аналитик ҳисоб бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китобларни алоҳида ажраттган ҳолда 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да, 285-сон шаклдаги айланма қайдномада ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларида юритилади.

Бюджет ташкилотлари етказиб бериладиган маҳсулот (иш ва хизматлар) бўйича мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан тузилган шартномага мувофиқ ҳисоблашувларни амалга оширади.

Бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда мол етказиб берувчи ва пудратчиilar билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун фазначилик бўлимларига тақдим этади.

Белгиланган тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчиilar билан тузган шартномалари мажбурий тартибда уларнинг юридик хизматлари (шартнома асосида жалб қилинган адвокатлар) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлигига текширилиши шарт.

Агар шартноманинг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳакининг 200 баравари миқдоридан ошмаса, шартномаларга томонларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган

адвокатлар имзоси қўйилади. Агар шартнома суммаси, қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ бўлса, томонлар юридик хизмат ёки жалб этилган адвокатларнинг хуносасини илова қилиши лозим. Шартномалар, шунингдек, уларга кўшимча келишувлар аниқ ва равshan сиёҳ ёки шарикли ручка ёки ёзув (хисоблаш) машинасида ёзилган ҳолда тўлдирилиши лозим. Ҳеч қандай тузатишлар, ўчириб ёзишлар ёки тўгрilaшлар, ҳаттоқи томонлар келишувига кўра ҳам йўл қўйилмайди.

Бюджет ташкилотлари ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларига, қуидаги талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим қилинади:

300 АҚШ долларидан юқори 100 минг АҚШ долларигача бўлган шартномаларни маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича ўтказилган (биржа савдолари бўйича) энг яхши конкурс таклифларини танлаб олиш хужжатлари илова қилинган ҳолда тақдим қилинади. 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдоридан ортиқ бўлганда, қонунчиликка мувофиқ ўтказилган тендер савдолари бўйича хужжатларни шартномага илова қилган ҳолда тақдим қилинади.

Капитал қурилиш харажатлари бўйича шартномаларнинг икки асл ва бир кўчирма нусхаларидан ташқари, Буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмасига қуидаги хужжатлар тақдим қилинади:

– конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойиҳачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йигилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларидан юқори суммани ташкил этган ҳолларда;

– конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойиҳачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йигилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларигача суммани ташкил этган ҳолларда улар харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш ёки маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон

қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин;

– буюртмачининг пуррат қурилиш (лойиха) ишлари учун ўтказилган танлов савдолари натижалари бўйича хисоботининг Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш билан келишилган нусхаси;

– пурратчи қурилиш ташкилотининг қурилиш хавфини сугурталаш бўйича шартномасининг буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

– Давлатқурилишназорат инспекциясининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатномасининг буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

– белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиха-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титулли рўйхатлари нусхалари, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланган ва конкурс савдоларининг ўтказилиши бўйича қурилишларнинг аниқланган манзилли ва титулли рўйхатлари нусхалари;

– давлат экология экспертизаси хulosаси нусхаси (зарур бўлгандা).

Бюджет ташкилотлари ва маҳсулот етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари хисобига тузилган шартномалар факат уларнинг ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан сўнг кучга киради.

Бюджет ташкилотлари маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномалар тузишда ва уларни ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун тақдим қилишда қуидаги талабларга амал қилишлари лозим:

– шартномалар маҳсулот етказиб берувчи ва буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчилар) томонидан имзо қўйиш хукуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади ва икки томоннинг муҳрлари билан тасдиқланади;

– буюртмачи (бюджет ташкилотлари)нинг реквизитларида, шунингдек, буюртмачи (бюджет ташкилотлари)нинг харажатлари тўлови амалга ошириладиган тегишли ғазна ҳисобвараги ҳам кўрсатилиди.

Шартномани рўйхатга олиш учун бюджет ташкилоти ғазначилик бўлинмасига шартноманинг икки асл нусхасини ва

битта кўчирма нусхасини тақдим қиласди. Шартномаларга тўловлар жадвали илова қилиниши ҳамда унга риоя қилиш шарт.

Бюджет ташкилоти шартномаларни ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун улар тузилгандан сўнг 20 иш куни мобайнида, бироқ жорий молия йилининг 25 декабридан кечикмасдан тақдим этишлари лозим. Бюджет ташкилоти томонидан шартномалар тузилиб, 20 иш куни ўтгандан сўнг тақдим қилинган ҳолларда, шартнома бюджетдан маблаг олувчига ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмасдан қайтирилади.

Ғазначилик бўлинмалари шартномаларни масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча варакларига «Рўйхатга олинган» штампини кўйиш ва рўйхатга олинган рақами ва санаси кўрсатилиб, уларни ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқлаш орқали рўйхатга олади. Рўйхатга олингандан сўнг, шартноманинг икки асл нусхаси бюджет ташкилотига қайтирилади, рўйхатга олинган шартноманинг кўчирма нусхаси ғазначилик бўлинмасида ҳисобга олиш ва сақлаш учун қолдирилади. Рўйхатга олинган шартномага асосан тўлов топшириқномаси асосида тўловлар амалга оширилади.

Мол етказиб берувчилар билан етказиб берилган моддий ва номоддий қимматликлар, шунингдек, капитал кўйилмалар ҳисобига харид қилинадиган қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, ўрнатиш учун жиҳозлар, етказиб берилган бошқа товар-моддий қимматликлар қиймати ва шу кабилар, пудратчилар билан уларга қурилиш ва монтаж учун берилган конструкциялар ва деталлар, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобида 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида олиб борилади.

Бу субсчётнинг дебетида қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, бошқа товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар суммаси акс эттирилади, кредитида етказиб берилган маҳсулот(иш ва хизматлар) бўйича қарздорлик акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Етказиб берилган қурилици материаллари, конструкциялар ва	150	232, 11- счётнинг	Шахсий ҳисобварак-

	деталлар, бошқа товар-моддий кийматликлар учун тұлғанган маблағлар суммасига		тегишли субсчёtplари	лардан күчирма
2	Мол етказиб берувчилардан омбортага келиб тушган материаллар суммасига	06 – счёtnинг тегишли субсчёtplари	150	Юк хати
3	Ташкилотлар томонидан күрсатылған иш ва хизматлар суммасига	231,241, 251, 261, 271	150	Бажарилған ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси
4	Пудратчиларнинг бажарған курилиш-монтаж ишлари суммасига	071	150	Бажарилған ишларни топшириш қабул қилиш далолатномаси
5	Пудратчига курилиш-монтаж ишлари учун берилған конструкция ва деталлар суммасига	150	060	Юк хати

Конунчиликка мувоғиқ бюджет ташкилотлари фаолият турига мос маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқарыш, сотиши хуқуқыга зга. Бунда ташкилотлар томонидан бажарилған ишлар, күрсатылған хизматлар ва ишлаб чиқарған маҳсулотларини (иш, хизматларини) сотиши жараённанда харидорлар ва буюртмачи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар амалға оширилади. Харидорлар ва буюртмачи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар шартнома асосида амалға оширилади. Бухгалтерия ҳисобида харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашувлар 152 «Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёtdа юритилади. Бу субсчёtnинг дебет томонида бажарилған ишлар, күрсатылған хизматлар харидор ва буюртмачилар томонидан қабул қилиниб олиши (тегишли тасдиқловчы хужжатларга асосан) ҳамда ишлаб чиқарылған маҳсулотлар харидорлар ва буюртмачиларга юклаб жүнатилиши акс эттирилади. Кредит томонида харидор ва буюртмачилардан ўзаро тузилған шартномада белгиланған тұловлар келиб тушганда акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунини	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Харидор ва буюртмачилардан ўзаро тузилган шартномада белгиланган тўловлар келиб тушганда	11-счётнинг тегишли субсчётлари	152	Шахсий ҳисобвараклардан кўчирма
2	Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар харидор ва буюртмачилар томонидан қабул килиниб олинганда (тегишли тасдикловчи хужжатларга асоссан) ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидорлар ва буюртмачиларга юклаб жўнатилганда	152	200	Юк хати

Аналитик ҳисоб ҳар бир харидор ва буюртмачилар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Бюджет ташкилотлари иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва бошқа суғурта турлари бўйича суғурта ташкилотлари билан ҳисоблашувларни амалга оширади. Суғурта турлари бўйича ҳисоблашувлар қонунчиликда белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобида суғурта бўйича тўловларга доир ҳисоб-китоблар, жумладан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳисоблашувлар 154 «Суғурта бўйича тўловлар» субсчётида юритилади. Бу субсчётнинг кредит томонида ташкилотлар томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаси ҳамда суғурта мажбуриятлари билан боғлиқ бошқа мажбуриятларни ҳисобланиши, дебет томонидан эса ҳисобланган мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаларини, шунингдек, бошқа суғурта мажбуриятларининг тўланиши (бажарилиши), суғурта қопламаси суммаси акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунини	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ташкилотлар томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаси ҳамда суғурта мажбуриятлари билан	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёт-	154	Бухгалтерия маълумотномаси

	боглик бошқа мажбуриятларни хисобланиши	ларнинг тегишилиси		
2	Ҳисобланган мажбурий сугурта килиш шартномаси бўйича сугурта мукофоти суммаларини, шунингдек, бошқа сугурта мажбуриятларининг тўланиши	154	232 ёки 11 – счётнинг тегишли субсчётлари	Шахсий хисобваракдан кўчирма
3	Сугурта шартномасига асосан ходимга ҳисобланган сугурта копламаси суммасига	154	179	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Сугурта шартномасига асосан ходимга ҳисобланган сугурта копламаси суммаси ташкилотга ўтказиб берилганда	119	154	Шахсий хисобваракдан кўчирма
5	Ходимга ҳисобланган сугурта копламаси суммаси кассага кирим килинганда	120	119	Шахсий хисобваракдан кўчирма, касса кирим ордери
6	Ходимга ҳисобланган сугурта копламаси суммаси кассадан тўлаб берилганда	179	120	Касса чиким ордери

Ташкилотнинг ихтиёрига вақтингчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган суммалар хисоби бухгалтерия хисобида алоҳида акс эттирилади. Бу муомалалар асосан суд, прокуратура, ички ишлар органларида содир бўлади. Яъни жиноят ишлари бўйича дастлабки суриштирув жараёнида олинган маблағларни бунга мисол қилиб айтиш мумкин. Бюджет ташкилотлари ихтиёрига вақтингчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган маблағлар бухгалтерия хисобида 155 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтингча бўладиган маблағлар бўйича хисоб-китоблар» субсчётида юритилади. Бу счётнинг кредит томонида ташкилотнинг ихтиёрига вақтингчалик тушган суммалар, дебет томонида бу суммаларни қайтарилиши, хисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Прокуратура органлари томонидан дастлабки суриштирув жараёнида олинган маблағлар суммасига	114	155	Шахсий хисобваракдан кўчирма
2	Прокуратура органлари томонидан дастлабки суриштирув жараёнида олинган маблағлар қайтарилиши	155	114	Шахсий хисобваракдан кўчирма

Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар суммалар аналитик ҳисоби ҳар бир оловчи бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкаси)да олиб борилади.

Болаларни мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) сақланганлиги, болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги, тарбияланувчиларни мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ва бошқа шу кабилар бўйича тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Болаларни мактабгача таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича пул ҳисоблаб ёзиш болаларнинг боғчага келиши ҳисоби олиб бориладиган 305-сон шаклдаги болаларнинг давомат ҳисоби бўйича табель асосида ҳақиқий қатнаган кунларига мувофиқ амалга оширилади. Тўловлар бевосита мактабгача таълим муассасаларига тўланганда ота-оналарга тўланганлик ҳақидаги квитанциялар берилади. Вакил қилинган кишилардан қабул қилинган суммалар уч кунлик муддат ичida ташкилотнинг ҳисобварагига кирим қилиниши керак. Мактабгача таълим муассасалари, мактаб-интернатлари ва бошқа таълим муассасаларида болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби ва тўлов микдорлари қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

Бухгалтерия ҳисобида тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётида юритилади. Бу субсчётнинг дебет томонида тўловларнинг маҳсус турлари бўйича ҳисобланган сумма, кредит

томонида ушбу маблағларни келиб тушиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Болаларни мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) сакланганлиги учун ота-оналар тўлаши керак бўлган маблағлар суммасига	156	242	305-сон шаклдаги болаларнинг давомат хисоби бўйича табель Бухгалтерия маълумотномалари
2	Болаларни мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) сакланганлиги учун ота-оналардан келиб тушган маблағлар суммасига	110	156	Шахсий хисобваракдан кўчирма
3	Болалар мактабгача таълим муассасидан чиқариб олинган тақдирда олдиндан тўланган сумма ота-оналарга уларнинг аризасига асосан қайтарилганда (бир вактни ўзида сумма кизил ёзувда Дт 156, Кт242 ёзуви берилади.)	156	110, 120	Шахсий хисобваракдан кўчирма, касса чиким ордери

Болалар мактабгача таълим муассасасидан чиқариб олинган тақдирда олдиндан тўланган сумма ота-оналарга уларнинг аризасига мувофиқ мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг кўрсатмасига биноан қайтарилади. Ариза мактабгача таълим муассасаси бухгалтериясига раҳбарнинг кўрсатмаси ва болаларнинг боғчага қатнашини ҳисоби олиб бориладиган навбатдаги табель билан биргаликда топширилади.

Қайтариладиган сумма касса орқали берилади ёки почта орқали жўнатилади, шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан ҳам қайтарилиши мумкин. Болаларни сақлаш юзасидан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби 327-сон шаклдаги таълим муассасаларида болаларни сакланганлиги учун уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар қайдномасида юритилади. 327-сон шаклдаги қайднома асосида 406-сон шаклдаги (15-мемориал ордер) болаларни сақлаганлик учун

ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома тузилади.

Тарбияланувчиларни мактаб-интернатларда сакланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича келиб тушган тўловлар суммасига 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёт кредитланади, 110 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчёт ёки 120 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчёт дебетланади. Тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатда ҳақиқий бўлган кунлари учун ҳисобланган тўлов суммасига 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёт дебетланади ва 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёт кредитланади.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир тарбияланувчи бўйича алоҳида ҳолда 327-сон шаклдаги таълим муассасаларида болалар сакланганлиги учун уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар қайдномасида юритилади.

Болаларни мактаблар кошидаги интернатларда овқатланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоблаб ёзилган тўлов суммасига 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёт дебетланади ва 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёт кредитланади. Келиб тушган тўловлар суммасига 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёт кредитланади ва 120 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари», 110 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» ёки 061 «Озиқ-овқат маҳсулотлари» (тўлов ўрнига озиқ-овқат берилганда) субсчётлар дебетланади.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби 327-сон шаклдаги таълим муассасаларида болалар сакланганлиги учун уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар қайдномасида юритилади.

Болаларни болалар мусиқа ва санъат мактабларда, шунингдек, бошқа таълим муассасаларида ўқитганлик учун ҳисобланган тўлов суммаларига 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёт дебетланади ва 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёт кредитланади. Келиб тушган суммаларга тегишли пул маблагларини ҳисобга

олувчи субсчётлар дебетланади ва 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёт кредитланади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир бадал тўловчи ота-оналар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Ходимлар билан уларнинг иш жойларидан овқатланиш учун олиб бориладиган ҳисоб-китобларда конунчиликка кўра касалхоналар, мактабгача таълим муассасалари, ногиронлар, шунингдек, қариялар уйлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган ерда умумий овқатланиш корхоналари бўлмаган ҳолларда уларнинг ходимларига тўлов ҳисобига овқатланиш рухсат этилган бўлиб, ана шу ташкилотларнинг ходимлари билан овқатланганлик учун ҳисоб-китоб олиб борилади.

Ходимлар билан улар олган овқатлар учун ҳисоб-китоб юритганда 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётнинг дебетига сарф қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг қиймати ёзилади, бунда, 061 «Озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчёт кредитланади.

Кредитига эса ходимлардан овқат учун олинган суммалар, шунингдек, олдиндан тўланган аванс суммалари ёзиб борилади, бунда тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар (120 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ёки 110 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётлар) дебетланади.

Овқатланиш учун олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 285-сон шаклдаги айланма қайдномада юритилади. Бу қайдномада ходимларнинг фамилияси ва исми кўрсатилади.

Штатда турмаган таркибга шартнома бўйича бажарган ишлари ва чиқимлари учун, телевизор ва радио-эшигтиришларда бир марта чиқиш учун қилинган буюртмаларга бериладиган қалам ҳақи суммалари бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек, уйда ногирон болаларни ўқитадиган педагогларга тўланадиган компенсация тўловлари ва бошқа барча дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар бухгалтерия ҳисобида 159 «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида юритилади. Бу субсчётнинг кредит томонида кредиторлик мажбуриятлар, дебет томонида кредиторлик мажбуриятларни тўланиши ёки дебиторлик мажбуриятлар акс эттирилади.

Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби 408-сон шаклдаги (6-сон

мемориал ордер) жамланма қайдномасида, шунингдек, 292-сон шаклдаги жорий хисоблар ва хисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Штатда турмаган таркиба шартнома бўйича бажарган ишлари учун тўлов хисобланганда	241,251, 261,271	159	Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси
2	Штатда турмаган таркиба шартнома бўйича бажарган ишлари учун тўлов хисобланганда	159	11-счётнинг тегишли субсчётлари	Шахсий хисобварақдан кўчирма

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар хисобини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг?
2. Харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар хисобини ҳужжатлаштириш ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Суғурта тўловлари бўйича хисоблашувлар хисобини тушунтириб беринг?
4. Тўловларнинг маҳсус турларига доир хисоб-китоблар хисобини ташкил этишни тушунтириб беринг?

6.3 Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан хисоблашувлар хисоби

Бюджет ташкилотлари томонидан қонунчиликка мувофиқ бюджет билан, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларга доир, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўйича ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан хисоб-китоблар олиб борилади. Бюджет билан солиқлар бўйича хисоблашувларни амалга оширади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш

тартибини такомиллаштириш түгрисида»ги қарорига мувофиқ 2015 йил 1 январгача бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилиниши, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилиши белгиланган. Шунинг учун бюджет ташкилотларида солиқлар бўйича факат ходимларни иш ҳақидан қонунчиликда белгиланган миқдорда даромад солиги ушланмалари амалга оширилади ва бюджетга ўтказиб берилади. Лекин бухгалтерия хисобида солиқлар бўйича имтиёзлар хисоби алоҳида акс эттирилади. Мажбурий ажратмалар бўйича ягона ижтимоий тўлов қонунчиликда белгиланган тартибда (хозирда иш ҳақига нисбатан 25% миқдорида) ҳисобланниб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиб берилади. Ходимларни иш ҳақига нисбатан белгиланган тартибда шахсий жамғариб бориладиган Пенсия хисобвараги бадаллари ҳалқ банки бўлимларида очилган шахсий хисобварақларга ўтказилиб борилади. Бундан ташқари, ходимларнинг иш ҳақига нисбатан пенсия жамғармасига ушланма (бадал) амалга оширилиб ўтказиб берилади. Шунингдек, Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларнинг ижтимоий тўловларини (қонунчиликда белгиланган миқдорда ишловчи ходимларга нафакалар ва бошқалар) қоплаш учун ажратиладиган маблағлар бўйича Пенсия жамғармаси билан ҳисоблашувлар амалга оширилади. Булардан ташқари, қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат мақсадли жамғармалари (Республика йўл жамғармаси ва бошқалар) билан ҳисоблашувлар амалга оширилиб ҳисобланган ажратмалар имтиёз кўринишида акс эттирилади. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган мажбурий ажратма ва ушланмалар бўйича бухгалтерия маълумотномалари, расчётлари тузилиб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва хисобкитоблар дафтарида (карточкаси) акс эттирилади ва бир вақтни ўзида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб тегишли мемориал ордер - жамланма қайдномаларига туширилади. Мемориал ордер - жамланма қайдномалар асосида 308-сон шаклдаги Бош журнал китоби ва ҳисобот шакллари тўлдирилади.

Бухгалтерия хисобида юкорида келтириб ўтилган бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар, ушланмалар ва бошқалар бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби:

16 «Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» счёти қуидаги субсчётларга бўлинган ҳолда юритилади:

160 «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар»;

161 «Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар»;

162 «Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар»;

163 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар»;

169 «Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар».

160 «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчётида бюджет билан қуидагилар бўйича қилинадиган ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади: иш ҳаки ва бошқа тўловлардан ушлаб қолинган соликлар, айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва бюджетга ўтказилиши лозим бўлган камомадлар суммалари, моддий қимматликларни сотишдан тушган ва қонунчиликка кўра бюджет даромадига ўтказилиши керак бўлган суммалар ва бошқа бюджет билан ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Бу субсчётнинг кредит томонида ҳисобланган соликлар суммаси, дебет томонида ҳисобланган соликларни ўтказилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матриаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимлар иш ҳакидан белгиланган тартибда даромад солиғи бўйича ушланмалар амалга оширилганда	173	160	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Ходимлар иш ҳакидан белгиланган тартибда шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ушланмалар амалга оширилганда	160	162	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Ходимлар иш ҳакидан белгиланган тартибда даромад солиғи бўйича ушланмалар бюджетга ўтказиб берилганда	160	232, 11 счёtning тегишли субчётлари	Шахсий ҳисобвараклардан кўчирма
4	Ходимлар иш ҳакидан белгиланган тартибда шахсий жамғар	162	232, 11 счёtning	Шахсий ҳисобвараклар-

	риб бориладиган Пенсия хисобвараги бадаллари бўйича ушланмалар ўтказиб берилганда		тегишли субсчўтлари	дан кўчирма
5	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси даромадлари бўйича фойда солиги хисобланганда	261	160	Бухгалтерия маълумотномаси
6	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси даромадлари бўйича хисобланган фойда солиги имтиёз кўринишида акс эттирилганда	160	285	Бухгалтерия маълумотномаси

Аналитик ҳисоб ҳар бир ҳисоб-китоблар турлари бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкаси)да олиб борилади.

161 «Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар» субсчўтида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўловларнинг ҳисоби олиб борилади. Бу счётнинг кредит томонида белгиланган тартибда ходимларни иш ҳақига нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси, дебет томонида ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммасини ўтказиб берилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимлар иш ҳақига нисбатан белгиланган тартибда хисобланган ягона ижтимоий тўлов суммасига	090, 231,241, 251,261, 271	161	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Ходимлар иш ҳақига нисбатан белгиланган тартибда хисобланган ягона ижтимоий тўлов суммаси ўтказиб берилганда	161	232, 11 - счётнинг тегишли субсчўтлари	Шахсий ҳисобвараклардан кўчирма

161-»Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар» субсчўт бўйича аналитик ҳисоб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

162 «Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобвараги бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар» субсчўтида ташкилотлар ходимларининг жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўйича бадаллари ҳисоби юритилади. Бу субсчўтнинг кредит томонида ходимлар иш ҳақига нисбатан ҳисобланган шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобвараги бадаллари суммаси, дебет

томонида ҳисобланган бадалларни ўтказиб берилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрикаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимлар иш ҳакидан белгиланган тартибда шахсий жамгариб бориладиган Пенсия ҳисобвараги бадаллари бўйича ушланмалар амалга оширилганда	160	162	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Ходимлар иш ҳакидан белгиланган тартибда шахсий жамгариб бориладиган Пенсия ҳисобвараги бадаллари бўйича ушланмалар ўтказиб берилганда	162	232, 11 счётнинг тегишли субсчётлари	Шахсий ҳисобвараклардан кўчирма

Аналитик ҳисоб ҳар бир шахсий жамгариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий бадалларни ўтказувчи ходимлар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

163 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субсчётида ташкилотларнинг ходимларига ҳисобланган иш ҳақларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратма қилинадиган бадаллари, қонунчиликка мувофиқ сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларнинг ҳисоби, шунингдек, давлат ижтимоий суғуртаси ва бошқа бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблари ҳисоби юритилади. Бу счётнинг кредит томонида ходимларига ҳисобланган иш ҳақларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган бадаллар қонунчиликка мувофиқ сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар суммаси, шунингдек, Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларни келиб тушиши акс эттирилади. Дебет томонида Пенсия жамғармасига ҳисобланган бадаллар ва ажратмаларни ўтказиб берилиши ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларни ҳисобланиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимларнинг ҳисобланган иш ҳақларидан Пенсия жамғармасига ушланган мажбурий бадаллар суммасига	173	163	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Ходимларнинг ҳисобланган иш ҳақларидан Пенсия жамғармасига ушланган мажбурий бадаллар суммасини ўтказиб берилиши	163	232, 11 счёт- нинг тегиши- ли суб- счёт- лари	Шахсий ҳисобвараклардан кўчирма
3	Қонунчиликка мувофиқ сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги хажмидан ҳисобланган ажратмалар	211	163	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Қонунчиликка мувофиқ сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги хажмидан ҳисобланган ажратмаларни имтиёз	163	285	Бухгалтерия маълумотномаси
5	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича тўловлар ва бошқа тўловлар ҳисобланганда	163	171	Бухгалтерия маълумотномаси, сўровнома
6	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича ҳисобланган тўловлар келиб тушганда	119	163	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича тўловлар ва бошқа тўловлар ҳисобланганда 163 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субсчётнинг дебетида ва 171 «Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётнинг кредитида акс эттирилади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шахар) бўлимларидан ташкилот ҳисобварагига келиб тушган суммаларга пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади ва 163 «Бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» субсчёт кредитланади.

Аналитик ҳисоб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларни олувчилар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

169 «Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги таълим, тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмиглаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма, Республика йўл жамғармаси ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан қонунчиликка мувофиқ олиб бориладиган ҳисоб-китоблари юритилади. Бу счётнинг кредит томонида бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган ажратмалар суммаси, дебет томонида ҳисобланган ажратмалар суммасини ўtkазиб берилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Бюджетдан ташқари жамғармаларга қонунчиликка мувофиқ сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги хажмидан ҳисобланган ажратмалар	211	169	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Бюджетдан ташқари жамғармаларга қонунчиликка мувофиқ сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳақиқатдаги хажмидан ҳисобланган ажратмаларни имтиёз кўринишида акс эттириш	169	285	Бухгалтерия маълумотномаси

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисобини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг?
2. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган ажратмалар ва улар бўйича имтиёзлар ҳисобини тушунтириб беринг?
3. Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобвараги бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини айтиб беринг?

4. Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси билан ҳисоб-китоблар ҳисобини тушунтириб беринг?

6.4 Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби

Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини амалга ошириш жараёнида камомадлар, хизмат сафарлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ходимлар билан, стипендия тўловлари бўйича талабалар билан ҳисоблашувлар амалга оширилади.

Материал жавобгар шахслар билан йўл қўйилган камомадлар бўйича ҳисоблашувлар амалга оширилади. Бунда мулкий қийматликлар бўйича камомадлар унидириш вақтида бозор қийматида ундирилади. Йўл қўйилган камомадлар инвентаризация далолатномалари орқали акс эттирилади ва меҳнат қонунчилиги талаблари асосида ундирилади. «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солиниши кўрсатилган. Бир ойлик ўртача иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбордor ходимдан унидириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечик масдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, унидириш суд орқали амалга оширилади.

Хизмат сафари харажатлари бўйича ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашувлар амалга оширилади. Бюджет ташкилотларида хизмат сафари харажатларини амалга ошириш «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида Йўриқнома (Ўз.Р АВ. томонидан 2003 йил 29 августда № 1268-сон билан рўйхатдан ўтган) ва Хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари «вазирликлар,

идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш Тартиби» (Ўз.Р АВ. томонидан 2000 йил 5 июнда № 932-сон билан рўйхатдан ўтган)га асосан амалга оширилади.

Ҳисоби бериладиган аванслар аванс өлувчининг ёзма аризасига биноан (аризада аванснинг нимага мўлжалланганлиги кўрсатилиши керак) ташкилот раҳбарининг буйруги асосида берилади. Ҳисоби бериладиган пуллар улар берилаётган вақтда кўзда тутилган мақсадлар учунгина сарфланади.

Аванс суммаларининг сарфланганлиги ҳақида ҳисобдор шахслар 286-сон шаклдаги аванс ҳисботини ташкилот бухгалтериясига топширадилар. Улар ушбу ҳисбот қилинган харажатларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилиб топширадилар. Аванс ҳисботига илова қилинган хужжатлар ҳисобдор шахс томонидан уларнинг ҳисбототда ёзилиш тартибига қараб рақамлаб чиқилади.

Бухгалтерияда аванс ҳисботлари арифметик текшириб чиқилади, шунингдек, хужжатларни тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда маблағларни муайян мақсадлар учун сарфланганлиги текширилади. Текшириб чиқилган аванс ҳисботлари ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.


Фойдаланилмаган аванс қолдиги ҳисобдор шахс томонидан аванс ҳисботи топширилгандан сўнг уч кундан кечиктирмасдан ташкилот кассасига қайтарилиши лозим. Ҳисобдор шахсга олдин берилган аванс суммаси тўлиқ қайтарилгандан сўнг янгидан аванс берилади. Ҳисоби бериладиган суммаларнинг сарфланганлиги ҳақида белгиланган муддатда аванс ҳисботи топширилмаган ёки фойдаланилмаган аванс қолдиги кассага қайтарилмаган ҳолларда ташкилотлар бу қарзларни аванс олган шахсларнинг иш ҳақларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб қолиш ҳукукига эга.

Меҳнат муносабатларини, шу жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни юридик асосини меҳнат тўғрисидаги конуний хужжатлар, хўжалик субъектиларнинг жамоа шартномаларини ва бошқа муайян меъёрий хужжатлар ташкил этади.

Маълумки иш ҳақи, ўз навбатида, асосий ва кўшимча иш ҳақига бўлинади: Асосий иш ҳақига, ходимларни ишлаган вақти, бажарган ишининг миқдори ва сифатига асосан ҳисбланган иш ҳақи, тариф ставкалари, окладлар, мукофотлар, асосий иш вақтидан

ташқари ишлаган иш вақтига ҳисобланган күшімча иш ҳақи, ишчи айбига бөглиқ бўлмаган ҳолда туриб қолишларга ҳисобланган иш ҳақи ва шу каби бошқалар киради.

Күшімча иш ҳақи, бу меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган ишчининг ишламаган иш вакти учун ҳисобланган иш ҳақидир. Бунга ишчининг меҳнат таътили учун ҳисобланган иш ҳақи, вояга етмаганлар ўсмир ёшлар, аёллар ва бошқалар учун имтиёзли иш вақти учун ҳисобланган иш ҳақи, ишдан бўшаши муносабати билан ҳисобланган нафака ва бошқалар киради.



6.4.1-чизма. Асосий ва қўшимча иш ҳақи таркиби.

Меҳнатга ҳақ тўлашни иккита шакллари мавжуд: ишбай ва вақтбай. Меҳнат ҳақини ҳисоблашнинг ишбай шаклида иш ҳақи - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми, сифати, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмига кўра ҳисобланади. Меҳнат ҳақини ҳисоблашнинг вақтбай шаклида меҳнат ҳақи ишланган иш соатларига мувофиқ, штатлар жадвалидаги тариф ставкаларига асосланган ҳолда ҳисобланади.

Тариф сеткаси – бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган тариф коэффициентлари кўрсатиладиган ҳужжатлардир. Биринчи разряднинг тариф коэффициенти бирга тенг бўлиб, разряд ортган сари тариф коэффициенти ҳам ортиб боради.

Тариф ставкаси-ишчининг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги (соат, кун) учун тўланадиган ҳақ микдорини аниқлайди. Одатда тариф ставкаси биринчи разряд учун белгиланади,

қолган разрядлар учун эса биринчи разряд тариф ставкасини қолган разрядлар тариф коэффициентига йўналтириш йўли билан аниқланади.

Ходимнинг меҳнат ҳақини топиш учун разряд бўйича тариф коэффициентини энг кам иш ҳақи миқдорига кўпайтириш орқали аниқланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бюджет ташкилотларида асосан вақтбай асосида иш ҳақи тўланади. Бунда ҳар қайси бюджет ташкилоти намунавий штатлар жадвалига асосланаб штат бирликларини шакллантиради ва белгиланган тартибда разрядларини кўйиб ойлик иш ҳақини (окладларини) ҳисоблайди ва штатлар жадвалини шакллантиради. Ҳозирда бюджет ташкилотларида штатлар жадвалига киритилган баъзи лавозимлар бўйича конунчиликка асосан белгиланган ойлик иш ҳақлари тайинланади. Бюджет ташкилотларида «Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамгармаси тўғрисида йўрикнома» (Ўз.Р АВ. томонидан 1995 йил 20 сентябрда № 177-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан ойлик иш ҳақига нисбатан 15 фоиз миқдорида ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамгармаси ташкил этилади ва ушбу низом талаблари бўйича мукофот, моддий рағбатлантириш кўринишида сарфланади.

Бюджет ташкилотларида вақтбай асосида иш ҳақи ҳисобла нишида тасдиқланган иш вақтини ҳисобга олиш табелига асосланади. Иш ҳақи ҳисоблаш учун штатлар жадвалида белгиланган ойлик иш ҳақини ҳақиқатда ишлаган иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланади. Бюджет ташкилотларида ишловчи ходимлар иш ҳақига қўшимча тўловлар (моддий рағбатлантириш ва бошқалар) ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамгармаси ҳисобидан ёки қонунчилиқда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига (манбааси мавжуд бўлганда) тўланади.

Меҳнат қонунчилигига асосан бюджет ташкилотлари ходимлари ҳар йили меҳнат таътилига чиқиш хукуқига эга. Бунда меҳнат таътилига чиқиши бўйича бўйруқ расмийлаштирилгандан сўнг бухгалтерия томонидан ўрнатилган тартибда меҳнат таътили учун иш ҳақи ҳисобланади. Меҳнат таътили учун иш ҳақи ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11

мартдаги 133 сон қарори билан тасдиқланган «Үртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»га кўра үртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб топилади. Унга кўра ҳисоблананаётган вақтдаги штатлар жадвали бўйича белгиланган ойлик иш ҳақига бир йил давомида ойлик иш ҳақидан ташқари қўшимча олган мукофотлар, бошқа тўловларни 12/1 қўшилиб чиқсан натижга 25.4 коэффициентга бўлиши йўли билан бир қунлик мөхнат таътили учун иш ҳақи топилади. Бир қунлик мөхнат таътили учун иш ҳақини таътил қунларига кўпайтириш йўли билан мөхнат таътили учун иш ҳақи топилади.

Шартли мисол: Бюджет ташкилоти бош ҳисобчиси 2011 йил 2 августдан 24 иш қунидан иборат мөхнат таътилига чиқди. Бу ходимнинг ойлик иш ҳақи миқдори штатлар жадвали бўйича 650000 сўмга teng бўлган. Бир йил давомидаги мукофот кўринишида олинган иш ҳақиси 3 600 000 сўмга teng бўлганлиги аниqlанди.

Мөхнат таътили учун иш ҳақи =
$$650000 + 300000(3600000/12)/25.4 * 24 = 897637.8 \text{ сўм} \quad \text{га teng бўлади.}$$

Вақтинча мөхнатга қобилиятсизлик нафақаларини ҳисоблаш «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тартиби тўғрисида Низом» (Ўз.Р АВ. томонидан 2002 йил 8 майда № 1136-сон билан рўйхатдан ўтган) талаблари асосида амалга оширилади. Унга кўра касаллик ва рақасига асосан ходимнинг ҳақиқатда вақтинча мөхнат қобилиятини ўқотган иш қунлари учун юқорида келтириб ўтилган тартибда үртача иш ҳақи аниqlаниб мөхнат стажидан келиб чиқиб миқдори аниqlанди.

Низомга кўра қўйидаги тартиб белгиланган:

Вақтинча мөхнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўйидагиларга тўланади:

- ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;
- байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;
- Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тутатишда қатнашган ходимларга;

— Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилингандыкта күчирилген, кон ҳосил қилювчи органлар касалликлари (үткір лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлық касалликларга чалингандыкта ходимларга;

- мәхнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинге мәхнатта қобилиятсиз бўлган ходимларга.

Ижтимоий аҳамиятга зга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинге мәхнатта қобилиятсизлик нафақаси қуидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Юкорида назарда тутилган ходимлардан ташкари қолган ходимларга вақтинге мәхнатта қобилиятсизлик бўйича нафақа қуидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сафир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Ташкилотда мәхнатта лаёқатсизлик нафақаларини тайинланиши бўйича ижтимоий суғурта комиссияси таркиби кадрлар бўлими, касаба уюшмаси, бухгалтерия бўлими ходимларидан иборат тасдиқланади. Ҳар ойда ушбу комиссия томонидан бир марта йиғилиш ўтказилиб баённома асосида тушган касаллик варақалари бўйича мәхнатта лаёқатсизлик нафақалари ва бошқа ижтимоий суғурта нафақалари тайинланади.

Шартли мисол: Ташкилот бош ҳисобчиси 2011 йил июль ойида 26 иш кунидан 8 иш куни касаллиги туфайли ишга чиқмаган 18 иш куни ҳақиқатда ишлаган. Иш стажи 19 йилни ташкил этади. Шу

вақтда ойлик иш ҳақи тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ 650000 сүмни ташкил этган. Бир йил давомидаги мукофот күрнисиша олинган иш ҳақиси 3 600 000 сүмга тенг бўлғаниниги аниқланди.

а) Асосий иш ҳақи(ҳақиқатда ишилаган кунлари учун)= $650000/26*18=450000$ сүм

б) Меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси = $200000(650000/26*8)+92307.7(3600000/12/26*8)=292307.7$ сүмни 80 %(меҳнат стажи 19 йил бўлғани учун)= 233846.16 сүмга тенг бўлади.

Бош ҳисобчининг 2011 йил июл ойи учун асосий ва қўшимча иш ҳақи 683846.16 ($450000+233846.16$) сүмни ташкил этган.

Иш ҳақи, мукофотлар, турли моддий ёрдамлар ва бошқа тўловлар ойига бир марта ҳисоблаб ёзилади ва ҳисобда жорий ойнинг охирги кунида акс эттирилади.

Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун қуидагилар асосий хужжатлар ҳисобланади: ташкилотнинг ишга қабул қилганлик, бўшатганлик ва ходимларни тасдиқланган штатлар жадвали ва иш ҳақи ставкаларига мувофиқ жойдан-жойга кўчириш ҳақидаги буйруклари, 421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели ва бошқа хужжатлар.

Табеллар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган шахслар томонидан ҳар ойда белгиланган шаклда юритилади. Табеллар бутун ташкилот бўйича ёки тузилмавий бўлинмалар (бўлимлар, бўлинмалар, факультетлар, лабораториялар ва бошқалар)га бўлинган ҳолда юритилади. Ойнинг охирода табель бўйича ишланган кунларнинг умумий миқдори, шунингдек, ортиқча ишланган соатлар аниқланади. Тўлдирилган ва тегишли имзолар билан расмийлаштирилган табель ва бошқа хужжатлар белгиланган муддатда иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш учун бухгалтерияга топширилади.

Ойнинг биринчи ярми учун ходимларга аванс берилади. Аванс белгиланган тартибда ушлаб қолиниши керак бўлган солик суммасини ҳисобга олмаган ҳолда, қоидага кўра, иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида белгиланади. Аванс 389-сон шаклдаги иш ҳақи, аванс бериш учун тўлов қайдномаси бўйича берилади.

Ой учун иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш ва ойнинг иккинчи ярми учун тўлаш одатда, Т-49-сон шаклдаги ҳисоб-китоб тўлов қайдномаси бўйича амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китоб тўлов қайдномасига ходимларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ҳисобланган

иш ҳақи ва нафақалар суммаси, берилган аванс, ушланган солиқлар ва бошқа суммалар ёзилади.

Ишдан бўшашда ёки таътилга кетишда қилинган ҳисоб-китоблар 425-сон шаклдаги таътил бериш (ишдан бўшаш) бўйича ҳисоб ёзуви бўйича амалга оширилади. Бу ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган суммалар жорий ой учун очилган ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаларига киритилади. Ишдан бўшашда ёки меҳнат таътилига кетишда қилинадиган бундай ҳисоб-китоблар, ҳисоб-китоб даври оралиғига тўғри келиб қолган холларда, тўловлар 389-сон шаклдаги тўлов қайдномаси ёки касса чиқим ордерлари орқали амалга оширилади. Бу ҳисоб-китоблар орқали ҳисобланган ва тўланган суммалар жорий ой ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаларига киритилади.

Ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари ана шу қайдномаларни тузган ва текширган ходимлар томонидан имзоланади. Иш ҳақи тўлаш учун рухсатнома ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланади.


Иш ҳақи, вактинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни тўлашнинг белгиланган муддатлари туғаши билан кассир:

- тўлов қайдномасида иш ҳақи, вактинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ёки мукофотлар тўланмаган шахслар фамилияси тўғрисига штамп қўйиши ёки кўлда «Депонентланган» деб белги қўйиши;
- депонентланган суммалар реестрини тузиши;
- қайднома охирида ҳақиқатда тўланган сумма ва иш ҳақи, вактинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ёки мукофотларни тўлашнинг олинмаган, депонентланиши керак бўлган суммаси тўғрисида ёзил қўйиши, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солишибдиши ва ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлаши керак. Агар пулни кассир эмас, балки бошқа шахс берган бўлса, қайдномага қўшимча равища «Пулни қайднома бўйича берди (имзо)» деб ёзил қўйилади. Пулни кассир ва тарқатувчи битта қайднома бўйича бериши ман этилади;
- кассир касса дафтарига ҳақиқатда тўланган суммани ёзиши ва қайдномага «-сон чиқим касса ордери» штампини қўйиши шарт.

Бухгалтерия кассирлар томонидан тўлов қайдномаларига қилинган белгиларни текширади ва улар бўйича берилган ҳамда депонентланган суммаларни ҳисоблайди. Депонентланган

суммалар банкка топширилади ва топширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Ташкилотда иш ҳақи ҳисоблаш тұлаш бүйича маълумот олиш учун ҳар бир ходим бүйича 417-сон шаклдаги карточка-маълумотномалар юритилади.



6.4.2-чиズма. Иш ҳақи ҳисобини ҳужжатлаштиришнинг схематик күрниши.

Таълим муассасаларида талабалар билан стипендия тұловлари бүйича ҳисоблашувлар амалга оширилади. Стипендия тұловлари бүйича ҳисоблашувлар «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тұлаш тартиби тұғрисидаги Йүрикнома»(ҮзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ҮзР Молия вазирлигининг 2004 жыл 2 мартдаги 2П, 43-сон қарорлари билан тасдиқланған) га асосан амалга оширилади.

Стипендия – Олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бүйича ва пуллы - контракт асосда кундузи ўқыйдиган, давомати

яхши бўлган талабаларига (бундан чет эллик талабалар мустасно), Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, тўланадиган ойлик пул таъминоти (нафака).

Стипендия чуқур касбий билимларни эгаллаш ва давоматни оширишда талабаларни рағбатлантириш, мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада ошириш учун зарур шароитлар барпо этиш мақсадида тўланади.

Стипендияларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларида ойига бир марта буйруқлар асосида амалга оширилади.

Булардан ташқари талабалар билан ўқитишнинг тўлов контракт шакли бўйича талабалар, жисмоний ва юридик шахслар билан ҳисоблашувларни амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисобида ходимлар ва стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар 17 «Ходимлар ва стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар» счёти куйидаги субсчётларда юритилади:

- 170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар»;
- 171 «Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 172 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар»;
- 173 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 174 «Стипендия олувчилик билан ҳисоб-китоблар»;
- 175 «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар»;
- 176 «Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 177 «Депонентланган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 179 «Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар».

Бюджет ташкилоти ишчи счёtlар режасини тасдиқлаётганда 17 «Ходимлар ва стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётларини маблағлар манбаалари бўйича алоҳида шакллантириб олиши мумкин. Масалан 171/1 «Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар» (бюджет маблағи ҳисобидан), 171/2 «Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар» (ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан)» ва ҳоказо.

170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётида камомадлар, талон-торож қилинган пул маблаглари ва моддий

қимматликлар қиймати, шунингдек, айбдор шахслар ҳисобига ёзилган ва ўрнатилган тартибда ундириб олиниши лозим бўлган моддий қимматликлар қиймати ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳоллар ҳисоби олиб борилади. Бу субсчётнинг дебет томонига аниқланган камомадлар, талон-торожлар, нобудгарчиликлар ва шу кабилар, айбдор шахснинг ҳисобига олиб борилиши, кредит томонида етказилган зарарни қоплаш учун ташкилотга кирим қилинган суммалар ёзилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Кассадаги аниқланган камомадлар, талон-торожлар, ва шу кабилар, айбдор шахснинг ҳисобига олиб борилиши	170	120	Инвентаризация далолатномаси
2	Айбдор шахснинг ҳисобига олиб борилган кассадаги аниқланган камомадлар, талон-торожлар ва шу кабилар ундирилганда	120	170	Касса кирим ордери

Бу субсчётнинг аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да ҳар бир айбдор шахс бўйича уларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қарзнинг вужудга келган санаси ҳамда камомад суммаси кўрсатилган ҳолда, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларга ажратилган ҳолда юритилади.

171 «Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётида ташкилотларнинг ходимлари билан ижтимоий суғурта тўловлари бўйича олиб борадиган ҳисоб-китоблари юритилади. Ижтимоий суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар қонунчиликка асосан тартибга солинади. Бу субсчётнинг кредит томонида ҳисобланган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, Пенсия жамғармаси орқали тўланадиган ташкилотнинг ходимларига ҳисобланган ижтимоий суғурта тўловлари ҳисобланниши акс эттирилади, дебет томонида ҳисобланган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, Пенсия жамғармаси орқали тўланадиган ташкилотнинг ходимларига ҳисобланган ижтимоий суғурта тўловларини тўлаб берилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Пенсия жамгармаси маблаглари хисобидан ташкилотнинг ходимларига хисобланган ижтимоий сугурта тўловлари	163	171	Сўровнома, бухгалтерия маълумотномаси
2	Вактинча меҳнатга лаёқатсизлик хамда ҳомиладорлик ва тугиши бўйича нафакаларни хисобланниши	231,241, 251,261, 271	171	бухгалтерия маълумотномаси
3	Хисобланган вактинча меҳнатга лаёқатсизлик нафакаларидан даромад солиги ушлангандан	171	160	бухгалтерия маълумотномаси
4	Ташкилотнинг ходимларига хисобланган ижтимоий сугурта тўловлари, касаллик нафакалари кассадан тўлаб берилгандан	171	120	Касса чиким ордери

Аналитик ҳисоб ҳар бир ижтимоий сугурта тўловларини олувчилар ва ижтимоий сугурта тўловларининг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

172 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида ҳисобдор шахслар билан уларга нақд пул тўламасдан ҳисоб-китоб килиш имкони бўлмайдиган харажатларга тўлаш учун бериладиган аванслар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилади. Ҳисоби бериладиган аванслар фақат мазкур ташкилотда ишлайдиган шахсларгагина берилади. Бу субсчётнинг дебет томонида ҳисобини бериш шарти билан берилган маблағлар, кредит томонида бу маблағларни ҳисобдан чиқарилиши ёки ҳисобдор шахс томонидан амалга оширилган харажатлар (ҳисоботига кўра) акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ҳисобини бериш шарти билан ходимларга хизмат сафари учун миллий валютада пул маблағи кассадан берилгандан	172	120	Касса чиким ордери
	Ҳисобини бериш шарти билан ходимларга хизмат сафари учун миллий валютада пул маблағи сарфлангандан	231,241, 251,261, 271	172	Аванс ҳисоботи
	Ҳисобини бериш шарти билан	173	172	Бухгалтерия

	ходимларга хизмат сафари учун берилгандын маблагни ортикча қисми ўз вақтида кайтарилилганда ходимни иш ҳақи хисобига ушлаб колинганда			маълумотномаси
--	---	--	--	----------------

Хисобдор шахслар билан қилинадиган хисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби 386-сон шаклдаги хисобдор шахслар билан хисоб-китоблар бўйича жамланма қайдномада (8-мемориал ордерда) юритилади. Хисобдор шахсларнинг сони унчалик кўп бўлмаган ташкилотларда аналитик ҳисоб ҳар бир хисобдор шахс бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва хисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да олиб борилиши мумкин. Бунда, аналитик ҳисоб бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

173 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича хисоб-китоблар» субсчётида ташкилотнинг ходимлари билан иш ҳақининг барча турлари, мукофотлар ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган хисоб-китоблар ҳисобага олинади.

Бу субсчётнинг кредит томонида ҳисобланган иш ҳақи суммаси, дебет томонида иш ҳақини тўлаб берилиши, иш ҳақига нисбатан ушланмалар акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимларга меҳнат ҳақи хисобланганда	231,24 1,251, 261, 271	173	421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи хисоблаш табели
2	Ходимларга хисобланган иш ҳақидан ушланмалар амалга оширилганда: а) даромад солиги	173	160	Бухгалтерия маълумотномаси
	б) Пенсия жамғармасига бадал	173	163	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) Ходимлар иш ҳақидан белгиланган тартибда шахсий жамғарига бориладиган Пенсия хисобвараги бадаллари	160	162	Бухгалтерия маълумотномаси
	г) Касаба уюшмаси бадали	173	176	Бухгалтерия маълумотномаси

3	Иш ҳаки кассадан тарқатилганда	173	120	Касса чиким ордери
4	Иш ҳаки пластик карточкаларга ўтказиб берилганда	173	232, 11 – счётнинг тегишли субсчёtlари	Шахсий хисобвараклардан кўчирма

Аналитик ҳисоб ташкилотнинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

174 «Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида олий ўкув юртлари, илмий тадқиқот муассасаларининг студентлари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда курс тингловчилари ва бошқалар билан стипендиялар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Бу субсчёtnинг кредит томонида ҳисобланган стипендия тўловлари, дебет томонида стипендия тўловларини амалга оширилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Талабаларга, стажёр-тадқиқотчи изланувчиларга стипендия ҳисобланганда	231, 251	174	Ҳисоб тўлов қайдномаси
2	Талабаларга стажёр-тадқиқотчи изланувчиларга ҳисобланган стипендия кассадан тарқатилганда	174	120	Касса чиким ордери

Аналитик ҳисоб ўкув муассасасининг ҳар бир стипендия олувчиси бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

175 «Талабалар билан бошка ҳисоб-китоблар» субсчётида таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича ва ўкув жараёнда юзага келадиган бошка ҳисоб-китоблар олиб борилади. Бу субсчёtnинг дебет томонида тўлов-контракт маблағларини ҳисобланиши, кредит томонида тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар суммаси акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ўқитишининг тўлов контракт шакли бўйича тўловларни хи-	175	252	Юк хати

	собланиши			
2	Ўқитишининг тўлов контракт шакли бўйича тўловларни келиб тушиши	111	175	Шахсий хисобваракдан кўчирма

Аналитик ҳисоб ҳар бир талаба бўйича алоҳида ҳолда ташкил қилинади.

176 «Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётида иш ҳақидан ушланган касаба уюшма аъзолик бадаллари (касаба уюшма ташкилотлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими жорий этилган ҳолларда), шунингдек, иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловлардан ижро варакалари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ушлаб қолинган суммалар ҳисобга олинади. Бу субсчётни кредит томонида касаба уюшмасига ҳисобланган аъзолик бадаллари, ижро варакасига асосан ушланмалар суммаси акс эттирилади, дебет томонида ҳисобланган бадаллар ва ушланмаларни ўтказиб берилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Ходимларни иш ҳақидан ижро варакаларига асосан алимент тўловлари ушланмалари амалга оширилганда	173	176	Бухгалтерия маълумотномаси, ижро варакалари
2	Ходимларни иш ҳақидан ижро варакаларига асосан ушланган алимент тўловлари тўлаб берилганда	176	232, 11 – счётнинг тегишли субсчётлари	Шахсий хисоб-вараклардан кўчирма

Ходимлар билан турли ушланмаларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича алоҳида ҳолда 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

177 «Депонентланган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётида белгиланган муддат ичida олинмаган иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловларга доир суммалар ҳисоби юритилади. Бу субсчётнинг кредит томонида депонентга ўтказилган иш ҳақи стипендиялар акс эттирилади, дебет томонида депонентга ўтказилган иш ҳақи стипендияларни тўлаб берилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимларни вактида олинмаган иш ҳақиси, касаллик нафақалари, талабалар стипендиялари депонентга ўтказилганда	171, 173, 174	177	Бухгалтерия маълумотномаси, тўлов қайдномалари
2	Депонентга ўтказилган ходимларни вактида олинмаган иш ҳақиси, касаллик нафақалари, талабалар стипендиялари кассадан тўлаб берилганда	177	120	Касса чиқим ордери
3	Даъво муддати ўтиб кетган ва тегишли бюджет даромадига ўтказилиши лозим бўлган бюджет маблағлари бўйича юзага келган депонент қарзлар суммаси	177	160	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Даъво килиш муддати тугаган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юзага келган депонент қарзлар тегишли бюджетдан ташқари маблагларнинг даромадларида акс эттирилганда	177	242,2 52,26 2,272	Бухгалтерия маълумотномаси

Иш ҳақи ва стипендиялар бўйича депонентга ўтказилган суммаларнинг ҳисоби 441-сон шаклдаги депонент қилинган иш ҳақи ва стипендияларнинг аналитик ҳисоби бўйича дафтарда юритилади.

179 «Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётида ходимлар билан қонунчиликка мувофиқ бошқа турли масалалар бўйича юзага келган ҳисоб-китоблар, шунингдек, ходимларнинг иш ҳақидан уларнинг савдо ташкилотларидан кредиттга олган моллари учун берган топшириқ – мажбуриятлари бўйича ушлаб қолинган суммалар, омонат кассаларга нақд пулсиз шахсий жамгармага ўтказиш ҳақидаги ёзма аризалари асосида ушланган суммалар, ижтимоий суғурта ташкилотлари билан тузган ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини тўлаш ҳақидаги топширикномаларига асосан уларнинг маошларидан ушланган

суммалар, ходимларнинг банклардан олган ссудаларига доир операциялар ва бошқалар ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг кредит томонида ходимлар билан қонунчиликка мувофиқ бошқа турли масалалар бўйича юзага келган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган суммалар, дебет томонида ушбу суммаларни ўтказиб берилиши акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матриаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ходимларнинг иш ҳақидан уларнинг савдо ташкилотларидан кредитга олган моллари учун берган топширик – мажбуриятлари бўйича ушлаб қолинган суммалар		173 179	Бухгалтерия маълумотномаси, аризалар
2	Ходимларнинг иш ҳақидан уларнинг савдо ташкилотларидан кредитга олган моллари учун берган топширик – мажбуриятлари бўйича ушлаб қолинган суммаларни ўтказиб берилиши		232, 11 -- счётнинг тегишли субчётлари	Шахсий ҳисобвараклардан кўчирма


Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар бўйича аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) ҳар бир ходим бўйича алоҳида ҳолда олиб борилади.

7-боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

7.1 Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этиш

Молиявий натижалар – бу хўжалик субъектларида маълум бир ҳисобот даврида хўжалик жараёни натижасида ўзига қарашли маблағларни ошиши ёки камайишидир. Молиявий натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий молиявий натижа бу фойда, салбий молиявий натижа бу зарар. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар деганда ташкилотнинг барча даромадлари (тушумлари, бюджет маблағлари бўйича ғазначилик орқали амалга оширган касса харажатлари) ва ҳисобланган барча ҳақиқий харажатларининг ўзаро солиширилиши (айрилиши) натижасида келиб чиқадиган активнинг соф қиймати тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларининг молиявий натижаси бу ташкилотнинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари ва дебиторлари)дан унинг мажбуриятларини (кредиторлик қарзларини) айирмаси натижасида ҳосил бўладиган активнинг соф қиймати деб тушуниш мумкин (7.1.1-чизма).



7.1.1-чизма. Бюджет ташкилотларида молиявий натижани шаклланиши.

Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қўйидаги вазифалар кўйилади:

- молиявий натижаларни белгиланган тартибда шакллантириш;
- молиявий натижалар билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- бухгалтерия ҳисобваракларида молиявий натижалар ҳолати тўғрисида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- молиявий натижалар бўйича хисботларни тузиш ҳамда улар бўйича асосланган бухгалтерия ахборотларини шакллантириш.

Бюджет ташкилотларининг даромадлари бу активнинг соғ қийматини (молиявий натижани) ошишига сабаб бўлувчи ташкилот активларини ошиши ёки унинг мажбуриятларини камайишидир. Буни қўйидаги ҳолатлар бўйича асослаш мумкин, жумладан, бюджет ташкилотларига ҳомийлик маблағларини келиб тушиши натижасида унинг активлари (молиявий активлари) ошади, яъни мазкур муомала бухгалтерия ҳисобида Дебет 112 ва Кредит 262 ёзуви билан расмийлаштирилади. Мазкур операция натижасида ташкилотнинг молиявий активлари (пул маблаглари) ошди. Демак, бу муомала ҳисобда даромад (кредит 262) сифатида акс эттирилиши лозим. Ёки ташкилотнинг мажбуриятларини камайиши кўринишидаги даромадларига мисол келтирадиган бўлсак, унинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига юзага келган депонент қилинган қарзининг талаб қилиш муддати тугаши муносабати билан ташкилот даромадларига ҳисобланишини айтиш мумкин. Жумладан, амалдаги конунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотларида талаб қилиш муддати тугаган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига юзага келган депонент қилинган иш ҳақи ёки бошқа тўловлар бўйича қарзлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари даромадлари сифатида акс эттирилиши лозим.

Мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади, яъни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига юзага келган депонент қилинган қарзларни ҳисобдан чиқарилиши Дебет 177 ва Кредит 262 (агарда мазкур қарздорлик бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юзага келган бўлса). Мазкур операция натижасида ташкилотнинг мажбуриятлари камайди. Демак, бу операция ҳисобда даромад (кредит 262) сифатида акс эттирилиши лозим.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари бу активнинг соғ қийматини (молиявий натижани) камайишига сабаб бўлувчи ташкилот активларининг камайиши ёки унинг мажбуриятларини ошишидир. Масалан, бюджет ташкилотининг асосий воситаларига эскириш ҳисоблаш натижасида ташкилотнинг номолиявий активлари (асосий воситалари)нинг қолдик қиймати камаяди. Мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади, яъни Дебет 231, 241, 251, 261 ёки 271 (асосий воситани сотиб олиниш манбасидан келиб чиқкан ҳолда) ва Кредит 020-029 субсчёtlарнинг тегишлиси. Мазкур операция натижасида ташкилотнинг номолиявий активлари (асосий воситаларини қолдик қиймати) камайди. Демак, бу операция ҳисобда харажат (дебет 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишлиси) сифатида акс эттирилиши лозим. Ёки мажбуриятларни ошиши кўринишидаги ташкилот харажатларига бюджет ташкилоти томонидан иш ҳақини ҳисобланишини келтириш мумкин. Мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади. Масалан, бюджет ташкилоти бюджет маблағлари ҳисобидан ходимларига иш ҳақи ҳисоблади, яъни Дебет 231 ва Кредит 173. мазкур операция натижасида бюджет ташкилотининг ходимлардан бўлган иш ҳақи бўйича мажбурияти ошиди. Демак, бу операция ҳисобда харажат сифатида (дебет 231) акс эттирилиши лозим.

Бюджет ташкилотининг молиявий натижаси унинг барча даромадларининг турлари бўйича алоҳида ҳолда аникланади, яъни:

- бюджет маблағлари бўйича;
- тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси маблағлари бўйича;
- бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар бўйича.

Бюджет ташкилотларининг даромадлари манбаалари бўйича молиявий натижаларнинг схематик кўринишини қуйидагича акс эттириш мумкин.

Мазкур даромадлар турлари бўйича ҳар бирининг алоҳида даромадлари (тушумлари ёки бюджет маблағлари бўйича ғазначилик орқали амалга оширилган касса харажатлари) ва ушбу даромадлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлари

айрилади ва мазкур даромад тури бўйича молиявий натижага аниқланади.



7.1.2 - чизма. Бюджет ташкилотларида маблағ билан таъминланиш йўналишлари бўйича молиявий натижаларни бўлиниши.

Агарда даромадлар амалга оширилган касса харажатларидан кўп бўлса, ижобий молиявий натижага ҳосил бўлади (яъни молиявий натижаларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредит томонида қолдиқ қолади).

Агарда даромадлар амалга оширилган касса харажатларидан кам бўлса, салбий молиявий натижага ҳосил бўлади (яъни молиявий натижаларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебет томонида қолдиқ қолади).

Юқоридаги даромадлар турлари бўйича бюджет ташкилотининг молиявий натижалари 2 та босқичга бўлинган ҳолда аниқланади.

Яъни 1 - босқичда бюджет ташкилотининг факатгина молия или мобайнидаги (1 январдан 31 декабргача, бюджет маблаглари бўйича эса молия йилига қўшимча вақт мобайнидаги давр ҳам киради) барча даромадлари ва мазкур даврдаги (1 январдан 31 декабргача) амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солиштириш натижасида аниқланади.

2- босқичда эса мазкур аниқланган молиявий натижага бюджет ташкилотининг ўтган йиллар мобайнидаги молиявий натижасига

күшилади. Бунинг натижасида бюджет ташкилотининг жорий даврга якуний молиявий натижаси аниқланади.

Жорий йилга молиявий натижаларни ижобий кўрсаткич билан якунланиши, яъни бюджет ташкилотининг жорий йилга даромадларини унинг ҳақиқий харажатларидан ортиқ бўлиши, икки ҳолатни англатиши мумкин. Жумладан:

- дебиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;
- ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдиқ қиймати ошган бўлиши мумкин.

Шартли мисол: Бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги бюджет маблаглари ҳисобидан амалга оширган касса харажатлари (232 субсчёт кредити суммаси) 10,0 млн. сўмни, унинг мазкур давр мобайнидаги ҳақиқий харажатлари (231 субсчёт дебет суммаси) 9,5 млн. сўмни ташкил қилди.

Мазкур операциялар натижасида бюджет ташкилотининг баланси қўйидагича бўлиши мумкин:

а) дебиторлик қарз вужудга келган бўлиши мумкин, яъни маблаг мутказиб берилган (касса харажати амалга оширилган), лекин 500.0 минг сўм миқдорда товар олинмаган.

Актив		Пассив	
Дебиторлик қарзларни ҳисобга олувиши субсчётлар	500.0 минг сўм	Бюджет маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижса	500.0 минг сўм
Баланс	500.0	Баланс	500.0

б) материаллар олинган, лекин харажатга чиқарилмаган (асосий воситалар бўйича эса эскириши ҳисобланмаган) ёки бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари ҳисобваракларига (масалан, ривожлантириши жамгармасига) ўтказилган, лекин харажат қилинмаган.

Актив		Пассив	
Номолиявий активларни ҳисобга олувиши субсчётлар	500.0 минг сўм	Бюджет маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижса	500.0 минг сўм
Ёки молиявий ак-	500.0		

тивларни ҳисобга олувчи субсчётлар (масалан 112-субсчёт)	минг сўм		
Баланс	500.0	Баланс	500.0

Худди шунингдек, жорий йилга молиявий натижаларни салбий кўрсаткич билан якунланиши, яъни бюджет ташкилотининг жорий йилга даромадларини унинг ҳақиқий харажатларидан кам бўлиши ҳам, икки ҳолатни англатиши ҳам мумкин. Жумладан:

- а) кредиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;
- б) ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдиқ қиймати камайган бўлиши мумкин.

Шартли мисол: *Бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги бюджет маблаглари ҳисобидан амалга оширган касса харажатлари (232 субсчёт кредити суммаси) 10,0 млн. сўмни, унинг мазкур давр мобайнидаги ҳақиқий харажатлари (231 субсчёт дебет суммаси) 10,5 млн. сўмни ташкил қилди.*

Мазкур операциялар натижасида бюджет ташкилотининг баланси қўйидагича бўлиши мумкин:

а) кредиторлик қарз вужудга келган бўлиши мумкин, яъни мажбурият ҳисобланган (дебет 231 субсчёт), лекин маблаг 500.0 минг сўм миқдорда кам ўtkазиб берилган (касса харажати 500.0 минг сўмга кам амалга оширилган).

Актив		Пассив	
		<i>Кредиторлик қарзларни ҳисобга олувчи субсчётлар</i>	500.0 минг сўм
		<i>Бюджет маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижса</i>	-500.0 минг сўм
Баланс	0	Баланс	0

б) Олинган маҳсулотлар ёки ҳисобланган мажбуриятлар учун тенг миқдорда маблаг ўtkазиб берилган, лекин бюджет ташкилотининг 2011 йил 1 январ ҳолатига мавжуд номолиявий активлари 500.0 минг сўм миқдорида харажатга чиқарилган (масалан, 500.0 минг сўм миқдордаги товар-моддий заҳиралар шилатилган).

<i>Актив</i>		<i>Пассив</i>	
<i>Номолиявий активларни ҳисобга олувчи субсчётлар</i>	-500,0 минг сўм	<i>Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижса</i>	-500.0 минг сўм
<i>Баланс</i>	-500,0	<i>Баланс</i>	-500,0

Бухгалтерия ҳисобида бюджет ташкилотларининг жорий йилга молиявий натижалари қуидаги счётларда юритилади:

23 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

24 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

25 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

26 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

27 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар».

Якуний молиявий натижалар ҳисоби 28 «Якуний молиявий натижалар» счётида юритилади.

Такрорлаш ва мунизара учун саволлар

1. Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобини вазифаларини айтиб беринг?

2. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этиш тартибини айтиб беринг?

3. Бюджет ташкилотларида жорий молиявий натижалар ҳисобини тушунтириб беринг?

4. Бюджет ташкилотларида якуний молиявий натижалар ҳисобини тушунтириб беринг?

7.2 Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби

Бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари бу ташкилотнинг бюджет маблағлари ҳисобига молия йили мобайнида, яъни ҳисобот йилининг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган давр мобайнида амалга

оширилган касса харажатлари (бунда молия йилига қүшимча вақт мобайнида ўтган молия йили учун амалга оширилган касса харажатлари ҳам ҳисобга олиниши лозим) ва мазкур вақт мобайнида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солишириш натижасида олинган күрсаткичдир. Бюджет маблағлари бўйича молиявий натижа 23 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счётида ҳисобга олинади.

23 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти ҳисобда қўйидаги субсчётларга бўлинади:

230 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

231 «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар»;

232 «Бюджетдан молиялаштириш».

231 «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳисобга олинади.

Бюджет маблағлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 231 «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг дебетида акс эттирилиб борилади, бунда ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувлари субсчётлар кредитланади.

Йил охирида 231 «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёт дебетида акс эттирилган барча ҳақиқий харажатлар бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларни ҳисобга олувлари 230 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг дебетига ёзиб, ҳисобдан ўчириш йўли билан ёпилади ва субсчёт бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Бюджет маблағлари ҳисобига иш ҳақи ҳисобланганда	231	173	421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели

2	Бюджет маблағлари ҳисобига хисобланган иш ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тұлов ажратмалари суммасига	231	161	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Бюджет маблағлари ҳисобига берилған хизмат сафари харажатлари ҳисобдан чиқарылғанда	231	172	Аванс ҳисоботи
4	Бюджет маблағлари ҳисобига коммунал тұловлар учун тұлов ҳисобланғанда	231	15	Юк хати
5	Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилған ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарылғанда	230	231	Бухгалтерия маълумотномаси

232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётида бюджетдан молиялаштирилған маблағлар, шунингдек, ғазна ижросига ўтилған ташкилотларда ғазначиликда очилған шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилған тұловлар суммаси ҳисобга олинади.

Бу субсчётнинг кредитида ғазна ижросига ўтилмаган ташкилотларда бюджетдан молиялаштирилған маблағлар суммаси акс эттирилади, бунда тегишли пул маблагларини ҳисобга олувчи субсчёtlар дебетланади. Субсчёт дебетига эса жорий йилда бюджетте қайтариб олинған маблағлар суммаси, йил охирида ҳисобдан чиқарылған суммалар ва бошқалар ёзилади, бунда пул маблагларини, бюджет маблағлари бүйича жорий йилга молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли субсчёtlар кредитланади.

Шунингдек, ушбу субсчётда юқори ташкилотдан қуи ташкилотларга молиялаштириб берилған маблағларнинг ҳам ҳисоби юритилади. Бунда, юқори ташкилот томонидан қуи ташкилотларга молиялаштириб берилған маблағлар суммасига 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти дебетланади ва 10 счётнинг тегишли субсчёtlари кредитланади. Қуи ташкилотларда эса юқори ташкилот томонидан молиялаштириб берилған маблағлар 10 счётнинг тегишли субсчёtlари дебетида ва 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Ғазна ижросига ўтилган ташкилотларда эса, ушбу субсчётнинг кредитида ғазначиликдаги шахсий ҳисобвараклар орқали бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар акс эттирилади, бунда дебитор ва кредиторларни ҳисобга олувчи ҳамда бошқа тегишли субсчётлар дебетланади.

Субсчёт дебетига эса шахсий ҳисобвараклар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларининг тикланиши (жорий йилги), ҳисбот йилининг охирида амалга оширилган тўловларнинг ёпилиши, шунингдек, бошқа амалга оширилган тўловларни камайтирадиган маблағларни акс эттирадилар, бунда дебитор ва кредиторларни, бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли субсчётлар кредитланади.

Йил охирида барча молиялаштирилган бюджет маблағларни, шунингдек, амалга оширилган тўловларни бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларга ёпилиши 230 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг кредитида ва 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётнинг дебетида акс эттирилади. 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёт бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Бюджет маблағлари ҳисобига иш ҳақи кассага кирим қилинганда	120	232	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
2	Бюджет маблағлари ҳисобига ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ажратмалари ўтказиб берилгандан	161	232	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
3	Бюджет маблағлари ҳисобига хизмат сафари харажатлари учун бериладиган маблағ кассага кирим қилинганда	120	232	Аванс ҳисботи
4	Бюджет маблағлари ҳисобига коммунал хизматлар учун тўловлар амалга оширилганда	150	232	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма

5	Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	232	230	Бухгалтерия маълумотномаси
---	--	-----	-----	----------------------------

Шартли мисол: газна ижросига ўтилган бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги (молия йилига қўшимча вақтни ҳам ҳисобга олган ҳолда) бюджет маблаглари ҳисобидан амалга оширилган барча ҳақиқий харажатлари 50.0 млн. сўмни ташкил қилди. Бу сумма, албатта, 231-субсчётнинг дебетида 2011 йилнинг охиригача йигилиб боради.

Мазкур давр мобайнидаги амалга оширилган барча касса харажатлари 51.0 млн.сўмни ташкил қилди. Бу сумма, албатта, 232-субсчётнинг кредитида 2011 йилнинг охиригача йигилиб боради.

Йилнинг охиринда ушбу субсчёtlар қўйидагича ётилади:

а) амалга оширилган ҳақиқий харажатлар (50.0 млн. сўм)ни ётилиши:

Дебет 230-субсчёт 50.0 млн. сўм;

Кредит 231-субсчёт 50.0 млн.сўм.

б) амалга оширилган касса харажатларини (51.0 млн. сўмни) ётилиши:

Дебет 232-субсчёт 51.0 млн. сўм;

Кредит 230-субсчёт 51.0 млн. сўм.

Мазкур операциялардан кейин 230-субсчётнинг «Бош-журнал китоби»даги кўриниши қўйидагича бўлади:

Д-т	230-субсчёт
К-т	
50.0 млн.сўм	51.0 млн.сўм
	1.0 млн.сўм

Яъни жорий йилга бюджет маблаглари бўйича ташкилотнинг молиявий натижаси 1.0 млн сўмга якунланди.

Бу эса юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур ташкилотнинг йил якунлари бўйича балансида қўйидаги икки ҳолатдан бири бўлиши мумкинлигини билдиради, жумладан:

а) дебиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;

б) ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдик қиймати ошган бўлиши мумкин.

230 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ташкилотнинг бюджет маблағлари бўйича

жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида юқорида айтиб ўтганимиздек, йил охирида ҳисобдан чиқарилган бюджет маблағлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 231 «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Субсчёт кредитида эса, йил мобайнида бюджетдан молиялаштирилган маблағларни (амалга оширилган тўловларни) ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда 232 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёт дебетланади.


Ҳар йил молия йилининг охирида жорий йилга бюджет маблағлари бўйича молиявий натижалар 280 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натиха» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва субсчёт бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	230	231	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	232	230	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Молия йилининг охирида бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар (ижобий) ҳисобдан чиқарилганда	230	280	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Молия йилининг охирида бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар (салбий) ҳисобдан чиқарилганда	280	230	Бухгалтерия маълумотномаси

230-субсчёт билан боғлиқ жорий йил охиридаги операцияларнинг схематик кўринишини қўйидагicha келтириш мумкин (7.2.1-чизма).

Бюджет ташкилотларида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатларининг аналитик ҳисоби 294-сон шаклдаги касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарида юритилади.



7.2.1 - чизма. Бюджет ташкилотларида бюджет маблағлари бўйича молиявий натижани шаклланишини схематик кўриниши.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисобини шакллантириш тартибини айтиб беринг?
2. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Бюджет маблағлари бўйича касса харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
4. Бюджет маблағлари бўйича касса ва ҳақиқий харажатларнинг аналитик ҳисоби қандай юритилади?

7.3 Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби

Бюджет ташкилотининг тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижаси бу ташкилотнинг мазкур маблағлар бўйича молия йили мобайнида, яъни ҳисбот йилининг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган давр мобайнида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари ва ушбу

вақт мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солиши-тириш натижасида олинган кўрсаткичидир. Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижада 24 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счётида ҳисобга олинади.

24 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти ҳисобда қўйидаги субсчётларга бўлинади:

240 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

241 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари».

241 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотлар томонидан болаларни мактабгача таълим муассасалари ва бошқа муассасаларда сақлаганлиги (ўқитганлиги) учун уларнинг ота-онағари билан ҳисоб-китоблардан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади.

Ушбу маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 241 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг дебетида акс эттирилиб борилади, бунда ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

Йил охирида 241 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёт дебетида акс эттирилган барча ҳақиқий харажатлар 240 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг дебетига ёзиб ҳисобдан ўчириш йўли билан ёпилади. Йил охирида 241 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётда қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Мактабгача таълим муассасаларида ходимларга иш ҳақи ҳисобланганда	241	173	421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели
2	Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналардан тушган маблағлар ҳисобига сотиб олинган материаллар сарфланганда	241	06 – счёт-нинг тегишили субсчётлари	Юк хати (талабнома), далолатномалар
3	Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналардан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	240	241	Бухгалтерия маълумотномаси

Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчётида ота-оналардан болаларни таълим муассасаларида сақланганлик учун ҳисобланган маблағлар ҳисоби юритилади.

Йил мобайнида ҳисобланган бадал суммаларига 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёт кредитланади ва 156 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисобкитоблар» субсчёт дебетланади.

Йил охирида 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёт бўйича барча ҳисобланган маблағлар 240 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисобкитоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёт дебетига ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади. 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёт бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмунни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ота-оналардан болаларни таълим муассасаларида сақланганлик учун ҳисобланган тўловлар	156	242	Юк хати
2	Ота-оналардан болаларни таълим муассасаларида сақланганлик учун тушган тўловлар ҳисобдан чиқарилганда	242	240	Бухгалтерия маълумотномаси

Шартли мисол. Газна ижросига ўтилган бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблаглар ҳисобидан амалга оширилган барча ҳақиқий ҳаражатлари 10.0 млн. сўмни ташкил қилди. Бу сумма, албатта, 241-субсчётнинг дебетида 2011 йилнинг охиригача йигилиб боради.

Мазкур давр мобайнидаги ҳисобланган ота-оналарнинг маблаглари 14.0 млн.сўмни ташкил қилди. Бу сумма, албатта, 242-субсчётнинг кредитида 2011 йилнинг охиригача йигилиб боради.

Йилнинг охирда ушбу субсчётлар қўйидагича ётилади:

а) амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар (10.0 млн. сўм)ни ётилиши:

Дебет 240-субсчёт 10.0 млн. сўм;

Кредит 241-субсчёт 10.0 млн.сўм.

б) ҳисобланган ота-оналар маблагларини (14.0 млн. сўмни) ётилиши:

Дебет 242-субсчёт 14.0 млн. сўм;

Кредит 240-субсчёт 14.0 млн. сўм.

Мазкур операциялардан кейин 240-субсчётнинг «Бош-журнал китоби»даги кўриниши қўйидагича бўлади:

Д-т К-т	240-субсчёт
10.0 млн.сўм	14.0 млн.сўм
	4.0 млн.сўм

Яъни жорий йилга ота-оналар маблағлари бўйича ташкилотнинг молиявий натижаси 4.0 млн. сўмга якунланди.

Бу эса юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур ташкилотнинг йил якунлари бўйича балансида куйидаги икки ҳолатдан бири бўлиши мумкинлигини билдиради, жумладан:

- дебиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;
- ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдик қиймати ошган бўлиши мумкин.

240 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётининг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 241 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Субсчёт кредитида эса йил мобайнида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағларини ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда 242 «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчёти дебетланади.

Ҳар йил молия йилининг охирида жорий йилга тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича молиявий натижалар 281 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва субсчёт бўйича йил охирида қолдик қолмайди.


Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ота-оналардан болаларни таълим муассасаларида сакланганлик учун тушган тўловлар ҳисобдан чиқарилганда	242	240	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналардан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий	240	241	Бухгалтерия маълумотномаси

	харажатлар ҳисобдан чиқарылғанда			
3	Молия йилининг охирида жорий йилга тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) ҳисобдан чиқарилганда	240	281	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Молия йилининг охирида жорий йилга тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) ҳисобдан чиқарилганда	281	240	Бухгалтерия маълумотномаси

Бу субсчёт бўйича аналитик ҳисоб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида юритилади.

240-субсчёт билан боғлиқ жорий йил охиридаги операцияларнинг схематик кўринишини қўйидагича беришимиз мумкин.



7.3.1-чизма. Бюджет ташкилотларида ота-оналар маблағлари бўйича молиявий натижани шаклланишини схематик кўриниши.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисобини шакллантириш тартибини айтиб беринг?
2. Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича ҳақиқий харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс этириш тартибини айтиб беринг?
3. Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича касса харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс этириш тартибини айтиб беринг?
4. Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича касса ва ҳақиқий харажатларнинг аналитик ҳисоби қандай юритилади?

7.4. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби

Бюджет ташкилотининг таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари бу ташкилотнинг ушбу маблағлар бўйича молия или мобайнида, яъни ҳисобот йилининг 1 январидан 31 декабрга қадар бўлган давр мобайнида ҳисобланган тўлов-контракт маблағлари ва мазкур вақт мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солишириш натижасида олинган кўрсаткичдир. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижажа 25 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счётида ҳисобга олинади.

25 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти ҳисобда қўйидаги субсчётларга бўлинади:

250 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

251 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

252 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар».

251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади.

Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг дебетида акс эттирилиб борилади, бунда, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчёtlар кредитланади.

Йил охирида аввало, фойдаланилган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётидан ҳисобдан чиқарилади. Бунда, 285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Қолган барча ҳақиқий харажатлар 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг кредитида ва 250 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёти дебетида акс эттириш йўли билан ёпилади.

Йил охирида 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига иш ҳақи ҳисобланганда	251	173	421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели
2	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 25% ягона ижтимоий тўлов ажратмалари суммасига	251	161	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига берилган хизмат сафари харажатлари ҳисобдан чиқарилганда	251	172	Аванс ҳисоботи
4	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига коммунал тўловлар учун тўлов ҳисобланганда	251	159	Юк хати
5	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	250	251	Бухгалтерия маълумотномаси

252 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчётида таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушадиган даромадларнинг ҳисобланиши акс эттирилади.

Ўқитишининг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг ҳисобланиши 175 «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида ва 252 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг кредитида, маблағларнинг келиб тушиши 111 «Таълим

муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётнинг дебетида ва 175 «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Йил охирида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича барча ҳисобланган тушумларнинг ҳисобдан чиқарилиши 250 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг дебетида ва 252 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Йил охирида 252 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчёт бўйича қолдик қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матриаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича тўлов ҳисобланганда	175	252	Юк хати
2	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадлар ҳисобдан чиқарилганда	252	250	Бухгалтерия маълумотномаси

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумларнинг аналитик ҳисоби талабаларнинг курслари (босқичлари), факультетлар (деканатлар, ўқиш йўналишлари), гурӯхлар, шунингдек, талабалар (фамилияси, исми, отасининг исми) бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Шартли мисол. Таълим муассасасининг 2011 йил мобайнидаги ҳисобланган тўлов-контракт маблағлари 250.0 млн. сўмни ташкил қилди. Бу муомала ҳисобда қўйидагича акс эттирилади:

Дебет 175-субсчёт 250.0 млн.сўм;

Кредит 252-субсчёт 250.0 млн.сўм.

Мазкур маблағларни таълим муассасасига келиб тушиши:

Дебет 111-субсчёт 250.0 млн.сўм;

Кредит 175-субсчёт 250.0 млн.сўм.

Мазкур ҳисобланган даромадлардан солиқларни ҳисобланиши (шартли равишда фақатгина бюджеттега ҳисобланадиган 9% солиқни ўзини келтираламиз):

Дебет 252-субсчёт 22.5 млн.сўм;

Кредит 160-субсчёт 22.5 млн.сўм.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 250-сон «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари, улардан моддий-техника базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлаш, олий таълим муассасалари ходимларини моддий разбатлантириши учун мақсадли фойдаланилган тақдирда, истисно тарикасида, солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси, Республика ўйл жамгармаси, бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармасига ажратмалардан 2015 йил 1 январгача озод қилинган.

Мазкур ҳисобланган 22.5 млн.сўм солиқ суммасини имтиёзларда акс эттирилиши:

Дебет 160-субсчёт 22.5 млн.сўм;

Кредит 285-субсчёт 22.5 млн.сўм.

Тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан таълим муассасининг 2011 йил мобайнидаги амалга оширган ҳақиқий харажатлари 222.5 млн. сўмни, шундан берилган имтиёзлар суммаси ҳисобидан жорий таъмирлаш харажатлари учун 22.5 млн.сўм ҳақиқий харажат амалга ошириди:

Дебет 251-субсчёт 222.5 млн.сўм

Кредит 159 ва бошқа тегишли субсчёtlар 222.5 млн.сўм.

Йишининг охирида аввало, фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси 22.5 млн.сўм (жорий таъмирлаш муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 251 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётидан ҳисобдан чиқарилади. Бунда, 285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамгармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 251 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Дебет 285-субсчёт 22.5 млн.сүм;

Кредит 251-субсчёт 22.5 млн.сүм.

Колган барча ҳақиқий ҳаражатлар 200.0 млн.сүм 251 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушиган тушумлар ҳисобидан амалга оширигган ҳақиқий ҳаражатлар» субсчётиниг кредитида ва 250 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёти дебетида акс эттириш ўйли билан ётилади.

Дебет 250-субсчёт 200.0 млн.сүм;

Кредит 251-субсчёт 200.0 млн.сүм.

Йил охирда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича барча ҳисобланган тушумларнинг (227.5 млн.сўмни) ҳисобдан чиқарилиши 250 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётиниг дебетида ва 252 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчётиниг кредитида акс эттирилади.

Дебет 252-субсчёт 227.5 млн.сўм;

Кредит 250-субсчёт 227.5 млн.сўм.

Мазкур операциялардан кейин 250-субсчётиниг «Бош-журнал китоби»даги кўриниши қўйидагича бўлади:

<i>Д-т</i>	<i>250-субсчёт</i>
<i>К-т</i>	
<i>200.0 млн.сўм</i>	<i>227.5 млн.сўм</i>
	<i>27.5 млн.сўм</i>

Яъни жорий йилга тўлов-контракт маблағлари бўйича таълим муассасасининг молиявий натижаси 27.5 млн. сўмга (ижобий) якунланди.

Бу эса юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур ташкилотнинг йил якунлари бўйича балансида кўйидаги икки ҳолатдан бири бўлиши мумкинлигини билдиради, жумладан:

а) дебиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;

б) ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдиқ қиймати ошган бўлиши мумкин.

250 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётиниг дебетида йил охирда ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга

оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 251 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.


Субсчёт кредитида эса, йил мобайнида ҳисобланган таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда 252 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчёти дебетланади.

Ҳар йил молия йилининг охирида жорий йилга тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар 282 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва субсчёт бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрикаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	250	251	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадлар ҳисобдан чиқарилганда	252	250	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) ҳисобдан чиқарилганда	250	282	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) ҳисобдан чиқарилганда	282	250	Бухгалтерия маълумотномаси

250-субсчёт билан боғлиқ жорий йил охиридаги операцияларнинг схематик кўринишини қўйидагича беришимиз мумкин.



7.4.1-чизма. Таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижани шаклланишини схематик кўриниши.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисобини шакллантириш тартибини айтиб беринг?
2. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳақиқий харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича касса харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
4. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларнинг аналитик ҳисоби қандай юритилади?

7.5. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари бу ташкилотнинг ушбу маблағлар бўйича молия йили мобайнида, яъни

хисобот йилининг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган давр мобайнида ҳисобланган даромадлари ва мазкур вақт мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солиштириш натижасида олинган кўрсаткичдир. Бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларап» счётида ҳисобга олинади.

26 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларап» счёти ҳисобда қуидаги субсчётларга бўлинади:

260 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларап»;

261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар».

261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳисоби юритилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг дебетида акс эттирилиб борилади, бунда ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

Йил охирида аввало, иқтисод қилинган ва бюджетдан ташқари ҳисобваракқа ўтказилган бюджет маблағлари суммасига тўғри келувчи 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёт дебетида акс эттирилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 230 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларап» субсчётнинг дебетига ёзиш йўли билан ёпилади.

Шундан сўнг, фойдаланилган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий

активлар сотиб олиш билан боғлик бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётидан хисобдан чиқарилади.

Бунда 285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Колган барча ҳақиқий харажатлар 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг кредитида ва 260 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёти дебетида акс эттириш йўли билан ёпилади.

Йил охирида 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётда қолдик қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобига вақтингча меҳнатга лаёқатсизлик нафакаси хисобланганда	261	171	421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти хисоби ва иш ҳаки хисоблаш табебли
2	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобига коммунал хизматлар учун тўлов хисобланганда	261	15	Юк хати
3	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобига ходимларга моддий рағбатлантириш учун тўлов хисобланганда	261	173	T-49-сон шаклдаги хисоб-китоб тўлов кайдномаси, Бухгалтерия маълумотномаси.
4	Иқтисод қилинган ва бюджетдан ташқари хисобваракқа ўтказилган бюджет маблаглари суммасига тўғри келувчи харажатлар хисобдан чиқарилганда	230	261	Бухгалтерия маълумотномаси
5	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар сум-	285	261	Бухгалтерия маълумотномаси

	масига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси хисобдан чи- карилганда			
	Ривожлантириш жамғармаси маб- лағлари хисобига амалга оши- рилган ҳақиқий харажатлар хи- собдан чикарилганда	260	261	Бухгалтерия маълумотномаси

Аналитик ҳисоб амалга оширилган харажатларнинг харажат моддалари ва харажат манбаларига (қайси даромад ёки тушум ҳисобига амалга оширилишига караб) бўлинган ҳолда юритилади.

262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётида қонунчиликда белгиланган тартибда куйидаги йўналишлар бўйича даромадлар ва тушумларнинг ҳисоби юритилади:

- бюджет ташкилотларининг фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилишидан олинган даромадлар;
- вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан келиб тушадиган тушумлар;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилган ҳомийлик (бегараз) ёрдам ҳисобидан тушумлар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар)нинг реализация қилинишидан харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган даромадларнинг айнан ўша маҳсулот (иш, хизмат)лар учун сарфланган жами харажатлардан (танинархидан) ошган қисми 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Ташкилотлар томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини ўзга ташкилотларга ижарага беришда ўзаро тузилган ижара шартномасида белгиланган сумманинг ҳар ойга (чоракка) тўғри келадиган улуши миқдорига (ҳар ойда ёки чоракда) 159 «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебети ва 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг кредити бўйича бухгалтерия проводкаси берилади. Ижара шартномасига асосан келиб тушган маблағларга 112 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари»

субсчётнинг дебети ва 159 «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчётнинг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

Ташкилотга юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (бегараз) ёрдам ҳисобда 112 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчётнинг (агарда нақд пулда берилса, 12 счёtnинг тегишли субсчётлари) дебети ва 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётнинг кредити бўйича бухгалтерия проводкаси билан акс эттирилади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан мол-мулк кўринишида берилган бегараз ёрдам ҳисобда ушбу мол-мулкларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларни дебетида ва 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Йил охирида 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётнинг кредитида акс эттирилган барча даромадлар 260 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредитига ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади ва 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчёт бўйича қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар)нинг реализация қилинишидан харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган даромадларнинг айнан ўша маҳсулот (иш, хизмат)лар учун сарфланган жами харажатлардан (таннархидан) ошган кисми	200	262	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини ўзга ташки-	159	262	Юк хати

	лотларга ижарага беришда ўзаро тузилган ижара шартномасида белгиланган сумманинг ҳар ойга (чоракка) тўғри келадиган улуши миқдорига			
3	Ташкилотга юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (бегараз) ёрдам пул маблағи кўринишида келиб тушганда	112	262	Шахсий ҳисобваракдан кўчирма
4	Юридик ва жисмоний шахслар томонидан мол-мулк кўринишида берилган бегараз ёрдам	01, 03, 06	262	Юк хати, далолатномалар
5	Молия йили охирида бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар ҳисобдан чиқарилганда	262	260	Бухгалтерия маълумотномаси

Даромадларни ҳисоби бўйича операцияларнинг аналитик ҳисоби бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Шартли мисол: Бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари 80.0 млн. сўмни ташкил қилди. Бу сумма албатта, 262-субсчётнинг кредитида йиғилиб боради.

Бундан ташқари, ривожлантириш жамғармасига тежсалган бюджет маблағлари ҳисобидан 5.0 млн.сўм бюджет маблағи ўтказилди. Бу операция ҳисобда қўйидагича акс эттирилади:

Дебет 112-субсчёт 5.0 млн.сўм;

Кредит 232-субсчёт 5.0 млн.сўм.

Юқоридаги ҳисобланган даромадлардан (80.0 млн.сўмдан) солиқларни ҳисобланниши (шартли равишда фақатгина бюджетга ҳисобланадиган 9% солиқни ўзини келтирамиз):

Дебет 262-субсчёт 7.2 млн.сўм;

Кредит 160-субсчёт 7.2 млн.сўм.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш тартибини такомиллаштириши

*тўгерисида»*ги қарорига мувофиқ ривожлантириши жамгармаси маблаглари бўйича қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотгари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2015 йил 1 январгача Давлат бюджетига ундириладиган солиқтар ва йигимларнинг барча турларидан озод қилинган, бўшаб қолган маблаглар эса моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий разбатлантиришига мақсадли йўналтирилиши лозим.

Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига, Республика йўл жамгармасига ва бюджетдан ташқари Татьлим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармасига ажратмалар тўлашга ҳам жорий этилган.

Мазкур ҳисобланган 7.2 млн.сўм солиқ суммасини имтиёзларда акс эттирилиши:

Дебет 160-субсчёт 7.2 млн.сўм;

Кредит 285-субсчёт 7.2 млн.сўм.

Ривожлантириши жамгармаси маблаглари ҳисобидан бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги амалга оширган ҳақиқий харажатлари 75.2 млн. сўмни, шундан берилган имтиёзлар суммаси ҳисобидан жорий таъмирлаш харажатлари учун 7.2 млн.сўм ҳақиқий харажат амалга оширилди:

Дебет 261-субсчёт 75.2 млн.сўм;

Кредит 159 ва бошқа тегишили субсчётлар 75.2 млн.сўм.

Йил охирида аввало, иктиносод қилинган ва бюджетдан ташқари ҳисобвараққа ўтказилган бюджет маблаглари суммасига (5.0 млн.сўм) тўғри келувчи 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёт дебетида акс эттирилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 230 «Бюджет маблаглари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг дебетига ёзиш йўли билан ётилади.

Дебет 230-субсчёт 5.0 млн.сўм;

Кредит 261-субсчёт 5.0 млн.сўм.

Шундан сўнг, фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбuriй тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига (7.2 млн.сўм) тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси (таъмирлаш муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 261 «Бюджет

ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётидан ҳисобдан чиқарылади.

Бунда 285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамгармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбuriй түловлар бүйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 261 «Бюджет ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Дебет 285-субсчёт 7.2 млн.сүм;

Кредит 261-субсчёт 7.2 млн.сүм.

Колган барча ҳақиқий харажатлар ($75.2 - 7.2 - 5.0 = 63.0$ млн.сүм) 261 «Бюджет ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётнинг кредиттида ва 260 «Бюджет ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари бүйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёти дебеттида акс эттириши ўюли билан ётилади.

Дебет 260-субсчёт 63.0 млн.сүм;

Кредит 261-субсчёт 63.0 млн.сүм.

Йил охирида 262 «Бюджет ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари бүйича даромадлар» субсчётнинг кредиттида акс эттирилган барча даромадлар (72.8 млн.сүм) 260 «Бюджет ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари бүйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг кредиттига ҳисобдан чиқариш ўюли билан ётилади ва 262 «Бюджет ташкылотини ривожлантириши жамгармаси маблаглари бүйича даромадлар» субсчёт бүйича қолдиқ қолмайди.

Дебет 262-субсчёт 72.8 млн.сүм;

Кредит 260-субсчёт 72.8 млн.сүм.

Мазкур операциялардан кейин 260-субсчётнинг «Бош-журнал китоби»даги кўриниши қўйидагича бўлади:

<i>Д-т</i>	<i>260-субсчёт</i>
<i>K-т</i>	
<i>63.0 млн.сүм</i>	<i>72.8 млн.сүм</i>
	<i>9.8 млн.сүм</i>

Яъни жорий йилга ривожлантириши жамгармаси маблаглари бүйича бюджет ташкылотининг молиявий натижаси 9.8 млн.сүмга (ижсобий) якунланди.

Бу эса юкорида айтиб ўтганимиздек, мазкур ташкилотнинг йил якунлари бўйича балансида қуидаги икки ҳолатдан бирин бўлиши мумкинлигини билдиради, жумладан:

- дебиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;
- ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдиқ қиймати ошган бўлиши мумкин.

260 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Субсчёт кредитида эса йил мобайнида ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчёти дебетланади.


Ҳар йил молия йилининг охирида жорий йилга ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижалар 283 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижага» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	260	261	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Молия йили охирида бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар ҳисобдан чиқарилганда	262	260	Бухгалтерия маълумотномаси .
3	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) ҳисобдан чиқарилганда	260	283	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Ривожлантириш жамғармаси маб-	283	260	Бухгалтерия

	лағлари бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) хисобдан чиқарилганда			мълумотномаси
--	--	--	--	---------------

260-субсчёт билан боғлиқ жорий йил охиридаги операцияларнинг схематик кўринишини қуидагича беришимиз мумкин.



7.5.1-чизма. Ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижани шаклланишини схематик кўриниши.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисобини шакллантириш тартибини айтиб беринг?
2. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳақиқий харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадларнинг аналитик ҳисоби қандай юритилади?

7.6. Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби

Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари бу ташкилотнинг ушбу маблағлар бўйича молия иили мобайнида, яъни ҳисобот йилининг 1-январидан 31 декабрига қадар бўлган давр мобайнида ҳисобланган даромадлари ва мазкур вақт мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солиштириш натижасида олинган кўрсаткичdir. Бунда иккиласми хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар ва улар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Бюджет ташкилотларида бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижада 27 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счётида ҳисобга олинади.

27 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти ҳисобда қўйидаги субсчётларга бўлинади:

270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар»;

272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар»;

273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқкан молмуклар».

271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотлар томонидан юкорида келтирилган манбалар бўйича қилинган ҳақиқий харажатлардан ташқари амалга оширилган барча ҳақиқий харажатлар, жумладан, қонунчиликка мувофиқ солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳисобга олинади.

Сарф қилинган материаллар, пул маблағлари ва бошқа ҳақиқий харажатлар суммалари йил мобайнида 271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёт дебетига ва тегишли субсчётлар кредитига ёзилади. Йил давомида қилинган барча ҳақиқий харажатларнинг суммаси йил охирида 271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёт кредитидан 270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёт дебетига ёзилиб ҳисобдан ўчирилади.

271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётда йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Бошқа даромадлар ҳисобига коммунал хизматлар учун тўлов ҳисобланганда	271	150	Юк хати
2	Бошқа даромадлар ҳисобига сотиб олиган материаллар сарфланганда	271	06-счётнинг тегишли субсчётлари	Юк хати (талабнома), далолатнома
3	Бошқа даромадлар ҳисобига сотиб олиган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	271	02-счётнинг тегишли субсчётлари	Бухгалтерия маълумотномаси, расчётлари
4	Бошқа даромадлар ҳисобига сотиб олиган маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	270	271	Бухгалтерия маълумотномаси

Харажатларнинг аналитик ҳисоби маҳсус маблағ турлари ва харажат моддалари бўйича 294-сон шаклдаги касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарида юритилади.

272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчётида ташкилотлар томонидан ҳисобот йилида олинган ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа даромадлари ва тушумларининг ҳисоби юритилади.

Юқоридаги тушумлар ва даромадларнинг ҳисобланиши 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчётининг кредитида тегишли субсчётлар билан бояланган ҳолда акс эттирилади. Йил охирида 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчётнинг кредитида акс эттирилган барча даромадлар ва тушумлар 270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг кредитига ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади ва 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчёт бўйича қолдиқ қолмайди.

Аналитик ҳисоб тушган тушумларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Иккиласмчи хом ашёни топши-	152	272	Юк хати

	ришдан тушумлар ҳисобланганда			
2	Молия йили охирида бошқа бюджетдан ташқари даромадлар ҳисобдан чиқарилганда	272	270	Бухгалтерия маълумотномаси

273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан молмулклар» субсчётида ташкилотларда ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча молмулкларнинг кирим қилиниши акс эттирилади. Ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча молмулкларнинг кирим қилиниши 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан молмулклар» субсчёт кредитида, молмулкларни ҳисобга оловчи тегишли субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

Йил охирида инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча молмулклар қийматини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилиши 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан молмулклар» субсчётнинг дебетида ва 270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Инвентаризация жараённда аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситаларни бозор қиймати бўйича киримга олиниши	01-счётнинг тегишли субсчётлари	273	Инвентаризация далолатномаси, АВ-1 шаклдаги бюджет ташкилотларида асосий воситаларни қабул қилиштошириш тўғрисида далолатнома
2	Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши	05, 06 счётларнинг тегишли субсчётлари	273	Инвентаризация далолатномаси
3	Йил охирида инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча молмулклар қийматини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилганда	273	270	Бухгалтерия маълумотномаси

Аналитик ҳисоб инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулкларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ташкилотнинг бошқа даромадлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Субсчёт кредититида эса йил мобайнида бошқа бюджетдан ташқари даромадларни ва инвентаризация натижасида ортиқча чиқкан мол-мулклар суммасини молиявий натижаларга ёпилиши акс эттирилади, бунда, 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» ва 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқкан мол-мулклар» субсчёtlари дебетланади.

Ҳар йил молия йилининг охирида жорий йилга бошқа даромадлар бўйича молиявий натижалар 284 «Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижা» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва субсчёт бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ўтказмалари матрицаси :

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Бошқа даромадлар ҳисобига сотиб олиган маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилганда	270	271	Бухгалтерия маълумотномаси
2	Молия йили охирида бошқа бюджетдан ташқари даромадлар ҳисобдан чиқарилганда	272	270	Бухгалтерия маълумотномаси
3	Йил охирида инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулклар қийматини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилганда	273	270	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар бўйича жорий молиявий натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулклар қийматини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилганда	270	284	Бухгалтерия маълумотномаси

	лиявий натижалар (ижобий) хисобдан чиқарилганда			
5	Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар бўйича жорий молиявий натижалар (ижобий) хисобдан чиқарилганда	284	270	Бухгалтерия маълумотномаси

Шартли мисол: *Бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги ҳисобланган бошқа маблағлар бўйича даромадлари 100.0 млн. сўмни (яъни 272-субсчётни кредити), шунингдек, инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча чиқсан мол-мулкларни кирим қилиншиши натижасида олган даромадлари 5.0 млн. сўмни (яъни 273-субсчётнинг кредити) ташкил қилди.*

Юқоридаги маблағлар ҳисобидан бюджет ташкилотининг 2011 йил мобайнидаги амалга оширган ҳақиқий харажатлари 95.0 млн. сўмни ташкил қилди. Яъни:

Дебет 271-субсчёт 95,0 млн.сўм;

Кредит 159 ва бошқа тегишли субсчётлар 95,0 млн.сўм.

Йил давомида қилинган барча ҳақиқий харажатларнинг суммаси йил охирида 271 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёт кредитидан 270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёт дебетига ёзилиб ҳисобдан ўчирилади.

Дебет 270-субсчёт 95,0 млн.сўм;

Кредит 271-субсчёт 95,0 млн.сўм.

Йил охирида 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» ва 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан мол-мулклар» субсчётлари кредитидан акс эттирилган барча даромадлар ва тушумлар 270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётнинг кредитига ҳисобдан чиқариш ўюли билан ётилади ва 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчёт бўйича қолди; қолмайди.

Дебет 272-субсчёт 100.0 млн.сўм;

Дебет 273-субсчёт 5.0 млн.сўм;

Кредит 270-субсчёт 105.0 млн.сўм.


Мазкур операциялардан кейин 270-субсчётнинг «Бош-журнал китоби»даги қўриншиши қўйидағича бўлади:

Яъни жорий йилга тўлов-контракт маблағлари бўйича таълим муассасасининг молиявий натижаси 10.0 млн. сўмга (ижобий) якунланди.

<i>Д-т</i>	<i>270-субсчёт</i>
<i>К-т</i>	
95.0 млн.сўм	105.0
	млн.сўм
	10.0 млн.сўм

Бу эса юкорида айтиб ўтганимиздек, мазкур ташкилотнинг йил якунлари бўйича балансида қуидаги икки ҳолатдан бири бўлиши мумкинлигини билдиради, жумладан:

- а) дебиторлик қарзлар вужудга келган бўлиши мумкин;
 - б) ташкилотнинг номолиявий ва молиявий активларининг қолдик қиймати ошган бўлиши мумкин.
- 270-субсчёт билан боғлиқ жорий йил охиридаги операцияларнинг схематик кўринишини қуидагича беришимиз мумкин.



7. 6.1-чизма. Бюджет ташкилотларида бошқа даромадлар бўйича молиявий натижани шаклланишини схематик кўриниши.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар


1. Бюджет ташкилотини бошқа бюджетдан ташқари даромадлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисобини шакллантириш тартибини айтиб беринг?
2. Бюджет ташкилотини бошқа бюджетдан ташқари даромадлари бўйича ҳақиқий харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
3. Бюджет ташкилотида бошка бюджетдан ташқари даромадларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?
4. Бюджет ташкилотини бошқа бюджетдан ташқари даромадлари бўйича даромадларнинг аналитик ҳисоби қандай юритилади?

7.7. Якуний молиявий натижалар ҳисоби

Якуний молиявий натижса – бу бюджет ташкилотининг ҳисобот иили якунида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича даромадлар билан ҳақиқий харажатлар ўртасида юзага келадиган фарқидир. Шунингдек, бюджет ташкилотининг якуний молиявий натижаси барча активларининг (номолиявий активлари, молиявий активлари ва дебиторлари) умумий суммасидан унинг мажбуриятларини (кредиторлик қарзларини) айрмасига тенгdir.

Бюджет ташкилот фаолиятининг якуний бўйича молиявий натижалари 28 «Якуний молиявий натижалар» счётида акс эттирилади.

Агарда, йил якунлари бўйича якуний молиявий натижаларини ҳисобга олувчи субсчётларда умумий ҳолда кредит қолдигининг қолиши ташкилотнинг барча активларини (номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) умумий суммаси ташкилот мажбуриятларининг умумий суммасидан ортиқ бўлганлигини, дебет қолдигининг қолиши эса ташкилотнинг умумий мажбуриятлари суммаси унинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) умумий суммасидан ортиб кетганлигини билдиради. Яъни (7.7.1-чизма),



7.7.1-чизма. «Якуний молиявий натижалар» счётини схематик кўриниши.

Бухгалтерия ҳисобида 28 «Якуний молиявий натижалар» куйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

280 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа»;

281 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа»;

282 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа»;

283 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа»;

284 «Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа»;

285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар».

280 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 230 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредит (дебет) қолдиги ҳисобдан чиқарилади.

281 «Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 240 «Тўловларнинг маҳсус турларига

доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредит (дебет) қолдиги ҳисобдан чиқарилади.

282 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижажа» субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 250 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредит (дебет) қолдиги ҳисобдан чиқарилади.

283 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижажа» субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 260 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредит (дебет) қолдиги ҳисобдан чиқарилади.

284 «Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижажа» субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 270 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредит (дебет) қолдиги ҳисобдан чиқарилади.

285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчётида ташкилотларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда уларнинг бюджетдан ташқари олган даромадлари учун ҳисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар суммалари ва уларнинг белгиланган мақсадлар учун ишлатилиши акс эттирилади.

Агар қонунчилиқда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ташкилотларга солик ва бошқа мажбурий тўловлар учун берилган имтиёзлар туфайли тежалган (бўшаб қолган) маблағлар ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ишлатилади.


Ушбу субсчётининг кредитида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солик ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича белгиланган имтиёз суммаси акс эттирилади, бунда 160 «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар», 163 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар» ва 169 «Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» субсчётларнинг тегишлиси дебетланади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника

базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ва 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

Хисобот йилининг охирида мазкур субсчётларда акс эттирилган ҳақиқий харажатлар аввало, фойдаланилган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми доирасида 285 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга хисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчётининг дебетига хисобдан чиқарилади, бунда мос равишда 251 «Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ва 261 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёtlари кредитланади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир солик ва бошқа мажбурий түловлар бүйича хисобланган имтиёзлар бүйича алохидა ҳолда юритилади.



7.7.2-чизма. Бюджет ташкилотларида якуний молиявий натижанишаклланишини схематик кўриниши.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Якуний молиявий натижа деганда нимани тушунасиз?
2. Якуний молиявий натижаларни шаклланиши ҳисобини ту-шунтириб беринг?
3. Якуний молиявий натижаларни шаклланишини ҳисобга олувчи счёtlарни тавсифини айтиб беринг?
4. Якуний молиявий натижаларни шакллантиришни бухгал-терия ёзувларида акс эттириш тартибини айтиб беринг?

*Фан тугал бир китоб бўлмаган
ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам,
Эйнштейн*

8-боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАР

8.1. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар, уларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш тартиби


Бюджет ташкилотларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан тъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» га (Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан тартибга солинади.

Йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январ ҳолатига тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июлб ва 1 октябрь ҳолатига, ойлик молиявий ҳисоботлар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг биринчи санаси ҳолатига тузилади. Ташкилотлар сет, штат ва контингентлар режаларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклларга мувофиқ тузиб топширадилар. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар шаклларига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қуидагилар киради:

- баланс (1-шакл);
- харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл);
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот;
- жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот;
- номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот.



8.1.1-чизма. Бюджет ташкилотларида молия йилини якунлаш ва ҳисоботларни шакллантириш билан bogliq operatsiyalarni schematik kўriniishi.

Агарда, ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини амалга оширса, у ҳолда ушбу фаолиятлари бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига 2-шакл – «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»ни тақдим қиласидар.

Ташкилотлар томонидан топшириладиган чораклик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

- баланс (1-шакл);
- харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл);
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот;
- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот.

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Ушбу тушунтириш хатида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси жараёнида вужудга келган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари (тахлиллари) (агарда иқтисод қилинган бўлса), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва даври, агарда муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган бўлса, ундириш бўйича кўрилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар натижасида бўшаб қолган маблағлар ва уларнинг сарфланиши, шунингдек, ташкилот томонидан ҳисобот даврида кирим қилинган ва сарфланган қофоз тўғрисидаги маълумотлар, ўғирлик ва камомадлар тўғрисидаги маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар билан боғлиқ бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларни (жумладан, тугалланмаган курилиш ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиб берилади.

Тушунтириш хати ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо хукуқидан фойдаланувчи шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо хукуқидан фойдаланувчи шахс) ҳамда молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ ҳолда режа-иқтисод бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисбот шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак.

Ташкилотларда тегишли активлар, пассивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади. Молиявий ҳисботлар шакллари (жамланма ҳисботлардан ташқари) «Бош-журнал китоби» (308-шакл) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисботлар шаклларининг манзил (уст) қисми қўйидаги тартибда тўлдирилади:

- «Ташкилот номи» реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;
- «Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизитида ташкилотнинг бюджет таснифининг вазифавий ва ташкилий жиҳатдан бўлиниши (белгиланиши) келтирилади;
- «Ҳисбот даври» реквизитида ҳисбот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;
- «Бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан ҳисбот бериладиган маблагнинг манбаси Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифининг кодлари келтирилади;
- «Ўлчов бирлиги» реквизитида ҳисбот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

Молиявий ҳисботларни тузишда қўйидаги асосий шартлар тўлиқ сақланиши лозим:

- ҳисбот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий бойликларнинг инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;
- аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисбот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобвараклари бўйича айланмалар ва қолдиқларга бир хил бўлиши, шунингдек, молиявий

ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;

– молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи хужжатларнинг асос бўлиб хизмат қилиши.

Ушбу асосий шартларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар нотўғри тузилган деб ҳисобланади.

Ташкилотлар жамлама молиявий ҳисоботларни ўзлари кўриб чиқсан тасарруфдаги куйи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда ўзининг молиявий ҳисоботлари асосида тузадилар. Молиявий ҳисоботлар, қоида тариқасида, ўсиб борувчи тартибда битта ўн хонали сонда минг сўм ҳисобида тузилади.

Агарда, меъёрий-хукукий ҳужжатлар талабларини бузмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиқка эга бўлса), у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» ишора билан акс эттирилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларни мазмунига эътибор берадиган бўлсак, шубҳасиз баланс (1-шакл) марказий ўринни эгаллайди ва бюджет ташкилотининг маълум даврга барча молиявий кўрсаткичларини ўзида акс эттиради.

Колган ҳисобот шакллари эса, мазкур балансда акс эттирилган молиявий кўрсаткичларни айримларини деталлаштириб, аниқ маълумотлар билан таъминлашга хизмат қиласади.

Бу эса, ташкилотлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларни узлуксизлигини, ўзаро мувофиқлигини ва тизимлигини таъминлайди.

Қўйида бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг умумий схемаси келтирилган;



8.1.2-чизма. Бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган хисоботларнинг умумий схемаси.

Бўйсуниш бўйича юқори турувчи ташкилотга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Марказлаштирилган бухгалтерияда молиявий ҳисоботлар у ташкил этилган бошқарув идораси ёки ташкилот раҳбари томонидан ҳамда марказлаштирилган бухгалтериянинг бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари)нинг Молия вазирлиги ҳамда ҳудудий молия органларига тақдим этиладиган жамлама молиявий ҳисоботлари тегишли равишда мазкур бошқарув идораларининг ваколатли раҳбари ва ушбу идораларнинг бухгалтерия хизматлари раҳбарлари (ҳисобчилари) томонидан имзоланади. Юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг имзоларисиз ва ташкилотларнинг муҳрларисиз молиявий ҳисоботлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида турадиган ташкилотлар молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли бўйруқларига мувофиқ ўрнатилган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар бюджетларида турадиган ташкилотлар молиявий ҳисоботларни тегишли вазирлик ва идораларга, ҳокимликлар бошқармаларига (бўлимларига) улар томонидан белгиланган, лекин қонунчилик билан ўрнатилган муддатлардан кеч бўлмаган муддатларда тақдим этадилар.

Ташкилотлар тегишли молия органларига улар томонидан белгиланган, лекин мазкур Қоидалар билан ўрнатилган муддатлардан кеч бўлмаган муддатларда жамлама молиявий ҳисоботларни тақдим этадилар. Муддатлар тегишли бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг юқори турувчи молия органига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, молия йилига кўшимча вақт этиб белгиланган давр мобайнида операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун

молиявий ҳисоботларни топширишнинг алоҳида муддатлари Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида турадиган ташкилотлар юқори турувчи идораларга ҳисоботларни бўйсунишига қараб ҳамда улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари чораклик жамлама молиявий ҳисоботларни ҳисобот давридан кейин 25 кундан кечиктиримасдан, йиллик молиявий ҳисоботларни эса ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 20 февралядан кечиктиримасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатилган муддатлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан чораклик ва йиллик жамлама молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг табақалаштирилган муддатларини белгилайди.

Молиялаштирилиши (харажатларининг тўланиши) йил давомида бир бюджетдан бошқасига ўтказилган ёки бир вазирлик (идора) тасаррufидан бошқасига ўтказилган ташкилотларда ўтказиш санасига молиявий ҳисобот (йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузилди ҳамда у илгариги ва ҳозирги юқори турувчи идораларга тақдим этилади. Келгусида ҳисобот факат янги юқори турувчи идорага тақдим этилади.

Ташкилотлар учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат дам олиш кунига тўғри келган тақдирда ҳисобот дам олиш куни арафасидаги сўнгги иш кунидан тақдим этилади.

Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилар томонидан ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаган тақдирда Молия вазирлиги ва худудий молия органлари бюджет маблағларини олувчилар раҳбарларини ёзма равишда огохлантирган ҳолда бюджетдан молиялашни (харажатларини тўлашни) чеклашлари, зарур ҳолларда эса тўхтатиб қўйишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботларда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар. Молиявий ҳисоботларга киритилган барча тузатишлар ҳакида уларни юқори турувчи ташкилот томонидан

кўриб чиқиши пайтида мазкур молиявий ҳисоботлар тақдим этилган барча жойларга (манзилгоҳларга) мажбурий тартибда хабар қилиниши шарт.

Идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилик (бюджет маблағларини бош тақсимловчилар) ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини қабул қиласидар, кўриб чиқадилар ҳамда тасдиқладилар, агарда қонунчилиқда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли худудий молия органлари зарур ҳолларда ўтган молия йили якунларини чиқаришда вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) томонидан ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг йиллик молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиша иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари қуидаги хукукларга эга:

- зарур ҳолларда молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотлар юзасидан тушунтиришлар талаб қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларини ҳамда уларнинг хужжатлар билан асосланганлигини, шунингдек, тафтиш далолатномалари ва ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш материалларини жойида кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари молиявий ҳисоботлар юзасидан (ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича ноаниқликлар ва тушунмовчиликлар юзага келганда) ўз эътиroz ва таклифлари ҳакида улар тегишли молия органларига келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан ташкилотларга хабар қиласидар. Молиявий ҳисоботларни топширган ташкилот олинган эътиrozлар ва таклифларга рози эмаслиги ҳакида 5 кун муддатда Молия вазирлиги ёки худудий молия органларига хабар қилмаган тақдирда, таклифлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

Такрорлаш ва мунизара учун саволлар

1. Бюджет ташкилотларида тузиладиган молиявий ҳисоботлар таркибини айтиб беринг?

2. Бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган даврий ҳисобларни айтиб беринг?
3. Ҳар бир даврий молиявий ҳисоботлар бўйича уларни тузиш тартибини айтиб беринг?
4. Ҳисоботлар қаерга ва қачон тақдим қилинади, қандай тасдиқланади?

8.2 Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари ахборот имкониятлари

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланадилар. Мазкур маблағларни мақсадли сарфланишини таҳлил қилиш ҳамда келаси молия йили учун бюджет ташкилотларига бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметаларини тузиш учун молиявий ҳисобот маълумотлари таҳлилига асосланилади.

Давлат бюджетининг келгуси молия йилига мўлжалланган лойиҳасини тайёрлашда ва қабул қилишда ҳам ўтган давр учун бюджет ижроси ҳисоботи маълумотларига асосланишини ўзи бюджет ижроси ҳисоботи маълумотларини нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган ва тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботларни ахборот имкониятларини куйидаги жадвал орқали келтирамиз.

Бюджет ташкилотлари томонидан тузиладиган ва тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботларни ахборот имкониятлари

т/р	Ҳисоботнинг номи	Ахборот имкониятлари
1	Баланс (1-шакл)	<p>Бюджет ташкилотининг ҳисобот даврига молиявий ҳолатини комплекс таҳлилини амалга ошириш мумкин.</p> <p>Жумладан, номолиявий активларининг ҳисобот йили бошига ва ҳисобот даври охирига қолдиги, бу эса ҳисобот даврида бюджет ташкилотининг номолиявий активларини қанча суммада кўпайганлиги ёки камайганлигини билдиради.</p> <p>Уларнинг (асосий воситаларнинг) эскириши ва колдик қиймати (мос равищда ҳисобот даврининг бошига ва охирига) тўгрисидаги маълумотлар.</p> <p>Молиявий активларининг ҳар бир тури</p>

		<p>бўйича ҳисобот даври бошига ва охирига колдиги тўғрисидаги маълумотлар.</p> <p>Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган колдиқ суммаси, бу эса бюджет ташкилоти томонидан дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш бўйича кўрилган чоратадбирларни тахлил қилишда ёрдам беради.</p> <p>Бюджет ташкилотининг жорий йилга ва ўсиб борувчи якун билан молиявий натижаларини холати, бу эса бюджет ташкилотини ҳар бир даромадлар (тушумлар) тури бўйича молиявий холатини тахлил қилиш имконини яратади.</p> <p>Бундан ташқари, бюджет ташкилотининг балансдан ташқари счёtlарида акс эттирилган мол-мулклари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.</p>
2	Харажатлар сметасининг ижроси ҳакида ҳисобот (2-шакл)	<p>Ушбу ҳисобот ёрдамида бюджет ташкилотининг ҳисобот чораги мобайнида харажатлар сметасининг ижросини тахлил қилиш мумкин.</p> <p>Жумладан, аникланган режага нисбатан харажатлар иктиносидий таснифининг ҳар бир моддаси бўйича касса ва ҳақиқий харажатларни амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар. Бу эса, бюджет ташкилотининг аникланган режага нисбатан ишлатилмаган лимитларини айнан қайси харажат тури бўйича вужудга келганлигини тахлил қилиш имконини беради.</p> <p>Бундан ташқари, режага нисбатан ҳақиқий харажатларни кам ёки кўп амалга оширилганлиги айнан харажатларнинг қайси тури бўйича юзага келганлигини кўриш ва тахлил қилиш мумкин.</p> <p>Булар натижасида бюджет ташкилотининг ҳам жорий йилги харажатлар сметасини тахлили, ҳам келаси йилга режалаштирилиши мумкин бўлган маблағлар тўғрисида маълумотлар олиш имконини яратади.</p>
3	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот	Бюджет ташкилотининг ҳисобот даврига юзага келган барча дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида батафсил маълумотларни тахлил қилиш мумкин.

		<p>Жумладан, дебиторлик ва кредиторлик карзларни айнан харажатларнинг қайси тури бўйича юзага келгандиги, шунингдек, муддати ўтказиб юборилган карздорликлар тўгрисида, бундан ташқари мазкур карзларни республикадан ташқаридаги кисми бўйича хам маълумотлар олиш мумкин.</p> <p>Юқоридаги барча маълумотлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида ҳолда келтирилади. Бу эса, бюджет ташкилотининг хам жорий йилги харажатлар сметасини таҳлили, хам келаси йилга режалаштирилиши мумкин бўлган маблағлар тўгрисида маълумотлар олиш имконини яратади.</p>
4	Бюджет ташкилотини ривожлантириши жамгармаси бўйича пул маблағлари харакати тўгрисида хисобот	<p>Мазкур хисобот натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш чоратардбирлари тўгрисида»ги карори ижросини назорат ва таҳлил килиш мумкин.</p> <p>Жумладан, мазкур жамгарманинг ҳар бир тушум тури бўйича бюджет ташкилотига хисобот даврида қанча маблағлар келиб тушганлиги ва мазкур маблағларни қандай мақсадларга сарфланганлиги тўгрисидаги маълумотлар акс эттирилади.</p>
5	Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириши ва ривожлантириши жамгармаси бўйича пул маблағлари харакати тўгрисида хисобот	<p>Мазкур хисобот натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳак тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўгрисида»ги карори ижросини назорат ва таҳлил килиш мумкин.</p> <p>Жумладан, мазкур жамгарманинг ҳар бир тушум тури бўйича бюджет ташкилотига хисобот даврида қанча маблағлар келиб тушганлиги ва мазкур маблағларни қандай мақсадларга сарфланганлиги тўгрисидаги маълумотлар акс эттирилади.</p>
6	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар	Таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларининг тушуми ва уларни конунчиликка мувофиқ белгиланган мақсадларга сарфланishi тўгрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

	харакати тўғрисида хисобот	Булар натижасида таълим муассасасига келажакда бюджет маблагларини режалаштирилишида зарурий маълумотларни олишга ва уларни таҳлил қилишга имконият яратади.
7	Бошка бюджетдан ташқари маблаглар ҳаракати бўйича хисобот	<p>Бюджет ташкилотининг юқорида келтирилганлардан ташқари барча бюджетдан ташқари маблагларини тушуми ва уларни сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар.</p> <p>Булар натижасида бюджет ташкилотига келажакда бюджет маблагларини режалаштирилишида зарурий маълумотларни олишга ва уларни таҳлил қилишга имконият яратади.</p>
8	Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида хисобот	<p>Мазкур хисобот ташкилотнинг жорий йилнинг якунлари бўйича молиявий фаолиятининг натижаси, яъни ҳар бир даромад (тушум)ларнинг турларини мазкур даромадлар (тушумлар) хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар билан солишириши натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.</p> <p>Бу маълумотлар натижасида бюджет ташкилотининг жорий йилга бюджет ва бюджетдан ташқари маблагларининг тушуми ва сарфланишини таҳлил қилишда зарурий маълумотларни олиш имконини беради.</p>
9	Номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисида хисобот	<p>Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида хисобот ташкилотнинг хисобот йили мобайнидаги номолиявий активлари (асосий воситалари, номоддий активлари ва товармоддий захиралари)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.</p> <p>Мазкур маълумотлар натижасида бюджет ташкилотининг келажакдаги харажатлар сметасига маблаглар режалаштирилишида зарурий маълумотларни олиш имконини яратади.</p> <p>Жумладан, асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича қолдиқ қийматини таҳлил қилиш натижасида келгуси молия йили учун бюджет ташкилотига зарурий асосий воситаларга маблаглар режалаштиришда етарлича маълумотлар базаси шаклланади.</p>

Мазкур молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотлар ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқликда, яъни бир ҳисоботда акс эттирилган молиявий кўрсаткичлар бошқа ҳисоботда янада аниқлаштирилган ёки бошқа кўрсаткичлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бу эса молиявий ҳисоботларни таҳтил қилишда янада кўпроқ имкониятларни яратади.

Жумладан, балансда акс эттирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бухгалтерия ҳисобининг субсчётлари бўйича акс эттирилса, бошқа ҳисобот шакли – дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотда эса харажатлар иқтисодий таснифининг моддалари ва кичик моддалари бўйича акс эттирилади ва ҳ.к.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботлари ахборот имкониятлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Молиявий ҳисоботни Баланс (1-шакл) ахборот имкониятларини айтиб беринг?
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотни ахборот имкониятлари ҳақида нималарни айта оласиз?
4. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисоботни ахборот имкониятлари ҳақида айтиб беринг?

АСОСИЙ ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ

Актив счёт – бу активларни акс эттиришга мўлжалланган счёт бўлиб, унда иқтисодий ресурсларнинг колдиги ва кўпайиши счётнинг дебетида, камайиш эса кредит бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия счёти – корхоналар иқтисодий ресурсларининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги бухгалтерия ахборотини қайд этиш ва саклаш услуби ва уларга бўлган талаблар.

Балансдан ташқари счёtlар – бу корхонага қарашли бўлмаган, лекин вактинчалик тасарруфидан бўлган, активларни бори ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган счёtlар. Бу счёtlар бошқа счёtlар билан ўзаро боғланмайди.

Бюджет таснифи – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари гурухланишидир.

Бюджет сўрови – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров.

Бюджет ташкилоти – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлик бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Бюджет жараёни – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун хужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

Бюджетдан маблағ ажратиш – қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджетдан маблағ олувчиilar – Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, капитал таъмиглаш буюртмачилари.

Бюджетдан маблағ олувчиilarning шахсий ҳисобварақлари – тегишли бюджетдан маблағ олувчиilar, жумладан, капитал

курилиш буюртмачилари учун ғазначилик бўлинмалари томонидан очиладиган бюджет, шу жумладан, Захира жамғармалари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, ушбу қоидаларда белгиланган тартибда, маблағлар ҳаракати билан боғлиқ таҳлилий хисоблар регистри.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбаалар хисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари – ижтимоий тўловлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ота-оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари ташкилотларда болаларни сақлаш учун, жумладан, мусиқа мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, ишчилардан озиқ-овқат ҳисоб-китоблари учун тушумлар (мактабгача болалар ташкилотлари, интернатлар ва бошқалар), улар томонидан иш жойидан оладиган, кейинчалик жорий қонунчиликда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши билан ғазна ҳисобваракларига ўтказиладиган маблағлар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган хужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади.

Вақтичалик ҳаражатлар сметаси – ташкилотларнинг ҳаражатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи хужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзgartиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар (ҳаражатлар режаси) акс эттирилади.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджетининг пул маблағларини бошқариш – бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида худудий (республика) ғазна ҳисобваракларидаги пул маблағларини бошқариш.

Захира жамғармаси маблағлари – бюджет тузилишида ҳисобга олинишининг имкони бўлмаган, йил мобайнида кўзда тутилмаган иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча харажатларни молиялаштириш (тўлаш)га йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари.

Кассали режалаштириш – тушумларнинг ҳажми ва манбалари, шунингдек, тўловларнинг йўналиши ва мақсадлари бўйича республика ва маҳаллий бюджетлар касса режаларини тузиш йўли билан амалга ошириладиган худудий (республика) ғазна ҳисобвараклари орқали ўтадиган пул маблағларининг айланмасини режалаштириш ва бошқариш.

Молиявий мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон, товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчилар олдидаги етказиб берилган товар (иш ва хизмат)лар учун ҳақ тўлашни тасдиқловчи хужжатлар, жумладан, ҳисоб-тўлов хужжатларида ҳисобланган, ишчиларга иш ҳақи, тўлов хужжатлари, суд қарорлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларни мол етказиб берувчи ёки тўловни қабул қилувчига маблағларнинг ўтказилиш мажбуриятини юкловчи хужжатлар.

Молия йили – биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр.

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар микдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилидиган маблағлар сарфи йўналишлари ва микдори назарда тутилади;

Манзилли рўйхат (лойиха-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати) – ҳар йили буюртмачилар томонидан тузиладиган ва ўрнатилган тартибда ажратилган маблағлар лимитлари доирасида тасдиқланадиган, объектлар рўйхатини ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи молиявий хужжат.

Пассив счёт – бу мажбурият ва сармояни акс эттиришга мўлжалланган счёт бўлиб, унда мажбурият ва сармоянинг қолдиғи ва қўпайиш счётининг кредити бўйича, камайиш эса дебет бўйича акс эттирилади.

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар микдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратила-диган маблағлар сарфи йўналишлари ва микдори назарда тутилади.

Транзит счёtlар – бу ҳисобот даврида фойдаланиладиган, лекин ёпиладиган ва ҳисобот даври охирига қолдиқка эга бўлмайдиган даромадлар ва харажатларнинг вақтингчалик счёtlаридир.

Харажатлар моддаси – бюджет таснифининг қисми бўлиб, Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тайинланиши ва тўловларни аниқ турларини ифодалайди.

Харажатлар сметаси – ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган хужжат бўлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади.

Харажатлар тўлови рухсатномаси (тайинлаш сертификати) – харажатлар тўлови рухсатномасида кўрсатилган вақт давридан бошлаб, унинг доирасида бюджетдан маблағ олувчи юридик мажбуриятни қабул килиши мумкин бўлган ғазначилик бўлинмаси томонидан бюджетдан маблағ олувчига бериладиган бюджетдан ажратилган маблағлар суммасини акс эттирадиган хужжат. Ажратилган ХТР суммаси молия йилининг охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

Худудий (республика) ғазна ҳисобвараклари – мазкур бюджетлар учун очилган, Ғазначилик ва унинг худудий бўлин-малари томонидан бошқариладиган маҳсус банк ҳисобвараклари.

Юридик мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон олдидаги тузилган шартномалар, келишувлар ва тегишли ҳокимият органларининг қарорлари бўйича юзага келган мажбуриятлари.

Курилишнинг титул рўйхати – қурилишнинг бутун даврига капитал кўйилмалар ҳажми ва уни сарфлаш йўналишлари кўрса-тилган, унинг техник-иктисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий хужжат.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ ВАРИАНТЛАРИ

- 1. Бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби бўйича операциялар Давлат бюджетининг ғазна ижроси асосланган**
- A) бухгалтерия ҳисобининг касса усулига;
 - B) бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб усулига;
 - C) бухгалтерия ҳисобининг касса ва ҳисоб усулига;
 - D) тўғри жавоб йўқ.
- 2. Ғазна ҳисобваракларига келиб тушган даромадлар тўғрисидаги маълумот бухгалтерия ҳисоби ходимлари томонидан қанча вақтда оралигига хизмат қўрсатувчи банкнинг ғазна ҳисобваракларидан кўчирмалари асосида тайёрланади?**
- A) ҳар хафта;
 - B) 3 кунда бир;
 - C) ҳар куни;
 - D) кунига икки марта.
- 3. Ғазна ҳисобваракларига келиб тушган даромадлар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби ходимлари томонидан тузиладиган маълумотномада қўйидагилар қўрсатилши керак.**
- A) бюджет таснифининг бўлими;
 - B) харажат моддаси, параграфи;
 - C) келиб тушган ҳисобваракларнинг шартли рақамлари (ҲШР);
 - D) харажат тури, ҳар бир тўлов тури бўйича суммалар.
- 4. «Бош-журнал»дафтари асосида ҳар бир бюджет бўйича бюджетнинг ғазна ижроси баланси қандай шаклланади?**
- A) умумий;
 - B) алоҳида;
 - C) қўшилган ҳолда;
 - D) A ва B.
- 5. Ҳисбот даврида бюджет ижроси натижалари ҳисобварагига тушган даромадларни ҳисобдан чиқариш**
- A) Дт 090 Кт 040
 - B) Дт 040 Кт 090
 - C) Дт 010 Кт 090
 - D) Дт 020 Кт 040

6. Республика бюджетига солиқлар, йиғимлар ва бошқа даромадлардан маблағларнинг тушумига

- A) Дт 010 Кт 040
- B) Дт 040 Кт 010
- C) Дт 010 Кт 034
- D) Дт 034 Кт 010

7. Республика бюджети прогноз қўрсаткичларини ошириб бажарилишидан тушган даромадлар суммаларини маҳаллий бюджетларга ўтказилди

- A) Дт 010 Кт 043
- B) Дт 043 Кт 010
- C) Дт 010 Кт 034
- D) Дт 011 Кт 040

8. Вилоят бюджетининг даромадаларига солиқлар, йиғимлар ва бошқа даромадлар ўтказмаларидан тушумлар

- A) Дт 011 Кт 040
- B) Дт 043 Кт 011
- C) Дт 011 Кт 034
- D) Дт 011 Кт 040

9. Ҳисобот даврида тушган даромадларни бюджетлар ижроси натижалари ҳисобига ўтказиш

- A) Дт 090 Кт 040
- B) Дт 040 Кт 090
- C) Дт 040 Кт 040
- D) Дт 034 Кт 040

10. Республика бюджетининг касса харажатларини тиклаш операциясига праводка беринг

- A) Дт 010 Кт 020
- B) Дт 020 Кт 010
- C) Дт 010 Кт 030
- D) Дт 010 Кт 030

11. Республика бюджетидан қуий маҳаллий бюджетларга ажратилган дотацияларни (субвенциялар) ўзаро ҳисобитобларга олиб бориш

- A) Дт 010 Кт 061
- B) Дт 061 Кт 010
- C) Дт 061 Кт 020
- D) Дт 020 Кт 061

12. Бюджетдан маблағ олувчиларга берилган суммалар бүйича амалга оширилган касса харажатларини ўзаро ҳисобкитобига олиб бориш

- A) Дт 010 Кт 061
- B) Дт 061 Кт 010
- C) Дт 061 Кт 020
- D) Дт 020 Кт 061

13. Ҳисобот йилида амалга оширилган касса харажатларини бюджет ижроси натижалари ҳисобварагига ўтказиш

- A) Дт 090 Кт 020
- B) Дт 080 Кт 010
- C) Дт 082 Кт 020
- D) Дт 020 Кт 090 .

14. Республика бюджетидан қуий маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш

- A) Дт 010 Кт 051
- B) Дт 044 Кт 010
- C) Дт 051 Кт 010
- D) Дт 010 Кт 041

15. Республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки хорижий давлатга бюджет ссудалари бериш

- A) Дт 010 Кт 053
- B) Дт 051 Кт 010
- C) Дт 053 Кт 010
- D) Дт 010 Кт 051

16. Бюджет ссудалари бүйича қарздорликларни қайтариш ҳисобига юқори бюджетта маблағларни ўтказиш

- A) Дт 052 Кт 011
- B) Дт 051 Кт 011

- C) Дт 053 Кт 011
- D) Дт 054 Кт 011

17. Туман (шаҳар) бюджетининг бюджет ссудалари бўйича қарздорлик суммаларини ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш

- A) Дт 052 Кт 061
- B) Дт 062 Кт 052
- C) Дт 061 Кт 052
- D) Дт 052 Кт 062

18. Бюджет ссудалари бўйича суммаларни ўзаро ҳисоб-китобларга олиб бориш

- A) Дт 052 Кт 061
- B) Дт 062 Кт 052
- C) Дт 061 Кт 052
- D) Дт 052 Кт 062

19. Юқори бюджетдан туман (шаҳар) бюджетига олинган бюджет ссудалари суммалари

- A) Дт 052 Кт 061
- B) Дт 052 Кт 093
- C) Дт 093 Кт 052
- D) Дт 052 Кт 062

20. Бюджет ташкилотларининг харажатларини маблағ билан таъминлашда янги молия йилида нима ҳисобига камайтирилиши мумкин?

- A) 1 январ ҳолатига нормативдан ортиқ материал қийматликлар суммасига;
- Б) Молия вазирлигининг қарорига асосан;
- C) Дебитор қарзларнинг кредиторлик қарзлардан ортиқ суммасига;
- D) Дебитор қарзларнинг кредиторлик қарзлардан ортиқ суммасига, 1 январ ҳолатига нормативдан ортиқ материал қийматликлар суммасига.

21. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга мувофиқ бошлиғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари нималардан иборат?

- А) ҳужжат рақамлари, санаси, имзоси, мазмуни;
- Б) корхона номи, ҳужжат номи ва рақами, сана ва жой, мазмуни миқдори ва масъул шахс имзоси;
- С) корхона номи, ҳужжат номи ва рақами, сана ва жой ва масъул шахс имзоси;
- Д) корхона номи, ҳужжат номи ва рақами, сана ва жой, мазмуни миқдори ва масъул шахс ва корхона раҳбари имзоси.

22. Маблағ билан таъминлаш касса ва амалдаги харожатларни лимитлар доирасида бўлишини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш учун қайси дафтар юритилади?

- А) 294-шаклдаги;
- Б) Касса дафтари;
- С) 296 шаклдаги;
- Д) 279 шаклдаги.

23. Бюджет ташкилотларида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этишини ким амалга оширади?

- А) Ташкилот раҳбари;
- Б) Бош ҳисобчи;
- С) Юқори ташкилот раҳбари;
- Д) ЎзР Молия вазирлиги.

24. Балансдан ташқари счёtlар нима мақсадда қўлланилади?

- А) Ташкилотнинг мол-мулкларини алоҳида акс эттириш учун;
- Б) Муассасага тегишли бўлмаган вақтинчалик маблағларни акс эттириш учун;
- С) Ташкилотнинг вақтинчалик балансидан чиқарилган мулклар ва бошқа қийматликлар учун;
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

25. Тегишли молия органлари томонидан қайси муддат ичida бюджет ташкилотлари томонидан тасдиқланган сметалар ва штат жадваллари рўйхатдан ўтказилади?

- А) Молия йилининг биринчи чорагида;

В) Бюджетнинг параметрлари тасдиқлангандан сўнг 55 кундан кечиктиримай;

С) Бюджетнинг параметрлари тасдиқлангандан сўнг 30 кундан кечиктиримай;

Д) Бюджетнинг параметрлари тасдиқлангандан сўнг 40 кундан кечиктиримай.

26. Газначилик бўлимларида I ва II гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар қайси хужжатга асосан рўйхатга олинади?

А) Чек;

Б) Сўровнома;

С) Талабнома;

Д) барча жавоблар тўғри.

27. Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сугуртлаш харажат моддаси қайси харажат гурухи таркибига киритилади?

А) 1 – гурух таркибига;

Б) 2 – гурух таркибига;

С) 3 – гурух таркибига;

Д) 4 – гурух таркибига.

28. «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари» (1998 йил 17 декабрда 565 сон билан АВдан рўйхатдан ўтган) га асосан ҳисоб бериш шарти билан берилган нақд пулларнинг сарфланмаган қисми улар берилган муддат тугагандан кейин неча кундан кечиктирилмасдан ташкилот кассасига қайтарилиши шарт.

А) 5 кун;

Б) 30 кун;

С) 3 кун;

Д) Аванс ҳисоботи топширилган кунда.

29. Бюджет ташкилотлари томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича қайси хужжат Газначиликка тақдим қилинганда кўрсатилган маблағ смета доирасида тўлаб берилади?

А) Ишончнома;

- В) Нақд пул олиш учун чек;
- С) Сўровнома;
- Д) Талабнома.

30. Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби қайси бухгалтерия хужжатида юритилади?

- А) Бошлангич хужжатларда;
- Б) Инвентар карточкаларда;
- С) Қабул қилиш-топшириш далолатномасида;
- Д) Бош дафтарда.

31. Асосий воситаларга эскириш қандай ҳисобланади ва хужжатлаштирилади?

- А) Эскириш нормалари бўйича, далолатнома тузиб;
- Б) Зарур бўлган холлардагина эскириш ҳисобланади ва далолатнома тузилади;
- С) Белгиланган эскириш нормалари асосида бухгалтерия маълумотномалари ва расчёtlари тузилиб;
- Д) Эскириш ҳисобланмайди, чунки бюджет ташкилоти бўлгани учун.

32. Қайси моддий қийматликлар асосий воситалар қаторига олиб борилмайди?

- А) Нархи 50 минимал иш ҳақи микдоридан кам бўлса;
- Б) Нархидан қатъи назар хизмат муддати бир йилгача бўлса;
- С) Нархи 5 минимал иш ҳақи микдоридан кам бўлса;
- Д) Нархи 25 минимал иш ҳақи микдоридан кам бўлса.

33. Меъёрдан ортиқ товар-моддий қийматликни ҳисоб қилишда хўжалик ва канцелярия материаллари мавсумий захиралари неча кунни ташкил этади?

- А) 25 кунни;
- Б) 45 кунни;
- С) 55 кунни;
- Д) 120 кунни.

34. Бюджет ташкилотлари товар-моддий қийматликлари мавсумий захиралари нормасини аниқлаш тартиби қайси меъёрий хужжатда келтирилган?

- A) ЎзР ВМ 3 сентябрдаги 414 сонли қарорида;
- B) ЎзР АВ дан 2001 йил 12 апрелда 1025 сон билан рўйхатдан ўтган йўриқнома;
- C) ЎзР АВ дан 2002 йил 14 марта 1111 сон билан рўйхатдан ўтган низом;
- D) ЎзР АВ дан 1999 йил 23 декабрда 859 сон билан рўйхатдан ўтган йўриқнома.

35. Тегишли моддий бойликларни қабул қилиш ва олиб кетиш имкониятидан келиб чиқиб, ишончномаларни амал қилиши амалдаги қонунлар бўйича қайси муддатга белгиланади?

- A) 20 кундан ортмаган муддатга;
- B) Муддати белгиланмаган;
- C) 10 кундан ортмаган муддатга;
- D) 15 кундан ортмаган муддатга.

36.»Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом» га асосан вақтингчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касаллклар ёки маҳсус имтиёзга эга бўлмаган ходимларга қандай миқдорда тўланади?

- A) Умумий иш стажи 8 йилдан ортиқ бўлса 100%;
- B) Умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлса 100% 8 йилгача 80%;
- C) Умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлса 100%, 5 йилдан 8 йилгача 80%, 5 йилгача 60%;
- D) Умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлса 80%, 8 йилгача 60%.

37. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағи қайси харажатларга йўналтирилади?

- A) Ижтимоий соҳага, моддий техника базасига;
- B) Кредиторлик қарзларни ёпишга, моддий техника базасини ривожлантиришга, иш ҳақи ҳисобига;
- C) Кредиторлик қарзларни ёпишга, моддий техника базасини ривожлантиришга, ходимларни моддий рағбатлантиришга;
- D) Ташкилот смета доирасида харажат қиласи.

38. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ташкилотнинг кредиторлик қарзлари бўлмаса неча фоизи моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади?

- A) 25% B) 100% C) 75% D) 90%

39. 19 сонли БХМС га мувофиқ кассадаги пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар инвентаризацияси қайси муддатда ўтказилади?

- A) ҳар чоракда бир марта;
B) ҳар ойда бир марта;
C) ҳар йили бир марта;
D) режага асосан.

40. Бюджет ташкилотларида мулкий қийматликлар ва молиявий мажбуриятлари йил давомида неча марта инвентаризация қилинади?

- A) 2 марта;
B) 1 марта;
C) моддий жавобгар шахс ўзгарганда;
D) В ва С.

41. Капитал қурилиш, иш ва хизматлар бўйича шартнома қиймати қанча бўлганда тендер савдолари ўтказилади?

- A) 50 минг АҚШ долларидан ошганда;
B) 100 минг АҚШ долларидан ошганда;
C) 25 минг АҚШ долларидан ошганда;
D) тўғри жавоб йўқ.

42. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар учун ҳисобланадиган эскириш суммаси қайси муддатларда ҳисобланади?

- A) ҳар чоракда;
B) бир йилда бир марта;
C) ҳар ойда;
D) ҳар олти ойда.

43. Ижара шартномасининг неча фоиз тўлови бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси хисобварагига тушади?

- A) конунчиликда белгиланган миқдорда;
- B) 25%;
- C) 50%;
- D) 42%.

44. Бюджет ташкилотларининг бино иншоотларидан ташқари бошқа асосий воситаларини сотилишида қайси ҳолатларда баҳолаш ташкилотлари томонидан қайта баҳолангандан кейин сотилиши керак?

- A) Бюджет ташкилоти юкори ташкилот билан келишган ҳолда белгиланган тартибда баҳолаш ташкилотларини жалб этмаган ҳолда сотилади;
- B) Бир инвентарь объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқни ташкил этганда;
- C) Бир инвентарь объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) эллик баравари миқдоридан ортиқни ташкил этганда;
- D) тўғри жавоб келтирилмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Меърий-хукукий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги Қонуни, № 279-I сонли.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни, № 664-II сонли.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, № 158-II сонли.

4. «Мехнат кодекси» Ўз.Р 1995 йил 21 декабрдаги №161-I – сон ЎзР. қонуни билан тасдиқланган.

5. «Солиқ кодекси» Ўз.Р 2007 йил 25 декабрдаги №ЎРК-136 – сон ЎзР. қонуни билан тасдиқланган.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 июнданги 129-сонли Қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қарори.

10. «Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида» Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган.

11. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари» ЎзР АВ. томонидан 2009 йил 16 сентябрда № 2007 - сон билан рўйхатдан ўтган.

12. «Бюджетдан маблаг олувчиларнинг шахсий ҳисобваракларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига ва унинг ҳудудий бўлимларида юритиш қоидалари» ЎзР АВ. томонидан 2007 йил 5 декабрда №1746 сон билан рўйхатдан ўтган.

13. «Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома» ЎзР АВ. томонидан 2006 йил 10 апрелда № 1560 - сон билан рўйхатдан ўтган.

14. «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом» ЎзР АВ. томонидан 2004 йил 14 январда № 1297-сон билан рўйхатдан ўтган.

15. «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли Қарори билан тасдиқланган).

16. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 19-сонли «Инвентаризацияни ўtkазиш ва ташкил этиш» миллий стандарти. ЎзР АВ. томонидан 1999 йил 2 ноябрда № 833 - сон билан рўйхатдан ўтган.

17. «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва соликка тортиш тартиби тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 мартағи 37,2004-26,20/1-сонли қўшма қарори.

18. «Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Низом ЎзР АВ. томонидан 2008 йил 16 июнда № 1828-сон билан рўйхатдан ўтган.

19. «Давлат бюджети, Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалари бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома» ЎзР Молия вазирлигининг 2011 йил 14 январдаги 2-сонли буйруғи тасдиқланган.

20. «Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби» ЎзР АВ. томонидан 2000 йил 25 январда № 880-сон билан рўйхатдан ўтган.

21. «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари» ЎзР АВ. томонидан 2002 йил 14 марта № 1111-сон билан рўйхатдан ўтган.

22. Бюджет ташкилотлари томонидан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш, ўтказиб бериш ва тўлашни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишининг вақтинча тартиби (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 22 апрелдаги дк/03-04-04/181-сонли хати).

23. «Юридик ташкилотлар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари». Ўз.Р АВ. томонидан 1998 йил 17 декабрда № 565-сон билан рўйхатдан ўтган.

24. «Қорақалоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисида низом» ЎзР АВ. томонидан 2001 йил 19 июля №1052-сон билан рўйхатдан ўтган.

25. «1 январ ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2002 йил 4 декабря № 1192-сон билан рўйхатдан ўтган.

26. «Ўзбекистон Республикаси худудидаги хизмат сафарлари тўғрисида» Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2003 йил 29 августда № 1268-сон билан рўйхатдан ўтган.

27. «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблаг бериш тартиби» Ўз.Р АВ. томонидан 2000 йил 5 июня № 932-сон билан рўйхатдан ўтган.

28. «Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси тўғрисида йўриқнома» Ўз.Р АВ. Томонидан 1995 йил 20 сентябрда № 177-сон билан рўйхатдан ўтган.

29. «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда курилиші тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек, уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисида» Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

30. «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида» Низом. Ўз.Р АВ. томонидан 1999 йил 06 августда № 795-сон билан рўйхатдан ўтган.

31. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва ЎзР Молия вазирлигининг 2004 йил 2 мартағи 2П, 43-сон қарорлари билан тасдиқланган.

32. «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2009 йил 30 октябрда № 2028-сон билан рўйхатдан ўтган.

33. «Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида» Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 23 февралда № 2080-сон билан рўйхатдан ўтган.

34. «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тартиби тўғрисида» Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2002 йил 8 майда № 1136-сон билан рўйхатдан ўтган.

35. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиши, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида» Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 19 ноябрда № 2157-сон билан рўйхатдан ўтган.

36. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.

37. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблаг билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маъruzалари:

38. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» – Т.: «Ўзбекистон» 2009 й.

39. И.А. Каримов Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

3. Махсус адабиётлар:

40. М.Останақулов Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009.

41. М.Останақулов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009.

42. М.Останақулов Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009.

43. М.Останақулов Бюджет ҳисоби. Дарслик. – Т.: «TALQIN», 2008.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

44. О.Краснoperova Бюджетный учет – М.: «ГроссМедиа Ферлаг», 2008.

45. Н.П.Кондраков, И.Н.Кондраков Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. – М.: Проспект, 2006.

46. Г.Қосимова Давлат бюджети ижросининг газначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008.

47. Иқтисодий журналлар 2009–2011 йиллар.

48. Интернет сайтлари:

- www.lex.uz

- www.MP.uz

МУНДАРИЖА

	СЎЗ БОШИ.....	3
1-боб	«БЮДЖЕТ ҲИСОБИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИЁТИ	
1.1	Бюджет ҳисоби фанининг предмети, вазифалари ва услубий асослари.....	6
1.2	Ўзбекистон Республикасида Бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш.....	12
2-боб	МОЛИЯ ОРГАНЛАРИДА, ФАЗНАЧИЛИК ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	
2.1	Молия органларида, Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш асослари.....	15
2.2	Молия органи, Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари бош ҳисобчисининг мажбуриятлари, хуқуклари ва жавобгарлиги.....	26
2.3	Давлат бюджети газна ижроси шароитида бюджет даромадлари ҳисоби.....	29
2.4	Газна ижроси шароитида бюджет харажатлари касса ижроси ҳисоби.....	42
2.5	Бюджет ссудалари ҳисоби.....	51
2.6	Бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоблашувлар ҳисоби.....	62
2.7	Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлари.....	71
3-боб	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	
3.1	Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг максади, вазифалари ва хусусиятлари.....	85
3.2	Бюджет ташкилоти бош ҳисобчисининг мажбуриятлари, хуқуклари ва жавобгарлиги.....	92
3.3	Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини тайинланиши ва тузилиши.....	97
3.4	Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблаглар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби.....	105
4-боб	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА НОМОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ	
4.1	Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш	115
4.2	Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш.....	127
4.3	Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва уларни ҳисоби..	133

4.4	Асосий воситаларни хисобдан чиқариш ва уларни хисобда акс эттириш.....	138
4.5	Номоддий активлар ҳисоби.....	149
4.6	Товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш.....	159
4.7	Товар-моддий захиралар киримини ҳисобга олиш.....	169
4.8	Товар-моддий захираларни хисобдан чиқариш ва уларни хисобда акс эттириш.....	176
4.9	Товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби.....	184
5-боб	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ	
5.1	Молиявий активлар ҳисобини ташкил этиши.....	190
5.2	Ҳисобвараклардаги бюджет маблағларининг ҳисоби.....	193
5.3	Ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби	203
5.4	Касса операциялари ҳисоби.....	212
5.5	Бошқа пул маблағлари ва молиявий кўйилмалар ҳисоби...	216
6-боб	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОРЛАР ҲИСОБИ	
6.1	Бюджет ташкилотларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини ташкил этиши.....	224
6.2	Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.....	228
6.3	Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.....	241
6.4	Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.....	248
7-боб	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ	
7.1	Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобини ташкил этиши.....	265
7.2	Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби.....	271
7.3	Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби.....	277
7.4	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби.....	283
7.5	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби.....	290
7.6	Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби.....	300

7.7	Якуний молиявий натижалар хисоби.....	306
8-бөб	БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАР	
8.1	Бюджет ташкилотларида молиявий хисоботлар, уларни түзиш, тасдиклаш ҳамда тақдим қилиш тартиби.....	311
8.2	Бюджет ташкилотларининг молиявий хисоботлари ахборот имкониятлари.....	320
	АСОСИЙ ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ.....	325
	ТЕСТ САВОЛЛАРИ ВАРИАНТЛАРИ.....	329
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	339

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВВЕДЕНИЕ.....	3
Глава-1 ПРЕДМЕТ И МЕТОДЫ БЮДЖЕТНОГО УЧЕТА	
1.1. Предмет бюджетного учёта, задачи и методические основы.....	6
1.2 Организация и ведения бюджетного учёта в Республики Узбекистан.....	12
Глава-2 ОРГАНИЗАЦИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЁТА И ОТЧЕТНОСТИ В ФИНАНСОВЫХ ОРГАНАХ, КАЗНАЧЕЙСТВА И ЕГО ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯХ	
2.1 Основы организации бухгалтерского учёта в финансовых органах, Казначейства и его территориальных подразделение.....	15
2.2 Обязанности, право и ответственности главных бухгалтеров финансовых органов, Казначейства и его территориальных подразделение	26
2.3 Учёт доходов бюджета в условиях казначейского исполнения Государственного бюджета.....	29
2.4 Учет расходов бюджета в условиях казначейского исполнения Государственного бюджета	42
2.5 Учёт бюджетных ссуд.....	51
2.6 Учёт взаимных расчётов между бюджетами.....	62
2.7 Учёт результатов исполнения бюджета и отчётность.....	71
Глава-3 ТЕОРЕТИЧЕСКИ – МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЁТА В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ	
3.1 Цель, задачи и особенности организации бухгалтерского учёта в бюджетных организациях.....	85
3.2 Обязанности, право и ответственности главных бухгалтеров бюджетных организаций.....	92
3.3 Назначение и структура счётов бухгалтерского учёта бюджетных организаций.....	97
3.4 Порядок составления, утверждения, предоставления смет доходов, расходов а также штатных расписаний по бюджетным и внебюджетным средствам бюджетных организаций.....	105
Глава-4 УЧЁТ НЕФИНАНСОВЫХ АКТИВОВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ	
4.1 Организация учёта основных средств	115
4.2 Учёт поступления основных средств.....	127

4.3	Учёт износа основных средств.....	133
4.4	Списание основных средств и отражения в учёте.....	138
4.5	Учёт нематериальных активов.....	149
4.6	Организация учёта товарно-материальных ценностей....	159
4.7	Учёт поступления товарно-материальных ценностей....	169
4.8	Списание товарно-материальных ценностей и отражение в учёте.....	176
4.9	Учёт производственных расходов продукции (работ и услуг).....	184
Глава-5	УЧЁТ ФИНАНСОВЫХ АКТИВОВ В БЮД- ЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ	
5.1	Организация учёта финансовых активов.....	190
5.2	Учёт бюджетных средств на счётах.....	193
5.3	Учёт внебюджетных средств на счётах.....	203
5.4	Учёт кассовых операций.....	212
5.5	Учет других денежных средств и финансовых вложений.	216
Глава-6	УЧЁТ ДЕБИТОРОВ И КРЕДИТОРОВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ	
6.1	Организация учёта дебиторской и кредиторской задолженности в бюджетных организациях.....	224
6.2	Учёт расчётов с разными дебиторами и кредиторами....	228
6.3	Учёт расчётов с бюджетами и внебюджетными фондами.....	241
6.4	Учёт расчётов с работниками и стипендиатами.....	248
Глава-7	УЧЁТ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ	
7.1	Организация учёта финансовых результатов в бюджетных организациях.....	265
7.2	Учёт финансовых результатов текущего года по бюджетным средствам.....	271
7.3	Учёт финансовых результатов текущего года по расчётом специальных видов платежей.....	277
7.4	Учёт финансовых результатов текущего года по поступлениям от платно – контрактного обучения в образовательных учреждениях.....	283
7.5	Учёт финансовых результатов текущего года по средствам фонда развития бюджетных организаций.....	290
7.6	Учёт финансовых результатов текущего года по другим доходам.....	300
7.7	Учёт заключительных финансовых результатов.....	306

Глава-8 ФИНАНСОВАЯ ОТЧЁТНОСТЬ БЮДЖЕТНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

8.1	Порядок составления, утверждения и предоставления финансовых отчётов бюджетных организаций.....	311
8.2,	Информационное обеспечение финансовых отчетов бюджетных организациях.....	320
	СЛОВАРЬ ОСНОВНЫХ ТЕРМИНОВ.....	325
	ТЕСТЫ.....	329
	ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА.....	339

CONTENTS

	INTRODUCTION.....	3
1-chapter	THE METHOD'S AND OBJECT OF BUDGET	
1.1	The methodical basis, tasks and object of Budget	6
1.2	Organization and execution of Budget accounting in	12
2-chapter	ORGANIZATION OF ACCOUNTING AND REPORTING IN FINANCIAL ORGANS	
2.1	Organization of accounting in financial organs, treasury ant it's regional branches.....	15
2.2	The responsibilities and rights of head accountants in financial organs. treasury ant it's regional branches.....	26
2.3	Budget revenue accounting in treasury execution system...	29
2.4	Budget expenditure accounting in treasury execution	42
2.5	Budgetary loan accounting.....	51
2.6	Accounting of inter budget transfers.....	62
2.7	Accounting and reporting of the results of budget execution	71
3-chapter	ORGANIZATION ACCOUNTING IN BUDGET ORGANIZATIONS AND IT'S THEORETICAL	
3.1	The aims, tasks and characteristics of organization accounting in budget organizations.....	85
3.2	The structure and order of account plans in budget	92
3.3	Organization of revenue and expenditure plans for budget and off-budget resources, human resource schedule, approval and it's presentation in budget organizations.....	97
3.4	Non-finance assets accounting in budget organizations....	105
4-chapter	ORGANIZATION OF REAL ASSET ACCOUNTING	
4.1	Real asset inn-s accounting.....	115
4.2	Calculation of depreciation of real assets and their	127
4.3	Real asset out-s accounting and it's presentation.....	133
4.4	Accounting of non-real assets.....	138
4.5	Organization of materials accounting.....	149
4.6	Accounting of inn-s of materials.....	159
4.7	Accounting of materials out-s and it's presentation.....	169
4.8	Product cost accounting.....	176
4.9	Financial assets accounting in budget organizations.....	184
5-chapter	ORGANIZATION OF FINANCIAL ASSETS ACCOUNTING	
5.1	Accounting of cash(budget) at bank accounts.....	190
5.2	Accounting of cash(off-budget) at bank accounts.....	193
5.3	Accounting of cash operations.....	203
5.4	Financial investments and other resources accounting.....	212
5.5	Accounting of receivables and payables in budget	

	organizations.....	216
6-chapter	ORGANIZATION OF ACCOUNTING OF RECEIVABLES AND PAYABLES IN BUDGET	
6.1	Accounting of payments of different receivables and	224
6.2	Accounting of payments with budget and off-budget funds	228
6.3	Accounting of wages and stipendium payments.....	241
6.4	Accounting of financial results in budget organizations....	248
7-chapter	ORGANIZATION OF ACCOUNTING OF FINANCIAL RESULTS IN BUDGET	
7.1	Accounting of current year financial results in budget	265
7.2	Accounting of special payments in current year financial	271
7.3	Accounting of contract payments for study at higher education in current year financial results.....	277
7.4	Accounting of budget organization development funds resources in current year financial results.....	283
7.5	Accounting of other revenues in current year financial results in budget organizations.....	290
7.6	Accounting of last financial results.....	300
7.7	Financial reporting in budget organizations.....	306
8-chapter	ORGANIZATION, EXECUTION AND PRESENTATION OF FINANCIAL REPORTS IN	
8.1	The order of organization, execution and presentation of financial reports in budget organizations.....	311
8.2	The information potentials of budget organizations.....	320
	THE GLOSSARY.....	325
	TESTS.....	329
	THE LIST OF USED LITERATURE.....	339

МЕХМОНОВ СУЛТОНАЛИ УМАРАЛИЕВИЧ

БЮДЖЕТ ҲИСОБИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: X.Ғуломов
Мусаххиха: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишига рухсат этилди 2012 йил.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоби 23,0. Нашр босма табоби 22,0
Тиражи 500. Буюртма № 20.

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кӯчаси, 171-уй.**